

**С.Қ. МАХМУДОВ**

**Р.Ш. ЮЛДАШЕВ**

**БАНКЛАРДА  
БУХГАЛТЕРИЯ  
ҲИСОБИ.**

**2017**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

**С.Қ. МАХМУДОВ**

**Р.Ш. ЮЛДАШЕВ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ**  
**ҲИСОБИ**

(ўқув-қўлланма)

**АНДИЖОН-2017**

С.Махмудов-и.ф.н ва катта ўқитувчи Р.Юлдашев. Тижорат банкларда бухгалтерия ҳисоби./ Ўқув-қўлланма.

Мазкур ўқув қўлланма тижорат банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларга асосан, шунингдек, шу соҳага оид Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқот натижалари ҳамда даврий нашрлардаги ахборот манбаалардан фойдаланилган.

Ушбу ўқув-қўлланмада тижорат банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, уларда иш куни ва ҳужжатлар айланиши, аналитик ва синтетик ҳисобни юритиш тартиби, моддий ва номоддий активларни ҳисобга олиш, касса, кредит ва лизинг, чет эл валютаси, устав капиталини шакллантириш ва фондлар ташкил этиш, қимматли қоғозлар, молиявий натижалар ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоботлар кенг ёритилган.

Мазкур ўқув-қўлланма Давлат таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув дастурлари асосида тайёрланган бўлиб, уни 5230900-«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» ҳамда бошқа таълим йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларнинг ўқув жараёнида фойдаланишлари учун тавсия этилади.

Тақризчилар:

“Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва аудит”

кафедраси доценти, и.ф.н (ички)

Х.Комолов

АТБ “Агробанк” Андижон вилоят

бошқармаси бош ҳисобчиси (ташқи)

Б.Эгамқулов

## Кириш

Банк тизимида ислохотларни амалга оширишда асосий эътибор тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва уларнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтириш борасидаги вазифалар ижросига қаратилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларлар натижасида иқтисодиётимиз йилдан йилга ўсиб бормоқда.

2016 йилда жаҳонда ва асосий савдо ҳамкор давлатларда содир бўлган иқтисодий жараёнларни инобатга олиб, уларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирининг олдини олишга, ички талаб ва реал сектордаги инвестицион фаолликни рағбатлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда барча соҳаларда ишлаб чиқариш ҳажмларининг кенгайтирилиши таъминлаш орқали мувозанатли иқтисодий ўсиш суръатларига эришишга қаратилган давомли макроиқтисодий сиёсат юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек: “2016 йил яқунлари бўйича ЯИМ 7,8 фоиз ўсганлиги қайд этиб ўтилди. Саноат маҳсулоти ҳажмлари – 6,6 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари – 12,5 фоиз, чакана савдо айланмаси – 14,4 фоиз, хизматлар – 12,5 фоиз ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади ва 5,7 фоизни ташкил этди. Иқтисодиётга 16,6 млрд АҚШ доллари миқдорида ёки 2015 йилдагига нисбатан 9,6 фоиз кўп инвестициялар йўналтирилди. Ўзлаштирилган

хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоиз ўсди ва 3,7 млрд доллардан ошиб кетди.”<sup>1</sup>.

Албатта бундай ишларни амалга оширишда тижорат банкларида мавжуд кредит ресурсларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ресурсларнинг ҳаракатини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларида ўз вақтида тўғри ҳисобга олишни тақозо этади. Бу ўз навбатида, тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби фанни ўқитишда фаннинг олдига қўйган асосий мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш, шунингдек, талабаларга бугунги кундаги мавжуд муаммоли масалаларни қамраб олувчи мавзуларни ўқитиш талим тизимидаги долзарб масалалардан бирига айланди.

Ушбу эҳтиёжларни инобатга олиб, талабаларнинг тижорат банкларида амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш бўйича тушунча ва кўникмалар ҳосил қилишлари учун ўқув адабиёти тайёрланди.

Мазкур ўқув қўлланма банк тизимида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини юритишнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, ўқув дастурларида белгиланган мавзулар мазмун ва моҳияти жиҳатидан очиқ беришга ҳаракат қилинди. Бундан ташқари тижорат банк муассасалари томонидан ходимларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби кенг таҳлил қилинган.

Бунда, талабалар ушбу фанни ўқиш давомида тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг тартиб-қоидаларини, банкларда ҳисоб-китоб-пул ҳужжатларини қабул қилиш, қайта ишлов бериш, расмийлаштириш ҳамда ҳужжатлар айланиши ташкил қилишни, шунингдек,

---

<sup>1</sup> “Норма маслаҳатчи” газетаси 2017 йил, №3-сони. 2017 йил 14 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлиси..

уларнинг аналитик ва синтетик ҳисобни юритиш бўйича тушунчалар ҳосил қилишлари мумкин.

Шу билан бирга, банкдаги мавжуд моддий қийматликлардан фойдаланишни ва уларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш, шунингдек, миждозларга нақд ва нақд пулсиз хизматлар кўрсатишдан, банкнинг бўш турган маблағларини вақтинчалик даромад келтирувчи (кредит, лизинг, факторинг, қимматли қоғозлар бозорига) манбаларга йўналтиришдан кутиладиган даромадларини (шундай харажатларини) бухгалтерия ҳисобида тўғри ҳисобга олиш, хусусан, банкларда амалга ошириладиган операциялар бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини тузиш ҳамда молиявий натижаларни аниқлаш бўйича билим олиш имкониятига эга бўладилар.

Шундай қилиб, мазкур ўқув қўлланма Давлат таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув дастури асосида тайёрланган бўлиб, уни 5230900-«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларнинг ўқиш жараёнида фойдаланишлари учун тавсия этилади.

Ушбу ўқув қўлланмани таёрлаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқарилган меъёрий ҳужжатларидан кенг фойдаланилди.

## **I-БОБ.БАНКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ.**

### **1.1.Банкларда бухгалтерия ҳисобининг мазмуни ва уни ташкил этишнинг аҳамияти.**

**Банк**-тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир:

**Банклар ўз фаолиятларида қуйидаги банк операцияларини амалга оширадилар:**

1. жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;
2. омонатларни жалб этиш;
3. кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш.
4. маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;
5. чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;
6. пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;
7. учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;
8. учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;
9. қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, миждоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;

10. банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш;
11. жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;
12. молиявий лизинг;
13. халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар.

Банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмаслар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.<sup>2</sup>

**Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий мақсади**-банк активлари ва пасивларидан самарали фойдаланиш, уларни жойлаштириш ва кўрсатилган банк хизматлари юзасидан даромад (фоизли)ларни ҳамда банк операцияларини амалга ошириш бўйича харажатлар (фоизли) ни, шунингдек, бюджет ва бюджетдан ташқари тўловларни ўз вақтида ҳисоблаб, якуний молиявий натижаларни тўғри аниқлашдан иборатдир. Бунда талабалар банкларда бухгалтерия ҳисобини ўрганишда, аввало, унинг корхоналар, бюджет ва бошқа кредит муассасаларида юритиладиган бухгалтерия ҳисобидан туб фарқларини тушунишлари зарур.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш бошқа корхона ва ташкилотларникига нисбатан ўзининг оперативлиги билан ажралиб туради. Чунки уларда соат 16-00 гача операцион кун бўлиб, шу давр мобайнида амалга ошириладиган операциялар ўша куниёқ мижозларнинг аналитик ҳисобидаги шахсий ҳисобварақларда акс эттирилади ва кундалик баланс орқали умумлаштириш усули билан назорат қилиб борилади. Бу пул маблағларининг сақланиши, кундалик пул айланмаси ва ҳисоб-китоб кредит

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 25.04.1996 й. №216-I «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида».

муносабатларининг ҳолати, касса режасининг бажарилишини назорат қилиш имкониятини бериш билан биргаликда, пул муомаласи ҳамда кредит ресурсларининг айланишини тартибга солишни таъминлайди.

Бухгалтерия ҳисобининг объектларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва банк фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ҳамда улар бўйича тўлиқ маълумотларга эга бўлиш учун ўлчов бирлиги (пул)дан фойдаланилади. Шу боисдан, тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини тўғри юритишда қуйидаги асосий вазифаларни бажаришни талаб қилади:

- ҳисоб-китоблардаги маблағлар айланишини тезлаштириш, мижозларга тез ва пухта хизмат кўрсатиш, ҳисоб-китоб, касса, валюта, кредит ҳамда бошқа банк операцияларини тўғри бажариш;
- банкдан пул маблағлари, моддий бойликлар, шунингдек, қатъий ҳисобда турадиган бланкалардан фойдаланишнинг қонунийлигини таъминлаш;
- операцион кун давомида бажарилган ва кўрсатилган хизматлар бўйича расмийлаштирилган ҳужжатларнинг қонунийлигини ҳамда тўғрилигини назорат қилиш;
- тижорат банкларида бажарилган ва кўрсатилган хизматлар бўйича молиявий натижаларни шакллантириш ва уларни тўғри аниқлаш;
- кундалик балансни тузиш учун дастлабки ҳужжат маълумотларини қайта ишлаш ва уларнинг ҳар бир ҳисобварақлари бўйича тақсимлашни самарали ташкил этиш;
- ойлик, чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини тузиш ҳамда тегишли назорат органларига ўз вақтида тақдим этиб боришдан иборатдир.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда бухгалтерия ҳисобининг қонуний ва услубий асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни», «Бухгалтерия

ҳисобининг миллий стандартлари», «Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари» ҳамда Ўзбекистон Республикаси марказий банки томонидан ишлаб чиқарилган меъёрий ҳужжатлари ҳисобланади.

Ушбу қонуний ҳужжатлар бухгалтерия ҳисобини юритишда тартибга солувчи қонуний ҳужжатлар ҳисобланади ва мулкчилик шаклидан, яъни, қайси тармоққа тегишлилигидан ҳамда катта-кичиклигидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар учун амал қилинади.

Шундай қилиб, тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби фанини ўрганишда унинг назарий асосларини чуқур ўзлаштириш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини тузишга оид меъёрий ҳужжатларни ҳам билишни тақазо этади.<sup>3</sup>

Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиниши Адлия вазирлигида 2008 йил 11 июлда 1834-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида” йўриқномага асосан юритилади.

Бухгалтерия ҳисобининг юритилиши, бухгалтерия ишининг тўғри ташкил этилиши ва назоратнинг аниқ олиб борилиши банкнинг ўз вазифаларини тўғри бажаришини, мавжуд ва бўлғуси инвесторлар, кредиторлар, ҳукумат муассасалари, вазирликлар, идоралар, жамоатчилик ва бошқа манфаатдор фойдаланувчилар, шунингдек, банк раҳбарияти ва ходимлари учун банк фаолиятига ҳаққоний баҳо бериш имконини яратадиган аниқ ва фойдали ахборот олишни таъминлайди.

Банкларда бухгалтерия ҳисоби ишларини юритиш ва бухгалтерия аппаратини ташкил қилиш тамойиллари, мижозларга хизмат кўрсатиш ҳамда

---

<sup>3</sup> Абдуваҳидов Ф. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби./ Ўқув қўлланма. –Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2012 й. 282 бет (5 ва 6 бетлар).

хужжатлар айланмасини йўлга қўйиш усуллари тўғрисида кўрсатмалар берилган, банк операциялари ҳисобини юритиш ва уларни назорат қилиш қоидалари ҳамда бажарилган банк операцияларининг қонунийлиги бўйича жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, қуйидагиларни таъминлаш мақсад қилиб қўйилган:

- ҳисоб-китоб, касса, валюта, кредит ҳамда бошқа банк операцияларини тўғри бажариш ҳамда уларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ўз вақтида ва аниқ акс эттириш;
- банк активлари, мажбуриятлари, даромадлари ва харажатлари ҳамда капитали ҳолати ва улардаги ўзгаришлар тўғрисида ишончли маълумотлар тўплаш;
- банкнинг молиявий ҳолати, молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар ва молиявий натижалари тўғрисидаги ва банк раҳбарияти фаолиятига баҳо берувчи молиявий ҳисоботларни тузиш учун хизмат қилувчи ахборотлар тизимини яратиш;
- банк иш куни тартибига қатъий риоя қилиш, мижозларга тез ва аниқ хизмат кўрсатиш;
- ҳисоб-китоблардаги маблағлар айланишини тезлаштириш;
- банкдан чиқаётган ҳужжатларни тегишли тарзда расмийлаштириш ва бунинг натижасида улардан фойдаланишни осонлаштириш, шунингдек, бошқа банкларда ушбу ҳужжатлар билан операциялар бажарилишини ҳамда улар томонидан хизмат кўрсатувчи мижозларнинг операциялари ҳисобини юритишни белгиланган талабларга мувофиқлаштиришни ташкил этиш;
- банкдаги пул маблағлари, моддий қимматликлар, шунингдек, қатъий ҳисобда турувчи бланкалар камомати ёки ортиқчалигига йўл қўймаслик ҳамда белгиланган тартибда уларнинг сақланишини ташкил этиш;

- операцияларнинг қонунийлиги ҳамда тўғрилигини доимий ички назорат ва аудитдан ўтказиш, уларнинг натижалари бўйича маълумотномалар тузиш ва расмийлаштириш имкониятини яратиш;
- замонавий компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда банк операциялари ҳисобини дастурий амалга ошириш, ҳисоб ишларини юритиш ҳамда ҳисоботлар тузишда меҳнат ва маблағ сарфини қисқартириш.

Банк ходимлари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган банк сирига оид маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг "Банк сир тўғрисида"ги Қонуни талабларига қатъий амал қилган ҳолда сир сақлашлари лозим.

Банкларни бухгалтериясини ўрганишдан олдин республикада неча тижорат банклари бор, уларнинг рейтинг кўрсаткичлари қандайлигини таҳлил қилсак.

Республикада шу кунга жами 27 та банк мавжуд бўлиб улар куйидагилардан иборат.

### **Давлат банклари (3)**

---

- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки
- Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки
- “Асака” акциядорлик тижорат банки

### **Акциядорлик тижорат банклар (11)**

---

- “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки
- “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки
- “Агробанк” акциядорлик тижорат банки

- Акциядорлик тижорат банки “Қишлоқ қурилиш банк”
- "Туронбанк" акциядорлик тижорат банки
- “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки
- Акциядорлик тижорат “Алоқабанк”
- “Ипак Йўли” акциядорлик инновация тижорат банки
- “Капиталбанк” акциядорлик тижорат банки
- “Асиа Аллиансе Банк” акциядорлик тижорат банки
- “Инвест Финансе Банк” акциядорлик тижорат банки

### **Хусусий банклар (8)**

---

- ❖ “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки
- ❖ “Туркистон” хусусий акциядорлик тижорат банки
- ❖ “Давр-банк” хусусий акциядорлик тижорат банки
- ❖ Хусусий акциядорлик-тижорат банки “Универсал банк”
- ❖ “Равнақ-банк” хусусий акциядорлик тижорат банки
- ❖ “Ҳи-Теч Банк” хусусий акциядорлик тижорат банк
- ❖ “Ориент Финанс” хусусий акциядорлик тижорат банки

### **Чет эл капитали иштирокидаги банклар (5)**

---

- Чет эл капитали иштирокидаги “Савдогар” акциядорлик тижорат банки
- Чет эл капитали иштирокидаги “ҲАМКОРБАНК” акциядорлик тижорат банки
- “ҚДБ Банк Ўзбекистон” акциядорлик жамияти

- "Ўзбекистан-Туркиш Банк" акциядорлик жамияти
- Эрон "Содерот" банкининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўъба банки

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА АККРЕДИТАЦИЯ  
ҚИЛИНГАН ЧЕТ ЭЛ БАНКЛАРИ ВАКОЛАТХОНАЛАРИНИНГ  
РЎЙХАТИ**

№	Ваколатхона номи
1.	«Покистон Миллий банки» (Национал Банк оф Пакистан) Покистон
2.	«Коммерцбанк АГ»
3.	«Ландесбанк Берлин АГ»
4.	«ЖП Морган Чейз Банк» (ЖПМорган Часе Банк, Н.А.) АҚШ
5.	«Корея экспорт-импорт банки» (Экспорт-Импорт Банк оф Корея)
6.	«Шинхан банк» (Шинхан банк) Корея Республикаси

**Халқаро рейтинг агентликлари томонидан тижорат банкларига  
берилган рейтинг баҳолари тўғрисида**

**МАЪЛУМОТ 2014 йил 25 декабрь ҳолатига**

№	Банклар номи	Рейтинг агентлиги номи	Рейтинг баҳоси
1	ТИФ Миллий банки	«Мудис» «Стандарт энд Пурс»	«Барқарор» «Барқарор»
2	Асакабанк	«Мудис» «Фитч Рейтингс»	«Барқарор» «Барқарор»
3	Халқ банки	«Стандарт энд Пурс»	«Барқарор»
4	Ўзсаноатқурилишбанк	«Стандарт энд Пурс» «Фитч Рейтингс»	«Барқарор» «Барқарор»
5	Қишлоқ қурилиш банк	«Мудис»	«Барқарор»
6	Агробанк	«Фитч Рейтингс» «Мудис»	«Барқарор» «Барқарор»
7	Микрокредитбанк	«Фитч Рейтингс»	«Барқарор»
8	Ипотека-банк	«Мудис» «Стандарт энд Пурс»	«Барқарор» «Барқарор»

9	Алоқабанк	«Мудис»	«Барқарор»
10	Ипак Йўли банки	«Фитч Рейтингс» «Мудис»	«Барқарор» «Барқарор»
11	Азия Альянс банк	«Мудис»	«Барқарор»
12	Туронбанк	«Стандарт энд Пурс»	«Барқарор»
13	Ҳамкорбанк	«Мудис»	«Барқарор»
14	Капитал банк	«Стандарт энд Пурс»	«Барқарор»
15	КДБ Банк Ўзбекистон	«Фитч Рейтингс»	«Барқарор»
16	ЎТ-банк	«Мудис»	«Барқарор»
17	Савдогарбанк	«Мудис»	«Барқарор»
18	Траст банк	«Фитч Рейтингс»	«Барқарор»
19	Универсал банк	«Фитч Рейтингс»	«Барқарор»
20	Давр банк	«Стандарт энд Пурс»	«Барқарор»
21	Инвест Финанс банк	«Мудис»	«Барқарор»
22	Хай Тек банк	«Стандарт энд Пурс»	«Барқарор»
23	Ориент Финанс банк	«Стандарт энд Пурс»	«Барқарор»
24	Туркистон банк	«Стандарт энд Пурс»	«Барқарор»
25	Равнақ банк	«Стандарт энд Пурс»	«Барқарор»
26	Эрон Содерот банк	«Эксперт РА»*	«Барқарор»

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда бухгалтерия ҳисобининг қонуний ва услубий асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни» ҳамда Ўзбекистон Республикаси марказий банки томонидан ишлаб чиқарилган меъёрий ҳужжатлари ҳисобланади.

Ушбу қонуний ҳужжатлар бухгалтерия ҳисобини юритишда тартибга солувчи қонуний ҳужжатлар ҳисобланади ва мулкчилик шаклидан, яъни, қайси тармоққа тегишлилигидан ҳамда катта-кичиклигидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар учун амал қилинади.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби фанини ўрганишда унинг назарий асосларини чуқур ўзлаштириш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини тузишга оид меъёрий ҳужжатларни билишни тақазо этади.

### **Асосий тушунчалар:**

**банк амалиёт куни** - банк иш кунининг бир қисми бўлиб, банкка келиб тушган барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш, расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттириш учун ажратилган вақт;

**банк бухгалтерия аппарати** - пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш, банк операцияларини бажариш ва уларни ички назоратдан ўтказиш ҳамда ҳисоб регистрларида кайд этиш ва бухгалтерия ҳисоботларини тайёрлаш билан шуғулланувчи ходимлар гуруҳи;

**банк иш куни** - қонун ҳужжатлари билан белгиланган кун ичида ўрнатилган иш вақти;

**банк операциялари ички назорати (бундан кейинги ўринларда ички назорат деб юритилади)** - банк раҳбарияти ва барча банк ходимлари томонидан кунлик банк операцияларини амалга ошириш жараёнида уларнинг қонунчиликка мослиги, самарадорлиги, юқори малакада бажарилиши ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлаш тизими;

Ички назорат маълум ёки аниқ вақт мобайнида амал қилиниши лозим бўлган тартиб ёки қоида бўлмасдан, балки у банкнинг барча бўғинларида кунлик банк операцияларнинг бошланишидан тортиб тугагунга қадар доимий юритиладиган банк фаолиятининг ажралмас қисмидир.

Ички назорат ўз навбатида дастлабки назорат, жорий назорат ва якуний назоратга бўлинади;

**бош китоб** - ҳисобварақлар режасидаги иккинчи тартибли ҳисобварақлар рўйхати;**(баланс илова қилинади)**

**бухгалтерия ҳисоби регистрлари** - иккиёқлама ёзув усулида операциялар қайд этиладиган журналлар, қайдномалар, дафтарлар ва тасдиқланган бланклар;

**Бэк-офис** - банкнинг таркибий қисми бўлиб, Фронт-офис томонидан дастлабки назоратдан ўтган ва ижро учун тақдим қилинган операцияларни жорий назоратдан ўтказиш ва банк операцияларини амалга оширувчи бухгалтерлар гуруҳи.

Бэк-офиснинг асосий вазифаси Фронт-офис томонидан дастлабки назоратдан ўтказилиб, маъқулланган барча банк операцияларни қайтадан жорий назоратдан ўтказиб, уларни иккиёқлама ёзув ёрдамида бухгалтерия регистрларида қайд этиш ва тегишли ҳисоботлар тайёрлашдан иборат.

Бэк-офис мижозлар билан бевосита мулоқотда бўлмайди. У, мижозлар операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича Фронт-офис билан, банкнинг ички молиявий-хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича банк маъмурияти билан алоқада бўлади.

Бэк-офисга Бэк-офис бошлиғи раҳбарлик қилади ва у ўз навбатида банк раҳбарига бўйсунди;

**дастлабки назорат** - Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтер томонидан операцияларни бажармасдан олдин уларнинг қонунчиликка мос эканлигини аниқлаш бўйича амалга ошириладиган назорат;

**ёрдамчи китоб** - бош китоб ҳисобварақларига очиладиган шахсий ҳисобварақлар, шунингдек алоҳида маблағлар тури ва қимматликлар бўйича юритиладиган карточка, китоб ёки журналлар;

**жорий назорат** - Бэк-офис ёки назоратчи бухгалтер томонидан Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтер маъқуллаган барча банк операцияларининг қонунчиликка мослигини аниқлаш мақсадида қайтадан амалга ошириладиган назорат. Жорий назорат пул ҳисоб-китоб

хужжатларининг асл ва электрон нусхаларининг бир-бирига мослигини текширишни ҳам ўз ичига олади;

**масъул ижрочи бухгалтер** - мижозларнинг пул ҳисоб-китоб хужжатларини тўғри расмийлаштирилганлиги ва банк операцияларининг қонунийлигини дастлабки назоратдан ўтказиб, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришга тайёрловчи бухгалтер;

**минибанк** - банк филиали биносидан ташқарида, лекин ўзи жойлашган вилоят-шаҳар ҳудудида жойлашган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ фаолият юритувчи банк филиалининг таркибий тузилмаси;

**назоратчи бухгалтер** - масъул ижрочи бухгалтер томонидан дастлабки назоратдан ўтказилган барча банк операцияларини жорий назоратдан ўтказиб амалга оширувчи бухгалтер;

**Фронт-офис** - банкнинг таркибий қисми бўлиб, қонун ҳужжатларида назарда тутилган банк операцияларини амалга оширишда банк мижозлари билан бевосита мулоқотда бўлган ҳолда уларга барча банк хизматлари кўрсатувчи ходимлар гуруҳи. Ушбу гуруҳга Фронт-офис бошлиғи раҳбарлик қилади.

Фронт-офиснинг асосий вазифаси мижозлар топшириғи ҳамда банк ички фаолияти бўйича амалга оширилиши лозим бўлган операцияларнинг қонунчиликка мос эканлигини аниқлаш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришга тайёрлашдан иборат;

**яқуний назорат** - амалиёт кун тугагандан сўнг, кейинги банк иш кунидан кечикмаган ҳолда Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтер ва Бэк-офис ёки назоратчи бухгалтер томонидан бажарилган барча банк операцияларининг қонунчиликка мослиги ва мақсадга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида амалга ошириладиган назорат;

Якуний назорат банк Бошқаруви ташкил қилган Якуний назорат хизмати томонидан амалга оширилади ва у, фақат банк Бошқарувига бўйсунди.

Якуний назорат хизмати бухгалтерия аппарати бир бутун яхлит бўлган банкларда бухгалтерия аппарати ичида, Фронт-офис ва Бэк-офисга бўлинган банкларда эса Бэк-офиси таркибида алоҳида бўлим сифатида ташкил қилинади.

## **1.2.Банк ҳисоб-операцион аппаратининг тузилиши**

Бухгалтерия аппаратиға банкнинг бош бухгалтери раҳбарлик қилади.

Банкларда бухгалтерия ишларини юритиш учун бухгалтерия аппарати тузилади. Банк бухгалтерия аппаратиға шартнома асосида четдан жалб қилинган бухгалтерлар ёки бухгалтерия фирмаси ходимларининг киритилиши қатъиян тақиқланади.

Банк бухгалтерия аппаратининг ташкилий тузилиши ва унда ташкил этиладиган бўлимлар сони амалга ошириладиган операциялар ҳажмига ва уларнинг автоматлаштирилганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Иш ҳажми кичик банкларда бухгалтерия аппарати банкнинг яхлит бўлинмаси сифатида фаолият юритиши мумкин. Бунда банклараро ҳисобкитоблар, чет эл валютаси бўйича операциялар ва банкнинг ички ҳисобварақлари бўйича операцияларнинг ҳисобини юритиш махсус бўлимларга топширилиши мумкин.

Иш ҳажми катта банкларда бухгалтерия аппарати Йўриқнома талабларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши лозим. Шунингдек, барча операциялар масъул ижрочи бухгалтерлар томонидан дастлабки ва назоратчи бухгалтерлар томонидан жорий назоратдан ўтишини таъминлаш мақсадида иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда масъул ижрочи ва назоратчилар сони ўртасида мутаносиблик сақланиши лозим.

Бухгалтерия аппарати ходимларининг аниқ вазифалари банк раҳбари буйруғи билан тасдиқланади.

Масъул ижрочи ва назоратчи бухгалтерлар зиммасига муайян ҳисобварақларни юритиш ёки алоҳида операцияларни амалга ошириш ишлари юклатилади. Ҳисобварақлар бухгалтерия ходимлари ўртасида шундай тақсимланиши керакки, бунда битта хўжалик юритувчи субъектнинг барча депозит ва ссуда ҳисобварақлари битта бухгалтерия ходими томонидан юритилиши керак, чет эл валютасида очилган ҳисобварақлар бундан

мустасно. Ҳисобварақларни бухгалтерия ходимлари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш китоби дастурий равишда юритилади ҳамда кўлда махсус дафтарда қайд этиб борилади.

Банк бош бухгалтери муҳрлар, штамплар ва бланкларни уларнинг йўқолишига ёки бошқа мақсадларда ишлатилишига йўл қўйилмайдиган тарзда сақланиши ҳамда фойдаланиши устидан назоратни таъминлаши шарт. Банк муҳрлари ва бур чакли штампларининг ҳисоби уларни сақлаётган шахс фамилияси ва лавозими кўрсатилган махсус дафтарда юритилади. Дафтар варақлари рақамланган, боғланган ва банк муҳри, банк раҳбари ҳамда бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланган бўлиши ва банк раҳбарининг ёки унинг хоҳишига кўра бош бухгалтер сейфида сақланиши лозим.

Банк ходимларининг иш жойлари шундай жойлаштирилган бўлиши керакки, бунда мижозлар ва бошқа бегона шахсларнинг банкнинг муҳрлари, штамплари, ҳужжатлари ва бланкларини олишларига имкон бўлмаслиги лозим.

Ходим меҳнат таътилига чиққан, касал бўлиб қолган ёки бошқа сабабларга кўра ишда бўлмаган ҳолларда унга бириктирилган ҳисобварақлар ҳамда унинг вазифалари муҳр ва штамплар билан биргаликда бошқа ходимга топширилади ва бу ҳақда махсус дафтарда тегишли ёзувлар қайд этилади.

Бош бухгалтер зиммасига умумий назоратни ташкил этиш ҳамда ҳар куни бухгалтерия ва касса ишларининг барча бўғинларида ўрнатилган тартибга амал қилинишини кузатиб бориш юклатилади. Шунингдек, банк бош бухгалтерига бош ва ёрдамчи китобларда операцияларни қайд этиш, тегишли бухгалтерия ҳисоби ҳисоботларини дастурий равишда тузиш ишларига раҳбарлик қилиш юклатилади. Банк бош бухгалтери ишда бўлмаган вақтда, ушбу вазифалар банк раҳбарининг буйруғига кўра унинг ўринбосарига топширилади.

Мижозларнинг банк ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоятлари ҳамда бошқа муурожаатлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинади ва кўриб чиқилади. Муурожаат қилиш тартиби эълонлар осиб қўйиш йўли билан миужозларга маълум қилиниши лозим.

Банк раҳбари бухгалтерия иши ҳолатини умумий кузатиш билан бир қаторда баланс ва бошқа ҳисоботларни ўз вақтида тузилишини текшириб бориши, миужозларга ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатилишини мунтазам назорат қилиб туриши шарт.


Таркибий тузилмаси Фронт-офис ва Бэк-офис сифатида ташкил этилган йирик банкларнинг бухгалтерия аппарати шу таркибий тузилмаларга мос равишда ташкил этилиши мумкин. Бухгалтерия аппаратини Фронт-офис ва Бэк-офисларга ажратиш тамойиллари ва уларнинг вазифалари келтирилган.

### **Бухгалтерия аппаратини "Фронт" ва "Бэк" офисларига ажратиш тамойиллари ва уларнинг вазифалари**

Ташкилий таркиби Фронт-офис ва Бэк-офисдан иборат бўлган банкларнинг бухгалтерия аппарати ҳам шу тамойил асосида ташкил этилади.

#### **Фронт-офиснинг умумий вазифаси қуйидагилардан иборат**

1-расм.




## Фронт-офис

Фронт-офис мижозлар билан бевосита муомалада бўладиган ва барча банк хизматларини кўрсатадиган банкнинг операцион ходимлари гуруҳидан иборат бўлади.

**Фронт-офис қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади:**

2-расм



Фронт-офис таркибида банк учун ўта муҳим мижозлар (ВИП) га хизмат кўрсатувчи алоҳида бўлим ташкил этилиши мумкин. Қуйида Фронт-офис таркибий бўлимларининг асосий вазифалари келтирилган.

**Корпоратив мижозлар билан ишлаш бўйича бўлим:**

1. Банк операцияларини амалга ошириш қоидаларини мижозларга тушунтириш ва маслаҳатлар бериш;
2. Банк хизматлари бўйича мижозлар билан шартномалар тузиш;
3. Корпоратив мижозлардан (шу билан бирга шартномалар бўйича тўловлар) пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш;

4. Мижозларга амалга оширилган операцияларни тасдиқловчи банк ҳисобварағидан кўчирмалар, квитанциялар ва бошқа маълумот ҳужжатларини бериш;
5. Мижозлар билан стандарт шаклдаги депозит шартномаларини тузиш жараёнини амалга ошириш;
6. Банк мижозларининг шартномаларини текшириш ва қабул қилиш;
7. Мижозларнинг конвертацияга берилган аризаларни кўриб чиқиш;
8. Мижозларнинг нақд пул операцияларини банк ахборотлаштириш базасида қайд этиш (ташқи тўловлар истисно қилиниши мумкин). Бунда, нақд пул операциялари деганда мижознинг иштирокида дарҳол амалга ошириш лозим бўлган операциялар назарда тутилади. Ушбу ёзувлар (қайдлар) асосида банк ахборотлаштириш базасида бухгалтерия ҳисобида ифодалаш учун ўтказмалар автоматик тарзда шакллантирилади.
9. Мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича ҳисоботларни тузиш, текшириш, таҳлил қилиш ва ўз вақтида тақдим этиш.
10. Ҳужжатларни архивга тайёрлаш ва ўз вақтида шакллантириш.

#### **Чакана операциялар бўлими:**

1. Банк чакана операцияларини амалга ошириш қоидаларини мижозларга тушунтириш ва маслаҳатлар бериш;
2. Банк хизматлари бўйича мижозлар билан шартномалар тузиш;
3. Жисмоний шахс-мижозлардан (шу билан бирга шартномалар бўйича тўловлар) пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш;
4. Мижозларга банк орқали амалга оширилган операцияларни тасдиқловчи банк ҳисобварағидан кўчирмалар, квитанциялар ва бошқа маълумот ҳужжатларини бериш;

5. Мижозлар билан стандарт шаклдаги депозит шартномаларини тузиш жараёнини амалга ошириш;
6. Мижозларнинг нақд пул операцияларини банк ахборотлаштириш базасида қайд этиш (ташқи тўловлар истисно қилиниши мумкин). Бунда, нақд пул операциялари деганда мижознинг иштирокида дарҳол амалга ошириш лозим бўлган операциялар назарда тутилади. Ушбу ёзувлар (қайдлар) асосида банк ахборотлаштириш базасида бухгалтерия ҳисобида ифодалаш учун ўтказмалар автоматик тарзда шакллантирилади.
7. Мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича ҳисоботларни тузиш, текшириш, таҳлил қилиш ва ўз вақтида тақдим этиш.
8. Ҳужжатларни архивга тайёрлаш ва ўз вақтида шакллантириш.

#### **Кредитлаш бўлими:**

1. Стандарт кредит шартномаларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;
2. Кредитларнинг янги турларига таклифларни йиғиш;
3. Банк Кредит сиёсатининг йўналишларини аниқлаш учун ҳар хил иқтисодиёт секторларини молиявий таҳлил қилиш;
4. Кредит бериш шартлари бўйича мижозларга маслаҳат бериш ва тушунтириш ишлари олиб бориш, мижоз билан кредит мақсадини дастлабки муҳокамадан ўтказиш;
5. Кредит бериш учун қарор қабул қилиш учун мижоз томонидан тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатларни рўйхатини аниқлаш;
6. Мижоздан кредит олиш учун ариза қабул қилиш;
7. Мижознинг кредитга лаёқатлигини ва кредит олишнинг иқтисодий асосланганлигини таҳлил қилиш;
8. Кредит кўмитасига кредит бериш учун таклифлар тайёрлаш;

9. Кредит шартномасини тайёрлаш;
10. Мижоз билан кредит шартномасининг шартларини муҳокама қилиш;
11. Мижоздан гаров (кафолат) мажбуриятларини қабул қилиш;
12. Бэк-офис учун кредитнинг барча молиявий шартларини ўз ичига олган Кредит анкетасини тайёрлаш;
13. Имзоларни текшириш;
14. Мижоз томонидан тақдим этилган баланс ва бошқа ҳисоботлар асосида, унинг молиявий ҳолати бўйича мониторинг олиб бориш.
15. Янги берилган кредитлар мониторингини ва амалдаги кредитларнинг доимий текширувини олиб бориш (мақсадли ишлатилиши, ўз вақтида сўндирилиши ...);
16. Мижознинг ҳисобварағида сўндириш учун маблағ етарли бўлмаган ҳолларда, мижозга кредит ва/ёки фоизларни сўндириш тўғрисида эслатиб туриш;
17. Мижозлардан қарзни узиш учун маблағларнинг келиб тушмаслик сабабларини аниқлаш;
18. Кредит шартлари ўзгарган ҳолда (яъни, муддатини узайтириш, қарз узиш жадвалининг ўзгариши ва бошқалар) Бэк-офисга фармойишлар тайёрлаш;
19. Кредит қўмитаси қарорлари ва Кредит анкетаси асосида қўшимча шартномаларни тайёрлаш;
20. Кредитни "фоиз ўстирмаслик" мақомига ўтказиш тўғрисида қарорлар тайёрлаш;
21. Бэк-офис ходимларига кредитни қайтариш масалалари бўйича малакавий ёрдам кўрсатиш.

### **Пул муомаласи бўлими:**

1. Мижознинг касса режасини қабул қилиш ва текшириш;
2. Касса операциялари бўйича ҳисоботларни тузиш;
3. Корпоратив мижозларнинг нақд пул қўйиш учун тақдим қилган аризаларини текшириш;
4. Корпоратив мижозларнинг нақд пул олиш учун тақдим этилган аризаларини текшириш;
5. Мижозларнинг касса операциялари бўйича белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этиши устидан назорат ўрнатиш.


### **БЭК-ОФИС**

**Бэк-офис** - Фронт-офис томонидан дастлабки назоратдан ўтган ва ижро учун тақдим қилинган операцияларни жорий ва якуний назоратдан ўтказиш ҳамда банк операцияларини амалга оширувчи бухгалтерлар гуруҳи.

#### **Бэк-офиснинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:**

1. Фронт-офис томонидан рухсат этилган операцияларни автоматлаштирилган банк ҳисоб тизимида акс эттириш;
2. Жорий ва якуний назоратни амалга ошириш;
3. Ҳисоботлар тузиш.

#### **Бэк-офис қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши мумкин:**



Қуйида Бэж-офис таркибий бўлимларининг асосий вазифалари келтирилган.

#### **Ҳисоб ва ҳисоб-китоб операциялари бўлими:**

1. Банкнинг тегишли таркибий бўлинмаларида назоратдан ўтган мижозларнинг тўлов ҳужжатларини қабул қилиш;
2. Олинган ҳужжатларнинг, банк ахборот базаларида зарурий дастурий бухгалтерия ўтказмалари шакллантириладиган, электрон нусхаларини яратиш;
3. Архивлаштириш учун ҳужжатларни ўз вақтида шакллантириш;
4. Бўлимда амалга оширилган операциялар бўйича ҳисоботларни тузиш, текшириш, таҳлил қилиш ва ўз вақтида тақдим этиш;
5. Пул ҳисоб-китоб ҳужжатларнинг асл нусхаси билан уларнинг электрон нусхаларини солиштириш;

6. Вакиллик ҳисобварағи орқали ўтказилган операциялар бўйича бухгалтерия ёзувларини банк филиали балансида дастурий акс эттириш (тегишли бўлинмалар томонидан тасдиқланган ҳолда);
7. Банк филиалида вакиллик ҳисобварақ орқали ўтказилган ва тегишли манзилга етиб бормаган операциялар бўйича изланиш олиб бориш;
8. Филиаллараро мажбуриятлар ҳисобварақларини солиштириш;
9. Зарурий реквизитларни киритган ҳолда Банк амалиёт куни дастурида (БАД) да мижозлар ва уларнинг ҳисобварақларини очиш ва ёпиш;
10. Банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси (БДМАБ)да мижозлар ва уларнинг ҳисобварақларини рўйхатдан ўтказиш ;
11. Мижозларнинг ҳисобварақларини белгиланган тартибга мувофиқлиги бўйича маълумотлар базасини таҳлил қилиш;
12. Ишламайдиган ҳисобварақлар бўйича мониторинг ўрнатиш ва унинг натижалари бўйича қонунчилик асосида тегишли чоралар кўриш.

#### **Клиринг ва банк пластик карточкалар эмиссияси бўлими:**

1. Фронт-офис томонидан мижозларнинг банк пластик карточкаларини олишга (йўқотилганда, муддати узайтирилганда, ёпилганда ва бошқалар) берган аризаларни қайта ишлаш;
2. Банк пластик карточкаларни эмиссия қилиш ва уларни Фронт-офисга бериш;
3. Мижозлар томонидан банк пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар бўйича бўлинма ва савдо шоҳобчаларидан олинган электрон ҳужжатлар нусхаларини қайта ишлаш;
4. Архивлаштириш учун ҳужжатларни ўз вақтида шакллантириш;
5. Пластик карточкалар бўйича ҳисоботларни тузиш, текшириш, таҳлил қилиш ва ўз вақтида тақдим этиш.

6. Тижорат-сервис корхоналар ва ташкилотлар билан иш олиб бориш.

### **Ссуда-депозит битимлар бўлими (гуруҳи):**

- Фронт-офис томонидан тайёрланган ҳужжатларни қайта ишлаш ва банк кредитлари ва депозитларини ахборот тизимига киритиш;
- Ссуда-депозит (омонатлар) операциялар бўйича якуний назоратни амалга ошириш.

### **Статистик маълумотлар бўлими:**

1. Мижозлар ҳисобварақлари бўйича операциялар даражасига боғлиқ бўлган махсус тарифлар киритиш;
2. Янги мижозга ҳисобварақ очилганда мижознинг идентификация қилиш ва БДМАБда рўйхатга киритиш;
3. БДМАБда мижознинг ҳисобварағи кўрсаткичларини ва маълумотларини ўзгартириш;
4. Мижознинг БДМАБда ҳисобварағига блокировка қўйиш ва уни олиб ташлаш;
5. Корпоратив мижознинг ҳисобварағини БДМАБда ёпиш;
6. Чакана мижозларнинг ҳисобварағини рўйхатга олиш, очиш ва ёпиш.

### **Ички хўжалик операциялар бўлими:**

1. Маъмурий хизматлардан, молиявий-таҳлилий аппаратдан, бош бухгалтер томонидан банк бизнес фаолиятига тааллуқли бирламчи ҳужжатларни қабул қилиш (шартнома, битим, буйруқлар, кўрсатмалар) ва уларни банк ахборот базасида акс эттириш;
2. Банкнинг даромад ва харажатлари ҳамда молиявий натижаларини тегишли ҳисобварақларида тўғри акс эттириш;
3. Банкнинг дебитор-кредитор қарзларини таҳлил қилиш;

4. Солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларнинг ҳисоб-китобини амалга ошириш, улар бўйича пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш ва балансда акс эттириш;
5. Банкнинг асосий воситалари, омборхонадаги товар моддий қимматликларини, капитал қўйилма ва таъмирлаш бўйича операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;
6. Банкнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари, шунингдек хизмат сафари харажатларини ҳисоблаш ва уларни балансда акс эттириш;
7. Ҳужжатларни архивга топшириш учун, уларни ўз вақтида шакллантириш;
8. Банкда ўтказилган операциялар бўйича ҳисоботларни тузиш, текшириш, таҳлил қилиш ва ўз вақтида тақдим этиш.

#### **Яқуний назорат бўлими:**

1. Операцияларни яқуний назоратдан ўтказиш;
2. Амалиёт куни давомида амалга оширилган барча операциялар бўйича, уларнинг ўтказилганлигини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатларни банкнинг операция бажарган ҳар бир бўлимдан йиғиш;
3. Бухгалтерия журнали билан банк бўлимлари томонидан берилган ҳужжатларни таққослаш;
4. Қонунчиликда белгиланган меъёрларни бузиб ўтказилган операцияларни аниқлаш;
5. Ноқонуний операциялар ўтказишга йўл қўйган банк ходимларини аниқлаш;

6. Банкнинг ҳар бир бажарилган ички операцияларининг банкнинг ички сиёсатига мос эканлиги ва уларни мақсадга мувофиқлиги бўйича хулоса бериш;
7. Раҳбариятга ўтказилган текширув бўйича ҳисобот тақдим қилиш;
8. Куннинг барча ҳужжатларини йиғмажилдларда сақлаш учун тикиш;
9. Банк кунлик бухгалтерия ҳужжатлари йиғмажилдларини архивга топшириш.<sup>4</sup>

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 11 июлда 1834-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида» йўриқнома.

### **1.3 Бухгалтерия ходимининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Бош бухгалтер банкда бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этилишини ҳамда Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган Ҳисоб сиёсатини амалга оширилишини таъминлайди. Зарур ҳолларда Ҳисоб сиёсатига тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар киритади.

#### **Бош бухгалтернинг ҳуқуқлари**

Бош бухгалтер ўзига бўйсунувчи ходимлар учун хизмат вазифаларини белгилаб беради. Бунда ҳар бир ходим ўз мажбуриятларини билиши ҳамда уларнинг бажарилиши учун жавобгар бўлиши зарур. Бошқа бўлинмалар ва хизматларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ҳамда уни ташкил этиш масалалари билан шуғулланувчи ходимлари ўз вазифалари бўйича бош бухгалтерга бўйсундилар.

Бош бухгалтернинг бажарилган операцияларни расмийлаштириш ҳамда маълумотларни ҳисоблаш қурилмалари орқали жўнатиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни бухгалтерияга тақдим этиш борасидаги талаблари банкнинг барча бўлинмалари ва хизматлари учун мажбурийдир.

Бош бухгалтер ўз зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб берган кўрсатмаларининг бажарилмаганлиги ёки бузилганлиги учун айбдор шахслар белгиланган тартибда банк раҳбарининг фармойишига биноан мукофотдан тўлиқ ёки қисман маҳрум этилиши, зарур ҳолларда эса қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин.

Моддий жавобгар шахсларни (кассирлар, омбор мудирлари ва бошқалар) лавозимга тайинлаш, озод этиш ва бошқа лавозимга ўтказиш масаласи бош бухгалтер билан келишиб ҳал қилинади.

Ходимларга мансаб маошлари, иш ҳақи устамалари ҳамда мукофотларни белгилаш тўғрисидаги буйруқлар ва фармойишларни дастлаб бош бухгалтер кўриб чиқади ва уларга имзо чекади.

## **Бош бухгалтер қуйидаги ҳуқуқларга эга**

а) бухгалтерия ҳисоби ва назорат ишлари тўғри ташкил этилишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўришни банк раҳбаридан талаб қилиш;

б) таркибий бўлинмаларда пул маблағлари, товар-моддий ва бошқа қимматликларни қабул қилиш, кирим қилиш, сақлаш ҳамда сарфлаш юзасидан белгиланган тартибда амал қилинишини текшириб туриш;

в) мукофотлар ҳажмларини пасайтириш ёки мукофотдан маҳрум этиш тўғрисида таклифлар бериш.

Банк раҳбари бош бухгалтерга ушбу кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажариши ҳамда ҳуқуқларидан фойдаланишида атрофлича ёрдам беришга мажбур.

Бош бухгалтер ана шу мажбуриятларни бажаргани ҳамда ўз ҳуқуқларидан фойдалангани учун унга тазйиқ ўтказиш борасида қилинадиган ҳар қандай уринишларга қатъиян барҳам бериши, бунга айбдор бўлган шахслар эса қатъий жавобгарликка тортилиши лозим.

## **Бош бухгалтерларнинг жавобгарлиги**

Бош бухгалтер қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади:

а) бухгалтерия ҳисоби нотўғри юритилиб, оқибатда пала-партиш ҳолатга келган ва бухгалтерия ҳисоботи бузилганда;

б) пул маблағлари, товар-моддий ва бошқа қимматликларни қабул қилиш, уларни кирим қилиш, сақлаш ва сарфлаш юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибга зид операциялар бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилган ва ижрога қабул қилинган ҳолларда;

в) талаб қилиб олингунча ва бошқа ҳисобварақлар бўйича операциялар, шунингдек дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар кечикиб ҳамда нотўғри амалга оширилганда;

г) камомадлар, дебиторлик қарзлари ва бошқа йўқотишларни бухгалтерия баланс ҳисоботларидан чиқариш тартиби бузилганда;

д) бухгалтерия ходимининг айби билан нотўғри бухгалтерия ҳисоботи тузилганда;

е) бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилганда.

Бош бухгалтер қуйидаги ҳолатлар учун банк раҳбари билан тенг жавобгар ҳисобланади:

а) молиявий-ҳўжалик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг бузилиши;

б) мансабдор шахслардан улар етказган зарар суммасини ўз вақтида ундириб олмаслик;

в) кунлик, ойлик, чорақлик ва йиллик баланс ҳисоботи ҳамда бошқа бухгалтерия ҳисоботларини тегишли органларга тақдим этиш муддатларининг бузилиши;

г) банкнинг баланс ҳисоботида акс эттирилган маълумотлар ҳамда электрон тўловлар тизими орқали ўтказилган тўлов ҳужжатларининг бут сақланиш ҳамда кунлик архивлаш тартиби учун.

Бош бухгалтерларнинг тартиб-интизоми, моддий ва жиноий жавобгарлиги амалдаги қонунчиликка мувофиқ тарзда белгиланади.

#### **1.4.Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақалар режалари ва уларнинг тавсифи**

Банкларда бухгалтерия ҳисоби тизимини такомиллаштириш кўп жиҳатдан унинг услубий асослари ҳисобланган, бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасининг тузилишига боғлиқдир. Ушбу ҳисобварақлар режаси Банкларда амалга ошириладиган барча банк операцияларни халқаро стандартлар асосида амалга ошириш имкониятини беради. Унгача Банкларда қўлланадиган ҳисобварақлар режаси марказлашган режали иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, унинг ишлаш тамойилига қуйдагиларни:

- кредит ресурсларини марказлашган ҳолда ҳудудий ва тармоқлар бўйича йиғиш ва тақсимлаш;
- кредит ресурсларини халқ хўжалиги режаларининг бажарилишига хизмат қилишини назорат қилувчи маълумотлар билан таъминлаш;
- давлат маблағларининг ҳаракатини ва сарфланишини пастдан юқорига ва юқоридан пастга ҳисобварақлар режаси ёрдамида кучли назорат остига олиш учун асос қилиб олган эди.

Албатта, ҳисобнинг бундай тизими мазмун ва моҳият жиҳатидан бутунлай бошқача бўлган бозор иқтисодиётига ўтиш даври талабига тўлиқ жавоб бера олмай қолган эди. Шу боисдан, банк тизимини ислоҳ қилишда дастлаб ҳисобварақларнинг ишлаб чиқиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Янги ҳисобварақлар режасини ишлаб чиқишда уларнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ва улар қуйдагилардан иборат:

- янги ҳисобварақлар режаси бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мос келиб, даромадлар ва харажатлар ҳисобот ойининг ўзида акс эттирилади. эски ҳисобварақлар режасида даромадлар келиб тушганда, харажатлар эса тўланганда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилар эди;

-янги ҳисобварақлар режасида активлар мавжудлик тамойили бўйича жойлаштирилган бўлиб, бу актив моддаларини оператив равишда бошқариш имкониятини беради. Пассивлар эса муддати бўйича жойлаштирилган бўлиб, миқдорлар олдидаги мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш имкониятини беради;

-янги сетлар режасида активлар ва мажбуриятларнинг реал баҳолаш имконияти мавжуд бўлиб, бундан келиб чиққан ҳолда, активларнинг таваккалчилик даражаси бўйича ёқотишлар учун захиралар тузиш имкониятини беради;

-янги ҳисобварақлар режасида қимматли қоғозлар икки гуруҳга бўлинган бўлиб, биринчи гуруҳ олди-сотди қилишга, иккинчи гуруҳ эса инвестицияга ёналтирилиши режалаштирилган;

-банкнинг ўз капитали таркиби мустақил бўлимларга бўлинган бўлиб, у эълон қилинган, чиқарилган қимматли қоғозлар, шунингдек, оддий ва имтиёзли акциялар тўғрисида тўла маълумот беради;

-фойда ва зарарлар (даромад ва харажатлар) банкнинг ички ҳисобварағи бўлиб, улар ҳам мустақил бўлимларга бўлинган.

Республика ҳукумати томонидан Банкларда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш борасида амалга оширган ишлар ўзининг ижобий натижасини берди. Ҳозирги кунда Республика Банкларнинг бухгалтерия ҳисоби тизими жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг банк тизимига анча яқинлаштирилди ва халқаро банклар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириши мумкин.

Ҳар бир банк ўз бухгалтерия ҳисобини барча банклар учун бир хил бўлган ҳисобварақлар режаси асосида олиб боради. 1997 йил апрелига қадар республикадаги барча банклар собиқ иттифоқ даврида тузилган ягона ҳисобварақлар режаси асосида иш юритар эдилар. Лекин иқтисодиётимизни янги бозор муносабатлари асосида ташкил этар эканмиз, иқтисодиётни изга

солиб, уни назорат қилиш учун бухгалтерия ҳисобини халқаро миқёсда қабул қилинган яхлит тизимга мослаштириб олиб бориш талаб этилди. Шу сабабли, республика банклари бухгалтерия ҳисобини янги ҳисобварақлар тизими асосида ташкил этишга киришдилар.

Шу мақсадда 1995 йил Артур Андерсен аудиторлик фирмаси билан шартнома тузилган эди. Шартномада Ўзбекистон Республикаси Банкларда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш кўзда тутилган эди. Фирма республика Марказий банки билан биргаликда банкнинг янги ҳисобварақлар режасини ишлаб чиқди. 1996 йил 13 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг 289 сонли қарори билан “Республика Марказий банкнинг ҳисобварақлар режаси”, 290 сонли қарори билан эса “Банкларнинг ҳисобварақлар режаси” тасдиқланди.<sup>5</sup>

Ҳозирги кунда тижорат банкларида фойдаланилаётган ҳисобварақлари режаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 13 августда 773-17-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси”га асосан юритилмоқда.

Ҳисобварақлар режаси банк операцияларининг ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш, гуруҳлаш ва уларга доир ҳисоботларни тузишда қўлланадиган Бош китоб ҳисобварақларини рўйхатидан иборатдир.

Хатоларни тўғрилаш ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар бўйича тузатишлар киритишда, ҳисобварақларнинг таърифларида кўзда тутилмаган бўлса ҳам ҳисобварақларнинг дебет ва кредитлари бўйича тузатиш ўтказмалари беришга рухсат берилади.

Тижорат банкларининг ҳисобварақлар режаси бухгалтерия ҳисобининг кўп валютали тизимига асосланган бўлиб, чет эл валютасидаги

---

<sup>5</sup> Абдуваҳидов Ф. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби / Ўқув қўлланма. –Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2012 й. 282 бет. (14-16 бетлар)

операцияларнинг ҳисоби юритилиши мумкин бўлган барча ҳисобварақларда хорижий валютадаги операциялар ҳисобини акс эттириш имконини беради. Ҳар бир валюта тури бўйича синтетик ҳисобни юритиш учун алоҳида Бош китоб, аналитик ҳисобни юритиш учун эса Ёрдамчи китоблар очилади. Ҳар бир валюта бўйича Ёрдамчи китоблардаги суммалар йиғиндиси Бош китобларнинг тегишли баланс ҳисобварақларидаги суммалар йиғиндисига мос келиши керак. Банк томонидан амалга ошириладиган ҳар бир операция тегишли валюта тури бўйича Бош ва Ёрдамчи китобларда рўйхатга олиниши керак. Ҳисобот санасида Бош китобларнинг хорижий валюталар бўйича жами суммалари миллий валютага ўтказилади ва ҳисобот даври давомида амалга оширилган барча операциялар бўйича банкнинг жамланма баланси тузилади.

Ҳисобварақларни кодлаштириш қуйидаги мақсадлар учун ишлаб чиқилган:

- ҳисобварақларнинг Бош ва Ёрдамчи китобларда жойланишини энгиллаштириш;
- ҳисобварақларни бир тизимда таснифлаш ва гуруҳлашга ёрдам бериш;
- ҳисоб жараёнларини автоматлаштиришни энгиллаштириш;
- операциялар ёзувини тезлаштириш.

Баланс ҳисобварақларининг Бош китобда кодлаштирилиш тизими қуйидаги схема бўйича бешта белгидан иборатлиги қабул қилинган:

С	ММ	СС	
С	<b>Ҳисобварақ туркуми (категорияси):</b>		
1	Актив		
2	Мажбуриятлар		
3	Капитал		

4	Даромадлар
5	Харажатлар
9	Кўзда тутилмаган ҳолатлар
ММ	Ҳисобварақ туркумига тегишли асосий ҳисобварақлар (биринчи тартиб)
С С	Асосий ҳисобварақларга тегишли субҳисобварақлар (иккинчи тартиб)

Рақамли кодлаштиришга қуйидаги зарур шартлар жойлаштирилган:

- жамланма ҳисобварақлар учун ММ ва/ёки СС нол рақамларига эга (масалан, 10000 - "Активлар", 10100 - "Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари" ва бошқалар);

- "Активлар" бўлимидаги "...зарарларни қоплаш захираси" сарлавҳали субҳисобварақлар учун СС ўрнида 99 рақам қабул қилинган.

Ёрдамчи китобда шахсий ҳисобварақлар қуйидаги схема бўйича кодлаштирилади:



Бундан ташқари, операцияларни бошқариш мақсадида Ёрдамчи китобларга Марказий банк, тижорат банклари бошқармалари ҳамда тижорат

банклари менежменти (бошқариши) учун зарур бўлган батафсил ахборотлар билан таъминловчи қўшимча маълумотлар киритилади.

Ҳисобварақлар режасида ҳар бир ҳисобварақнинг актив ёки пассив бўлиши аниқ белгилаб қўйилган, актив-пассив қолдиқларга эга бўладиган айрим ҳисобварақлар бундан мустасно. Актив ҳисобварақларга "Активлар", "Харажатлар" ва "Кўзда тутилмаган ҳолатлар" бўлимларидаги баланс ҳисобварақлари, пассив ҳисобварақларга "Мажбуриятлар", "Капитал" ва "Даромадлар" бўлимларидаги баланс ҳисобварақлари тааллуқлидир.

Активларнинг реал қийматини акс эттириш мақсадида "Активлар" бўлимига контр-актив ҳисобварақлари, мажбуриятларнинг реал қийматини акс эттириш мақсадида эса "Мажбуриятлар" бўлимига контр-пассив ҳисобварақлар киритилган.

"Кўзда тутилмаган ҳолатлар" бўлимига операцияларни икки ёқлама ёзув услуби бўйича акс эттириш ва амалга оширилган операцияларнинг тўғрилигини қўшимча назорат қилиш имконини берувчи контр-актив ҳисобварақлар киритилган.

## **1.5.Банк баланси ва унинг тузилиши**

Ёрдамчи китобдаги маълумотлар Бош китобда жамланади. Бош китоб маълумотлари асосида қуйидагилар тузилади:

баланс ҳисобварақларининг кунлик қолдиқ суммалари - кунлик баланс;

баланс ҳисобварақлари бўйича айланмалар ва кун бошига ва охирига қолдиқ суммалари - айланма-қолдиқ суммалари қайдномаси;

ойлик, чорақлик ва йиллик айланма-қолдиқ суммалари қайдномалари.

Бош бухгалтернинг хоҳишига кўра, эмиссия-касса операциялари, хорижий операциялар, шунингдек "Кўзда тутилмаган ҳолатлар" ҳисобварақлари бўйича жамланма карточкалар юритилиши мумкин.

Касса журналлари дастурий йўл билан касса кирими ва чиқими бўйича алоҳида икки нусхада тузилади ҳамда баланс ҳисобварақлари ва бутун журнал бўйича яқунлар чиқарилади. Яқунлар касса билан таққослангандан сўнг, биринчи нусхалар Ёрдамчи китоб маълумотларини Бош китоб маълумотлари билан таққослаш, шунингдек кирим-чиқим ҳужжатларини таққослаш ва йиғмажилдга тикиш ҳамда ҳар куни компьютерда архивациялаш учун жавоб берадиган ходимга берилади.

Ҳар куни дастурий йўл билан ҳисобварақлар айланмалари ва қолдиқлари тўғрисидаги жамланма маълумотлар олинади. Уларда баланс ҳисобварақларининг рақамлари, ҳисобварақлар номлари, ҳар бир ҳисобварақ бўйича кун бошига қолдиқ суммаси, дебет ва кредит айланмалари ҳамда кун охирига қолдиқ суммаси кўрсатилади.

Банклар кунлик бажарилган бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган шаклда кунлик баланс ҳисоботи тузади. Кунлик баланс ҳисоботи Бош банк томонидан бутун банк бўйича ягона қилиб тайёрланади.

Бош банкнинг Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти (бошқармаси) томонидан ягона баланс ҳисоботини тузиш устидан мониторинг ўрнатилади.

Ягона баланс "Банк биносидан ташқарида жойлашган масъул ижрочи бухгалтер" қоидаси асосида шакллантирилади. Бунда, маълумотларни қайта ишловчи Бош сервер Бош банкда, филиалларда эса ягона локал ҳисоблаш тармоғига уланган бухгалтер, иқтисодчи, филиал раҳбарияти ва бошқа ходимларнинг ишчи станциялари жойлашган бўлади.

Филиалларда барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари (тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкасса топшириқномаси, аккредитивга ариза, мемориал ордерлар, инкассо қилинган пул тушумларига илова рўйхати, эълоннома ва пул чеклари) асосида амалга оширилаётган операциялар махсус ўрнатилган белгилар сифатида Бош серверга автоматик узатилади ва шу заҳоти Бош серверда акс эттирилади.

Ҳар иш куни охирида Бош банкда кун давомида амалга оширилган операцияларнинг банклараро, филиаллараро ва ички банк операцияларига бўлинган ҳолдаги рўйхати тайёрланади. Бу операцияларнинг жамланма суммаси кун мобайнида амалга оширилган бутун банк операциялари суммасига тенг бўлиши лозим.

Бош банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Ахборотлаштириш бош марказидан ЕНД файлини олгандан сўнг, кун ёпиш билан боғлиқ бўлган барча операцияларни бажаради ва шу заҳоти ўзининг филиалларига кун давомида амалга оширилган операциялар тўғрисида ЕНД файлга мос бўлган назорат файлини юборади.

Банк филиаллари ўрнатилган тартибда кунлик бухгалтерия ҳужжатларини йиғмажилдга тикишлари ва уларни баланс маълумотлари билан солиштиришлари лозим.

Ҳар бир ҳисобот шакли филиал раҳбари ва бош бухгалтери томонидан синчиклаб текширилади.

Бош банк раҳбарлари баланс бўлмаган, ҳисобда тартибга солинмаган тафовутлар чиққанда ва бир кун давомида мижозларга хизмат кўрсатилиши таъминланмаган ҳолларда бу камчиликларни бартараф этиш учун зарур барча чора-тадбирларни кўриши лозим.

Банк филиаллари раҳбарлари ва бош бухгалтерлари баланс чиқмаганлиги ҳақида белгиланган муддатда Бош банкка хабар қилмасалар, уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимларидан озод қилишгача бўлган чоралар кўрилади.

Баланснинг тўғри тузилганлиги қуйидаги тартибда текширилади:

кунлик баланснинг актив ва пассивларнинг қолдиқлар бўйича якунлари тенглиги (актив ҳисобварақлари қолдиқларининг мажбуриятлар ҳисобварақлари қолдиқлари плюс капитал ҳисобварақлари қолдиқларига тенглиги);

"Кўзда тутилмаган ҳолатлар" ҳисобварақлари қолдиқлари якунининг тўғрилиги, шу ҳисобварақлар билан уларга тегишли контр-ҳисобварақлар қолдиқларининг ўзаро тенглиги;

актив ҳисобварақларда кредит қолдиқ (контр-актив ҳисобварақлардан ташқари), пассив ҳисобварақларда дебет қолдиқ (контр-пассив ҳисобварақлардан ташқари) бўлмаслиги;

актив ҳисобварақларга очилган контр-актив ҳисобварақлар қолдиғи шу актив ҳисобварақ қолдиғидан ортиқ бўлмаслиги, пассив ҳисобварақларга очилган контр-пассив ҳисобварақлар қолдиғи шу пассив ҳисобварақ қолдиғидан ортиқ бўлмаслиги;

Бош банкда очилган 16100 ва 22200-ҳисобварақлари қолдиқлари ҳамда улар бўйича очилган иккинчи тартибли мос ҳисобварақларнинг қолдиқлари ўзаро тенг бўлиши;

асосий воситалар, даромадлар ва харажатлар ҳамда банк капитали ҳисоби фақат миллий валютада юритилишини таъминлаш ва баланснинг резидент ва норезидент устунларини шунга мос равишда тўлдирилганлиги.

Баланснинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг кунлик бухгалтерия ҳисоботи сифатида бир нусха баланс (Бош банкда бутун банк бўйича, филиаллар эса ўз филиаллари бўйича) чоп этилади.

Банкнинг ягона кунлик баланси банк раҳбари ва Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори (бошқарма бошлиғи) томонидан имзоланиши лозим.

Филиаллар баланси филиал бошқарувчиси ва унинг бош бухгалтери томонидан, касса операциялари бўйича ҳисоботларга улардан ташқари касса мудури ёки масъул касса ходими имзо чекади.

Банклар баланси бошқа зарур маълумотлар билан биргаликда Марказий банкка тақдим қилиш учун Бош сервердан Ахборотлаш бошқарув тизими (бундан кейинги ўринларда АБТ деб юритилади)га узатилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва давлат бюджети касса ижроси департаменти тижорат банклари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳудудий Бош бошқармаларининг балансларини алоҳида жамлаб, сўнгра бутун республика банклари бўйича йиғма баланс тузади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк баланси Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва давлат бюджети касса ижроси департаменти томонидан, тижорат банклари баланслари Кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш департаменти томонидан таҳлил қилинади.

Таҳлил натижалари бўйича тижорат банкларига тегишли кўрсатмалар берилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ваколатли департаментлари АБТ дан ўрнатилган тартибда баланс ва бошқа тегишли маълумотлар олиши мумкин.

Адлия вазирлиги томонидан 25.10.2004 й.да 1419-сон билан рўйхатга олинган Низомнинг 1-илоvasида тижорат банк муассасаларини баланс ҳисоботи келтирилган.

### ЖАМЛАНМА БАЛАНС ҲИСОБОТИ

\_\_\_ ва \_\_\_ йил 31 декабрь ҳолатига кўра \_\_\_\_\_ банк

\_\_\_\_\_ тўлиқ номи

Банк рўйхатга олинган рақам \_\_\_\_\_

(минг сўмда)

Т/р	Моддалар	Изоҳ	Жорий йил	Ўтган йил
	<b>Активлар</b>			
010	Нақд пуллар			
020	Банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан (ЎЗР МБ) олиши лозим бўлган суммалари			
030	Банкнинг бошқа банклардан олиши лозим бўлган суммалари			
040	Олди-сотди қимматли қоғозлари - Савдога мўлжалланган			
041	- Савдога мўлжалланмаган			
050	Ҳосилавий молиявий воситалар			
060	Сотишга мўлжалланган мавжуд инвестициялар			
061	Сўндирилгунча сақлаб туриладиган инвестициялар			
070	Тескари РЕПО			
080	Мижозларга берилган кредитлар ва бўнақлар:			
081	Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш			

	захираси			
082	Соф кредитлар ва бўнақлар			
090	Молиявий ижара			
100	Қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар			
101	Қўшма корхоналарга қилинган инвестициялар			
110	Гудвилл			
120	Асосий воситалар (соф баланс қиймати бўйича)			
130	Номоддий активлар (соф баланс қиймати бўйича)			
140	Бошқа хусусий мулк			
150	Солиқ талабномалари			
160	Бошқа активлар			
<b>170</b>	<b>ЖАМИ: АКТИВЛАР</b>			
	<b>Мажбуриятлар</b>			
	<b>Депозитлар</b>			
181	Талаб қилиб олингунча сақланадиган			
182	Жамғарма			
183	Муддатли			
184	Депозит сертификатлари			
185	Ҳукуматга тегишли ҳисобварақлар			
190	<b>Жами: депозитлар</b>			
200	Марказий банкка тўланиши лозим бўлган суммалар			
210	Ҳукуматга тўланиши лозим бўлган суммалар			
220	Бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган суммалар			
230	РЕПО ва бошқа қарз маблағлари			
240	Ҳосилавий молиявий воситалар			
250	Солиқ мажбуриятлари			
260	Бошқа мажбуриятлар			
270	Чиқарилган қарз қимматли қоғозлар			
<b>280</b>	<b>Жами: мажбуриятлар</b>			
	<b>Хусусий капитал</b>			

300	Оддий акциялар			
310	Имтиёзли акциялар			
320	(Сотиб олинган хусусий акциялар)			
330	Жами: Акциядорлик капитали			
340	Қайта баҳолаш захиралари			
350	Таксимланмаган фойда (жамланган дефицит)			
<b>360</b>	<b>Жами: хусусий капитал</b>			
<b>370</b>	<b>ЖАМИ: Мажбуриятлар ва хусусий капитал</b>			
Банк бошқаруви раиси				
		Ф.И.О.		имзо
Бош бухгалтер				
	Ф.И.О	МЎ		Имзо

## **II-БОБ. БАНК ХУЖЖАТЛАРИ, ХУЖЖАТЛАР АЙЛАНИШИ ВА БАНК НАЗОРАТИ**

### **2.1.Банк ҳужжатларининг мазмуни, аҳамияти, турлари ва уларнинг тавсифи.**

Бухгалтерия ходимларининг иш куни шундай ташкил этилиши лозимки, бунда келаётган ҳисоб-китоб-пул ҳужжатлари ўз вақтида ижро этилиши ҳамда улар ҳисобварақлар буйича бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиб, кундалик баланс тузилишини таъминлашлари лозим. Шу боисдан, тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган усуллардан бири ҳужжатлаштириш бўлиб, унинг аҳамияти хўжаликни юритишда, бошқарувни оқилона ташкил этишда, шунингдек, ҳисоб ишларини юритишнинг олдига қўйган асосий вазифа ҳамда талабларига жавоб бериш зарур. Бунда банкларда бухгалтерий ҳисобини ташкил этишда бажарилган операцияларни ҳужжатлаштириш ва ҳужжатлар айланиши амалдаги низомга<sup>6</sup> мувофиқ амалга оширилади. Банкларда иш куни ва ҳужжатлаштиришни ташкил этишда қуйидаги асосий талаблар бажарилиши:

- иш кунининг биринчи ярмида банкка келиб тушган барча ҳисоб-китоб-пул ҳужжатлари шу куннинг ўзида қабул қилиниши, расмийлаштирилиши ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттирилиши ҳамда операция куни тугагандан кейин банкка келиб тушган ҳисоб-китоб-пул ҳужжатлари, кейинги иш кунда мижозларнинг ҳисобварақларига киритилиши;
- операция куни давомида мижозлардан ҳисоб-китоб-пул ҳужжатларини бевосита бухгалтерия ходимларининг ўзлари қабул қилиб олиши, операция кундан ташқари вақтларда ҳужжатлар банкка махсус курилмалар орқали топширилиши;

---

<sup>6</sup> “Бухгалтерий ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисида” низом. ЎзР АВ томонидан 14.01.2004 йилда 1297-сон билан рўйхатга олинган

- операциялар ҳажмини тартибга солиб туриш учун ҳар бир банкда доимий равишда банкка катта миқдорда тўлов ҳужжатлари тақдим этиб турадиган асосий миждозлардан ҳужжатларни қабул қилиш графиги белгиланиши;
- ижро учун қабул қилинган банк миждозларининг ҳисоб-китоб ва касса операцияларини бухгалтерия ходимлари томонидан операция куни давомида амалга ошириш;
- барча ҳисоб-китоб-пул ҳужжатлари буйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидан амалга ошириладиган тўловлар, жумладан, бюджетга ажратмалар ва иш хақи учун тўловлар фақат ушбу ҳисобварақларда маблағ бўлган тақдирда амалга оширилишини назорат қилишлари лозим.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб, ҳар бир банкда миждозларга хизмат кўрсатиш графиги тузилиши зарур. Унда хўжалик юритувчи субъектларга ҳисоб-китоб-касса хизматларини кўрсатишнинг аниқ вақти ҳамда уларни қайта ишлаш вақтини, миждозларга хизмат кўрсатиш ва ҳужжатларни қабул қилиш графигини банк раҳбари томонидан тасдиқланишини талаб этади.

Банкларда ҳужжатлаштириш хусусиятларига кўра туркумларга ажратилади, бундай гуруҳлашга сабаб, ҳужжатлаштириш ишларини, улардан ҳисоб ишларида фойдаланишни ҳамда уларнинг айланишини ва сақлашини осонлаштиришдир. Ҳужжатлар тузилиши тартибига, вазифасига, операцияларни акс эттиришига, қаерда тузилиши хусусиятларига кўра туркумларга ажратилади. Тузилиш тартибига кўра, дастлабки ва йиғма ҳужжатларга бўлинадики, буни қуйидагича изоҳлаш мумкин: бирор бир операция амалга оширилганда албатта ҳужжатлаштирилиши лозим.

Дастлабки ҳужжатлар қайта ишланиб, гуруҳларга ажратилади ва йиғма ҳужжатлар шаклида тикилади ҳамда бу ҳужжатлар маълум бир давр ичида рўй берган операциялар юзасидан тўла маълумотлар олиш имкониятини

беради. Йиғма ҳужжатларга банк амалиётида содир бўлган ҳисоб-китоб-пул ҳужжатлари, кассир ҳисоботини мисол тариқасида келтириш мумкин.

**Иқтисодий адабиётларда ҳужжатлар яъни, уларнинг бажарадиган вазифасига кўра 5 турга:**

1. фармойиш берувчи ҳужжатлар;
2. тасдиқловчи ҳужжатлар;
3. фармойиш-тасдиқловчи ҳужжатлар;
4. рамийлаштириш ҳужжатлари;
5. ахборот ҳужжатларига аж
6. ратилади.

Ҳужжатлар қаерда тузилишига кўра икки турга бўлинади: банкнинг ўзида тузилган ҳужжатлар; хўжалик юритувчи субъектлар томонидан (миж озлар) тузилган ҳужжатлардир.

Банкларда амалга оширилаётган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби автоматлаштирилган шароитларда ҳужжатларнинг реквизитлари код кўринишида акс эттирилиши мумкин. ҳужжатлардаги реквизитлар аниқ ва тўғри ҳолда, кимёвий қаламда, шарикли, сиёҳли ручкада, ёзув машиналари орқали акс эттирилиши мумкин. Ҳужжатлардаги ёзувларни оддий қаламда ёзишга рухсат этилмаслигига сабаб, ҳужжатлар архивларда узоқ сақланиши давомида ёзувларнинг тўлиқ сақланишини таъминлашдир. Ҳужжатлаштириш жараёнида бланкалардаги махсус қаторларда бўш қолганларига чизик тортилиши, бу мумкин бўлмаган ёзувлар ёзилишининг олди олинади.

Шунингдек, операциялар тиғизлиги бир меъёрда бўлишини таъминлаш ва ҳужжатлаштириш ишларини тезлаштириш ва сифатли амалга ошириш мақсадида банкларда мижозларга хизмат кўрсатиш графиги ишлаб чиқилади.

Ушбу графикда ҳужжатларга ишлов бериладиган барча участкалардан ўтиши керак бўлган аниқ вақтлар кўрсатилади. Бунда иш куни давомида расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тўпланиб қолишига йўл қўймаслиги лозимлиги ҳисобга олинади. График тузилаётганда қуйидагилар:

- кунлик тушумни қабул қилишга доир ҳужжатлар пул маблағларини дастлабки санаш кассасидан бухгалтерия бўлими ходимлари қўлига иш куни бошланиши олдидан келиб тушиши, бунда иш куни мобайнида инкасса қилинган нақд пул тушуми ҳужжатлари кассадаги нақд пул тушуми санаб бўлинмаганлигидан қатъий назар соат 16.00 дан кечикмай олиниши, касса дафтларини эса, касса маълумотлари билан солиштириш соат 18.00 гача якунланиши;
- иш кунининг иккинчи ярмида мижозлардан қабул қилинган ҳисоб-китоб-пул ҳужжатларини тўлаш вақти мобайнида расмийлаштирилиши;
- мижозлардан келиб тушган ҳужжатлар шу мижозларга имкони борича хизмат кўрсатиш вақтигача тўлаб берилиши;
- банк мижозларининг ҳисобварақларига маблағларни киритиш ва чиқариб олиш учун ҳужжатлар келиб тушганлиги ҳамда ишлов берилганлигига қараб бухгалтериянинг бир операцион ходимидан бошқасига берилиши кечиктирилмаслиги;
- жорий куннинг операциялари буйича маълумотларни ХКМига улар билан келишилган махсус график буйича топширилиши;
- шахсий ҳисобварақлардаги ёзувларни текшириш ҳамда ушбу ҳисобварақлардаги якуний натижаларни баланс ҳисобварақлари ва кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари билан солиштириш кун охирида ёки кейинги куни эрталабдан кечиктирмасдан бухгалтерия ходимлари томонидан амалга оширилиши;

- хужжатлар экспертизаси бўлимига улар расмийлаштирилиши биланок топширилиши ва экспертиза хужжатларни қоида буйича иш куни якунланишига камида 1,5 соат қолганда қабул қилиш тўхтатилиши таъминланиши лозим бўлади.

Юқоридаги талаблар ва бажарилиши лозим бўлган вазифалар тижорат банкларида иш кунини самарали бошқаришни ва ҳисоб-китоб-пул хужжатларини расмийлаштиришга, шунингдек, банк миждозларига кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилашга яқиндан ёрдам беради ҳамда бухгалтерия бўлимининг иш кунини ташкил этиш жараёнига иждобий таъсир кўрсатади.<sup>7</sup>

---

<sup>7</sup>Абдувахидов Ф. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби./ Ўқув қўлланма. –Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2012 й. 282 бет. (24-26 бетлар).

## 2.2 Электрон ҳужжатлар ва уларни шакллантириш.

Банкларда барча операциялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган шаклдаги пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхаси ҳамда "Банк-мижоз" тизимидан фойдаланувчилардан электрон алоқа орқали олинган электрон тўлов ҳужжатлари, шунингдек пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тузилган электрон ҳужжатлар асосида амалга оширилади ва бухгалтерия ҳисобида қайд этилади. Пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари банк томонидан ижрога фақат мижознинг банкка тақдим қилган муҳр ва имзо қўйилган варақчада кўрсатилган шахслар ёки мижознинг ишончномаси асосида вакил қилинган шахсдан қабул қилинади.

Пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлари қуйидагилардир:

-мижознинг номи ва солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР);

-пул олувчи ва пул тўловчи мижозлар ҳисобварақ рақамлари;

-уларга хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди;

-ҳужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;

-операциянинг номи, мақсади ва суммаси;

-мижоз муҳри ва масъул шахсларининг имзолари.

Ҳужжатларда операция мақсади аниқ баён этилиши лозим. Пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида бўяш, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмайди. Банк операциялари қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда расмийлаштирилган электрон ҳужжатлар асосида амалга оширилиши мумкин. Электрон ҳужжатлар пул ҳисоб-китоб ҳужжатларнинг асл нусхасида белгиланган барча реквизитларга эга бўлиши шарт.

Электрон ҳужжатлар масъул шахслар имзолари ўрнини босувчи-электрон рақамли имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим. Электрон

ҳужжатларни қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёнида уларнинг бирор кўрсаткичларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари банк томонидан ижро учун қабул қилинади:

а) юридик шахслардан - асл нусхада имзо намуналари варақчасида кўрсатилган имзолар намунаси ва асосий муҳрнинг изига мувофиқ мансабдор шахсларнинг имзоси ҳамда асосий муҳри изи мавжуд бўлганда;

б) юридик шахс ташкил қилмасдан туриб деҳқон хўжалиги ва якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилардан - варақчада кўрсатилган имзолар намунасидан биттаси ва асосий муҳрнинг изи мавжуд бўлганда. Агар банкка тақдим қилинган имзолар намунаси ва муҳр изи қўйилган варақчада уларнинг асосий муҳри бўлмаган ҳолларда, деҳқон хўжалиги ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тақдим қилинган пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари муҳр изисиз қабул қилишга рухсат берилади.

Имзолар ўз эгасининг қўли билан қўйилиши шарт. Барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида имзо изи туширилган факсимилни қўйиш тақиқланади. Банкларда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар билан боғиқ тўлов ҳужжатлари "Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низом" ҳамда нақд пул билан боғиқ операциялари бўйича тўлов ҳужжатлари "Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома"да белгиланган бланка шаклларидаги реквизитлар бўйича тўлиқ ва тўғри тўлдириб, расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Банк кассасидан нақд пул олиш учун фойдаланиладиган нақд пул чеклари бир хил рангли сиёҳли ёки шарикли ручка билан қўлда тўлдирилган бўлиши шарт. ҳужжатнинг тўлдирилмаган қисмларга иккита параллел чизик тортилиши лозим. Ҳисобварақ эгасининг номи, унинг ҳисобварағи рақами ва банк номи чекларда ҳамда эълонларда бурчак штамплар билан кўрсатилиши мумкин. Банкда бериладиган нақд пул ҳужжатларида сўз билан ёзиладиган сумма сатрнинг бошидан катта ҳарф билан бошланиши шарт. "Сумма рақам

билан" ҳамда "Сумма сўз билан" рек визитларидаги суммадан олдин ва кейин қолган бўш жойларга учлари диагональ чизик билан бирлаштирилган икки параллел чизик тортиб қўйилади.

Нақд пул чекининг олд томонида албатта, нақд пул олиш учун корхона томонидан ишончнома берилган шахснинг исми, шарифи ёзилади. ҳисобварақ эгаси нақд пул чекларининг орқа томонида харажатларнинг мақсадини кўрсатиши шарт, ушбу маълумотлар чек берувчининг имзолари билан тасдиқланади ва пул олувчининг паспорти ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат маълумотлари кўрсатилади.

Бу маълумотлар олувчиларнинг ўзлари томонидан тўлдирилиши шарт. Нақд пул берилиши учун асос бўладиган пул чеклари ва чиқим касса ордерлари олувчиларнинг имзолари билан тасдиқланади.

Нақд пул чеки бўйича маблағ чекда шахси кўрсатилган шахсга тўланади. Чек бўйича пул олиш ҳуқуқи бошқа шахсга топширилиши ман этилади. Иккинчи имзо ҳуқуқи билан чекни имзолаган ташкилот бош бухгалтери ёки бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим номига ёзилган чек бўйича пул тўланишига йўл қўйилмайди. Фақат ҳарбий қисмлар, ҳарбий ташкилотлар, марказлаштирилган бухгалтериялар хизматидан фойдаланмайдиган ўз-ўзини бошқариш органларининг, шунингдек пул олишига рухсат этиладиган бошқа шахс штатида бўлмаган ташкилотлар ҳисобварақларига доир чеклар бундан мустасно. Бу ҳолат ҳисобварақ эгаси имзолар намунаси варақчасида қайд этган тегишли ёзув билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Банк раҳбари, айрим ҳолларда, чек бўйича қисман пул тўлашга ва пул олувчи шахсга ушбу чек бўйича унга амалда берилган пул суммаси тўғрисида маълумотнома беришга рухсат этиши мумкин. Маълумотномага банк раҳбари ва бош бухгалтери имзолари қўйилиб, банк муҳри босилади. Пул олувчидан олинган пул суммаси тўғрисида чекнинг орқа томонига тилхат ёздириб олинади. Ушбу чек бўйича бошқа нақд пул олишга рухсат

берилмайди ва унга қисман тўлангани ҳақидаги маълумотноманинг нусхаси илова қилиниб, шу куннинг касса ҳужжатларига қўшиб тикилади.

"Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқнома" га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва уларга қарашли муассасаларнинг тўлов топшириқномалари ва чекларида тўловлар мақсади кўрсатилиши талаб қилинмайди.

Банк операциясини ўтказиш учун асос бўладиган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида, уларни тўғри расмийлаштирганлиги ва текширилганлигини билдирувчи банк мансабдор шахсларининг имзолари бўлиши лозим. Бажарилган операцияларни исботловчи ҳужжатлар сифатида банкда сақланадиган ҳужжат нусхалари ҳамда ҳисобварақлардан олиниб, уларнинг эгаларига юбориладиган кўчирмаларга илова қилинадиган нусхалар ҳам ушбу банк ходимларининг имзолари билан расмийлиштирилади.

Пул ҳисоб-китоб ҳужжатларига имзо чекиш ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар имзоларининг намуналари махсус бланкаларда берилади. Бу намуналар банк раҳбарининг имзо чекиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги фармойиши ҳисобланади, уларга банк раҳбари ва бош бухгалтери имзо чекади. Махсус бланкалар шакли банк томонидан мустақил белгиланади. Айрим бухгалтерия ходимлари бошқалари билан алмаштириладиган ҳолларда янги ходимлар имзоларининг намуналари алоҳида бланкаларда берилади. Банк мансабдор шахслари имзоларининг бекор қилинган ва ўзгартирилган намуналарини уларнинг устидан чизиш йўли билан ўчирилади. Белгиланган ҳолларда пул ҳисоб-китоб ҳужжатларига жўнатма калити ҳам қўшилиб, гербли муҳр ёки банк кассасининг муҳри ёхуд банк кечки кассаси аппарати қўядиган штамп босилади.

Пул ва қимматликларни қабул қилиш ҳамда бериш билан боғиқ ҳужжатлар, шу жумладан, пул ва қимматликлар қабул қилингани

тўғрисидаги квитанцияларда юқорида қайд этилган имзолардан ташқари пул ва қимматликларни қабул қилган ёки берган кассирнинг имзоси ҳам бўлиши шарт. Кириш касса ордерларига ҳамда пул ва қимматликларни қабул қилиш квитанцияларига имзо чекиш ҳуқуқи берилган касса ходимларининг фамилиялари, уларнинг имзо намуналари банк раҳбари томонидан чиқарилган махсус бланкаларда кўрсатилади.

Бош бухгалтер имзоларнинг тегишли намуналари ўз вақтида кассага, бухгалтерия ходимларига ва назоратчи ходимларга берилиб, бу ҳақда улардан тилхат олинганини таъминлаши шарт. Бундан ташқари, бош бухгалтер имзо чекиш ҳуқуқи бекор қилинган шахслар имзоларининг намуналаридан фойдаланувчи мансабдор шахслар қўлидаги рўйхатлардан ўз вақтида ўчирилишини ҳам кузатиб бориши шарт.

Банкнинг ички операциялари банк ходимлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ўрнатилган шаклларда расмийлаштирилган ҳужжатлар бўйича амалга оширилади. Бунга, хусусан, мемориал ордерлар, кириш ва чиқим касса ордерлари, кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича мемориал ордерлар, кредит бўлими ҳамда банкнинг алоҳида операциялари бўйича тайинланган мутасадди ходимининг фармойишлари ва бошқалар кирилади.

Банк тўловчи бўлиб иштирок этган ва мемориал ордерлар ишлатилган ҳолларда, улар банк раҳбарининг ва бош бухгалтернинг имзолари билан тасдиқланади, бошқа ҳолатларда мемориал ордерлар ушбу банк ҳисобварағини олиб борувчи бухгалтер ва бош бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади. Муддатида тўланмаган пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари (2-картотекага кириш қилинган тўлов талабномалари, тўлов топшириқномалари ва инкассо топшириқномалари)ни қисман тўлаш мақсадида тузилган мемориал ордерларда операция мазмунини билдирадиган матн ўрнига унинг шартли белгиси - "1" ва "2" рақамлари ҳамда тўлов талабномаси ёки топшириқномасининг тегишли рақами ва сана кўрсатилиши шарт.

Банк тузган хужжатларда уларнинг рақамлари қайд этилади. Эълонлар, шунингдек уларнинг квитанция рақамларининг тартиби банк бош бухгалтер томонидан белгиланади. Пул қабул қилинганлиги тўғрисида тўловчига квитанция бериладиган ҳолларда банк ходими пул қўювчига берилган квитанция рақамининг охириги уч рақамини эълонга ёзиб қўяди. Эълонлар компьютер техникаси ёрдамида тузилиши мумкин. Техник имконияти мавжуд бўлмаган банкларда эса эълонлар қўлда ёзиб тўлдирилади. Бунда, нақд пул қабул қилинган тўғрисидаги квитанциялар фақат сиёҳли ёки шарикли ручка билан қўлда тўлдирилиши шарт. Фақат бланкалар комплектига кирадиган, бир вақтнинг ўзида қора қоғоз билан тўлдириладиган квитанциялар бундан мустасно.

Банк томонидан берадиган квитанцияларда сўз билан ёзиладиган сумма сатрнинг бошидан катта ҳарф билан бошланиши шарт. "Сумма рақам билан" реквизитидаги суммадан олдин ва кейин қолган бўш жойга икки параллел тўғри чизиқ тортиб қўйилади. Пул омборида сақланаётган қимматликлар ва хужжатларни кириш қилиш ва ҳисобдан чиқаришга доир кириш-чиқим ордерларида якуний суммалар сўз билан қайта ёзилади.

Кириш ва чиқим касса журналлари компьютер техникаси ёрдамида тузилади. Унда сана, миқдорнинг ҳисобварақ рақами, кириш ва чиқим хужжатининг рақами, ҳисобот рамзи ҳамда унинг суммаси кўрсатилиши лозим. Шунингдек, ушбу касса журналлари кириш ва чиқим хужжатларини дастлабки назоратдан ўтказган масъул ижрочи ва кассирнинг имзолари билан тасдиқланиши шарт.

Банк кунлик операциялар йиғмажилдига тикиш ва сақлаш учун чиқариладиган электрон тўлов хужжатларининг рўйхати ҳамда миқдорлар томонидан тақдим қилинган пул ҳисоб-китоб хужжатларининг асл нусхалари банкнинг масъул ходимлари имзоси ва банк штампи билан тасдиқланади.<sup>8</sup>

---

<sup>8</sup> Абдуваҳидов Ф. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби. / Ўқув қўлланма. –Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", 2012 й. 282 бет. (27-28

### **2.3.Банкларда ҳужжатлар айланишини ташкил қилиш.**

Бухгалтерия ҳисобининг юритилиши, бухгалтерия ишининг тўғри ташкил этилиши ва назоратнинг аниқ олиб борилиши банкнинг ўз вазифаларини тўғри бажаришини, мавжуд ва бўлғуси инвесторлар, кредиторлар, ҳукумат муассасалари, вазирликлар, идоралар, жамоатчилик ва бошқа манфаатдор фойдаланувчилар, шунингдек, банк раҳбарияти ва ходимлари учун банк фаолиятига ҳаққоний баҳо бериш имконини яратадиган аниқ ва фойдали ахборот олишни таъминлайди.

Банкларда бухгалтерия ҳисоби ишларини юритиш ва бухгалтерия аппаратини ташкил қилиш тамойиллари, мижозларга хизмат кўрсатиш ҳамда ҳужжатлар айланмасини йўлга қўйиш усуллари тўғрисида кўрсатмалар берилган, банк операциялари ҳисобини юритиш ва уларни назорат қилиш қоидалари ҳамда бажарилган банк операцияларининг қонунийлиги бўйича жавобгарлик белгиланган. Шунингдек, қуйидагиларни таъминлаш мақсад қилиб қўйилган:

- ❖ ҳисоб-китоб, касса, валюта, кредит ҳамда бошқа банк операцияларини тўғри бажариш ҳамда уларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ўз вақтида ва аниқ акс эттириш;
- ❖ банк активлари, мажбуриятлари, даромадлари ва харажатлари ҳамда капитали ҳолати ва улардаги ўзгаришлар тўғрисида ишончли маълумотлар тўплаш;
- ❖ банкнинг молиявий ҳолати, молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар ва молиявий натижалари тўғрисидаги ва банк раҳбарияти фаолиятига баҳо берувчи молиявий ҳисоботларни тузиш учун хизмат қилувчи ахборотлар тизимини яратиш;

- ❖ банк иш куни тартибига қатъий риоя қилиш, мижозларга тез ва аниқ хизмат кўрсатиш;
- ❖ ҳисоб-китоблардаги маблағлар айланишини тезлаштириш;
- ❖ банкдан чиқаётган ҳужжатларни тегишли тарзда расмийлаштириш ва бунинг натижасида улардан фойдаланишни осонлаштириш, шунингдек, бошқа банкларда ушбу ҳужжатлар билан операциялар бажарилишини ҳамда улар томонидан хизмат кўрсатувчи мижозларнинг операциялари ҳисобини юритишни белгиланган талабларга мувофиқлаштиришни ташкил этиш;
- ❖ банкдаги пул маблағлари, моддий қимматликлар, шунингдек, қатъий ҳисобда турувчи бланкалар камомати ёки ортиқчалигига йўл қўймаслик ҳамда белгиланган тартибда уларнинг сақланишини ташкил этиш;
- ❖ операцияларнинг қонунийлиги ҳамда тўғрилигини доимий ички назорат ва аудитдан ўтказиш, уларнинг натижалари бўйича маълумотномалар тузиш ва расмийлаштириш имкониятини яратиш;
- ❖ замонавий компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда банк операциялари ҳисобини дастурий амалга ошириш, ҳисоб ишларини юритиш ҳамда ҳисоботлар тузишда меҳнат ва маблағ сарфини қисқартириш.

Амалга оширилган операцияларни амалга ошириш, расмийлаштириш, ҳисобини юритиш ва назорат қилиш тўғрисидаги талаблари барча банклар учун мажбурийдир.

Банклар белгиланган асосий қоидалар доирасида ўзларининг иш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ички бухгалтерия ҳужжатлапини юритиш тартибини белгилашлари мумкин.

Банк ходимлари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган банк сирига оид маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг "Банк сири тўғрисида"ги қонуни талабларига қатъий амал қилган ҳолда сир сақлашлари лозим.

Банкларда бухгалтерия операциялари 3 усулда: дастлабки назорат, жорий назорат ва якуний назоратдан ўтказилади.

Дастлабки назорат Фронт-офис ходимлари (агар, банк таркибий тузилмаси Фронт-офис ва Бек-офисга бўлинган бўлса) ёки масъул ижрочи бухгалтер томонидан операцияларни бажармасдан олдин уларнинг самарадорлигини, банкнинг ички сиёсатига ҳамда амалдаги қонунчиликка мос эканлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Агар, операциялар хорижий валютада халқаро шартномалар асосида амалга оширилса, шартнома шартларига риоя қилиниши лозим.

Мижозлардан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилишда, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган шаклдаги бланкда ёзилиб тўғри расмийлаштирилганлиги, барча реквизитлар тўлиқ ва тўғри тўлдирилганлиги, ушбу пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида бўяш, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмаганлиги, шу жумладан ҳисобварақни тасарруф этувчиларнинг имзолари ва муҳр изи тақдим этилган намуналарга мос келиши текширилади.

Агар, мијоз тақдим қилган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида белгиланган талабларга зид камчилик ва нуқсонлар аниқланса, тўлов ҳужжатлари мијозга ижрога қабул қилинмасдан қайтарилиши лозим. Суммаси, мијозлар номи ва уларнинг ҳисобварақлари рақами ўзгартирилган тўлов ҳужжатлари, ҳатто мијозлар томонидан ўзаро келишилган тартибда тузатиш киритилган бўлса ҳам ижро учун қабул қилинмайди.

Тўлов талабномалари сана банк қабул қилган санага мос тушадиган реестри бор бўлган ҳолатда инкассага қабул қилинади. Агарда банк

ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса, тўлов топшириқномаси банк томонидан миқдорнинг талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварағида тўлов учун етарли маблағлар мавжуд бўлгандагина қабул қилинади. Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича тақдим қилинган тўлов топшириқномалари миқдорнинг ҳисобварағида тўлов учун етарли маблағлар мавжуд бўлмаганда 2-сон картотекага кириш қилинади.

Тўлов топшириқномалари ва нақд пулни қўйиш учун фойдаланиладиган эълонларнинг сана уни банкка тақдим этилган сана билан бир хил бўлиши керак, акс ҳолда улар ижро учун қабул қилинмайди. Масъул ижрочи бухгалтер ёки Фронт-офис ходими тўлов ҳужжати нусхаларини имзолашдан олдин, уларни солиштириб, ўзаро бир хиллигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Шундан сўнг, ижро этиш сана кўрсатилган ҳолда масъул ходим имзоси билан тасдиқланган ва унга бириктирилган банк штампи қўйилган ҳужжатнинг охириги нусхаси миқдорга қайтарилади. Ушбу нусха ҳужжатлар ижро учун қабул қилинганини тасдиқловчи тилхат вазифасини бажаради.

Нақд пулни беришда ишлатилладиган чеклар тўлдирилган кундан бошлаб, 10 календар кун давомида банк томонидан қабул қилинади. Масъул ходим қабул қилинган нақд пул чекининг санани, чекни топширган хўжалик субъектининг номини ва ҳисобварақ рақамини, олинладиган маблағнинг рақам ва сўз билан ёзилган суммасини текширади, чекдаги имзолар ва муҳр изини ўзидаги имзо намуналари билан солиштиради. Шунингдек, нақд пул чекларини белгиланган тартибда расмийлаштирилганлигини текшириб чиқади.

Фронт-офис ходими ёки масъул ижрочи бухгалтер миқдорлардан қабул қилинган барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхаларига асосан маълумотларни дастурга киритади ва тўлов ҳужжатларини имзолаб, электрон тўлов тизими орқали уларни жорий назоратдан ўтказиш учун Бек-офис ёки назоратчи бухгалтерга юборади.

Бек-офис ходими ёки назоратчи бухгалтер банк ички ҳужжат айланиш тартибига асосан Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтердан келиб тушган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларини қабул қилгандан кейин жорий назоратни амалга оширади.

Жорий назоратда дастлабки назоратдан ўтказилган тўлов ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва уларнинг электрон нусхаларининг тўғри расмийлаштирилганлиги қайтадан текширилади ҳамда улардаги имзолар ва муҳр изини ўзларида мавжуд имзолар ва муҳр изи намуналари билан солиштирилади. Тўлов ҳужжатларининг асл нусхасида Фронт-офис ходими ёки масъул ижрочи бухгалтернинг имзолари ва штампни борлигини ҳамда уларни ўзида мавжуд бўлган имзо намуналарига мос келишини текширади. Шунингдек, Фронт-офис ходими ёки масъул ижрочи бухгалтер пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида бўяш, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмаганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Бек-офис ходими ёки назоратчи бухгалтер нақд пул чеки ва эълонномани ўрнатилган тартибда текшириб, уларни имзолаб Фронт-офис ходими ёки масъул ижрочи бухгалтерга қайтаради. Бек-офис ходими ёки назоратчи бухгалтер томонидан банкнинг ички молия-хўжалик операциялари бўйича келиб тушган тўлов ҳужжатларининг асл ва электрон нусхалари ҳамда ушбу операцияларни амалга ошириш учун асос бўлган банк тегишли бўлинмаларининг Хизмат фармойишларининг нусхалари тўғри расмийлаштирилганлиги, хато ва камчиликлар йўқлиги текширилади.

Пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхалари ёки уларнинг электрон файлида хато ва камчиликлар аниқланганда, Бек-офис ходими ёки назоратчи бухгалтер тўлов ҳужжатининг асл нусхасига имзо чекмасдан уларнинг хато ва камчиликларини кўрсатган ҳолда Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтерга ижросиз қайтаради.

Бек-офис ходими ёки назоратчи бухгалтер томонидан жорий назорат натижалари ижобий бўлган тақдирда, у тўлов ҳужжатининг асл нусхасига

имзо чекади ва уни Бек-офис бошлиғига ёки бош бухгалтерга тасдиқлаш учун жўнатади. Бек-офис бошлиғи ёки бош бухгалтер белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, дастлабки ва жорий назоратдан ўтган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларини қабул қилиб олади ва ушбу тўлов ҳужжатларида қонунчилик ҳамда банкнинг ички сиёсатида ўрнатилган талабларга риоя қилиниши бўйича умумий назоратни амалга оширади.

Бек-офис бошлиғи ёки Бош бухгалтер барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларига ўрнатилган тартибда имзо чекиб, тасдиқлайди ва бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширади. Банк раҳбари буйруғи билан тўловларни тасдиқлаш бошқа банк ходимига топширилиши мумкин.

Банкларда амалиёт куни яқунлангандан сўнг, кунлик операция ҳужжатлари ўрнатилган тартибда тикилиб ва расмийлаштирилиб якуний назоратдан ўтказиш учун якуний назорат хизмати ходимларига топширилади ва уларга электрон маълумотлар базасига кириш учун рухсат берилади.

Якуний назорат хизмати томонидан кейинги банк иш кунидан кечикмаган ҳолда электрон маълумотлар базасига кириб, банкда амалга оширилган барча операциялар Бош ва ёрдамчи китоблардаги амал қилиб турган шахсий ҳисобварақларда тўғри акс этирилганлигини пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхалари билан солиштириб текширишдан ўтказилиши шарт. Текшириш натижалари дастурий баённома билан расмийлаштирилиши ва кунлик йиғмажилдга тикилиши шарт.

Кунлик чоп этилиб, йиғмажилдга тикилган баланс маълумотлари билан унинг электрон баланс маълумотлари бир-бирига мос келмаган ҳолда, зудлик билан раҳбариятга маълумот берилади ва шу куннинг ўзида унинг сабаблари тўғрисида Бек-офис бошлиғи ёки бош бухгалтер ва хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари иштирокида далолатнома тузилади.

## **2.4 Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш тартиби.**

Банклар бухгалтерия ҳужжатларини бут сақланишини таъминлашлари шарт.

Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этилиши ҳамда бу ишлар тўғри ташкил қилиниши учун жавобгарлик банклар раҳбарлари ва бош бухгалтерлари зиммасига юклатилади. Раҳбар ва бош бухгалтер банк ходимларига йўл-йўриқлар кўрсатиши, ходимларга ҳужжатларни жавонлар ва бошқа омборларда сақлаш учун муайян жойларни ажратиб бериши ва бириктириб қўйиши, зарур ҳолларда ҳужжатларни беҳатар жойларга олиб чиқиш тартиби ва навбатини белгилаши лозим.

Банкларда ҳар куни банк амалиёти куни тугалланганидан кейин ахборотлар ўрнатилган тартибда архивланади.

Банк амалиёт кунига тегишли бухгалтерия ҳужжатлари уларнинг сақлаш муддатлари бўйича алоҳида йиғмажилдларга тикилган ҳолда сақланади. Ҳужжатларни тайёрлаш билан йиғмажилдларни расмийлаштириш вазифаси топширилган ходим шуғулланади.

### **Кунлик йиғмажилдга қуйидаги ҳужжатлар тикилади:**

- банк мижозлари тўлов ҳужжатларининг ҳамда қисман амалга оширилган тўловларда, шунингдек банк мижозлар билан шартномада белгиланган ҳисоб-китоблар бўйича амалга оширилган тўловлар учун қўлланилган мемориал ордерларнинг биринчи нусхаси;
- Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизими бўйича амалга оширилган тўлов ҳужжатларининг рўйхати;
- банклараро ва филиаллараро тўловлар бўйича банк ҳисобварақларининг кредитланишига асос бўлган электрон тўлов ҳужжатларининг рўйхати;
- банкнинг ички ҳисобварақлари бўйича амалга оширилган операциялари учун асос бўлган мемориал ордерлар рўйхати;

- кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича амалга оширилган операциялар учун асос бўлган мемориал ордерларнинг масъул ижрочилар бўйича тузилган рўйхати;
- кунлик баланс ҳисоботи ва ҳисобварақлар бўйича айланма ва қолдиқ суммалар;
- кунлик бухгалтерия журнали.

Ҳужжатлар рўйхати кунлик бухгалтерия журналининг тегишли қисмидан дастурий йўл билан олинади.

Касса ҳужжатлари "Тижорат банкларида касса ишини ташкил қилиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома" (2008 йил 27 июнь, рўйхат рақами 1831 - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2008 йил, 26-27-сон, 258-модда) талаблари асосида касса ходимлари томонидан алоҳида йиғмажилдга тикилади. Кунлик бухгалтерия йиғмажилдига кириш ва чиқим касса журналлари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳолда тикилади.

Қимматбаҳо металлар, чет эл валютаси билан боғлиқ операциялар ва бошқа банк ички хўжалик операцияларга доир, яъни асосий воситалар, банкнинг даромад ҳамда харажатлар операциялари бўйича ҳужжатларнинг сақлаш муддатлари турлича бўлганлиги учун улар алоҳида йиғмажилдларга жойланади.

Асосий воситалар ва турли даромад ҳамда харажатлар билан боғлиқ операциялар, банкнинг бошқа хўжалик операциялари бўйича ҳужжатлар йиғмажилдига тўлов ҳужжатлари билан бирга касса ҳисобварағи билан корреспонденциялашган ва касса ордерларини (тўловномалар, иш ҳақи тўлаш қайдномалари, аризалар ва бошқалар) тўлдиришда асос бўлган асл нусхадаги ҳужжатлар ҳам тикилади.

Тахланиб тикилган (брошюраланган) ҳужжатлар кунлик бухгалтерия журналидаги рўйхат билан солиштирилиб чиқилади ва уларнинг суммаси

айланмаларининг йиғма маълумотларини айланмалар якунлари билан (бунда айрим ҳисобварақларнинг айланмаларидан ташқари) таққосланади.

Бош бухгалтернинг хоҳишига кўра, ахборотни шахсий компьютерга киритиш учун тайёрланган ҳужжатлар боғламлари шакллантирилиши мумкин. Бунда ҳужжатлар йиғмажилдига уларни дастурий йўл билан чиқарилган рўйхати (кунлик бухгалтерия журнали)нинг тегишли қисми билан жойлаштирилади.

Кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларига тегишли ҳужжатлар ҳам ҳисоблаб чиқилиб, уларнинг суммалари бухгалтерия журналларидаги маълумотлар билан ёки айланмалар жамланма маълумотлари билан таққосланади.

Брошюраланган ҳужжатлар йиғмажилдининг муқоваси келтирилган шаклга мувофиқ расмийлаштирилади.

Тахланган ҳужжатларга шу ҳисобварақни юритувчи масъул ижрочи бухгалтерия ходими имзолаган кунлик бухгалтерия операциялари рўйхатининг тегишли қисми илова қилинади. Агар ҳужжатлар дасталанган бўлса, улар дасталарни масъул ижрочи бухгалтерлар қирқими бўйича кунлик бухгалтерия журнаliga қараб ҳисоблаб чиқилиши мумкин, бироқ бу ҳужжатларни тайёрлаган ходим кун давомида ўтказилган бухгалтерия операцияларига доир барча ҳужжатларнинг шу дастада борлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Ҳужжатларни тайёрлаш топширилган масъул ходим иловаси бор бўлган ҳужжатларда бу иловалар қанчалиги кўрсатилганини ва улар ҳақиқатан ҳам мавжудлигини синчиклаб текшириши лозим.

Якунланган кун ҳужжатлари кейинги банк иш кунидан кечиктирилмай, юқорида қайд этилган тартибда расмийлаштирилиши лозим. Расмийлаштириш тугалланмаган ҳужжатлар албатта металл шкафларда сақланиши лозим. Узоқ вақт сақланадиган, шунингдек банкнинг ички

операцияларга тааллуқли ҳужжатлари алоҳида йиғмажилдларга жойланиши керак.

Қоида бўйича бу ҳужжатлар ҳар куни тайёрланади. Муқовада бухгалтерия ҳужжатлари сони ва умумий суммаси бўйича маълумотларни тайёрлаган ходим, бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари имзолари билан тасдиқланади.

Операциялар ҳажми кам бўлган банкларда ўтган йилга тегишли бўлган узоқ муддат сақланадиган ҳужжатлар раҳбар хоҳишига кўра, йил якунлангандан сўнг шакллантирилиши мумкин. Бундай ҳолларда йил тугагунича бу ҳужжатлар йиғмажилдда тўплаб борилиши ва омборда ёки металл шкафда бош бухгалтер жавобгарлиги остида сақланиши лозим.

Узоқ муддат сақланадиган ҳужжатлар тахланаётганда йиғмажилдда ҳар бир кун учун қистирма варақлар қўшилиши, уларда шу кун учун бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққосланган ҳар бир ҳисобварақ дебети ва кредити бўйича ҳужжатлар суммалари кўрсатилиши керак, йиғмажилд муқовасида эса бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққосланган ҳар бир ҳисобварақ дебети ва кредити бўйича ҳужжатларнинг умумий суммаси қайд этилади.

Бухгалтерия ва касса ҳужжатлари умумий йиғмажилдларига бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари имзолаган маълумотномалар жойланади. Бу маълумотномалар ҳар бир ҳисобварақ дебети, шунингдек алоҳида йиғмажилдларда сақланаётган ҳар бир "Кўзда тутилмаган ҳолатлар" ҳисобварағининг кирим ва чиқими бўйича ҳужжатлар суммалари тўғрисида тузилган бўлиши керак.

Ҳужжатларни сақлашга масъул ходим ҳужжатларнинг тўла ва бут сақланишини таъминлаши шарт. Улар бош бухгалтер, унинг ўринбосари ёки бўлим бошлиғининг рухсатисиз бошқаларга ҳужжатларини кўриб чиқишларига йўл қўймасликлари лозим.

## **Банкларда ҳужжатларни архивлаш**

Тижорат банкларида ҳужжатларни архивлаш Ўзбекистон республикаси Адливи вазирлиги томонидан 25.11.1999 йилда 841-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси банкларида архив ишларини юритиш тўғрисидаги қоида”га кўра амалга оширилади.

Банкларда архив ишларини ҳамда иш юритишни амалга ошириш ва уни такомиллаштириш бўйича жавобгарлик банк раҳбарлари зиммасига юклатилади. Банк раҳбарларининг ёзма буйруғига асосан жавобгарлик бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари зиммасига юклатилиши мумкин. Бу эса банк бошқарувчисини умумий жавобгарликдан озод этмайди.

Бухгалтерияда ўтказилган кирим ва чиқим ҳужжатлар, ҳар бир иш куни учун, дебетланган баланс ҳисобварақларининг номерлари ортиб бориши тартибида папкаларга тикилади. Бош бухгалтернинг хоҳшига кўра кирим-чиқим ҳужжатлари кредитланган ҳисобварақалар номерлари ортиб бориш тартибида, шунингдек ахборотни шахсий компьютерга киритиш учун тайёрланган дасталар бўйича шакллантирилиши мумкин. Барча ҳужжатлар папкаларга (йиғмажилдлар) уларнинг ҳисоблаш тасмалари (ҳисоблаш машинада суммалари ёзилган лента) билан биргаликда жойланади. Дебет ёки кредит бўйича биттадан ортиқ ҳисобвараққа таалуқли ҳужжатлар папканинг охирида, қутилмаган вазиятлар ҳисобварақлари бўйича ҳужжатлардан олдин тикилади. Баъзи операциялар бўйича ҳужжатлар, жумладан яққа тартибда ссуда олувчилар бўйича юритиладиган ҳужжатлар, касса ҳужжатлари, аҳолининг омонатлари бўйича ҳужжатлар, қимматбаҳо металллар, чет эл валютаси билан операциялар ва банкнинг хўжалик операцияларига доир ҳужжатлар алоҳида папкаларга жойланади, чунки бу ҳужжатларнинг сақлаш муддатлари турлича белгиланган. Жузланган ҳужжатлар клавишли ҳисоблаш машиналарида ҳисоблаб чиқилади ва уларнинг суммаси айланмаларининг жамлама маълумотлардаги айланмаларнинг якуний суммалари билан таққосланади.

Иш юритиш якунланган жилдлар календар йили тугаганидан сўнг, доимий ва вақтинча сақлаш мақсадида уларни банк архивига "Идорага карашли архивларнинг асосий қоидалари" ҳамда мазкур қоида талабларига мувофиқ расмийлаштирилади ва ҳисобдан чиқарилади.

Жилдларни расмийлаштириш банк ва унинг таркибий бўлинмалари иш юритиш хизмати ходимлари томонидан банк архиви услубий ёрдами ва назорати остида амалга оширилади.

Сақлаш муддатига қараб йиғмажилдлар тўлиқ ёки қисман расмийлаштирилади.

Доимий, вақтинча сақланадиган ва шахсий таркиб бўйича йиғмажилдлар тўлиқ расмийлаштирилади. Йиғмажилдларни тўлиқ расмийлаштириш кўйидагиларни кўзда тутаяди:

- йиғмажилдларни саралаш ва тикиш;
- Йиғмажилдлар варақларини рақамлаш;
- йиғмажилдларни тасдиқловчи ёзувларни тузиш
- зарур ҳолларда йиғмажилд ҳужжатлари ички рўйхатини тузиш
- йиғмажилд муқоваси реквизитларига зарур аниқликларни киритиш (банк номини аниқлаштириш, йиғмажилд сарлавҳасида индекс ва санани кўрсатиш ва б.).

Омбор дафтарларида ҳисобга олинмайдиган кутилмаган вазиятлар ҳисобварақлари бўйича ордерлар саралаб олиниб, кирим-чиқим ҳужжатлари билан бирга жузланади ва дастлаб ҳар бир ҳисобварақнинг кирими, сўнгра чиқими бўйича кутилмаган вазиятлар бўйича ҳисобварақларининг ортиб бориши тартибда кирим-чиқим ҳужжатлардан кейин тикилади. Биттадан ортиқ ҳисобвақлари бўйича кирим-чиқим ордерлари барча ордерлардан кейин тикилади.

Кутилмаган вазиятлар ҳисобварақларига тегишли ҳужжатлар ҳам тикиб чиқилиб, уларнинг бухгалтерия журналларидаги маълумотлар билан ёки айланмалар жамлама маълумот билан таққосланади.

Брошюра ҳолига келтирилган ҳужжатлар тикилган папка муқовасини устига(олд томонига) ҳужжатлар, бухгалтерия ёзувларидан ўтказилган сана, сақлаш муддати, банк бўлимининг номи, кирим-чиқим ҳужжатларининг умумий суммаси кўрсатилади. Ҳужжатларни тайёрлаш топширилган ходим иловаси бор кирим-чиқим ордерларида бу иловалар қанча деб ёзилган ва уларнинг ҳақиқатдан ҳам мавжудлигини синчиклаб текшириб чиқиши зарур.

Операциялар тугаган кун ҳужжатлари эртанги кундан кечиктирмай бошюра ҳолига келтириши лозим. Бирор сабаб билан тикилмаган ҳужжатлар албатта сейфларда сақланиши шарт.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, баъзи узоқ вақт сақланадиган ҳужжатлар, шунингдек банк ичидаги операцияларга таалуқли ҳужжатлар алоҳида брошюраланади. Бундай ҳужжатларга қуйидаги операциялар бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар киради.

- аҳоли ва ҳарбий хизматчилар омонотлари бўйича;
- қимматбаҳо металллар ва хорижий валюта билан бажариладиган, ҳамда хорижий валютадаги ҳисоб-китоб юзасидан операциялар бўйича;
- якка тартибда уй-жой қурилиши учун ссуда ва жисмоний шахсларга бошқа мақсадлар учун бериладиган ссудалар бўйича;
- банк асосий воситалари, кам баҳоли тез эскирувчи буюмлар, даромадлари ва ҳаражатларига оид ва банкнинг бошқа ички хўжалик операциялари бўйича.

Касса ҳужжатлари дастлабки икки гуруҳ ҳужжатлари сақланадиган папкаларга кирим-чиқим ҳужжатлари билан бирга кирим ва чиқим ордерлари ҳамда уларнинг барча иловалари, шунингдек бошқа банклардан

келган авизоларнинг асл нусхалари жойланади. Биринчи ва тўртинчи гуруҳ ҳужжатлар папкасига эса касса ҳужжатларининг асл нусхалари тикилади.

Бу ҳужжатлар қоида тариқасида ҳар кунлигиси ҳар куни алоҳида тайёрланиб борилади. ҳужжатлар сони ва умумий суммаси муқовада уларни тайёрлаган ходим, бош бухгалтер ёки унинг муовини имзолари билан касса ҳужжатлар бўйича папкалар эса юқоридаги шахслар билан бирга кассирларнинг имзоси билан тасдиқланади.

Операциялари кам бўлган банкларда тугаган йилга тегишли узок муддат сақланадиган ҳужжатлар раҳбар хоҳшига кўра, йил тугаганидан кейин брошюралашига рухсат этилди. Бундай ҳолларда йил тугагунча бу ҳужжатлар папкаларда тўплаб борилиши ва омборларда ёки темир шкафларда бош бухгалтер жавобгарлигида сақланиш лозим.

Ҳужжатларни сақлаш вазифаси топширилган ходимлар улар тўла ва бут сақланишини таъминлашлари шарт. Улар бош бухгалтер, унинг муовини ёки бўлим бошлиғи рухсатсиз бошқа ходимларнинг ҳужжатларини кўриб чиқишларига йўл қўйишлари таъқиқланади.

Ҳужжатлар омборларда, темир жавон (сейф) ларда, қўриқланадиган хонадаги темиржавонларда сандиқ ёки қутиларда сақланади. Омбор ёки темир жавонларда қўйидаги ҳужжатлар сақланади;

- тугаган йил учун йиллик ҳисоботнинг тегишли имзолар билан расмийлаштирилган нусхаси ҳамда сўнгги тугаган ой учун ойлик баланс ва унинг барча иловалари;
- жорий ойнинг биринчи куни учун текширув қайдномалари
- охириги 1 йил (12 ой) учун касса ҳужжатлари;
- аҳоли омонатлари бўйича амалдаги шахсий ҳисобварақлар;

- жорий ой учун кирим-чиқим ҳужжатлари бино-иншоотлари, хўжалик инвентарлари, кам баҳолаш ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби юритиладиган бўйича дафтарлар.

Қўриқланадиган хонадаги темир жавон ва кутиларда омонатлар бўйича шахсий ҳисобварақлардан ташқари амалдаги шахсий ҳисобварақлар картотекалари, операциялар дафтарлари, имзолар намуналари қўйилган карточкалар, иш ҳақи тўлаш учун берилган маблағлар ҳисоби юритиладиган карточкалар, фоизларни қўйиш қайдномалари, амал қилиб турган ҳамда архивдаги пенсия варақаларининг ҳамда бир мартали пенсия ёки бошқа нафақа тўлаш тўғрисидаги топшириқномаларнинг картотекалари сақланади.

Бухгалтерия ҳисобига тегишли барча материаллар банкнинг архивига топширилгунга қадар операцион бўлимининг токчалар ва темир жавонлар билан жиҳозланган жорий архивда сақланиши шарт. Мазкур жорий архив ҳужжатларнинг бут сақланиши учун жавоб берадиган ходимнинг қўл остида бўлади. Омбордан бухгалтерия ва жорий архивда сақланаётган ҳужжатларга доир маълумотлар касса ҳужжатлари бўйича жавобгар ходим ёки жорий архивни бошқарувчи ходим хузурида, бош бухгалтер ёки унинг муовини имзоланган талабномалар асосида олинди. Маълумот олиш учун руҳсат этилган банк ходими кассир ёки жорий архивни бошқарувчи ходим кузатувида ишлаши лозим.

Ҳужжатлар учун жавобгар шахслар маълумот олишга руҳсат берилган ходимлар ҳужжатларга бирон-бир ўзгартириш ва тузатишлар киритмаслигини кузатиб туришлари шарт. Омбор ва жорий архивдан кирим-чиқим ҳужжатлари бош бухгалтернинг ёзма руҳсати бўйича берилади. Кун охирида ҳужжатлар қайтарилиши лозим. Ҳужжатнинг асл нусхаси олинаётганда бу ҳақда икки нусхада далолатнома ёки баённома тузилиб, унга банк раҳбари ёки унинг муовини, бош бухгалтер ва ҳужжатларни талаб қилган ташкилот вакили имзо чекади. Далолатномада қандай ҳужжат олинганлиги, у кимнинг талаби ва кимнинг руҳсати билан олинаётгани аниқ

кўрсатилади. Далолатноманинг иккинчи нусхаси ҳужжатни сўраган ташкилот вакилига топширилади.

Ҳужжатнинг олинган асл нусхаси банк бош бухгалтери тасдиқлаган нусха, далолатноманинг биринчи нусхаси ва ҳужжатни олиш ҳақидаги талабнома кўйилади. Бу талабнома асл ҳужжатни олган шахс имзоси ҳам бўлиши лозим. Шу билан бирга ҳужжат олингани тўғрисида бош бухгалтер шу ҳужжат брошюраланган муқова устига ёзиб кўйиб, ўз имзосини кўяди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 2 июнда 1685-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси банкларида электрон архив ишларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома” қабул қилинган. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Архивлар тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги, “Банк сирини тўғрисида”ги, “Электрон тўловлар тўғрисида”ги, “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 482-сон “Архив иши бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, тижорат банкларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш Бош марказида (кейинги ўринларда - АБМ) электрон архив ишларини юритиш, архив ҳужжатларини сақлаш ва улардан фойдаланишнинг умумий тартибини белгилайди.

Электрон архив деганда банк фаолиятига тегишли электрон кўринишда бўлган ҳужжатлар, шу жумладан электрон тўлов тизими маълумотлари, электрон маълумотлари базаси, ЭҲМ дастурлари ва бошқа электрон ахборот

ташувчи воситаларга ёзиб, белгиланган муддатга олиб кўйиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тушунилади.

Тижорат банклари бошқарувчилари ва АБМ директорлари буйруғига асосан электрон архив ишларини юритиш бўйича бўлим ташкил қилинади ёки электрон архив ишларини юритиш бўйича масъул ходим (кейинги ўринларда - масъул ходим) тайинланади. Масъул ходим олий маълумотга эга бўлган, банк тизимида камида икки йил ишлаган бўлиши ва архивга олиш дастурлари ва ускуналаридан фойдаланишни мукамал билиши керак. Тижорат банклари ва АБМ электрон архив ишларини юритиш учун махсус иш жойларига эга бўлиши ва улар техник қурилма-воситалар ҳамда дастурлар билан таъминланган бўлиши керак.

Архивга олинган электрон маълумотларнинг рўйхати қоғозда чоп этилади. электрон ахборот ташувчи воситаларнинг устига қуйидаги ёзувлар ёзилиши шарт:

- а) сақловчи воситанинг шартли рақами;
- б) ёзувнинг бошланган санаси;
- в) электрон архивнинг номи;
- г) сақловчи воситага ёзув ёзиш тўхтатилган вақти;
- д) сақланиш муддати.

Архив ишларини олиб борувчи бўлим фаолият кўрсатиш хусусиятларига кўра электрон архив ишларини юритиш тартибини мазкур Йўриқномага биноан ишлаб чиқишлари лозим.

Тижорат банклари бошқарувчилари, бош бухгалтерлари ва масъул ходим электрон архив маълумотларининг тўлиқлиги, тўғри архивлаштирилиши ҳамда ишончлилиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Электрон тўлов маълумотларининг базалари жойлашган Бош банкларида (филиалларида) қуйидаги электрон маълумотлар архивга олиними лозим:

- а) банк амалиёти куни электрон маълумотларининг тўлиқ базаси;
- б) муддати тугаган шифрлаш ва электрон рақамли имзо калитлари;
- в) банк амалиёти куни дастурлари ва бошқа алоҳида фойдаланилаётган дастурлар мажмуаси;
- г) электрон тўлов ҳужжатларини қабул қилиш-узатиш жараёни бўйича электрон журнал-баённомалари;
- д) электрон почта орқали олинган ва узатилган ҳужжатлар;
- е) банк бўлимлари томонидан шифрланган ва шифрланмаган кўринишдаги барча кирувчи ва чиқувчи электрон тўлов ҳужжатлари;
- ж) тижорат банкининг ягона баланси;
- з) тижорат банкларининг кредит ва бошқа банк операциялари борасидаги маълумотлари.

Тижорат банкларининг бошқарув тизимига оид маълумотлари ҳам электрон архивга олиними шарт.

Электрон тўлов маълумотларининг базалари жойлашган тижорат банклари электрон архив маълумотларининг нусхаларини сақланиши учун камида иккита сақлаш жойлари ташкил этадилар:

- а) биринчиси - тижорат банк биносида;
- б) иккинчиси - тижорат банк биносидан ташқаридаги биноларда

Тижорат банклари ва АБМнинг банк сирини ташкил этувчи электрон архив маълумотларидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг "Банк сирини тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади

Шундай қилиб, ушбу параграфда хужжатлар ва уларнинг турлари, хужжатларнинг айланиши, миждозларга хизмат кўрсатиши графиклари, хужжатларни сақлашга тайёрлаш, уларни сақлаш банк томонидан бажариладиган операциялар бўйича банк ички назорати ҳамда турлари ҳақида фикр билдирдик

### **Қуйидаги хужжатлар сақланиши шарт:**

#### ***Омборда ёки металл шкафларда:***

а) тугаган йил учун йиллик ҳисоботнинг тегишли имзолар билан расмийлаштирилган нусхаси ҳамда сўнгги тугаган ой учун ойлик баланс ва унинг барча иловалари;

б) жорий ойнинг биринчи куни учун текширув қайдномалари;

в) фуқаролар омонатлари бўйича амалдаги шахсий ҳисобварақлари;

г) охириги 12 ой учун касса хужжатлари;

д) жорий ой учун кирим-чиқим хужжатлари;

е) бинолар ва иншоотлар, хўжалик анжомлари, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби юритиладиган ҳисобварақлар бўйича дафтарлар.

#### ***Қўриқланадиган хонадаги металл шкафлар, сандиқлар ёки қутиларда:***

а) амалдаги шахсий ҳисобварақлар картотекалари (омонатлар бўйича шахсий ҳисобварақлардан ташқари), амалиёт журналлари, китоблар, имзолар намуналари қўйилган карточкалар, иш ҳақи тўлаш учун берилган маблағлар ҳисобини юритиш карточкалари, фоизларни ҳисоблаш қайдномалари;

б) амал қилиб турган ва архивдаги пенсия варақларининг ҳамда бир марта пенсия ва нафақалар тўлаш тўғрисидаги топшириқномаларнинг картотекалари.

Мижозларнинг уларга ҳисобварақлар очиш тўғрисидаги аризалари барча зарур ҳужжатлар билан бирга ҳар бир миждоз бўйича тутиладиган алоҳида йиғмажидларда сақланиши лозим. Бундай йиғмажидлардан ҳужжатларнинг чиқариб олинишига мутлақо йўл қўйилмайди.

Ушбу йиғмажидда имзо ҳуқуқи ўзгаргани тўғрисидаги ёзишмалар, ҳисобварақни тасарруф этиш ваколатини белгиловчи ҳужжатлар, ссуда ҳисобварақлари очиш тўғрисидаги мажбурият аризалари, шунингдек ҳисобварақлар очиш ҳақидаги фармойишларнинг нусхалари тикилади. Ҳар бир йиғмажидда талаб қилиб олингунга қадар сақланадиган депозит ҳисобварағининг рақами қўйилади.

Ҳисобварақларни юридик расмийлаштириш билан боғлиқ ҳужжатларни сақлаш вазифаси бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари зиммасига юклатилади. Ушбу йиғмажидлар қулфланадиган жавонларда сақланиши лозим. Амалдаги имзо намуналари амалиёт бўлими ходимларининг қулфланадиган картотекаларида сақланиши лозим.

Ҳисобварақларни юридик расмийлаштириш билан боғлиқ ўз кучини йўқотган ҳужжатлар йиғмажидда қолдирилади ва улар устига чизик тортилиб янги ҳужжатлар билан алмаштирилгани ёзиб қўйилади. Имзолар намуналари қўйилган карточка алмаштирилаётганда ўз кучини йўқотган карточкалар нусхаларидан бири миждознинг юридик йиғмажидига тикилади, қолганлари эса йўқ қилинади.

Бухгалтерия ҳисобига тегишли барча материаллар (ўтган ойлар учун бухгалтерия ҳужжатлари банк архивига топширилгунга қадар, бухгалтериянинг стеллажлар ва темир жавонлар билан жиҳозланган жорий архив ҳужжатлар бут сақланиши учун жавоб берадиган махсус ажратилган ходим қўл остида бўлади.

Агар омборда жой етмаса, айнан шу ходим бухгалтериядаги темир жавонларда сақланадиган ҳужжатларнинг дахлсизлигига жавоб беради.

Омборда ва жорий архивда сақланаётган бухгалтерия ҳужжатларига доир маълумотлар касса ҳужжатлари бўйича жавобгар ходим ҳузурида, бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари (бўлим бошлиғи) имзолаган талабномалар асосида олинади. Маълумот олиш учун рухсат берилган банк ходими кассир ёки жорий архивни бошқарувчи ходим кузатувида ишлаши лозим. Ҳужжатлар учун жавобгар шахслар маълумот олишга рухсат берилган ходимлар томонидан ҳужжатларга бирор-бир тузатишлар ва ёзувлар киритилмаслигини кузатиб туришлари шарт.

Омбор ва жорий архивдан кирим-чиқим ҳужжатлари бош бухгалтернинг ёзма рухсати бўйича берилади. Кун охирида ҳужжатлар қайтарилиши шарт.

Архив ҳужжатлари фақат қонун ҳужжатларининг талаблари асосида олинishiга йўл қўйилади.

Ҳужжатнинг асл нусхаси олинаётганда бу ҳақда икки нусхада далолатнома ёки баённома тузилиб унга банк раҳбари ёхуд унинг ўринбосари, бош бухгалтер ва ҳужжатни талаб қилган ташкилот вакили имзо чекади. Далолатнома ёки баённомада айнан қандай ҳужжат олинаётгани, унинг кимнинг талабига ва рухсатига кўра олинаётгани аниқ кўрсатилиши керак. Далолатнома ёки баённоманинг иккинчи нусхаси юқорида қайд этилган вакилга топширилади. Ҳужжатнинг олинган асл нусхаси ўрнига бош бухгалтер тасдиқлаган нусха ҳамда далолатнома ёки баённоманинг биринчи нусхаси ва ҳужжатни олиш хусусидаги талабнома қўйилади. Бу талабномада асл ҳужжатни олган шахс имзоси ҳам бўлиши лозим. Ҳужжат олингани тўғрисида бош бухгалтер шу ҳужжат турган йиғмажилд муқовасига ёзиб, имзо чекади.

Бир йилнинг турли саналарига тегишли кирим-чиқим ҳужжатлари бир вақтнинг ўзида олинаётган ҳолларда бу ҳужжатларнинг барчаси учун битта далолатнома ёки баённома тузилиб, унга шу ҳужжатлар рўйхати киритилади.

## **2.5 Ички банк назорати, унинг турлари ва аҳамияти.**

Ички назорат маълум ёки аниқ вақт мобайнида амал қилиниши лозим бўлган тартиб ёки қоида бўлмасдан, балки у банкнинг барча бўғинларида кунлик банк операцияларнинг бошланишидан тортиб тугагунга қадар доимий юритиладиган банк фаолиятининг ажралмас қисмидир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 11 июлда 1834-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги йўриқномада ички назорат турлари бўйича қуйидагилар келтирилган.

Ички назорат ўз навбатида дастлабки назорат, жорий назорат ва якуний назоратга бўлинади.

### **Бухгалтерия операцияларини дастлабки назоратдан ўтказиш**

Дастлабки назорат Фронт-офис ходимлари (агар, банк таркибий тузилмаси Фронт-офис ва Бэк-офисга бўлинган бўлса) ёки масъул ижрочи бухгалтер (агар, бухгалтерия аппарати бир бутун яхлит бўлган тақдирда) томонидан операцияларни бажармасдан олдин уларнинг самарадорлигини, банкнинг ички сиёсатига ҳамда амалдаги қонунчиликка мос эканлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Агар, операциялар хорижий валютада халқаро шартномалар асосида амалга оширилса, шартнома шартларига риоя қилиниши лозим.

Мижозлардан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилишда, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган шаклдаги бланкда ёзилиб тўғри расмийлаштирилганлиги, барча реквизитлар тўлиқ ва тўғри тўлдирилганлиги, ушбу пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида бўйш, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмаганлиги, шу жумладан ҳисобварақни тасарруф

этувчиларнинг имзолари ва муҳр изи тақдим этилган намуналарга мос келиши текширилади.

Агар, миждоз тақдим қилган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида белгиланган талабларга зид камчилик ва нуқсонлар аниқланса, тўлов ҳужжатлари миждозга иждрога қабул қилинмасдан қайтарилиши лозим. Суммаси, миждозлар номи ва уларнинг ҳисобварақлари рақами ўзгартирилган тўлов ҳужжатлари, ҳатто миждозлар томонидан ўзаро келишилган тартибда тузатиш киритилган бўлса ҳам иждро учун қабул қилинмайди.

Тўлов талабномалари санаси банк қабул қилган санага мос тушадиган реестри бор бўлган ҳолатда инкассага қабул қилинади.

Агарда банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса, тўлов топшириқномаси банк томонидан миждознинг талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварағида тўлов учун етарли маблағлар мавжуд бўлгандагина қабул қилинади. Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича тақдим қилинган тўлов топшириқномалари миждознинг ҳисобварағида тўлов учун етарли маблағлар мавжуд бўлмаганда 2-сон картотекага кирим қилинади.

Тўлов топшириқномалари ва нақд пулни қўйиш учун фойдаланиладиган эълонларнинг санаси у банкка тақдим этилган сана билан бир хил бўлиши керак, акс ҳолда улар иждро учун қабул қилинмайди (олдинги иш кунида "кечки" муҳри билан қабул қилинган тўлов ҳужжатлари бундан мустасно). Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар учун қабул қилинган тўлов топшириқномалари тўловчининг ҳисобварағида маблағлар етарли бўлмаган ҳолларда 2-сонли картотекага қабул қилинади.

Масъул иждрочи бухгалтер ёки Фронт-офис ходими тўлов ҳужжати нусхаларини имзолашдан олдин, уларни солиштириб, ўзаро бир хиллигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Шундан сўнг, иждро этиш санаси кўрсатилган ҳолда масъул ходим имзоси билан тасдиқланган ва унга бириктирилган банк

штампи қўйилган ҳужжатнинг охириги нусхаси мижозга қайтарилади. Ушбу нусха ҳужжатлар ижро учун қабул қилинганини тасдиқловчи тилхат вазифасини бажаради.

Нақд пулни беришда ишлатиладиган чеклар тўлдирилган кундан бошлаб (тўлдирилган кунни ҳисобга олган ва ҳужжатда кўрсатилган сана тўғрилиланмаган ҳолда) 10 календарь кун давомида банк томонидан қабул қилинади.

Нақд пул чекларини қабул қилишда масъул ижрочи бухгалтер нақд пул чеки билан иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий бадалларни, Касаба уюшмаларига ихтиёрий бадалларни, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ҳамда жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларини ўтказиш бўйича хўжалик юритувчи субъект раҳбари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс томонидан имзоланган ва думалок муҳр билан тасдиқланган реестр илова қилинган тўлов топшириқномалари тақдим этилмаган ҳолларда нақд пул чеклари банклар томонидан ижрога қабул қилинмайди.

Мижознинг банкдан нақд пул олиш учун ишончнома берилган вакили нақд пул чекини масъул ижрочи бухгалтерга (Фронт-офис ва Бэк-офисга бўлинмаган банкларда) ёки Фронт-офиснинг ушбу мижозга хизмат кўрсатувчи ходимига тақдим этади. Масъул ижрочи бухгалтер ёки Фронт-офис ходими нақд пул чекини куйидаги реквизитлари билан унинг тўғрилигини текширади:

нақд пул чеки санаси муддатининг ўтмаганлиги;

нақд пул чекининг рақамини имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчадаги рақам билан мослиги;

мижознинг номи, унинг ҳисобварағи рақами, нақд пул чеки билан олинадиган маблағнинг рақам ва сўз билан ёзилган суммалари, нақд пул

чекида қўйилган имзо ва муҳрнинг банкдаги имзолар ва муҳр намуналарига мос келиши, шунингдек вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатидаги маълумотларнинг нақд пул чекида қайд этилган маълумотларга тўғри келиши;

мижознинг депозит ҳисобварағидаги маблағларининг нақд пул чек билан олиниши лозим бўлган маблағдан кам эмаслиги.

Фронт-офиснинг ушбу мижозга хизмат кўрсатувчи ходими ёки масъул ижрочи бухгалтер (Фронт-офис ва Бэк-офисга бўлинмаган банкларда), текшириш амалларини бажариб, эътироз бўлмаганидан сўнг, нақд пул чекининг орқа томонига тегишли касса рамзи рақами ва санани кўрсатган ҳолда имзолаб, нақд пул чекини Бэк-офис ходими ёки назоратчи бухгалтерга (Фронт-офис ва Бэк-офисга бўлинмаган банкларда) беради. Нақд пул чекининг назорат маркасини мижозга қайтаради.

Фронт-офис ходими ёки масъул ижрочи бухгалтер мижозлардан қабул қилинган барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхаларига асосан маълумотларни дастурга киритади ва тўлов ҳужжатларини имзолаб, электрон тўлов тизими орқали уларни жорий назоратдан ўтказиш учун Бэк-офис ёки назоратчи бухгалтерга юборади.

### **Бухгалтерия операцияларини жорий назоратдан ўтказиш**

Бэк-офис ходими ёки назоратчи бухгалтер банк ички ҳужжат айланиш тартибига асосан Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтердан келиб тушган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларини қабул қилгандан кейин жорий назоратни амалга оширади.

Жорий назоратда дастлабки назоратдан ўтказилган тўлов ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва уларнинг электрон нусхаларининг тўғри расмийлаштирилганлиги қайтадан текширилади ҳамда улардаги имзолар ва муҳр изини ўзларида мавжуд имзолар ва муҳр изи намуналари билан солиштирилади.

Тўлов ҳужжатларининг асл нусхасида Фронт-офис ходими ёки масъул ижрочи бухгалтернинг имзолари ва штампи борлигини ҳамда уларни ўзида мавжуд бўлган имзо намуналарига мос келишини текширади. Шунингдек, Фронт-офис ходими ёки масъул ижрочи бухгалтер пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида бўяш, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмаганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Бэк-офис ходими ёки назоратчи бухгалтер нақд пул чеки ва эълонномани ўрнатилган тартибда текшириб, уларни имзолаб Фронт-офис ходими ёки масъул ижрочи бухгалтерга қайтаради.

Бэк-офис ходими ёки назоратчи бухгалтер томонидан банкнинг ички молия-ҳўжалик операциялари бўйича келиб тушган тўлов ҳужжатларининг асл ва электрон нусхалари ҳамда ушбу операцияларни амалга ошириш учун асос бўлган банк тегишли бўлинмаларининг Хизмат фармойишларининг нусхалари тўғри расмийлаштирилганлиги, хато ва камчиликлар йўқлиги текширилади.

Пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхалари ёки уларнинг электрон файлида хато ва камчиликлар аниқланганда, Бэк-офис ходими ёки назоратчи бухгалтер тўлов ҳужжатининг асл нусхасига имзо чекмасдан уларнинг хато ва камчиликларини кўрсатган ҳолда Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтерга ижросиз қайтаради.

Бэк-офис ходими ёки назоратчи бухгалтер томонидан жорий назорат натижалари ижобий бўлган тақдирда, у тўлов ҳужжатининг асл нусхасига имзо чекади ва уни Бэк-офис бошлиғига ёки бош бухгалтерга тасдиқлаш учун жўнатади.

Бэк-офис бошлиғи ёки бош бухгалтер белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, дастлабки ва жорий назоратдан ўтган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларини қабул қилиб олади ва ушбу

тўлов ҳужжатларида қонунчилик ҳамда банкнинг ички сиёсатида ўрнатилган талабларга риоя қилиниши бўйича умумий назоратни амалга оширади.

Бэк-офис бошлиғи ёки Бош бухгалтер барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларига ўрнатилган тартибда имзо чекиб, тасдиқлайди ва бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширади. Банк раҳбари буйруғи билан тўловларни тасдиқлаш бошқа банк ходимига топширилиши мумкин.

### **Банк операцияларини якуний назоратдан ўтказиш**

Банкларда амалиёт куни якунлангандан сўнг, кунлик операция ҳужжатлари ўрнатилган тартибда тикилиб ва расмийлаштирилиб якуний назоратдан ўтказиш учун якуний назорат хизмати ходимларига топширилади ва уларга электрон маълумотлар базасига кириш учун рухсат берилади.

Якуний назорат хизмати томонидан кейинги банк иш кунидан кечикмаган ҳолда электрон маълумотлар базасига кириб, банкда амалга оширилган барча операциялар Бош ва ёрдамчи китоблардаги амал қилиб турган шахсий ҳисобварақларда тўғри акс этирилганлигини пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхалари билан солиштириб текширишдан ўтказилиши шарт. Текшириш натижалари дастурий баённома билан расмийлаштирилиши ва кунлик йиғмажилдга тикилиши шарт.

Кунлик чоп этилиб, йиғмажилдга тикилган баланс маълумотлари билан унинг электрон баланс маълумотлари бир-бирига мос келмаган ҳолда, зудлик билан раҳбариятга маълумот берилади ва шу куннинг ўзида унинг сабаблари тўғрисида Бэк-офис бошлиғи ёки бош бухгалтер ва Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари иштирокида далолатнома тузилади.

Бундан ташқари, якуний назорат ходим банк операцияларини бажариш учун асос бўлган барча ҳужжатларни талаб қилишга ва улар асосида операциялар қанчалик даражада тўғри ва мақсадга мувофиқ бажарилганлиги бўйича банк раҳбариятига хулоса бериши мумкин.

## **III-БОБ.БАНКЛАРДА СИНТЕТИК ВА АНАЛИТИК ҲИСОБ**

### **3.1 Синтетик ва аналитик ҳисобларининг мазмуни.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақалар режалари Адлия вазирлигида 2004 йил 13 августда 773-17-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси”га асосан юритилади.

#### **Ҳисобварақлар режасининг умумий тавсифи**

Тижорат банклари банк операцияларини амалга оширишда ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва амалдаги қонунчиликка қатъий риоя қилишлари лозим.

Мазкур ҳисобварақлар режаси банк операцияларининг бухгалтерия ҳисобини акс эттириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳисобварақлар режаси банк операцияларининг ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш, гуруҳлаш ва уларга доир ҳисоботларни тузишда қўлланадиган Бош китоб ҳисобварақларини рўйхатидан иборатдир.

Хатоларни тўғрилаш ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар бўйича тузатишлар киритишда, ҳисобварақларнинг таърифларида кўзда тутилмаган бўлса ҳам ҳисобварақларнинг дебет ва кредитлари бўйича тузатиш ўтказмалари беришга рухсат берилади.

Тижорат банкларининг ҳисобварақлар режаси бухгалтерия ҳисобининг кўп валютали тизимига асосланган бўлиб, чет эл валютасидаги операцияларнинг ҳисоби юритилиши мумкин бўлган барча ҳисобварақларда хорижий валютадаги операциялар ҳисобини акс эттириш имконини беради. Ҳар бир валюта тури бўйича синтетик ҳисобни юритиш учун алоҳида Бош китоб, аналитик ҳисобни юритиш учун эса Ёрдамчи китоблар очилади. Ҳар бир валюта бўйича Ёрдамчи китоблардаги суммалар йиғиндиси Бош

китобларнинг тегишли баланс ҳисобварақларидаги суммалар йиғиндисига мос келиши керак. Банк томонидан амалга ошириладиган ҳар бир операция тегишли валюта тури бўйича Бош ва Ёрдамчи китобларда рўйхатга олиниши керак. Ҳисобот санасида Бош китобларнинг хорижий валюталар бўйича жами суммалари миллий валютага ўтказилади ва ҳисобот даври давомида амалга оширилган барча операциялар бўйича банкнинг жамланма баланси тузилади.

Ҳисобварақларни кодлаштириш қуйидаги мақсадлар учун ишлаб чиқилган:

- ҳисобварақларнинг Бош ва Ёрдамчи китобларда жойланишини энгиллаштириш;
- ҳисобварақларни бир тизимда таснифлаш ва гуруҳлашга ёрдам бериш;
- ҳисоб жараёнларини автоматлаштиришни энгиллаштириш;
- операциялар ёзувини тезлаштириш.

### **АКТИВЛАР 2 ТУРГА БЎЛИНАДИ.**

4-расм



### **10000 АКТИВЛАР**

1. 10100-Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари

2. 10300-Банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкадаги (МБ) ҳисобварақлари
3. 10500-Банкнинг бошқа банклардаги ҳисобварақлари
4. 10700-Олди-сотди қимматли қоғозлари
5. 10800-Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар
6. 10900-Олди-сотдига мўлжалланган қимматбаҳо металллар, тошлар ва тангалар
7. 11100-Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг
8. 11300-Сотиб олинган векселлар
9. 11500-Мижозларнинг аккредитив ва/ёки траст хужжатлари билан кафолатланган тратталари бўйича мажбуриятлари
- 10.11700-Банкнинг тўланмаган акцептлари бўйича миждозларнинг мажбуриятлари
- 11.11800-РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар
- 12.11900-Марказий банкка берилган қисқа муддатли кредитлар
- 13.12100-Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли кредитлар
- 14.12300-Ҳукуматга берилган қисқа муддатли кредитлар
- 15.12400-Бюджет ташкилотларига берилган қисқа муддатли кредитлар
- 16.12500-Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар
- 17.12600-Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар
- 18.12700-Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган қисқа муддатли кредитлар

- 19.12900-Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар
- 20.13000-Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган қисқа муддатли кредитлар
- 21.13100-Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар
- 22.13200-Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган қисқа муддатли кредитлар
- 23.13300-Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалигимаҳсулотларини етиштириш учун берилган қисқа муддатли кредитлар
- 24.14300-Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалигимаҳсулотларини етиштириш учун берилган узоқ муддатли кредитлар
- 25.14500-Бошқа банкларга берилган узоқ муддатли кредитлар
- 26.14700-Ҳукуматга берилган узоқ муддатли кредитлар
- 27.14800-Бюджет ташкилотларига берилган узоқ муддатли кредитлар
- 28.14900-Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар
- 29.15000-Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли кредитлар
- 30.15100-Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган узоқ муддатли кредитлар
- 31.15200-Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган узоқ муддатли кредитлар
- 32.15300-Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган узоқ муддатли кредитлар

- 33.15400-Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган узоқ муддатли кредитлар
- 34.15500-Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитлар
- 35.15600-Лизинг (Молиявий ижара)
- 36.15700-Суд жараёнидаги кредитлар ва лизинг
- 37.15800-Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар
- 38.15900-Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар
- 39.16100-Бош банк/филиаллардан олинадиган маблағлар
- 40.16300-Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар
- 41.16400-Ҳисобланган фоизсиз даромадлар
- 42.16500-Асосий воситалар
- 43.16600-Номоддий активлар
- 44.16700-Банкнинг бошқа хусусий мулклари
- 45.16900-Ҳосилавий инструментларнинг ревальвацияси натижасида ўзлаштирилмаган фойда
- 46.17100-Валюта савдоси ва валюта позициялари
- 47.17300-Транзит ҳисобварақлари
- 48.17400-Мижозларнинг пластик карталаридан ҳисобдан чиқарилишилозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлари
- 49.17500-Ҳукумат ҳисобварақлари
- 50.19900-Бошқа активлар

## **20000 МАЖБУРИЯТЛАР**

1. 20200-Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар
2. 20400-Жамғарма депозитлар
3. 20600-Муддатли депозитлар
4. 20800-Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисобварақлари
5. 21000-Бошқа банкларнинг ҳисобварақлари
6. 21200-Бошқарув (менежер) чеклари
7. 21400-Банкнинг тўланмаган акцептлари
8. 21600-Олинган қисқа муддатли кредитлар
9. 22000-Олинган узоқ муддатли кредитлар
- 10.22100-Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар
- 11.22200-Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар
- 12.22300-РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар
- 13.22400-Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар
- 14.22500-Ҳисобланган солиқлар
- 15.22600-Мижозларнинг бошқа депозитлари
- 16.22800-Ҳосилавий инструментлар бўйича ревальвация натижасида амалга ошмаган зарарлар ва бошқа муддати узайтирилган даромадлар
- 17.23100-Мижозларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлари
- 18.23200-Клиринг трансакциялари
- 19.23400-Ҳукуматга тегишли даромад ва бошқа тушумлар ҳисобварақлари
- 20.23500-Мижозларнинг пластик карталаридан келиб тушган тушум
- 21.23600-Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар
- 22.29800-Бошқа мажбуриятлар

## **30000 ХУСУСИЙ КАПИТАЛ**

1. 30300-Устав капитали
2. 30600-Қўшимча капитал
3. 30900-Захира капитали

4. 31200-Тақсимланмаган фойда

#### **40000 ДАРОМАДЛАР**

1. 40200-МБдаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромадлар
2. 40400-Бошқа банклардаги ҳисобварақлар
3. 40600-Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромадлар
4. 40700-Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар
5. 40800-Сотиб олинган векселлар бўйича фоизли даромадлар
6. 41000-Мижозларнинг мажбуриятлари бўйича ҳисобланган фоизлар
7. 41200-Банкнинг тўланмаган акцептлари юзасидан мижозлар мажбуриятлари бўйича фоизли даромадлар
8. 41400-МБга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
9. 41600-Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
- 10.41800-Ҳукуматга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
- 11.41900-Бюджет ташкилотларига берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
- 12.42000-Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
- 13.42100-Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
- 14.42200-Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
- 15.42300-Нодавлат ноижорат ташкилотларига берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
- 16.42400-Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар

- 17.42500-Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
- 18.42600-Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
- 19.43100-Республика корхоналарига берилган узоқ муддатли инвестиция кредитлари бўйича фоизли даромадлар
- 20.43600-Бюджет ташкилотларига берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
- 21.43700-Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
- 22.43900-Нодавлат ноижорат ташкилотларига берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
- 23.44000-Бошқа банкларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
- 24.44100-Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
- 25.44200-Ҳукуматга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
- 26.44300-Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
- 27.44400-Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
- 28.44500-Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
- 29.44600-Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
- 30.44700-Суд жараёнидаги кредитлар бўйича фоизли даромадлар
- 31.44800-Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар
- 32.44900-Бошқа фоизли даромадлар

- 33.45000-Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли даромадлар
- 34.45100-Лизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлар
- 35.45200-Фоизсиз даромадлар
- 36.45400-Хорижий валютадаги фойда
- 37.45600-Тижорат операцияларидан олинган фойда
- 38.45700-Қарам хўжалик жамиятларига, кўшма корхоналарга ва шўба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар
- 39.45800-Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар
- 40.45900-Бошқа фоизсиз даромадлар

#### **50000 ХАРАЖАТЛАР**

- 1. 50100-Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар бўйича фоизли харажатлар
- 2. 50600-Жамарма депозитлар бўйича фоизли харажатлар
- 3. 51100-Муддатли депозитлар бўйича фоизли харажатлар
- 4. 51600-МБнинг ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар
- 5. 52100-Бошқа банкларнинг ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар
- 6. 52600-Банкнинг тўланмаган акцептлари бўйича фоизли харажатлар
- 7. 53100-Қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар
- 8. 54100-Узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар
- 9. 54200-Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар
- 10.54300-Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли харажатлар
- 11.54900-Бошқа фоизли харажатлар
- 12.55100-Фоизсиз харажатлар
- 13.55300-Хорижий валюталарда кўрилган зарарлар
- 14.55600-Тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар

- 15.55700-Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициядан кўрилган зарарлар
- 16.55800-Инвестициялардан кўрилган зарарлар
- 17.55900-Бошқа фоизсиз харажатлар
- 18.56100-Банк хизматчиларининг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар
- 19.56200-Ижара ва таъминот харажатлари
- 20.56300-Хизмат сафари ва транспорт харажатлари
- 21.56400-Маъмурий харажатлар
- 22.56500-Репрезентация ва хайрия
- 23.56600-Эскириш харажатлари
- 24.56700-Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар
- 25.56800-Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш
- 26.56900-Фойда солиғини баҳолаш

### **3.2 Аналитик ҳисоб (ёрдамчи китоб) ва унинг тавсифи**

Банк томонидан амалга ошириладиган бирламчи операцияларнинг ҳисоби дастлаб шахсий ҳисобварақларда (карточкалар, китоблар, журналларда) акс эттирилади.

Шахсий ҳисобварақларга ёзувлар фақат тегишлича расмийлаштирилган бошланғич ҳужжатлари асосида киритилади. Шахсий ҳисобварақ қуйидаги реквизитлардан иборат:

- шахсий ҳисобварақнинг номи;
- чиқиш шаклининг рақами;
- шахсий ҳисобварақни чоп этиш тартиб рақами (яъни компьютер қўйган рақам);
- шахсий ҳисобварақни тузган банк коди ва номи;
- шахсий ҳисобварақнинг рақами ва унинг номи;

- ҳисобвараққа хизмат кўрсатувчи бухгалтернинг рақами, унинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- ишлов бериш санаси;
- ҳисобварақдаги сўнгги ҳаракат санаси;
- кун бошидаги қолдиқ суммаси;
- кун охиридаги қолдиқ суммаси;
- бухгалтерия ёзувларининг тартиби бўйича рақами;
- ҳужжат тури;
- ҳужжат рақами;
- ҳужжат тури (тоифаси);
- вакил банкнинг коди;
- дебет бўйича айланмалар суммаси;
- кредит бўйича айланмалар суммаси;
- дебет бўйича айланманинг умумий суммаси;
- кредит бўйича айланманинг умумий суммаси.

Шахсий ҳисобварақларда амалга ошириладиган операцияларда фойдаланиладиган тўлов ҳужжатларининг тури мазкур шартли рақам белгиларга (шифрлар) мувофиқ аниқланади.

Мижозларнинг шахсий ҳисобварақлари бошланғич ҳужжатлар асосида дастурий йўл билан тайёрланади. Мижозга бериш учун шахсий ҳисобварақдан кўчирма бир нусхада чоп этилади ва у мижознинг ҳисобварағидан амалга оширилган операцияларни банк томонидан тасдиқловчи ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Ушбу кўчирма мижоз билан келишилган тартибда унга тақдим қилинади.

Шахсий ҳисобварақлардан кўчирмалар компьютер ёрдамида тайёрланганлиги учун, улар мижозларга берилаётганда имзолар ва банк штамплари билан расмийлаштирилмайди.

Банклар учун шахсий ҳисобварақлар тўғрисидаги маълумотлар зарур бўлган ҳолларда Автоматлаштирилган банк тизими ахборотлар омборхонасида сақланаётган маълумотлардан фойдаланилади.

Ҳисобварақнинг кредити бўйича ўтказилган суммалар юзасидан, шахсий ҳисобварақлардан кўчирмаларга ҳисобварақ бўйича ёзувлар киритишга асос бўлган ҳужжатларнинг электрон нусхалари илова қилинади.

Бир банк хизмат кўрсатувчи мижозлар ўртасидаги тўлов топшириқномаси асосида амалга оширилган тўловлар бўйича пул олувчига тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхаси, эълоннома асосида топширилган нақд пул киримининг тасдиғи сифатида ордер иловаларга қўшилади.

Кўчирмаларга илова қилинадиган ҳужжатларга штамп, шунингдек ҳужжат шахсий ҳисобварақ бўйича ўтказилган сана календарь штемпели босилиши керак (агар бу сана ҳужжат ёзилган санага мос келмаса). Штамп фақат кўчирманинг асосий иловасига қўйилади. Асосий иловада қайд этилган операцияларнинг мундарижаси ва умумий суммасини тушунтирувчи ҳамда талқин этувчи қўшимча ҳужжатларга штамп қўйилмайди.

Мижозлар ҳисобварақларидан кўчирмаларига илова қилинадиган, пули тўланган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг ишлов беришнинг дастлабки босқичидаёқ, банк штампни ёки муҳри босилнадиган иккинчи нусхалари, шунингдек кирим-касса операцияларига доир ҳужжатлар юқорида айтилган штамп билан тасдиқланмайди.

Кўчирмалар мазкур ҳисобварақ бўйича биринчи ёки иккинчи имзо ҳуқуқига эга бўлган шахсларга ёки уларнинг ишончнома тақдим этган вакилларига тилхат билан берилади. Бундай ишончномалар белгиланган

тартибда расмийлаштирилган бўлиши лозим. Мижоз обуна қутилари орқали ариза топширганда эса, кўчирмалар тилхатсиз берилади.

Банк мижозлар ҳисобварақлари аҳволи тўғрисида ёзма маълумотларни учинчи шахсларга Ўзбекистон Республикасининг "Банк сири тўғрисида"ги Қонунида белгиланган тартибда берилади.

Мижоз шахсий ҳисобварақдан кўчирмани йўқотиб қўйган тақдирда, унинг дубликати мижоз аризасига кўра банк раҳбари ёки унинг ўринбосари берадиган ёзма рухсатнома асосидагина мижозга берилиши мумкин. Мижоз ўз аризасида кўчирма йўқолиши сабабларини кўрсатиши, аризага корхона раҳбари ва бош бухгалтери имзоси қўйилган бўлиши шарт. Дубликатнинг сарварағига қуйидагилар ёзилади: "20\_\_ йил " \_\_ " \_\_\_\_\_даги кўчирма дубликати".

Шахсий ҳисобварақлардан кўчирмалар дубликатлари маълумотлар омборхонасидан чиқариб берилади. Кўчирма дубликати мижоз вакилига берилаётганида ундан аризага тилхат ёздириб олинади.

Шундай қилиб, тижорат банкларида аналитик ҳисоб юритишда ёрдамчи китоб, яъни, маблағлар ва моддий бойликлар бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳар бир тури юзасидан алоҳида маълумотлар олиш имкониятларини ўрганиш мумкин. Бу ўз навбатида, банкларда бухгалтерия ҳисоби объектлари бўйича маълумотларининг объективлигини ва уларни тегишли ҳужжатларда расмийлаштиришнинг мукамаллигини таъминлашга кенг шароитлар яратади.

### **3.3 Синтетик ҳисоб (бош китоб) ва унинг тавсифи.**

Ёрдамчи китобдаги маълумотлар Бош китобда жамланади. Бош китоб маълумотлари асосида қуйидагилар тузилади:

баланс ҳисобварақларининг кунлик қолдиқ суммалари - кунлик баланс;

баланс ҳисобварақлари бўйича айланмалар ва кун бошига ва охирига қолдиқ суммалари - айланма-қолдиқ суммалари қайдномаси;

ойлик, чорақлик ва йиллик айланма-қолдиқ суммалари қайдномалари.

Бош бухгалтернинг хоҳишига кўра, эмиссия-касса операциялари, хорижий операциялар, шунингдек "Кўзда тутилмаган ҳолатлар" ҳисобварақлари бўйича жамланма карточкалар юритилиши мумкин.

Касса журналлари дастурий йўл билан касса кирими ва чиқими бўйича алоҳида икки нусхада тузилади ҳамда баланс ҳисобварақлари ва бутун журнал бўйича якунлар чиқарилади. Якунлар касса билан таққослангандан сўнг, биринчи нусхалар Ёрдамчи китоб маълумотларини Бош китоб маълумотлари билан таққослаш, шунингдек кирим-чиқим ҳужжатларини таққослаш ва йиғмажилдга тикиш ҳамда ҳар куни компьютерда архивациялаш учун жавоб берадиган ходимга берилади.

Ҳар куни дастурий йўл билан ҳисобварақлар айланмалари ва қолдиқлари тўғрисидаги жамланма маълумотлар олинади. Уларда баланс ҳисобварақларининг рақамлари, ҳисобварақлар номлари, ҳар бир ҳисобварақ бўйича кун бошига қолдиқ суммаси, дебет ва кредит айланмалари ҳамда кун охирига қолдиқ суммаси кўрсатилади.

### **3.4 Бош ва ердамчи китобларни текшириш.**

Шахсий ҳисобварақлардаги ёзувларни шу ҳисобварақларни юритиш топширилган бухгалтерия ходимлари назорат қиладилар. Бунда шахсий ҳисобварақлардаги барча ёзувлар банкнинг ваколатли ходимлари назоратидан ўтган ва операциялар расмийлаштирилаётганида улар имзолаган тегишли ҳужжатларга мослиги, тегишли реквизитлар ва ҳужжатларнинг суммалари шахсий ҳисобварақларга тўғри ўтказилганлиги текширилади.

Шахсий ҳисобварақлар айланмалардаги ҳар бир дебет ва кредит бўйича ёзувлар суммаларини банкнинг ўзи расмийлаштирган пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва бошқа банклардан келган электрон тўлов ҳужжатларидаги суммалари билан бирма-бир солиштириш орқали текширилади.

Шахсий ҳисобварақлардаги кун бошидаги қолдиқ суммалари уларни ўтган кундаги шахсий ҳисобварақлар қайдномасининг кун охиридаги қолдиқлар суммалари билан солиштириш орқали текшириб чиқилади.

Шахсий ҳисобварақларнинг кун охиридаги қолдиқлари кундалик айланма-қолдиқ суммалар қайдномаси бўйича ҳамда қуйидагилар таққослаш йўли билан текширилади:

ҳисобварақ рақами, ҳисобварақ номи ва кун охиридаги қолдиқ (бу қолдиқ шахсий ҳисобварақлардаги қолдиқлар билан таққосланади).

Бош китобнинг назорат ҳисобварақларидаги маълумотлар Ёрдамчи китобдаги тегишли ҳисобварақларнинг якуний суммалари билан таққосланади. Агар дастлабки ёзувларда хато бўлмаса, суммалар тенг чиқади.

Банклар кунлик бажарилган бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган шаклда кунлик баланс ҳисоботи тузади. Кунлик баланс ҳисоботи Бош банк томонидан бутун банк бўйича ягона қилиб тайёрланади.

Бош банкнинг Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти (бошқармаси) томонидан ягона баланс ҳисоботини тузиш устидан мониторинг ўрнатилади.

Ягона баланс "Банк биносидан ташқарида жойлашган масъул ижрочи бухгалтер" қоидаси асосида шакллантирилади. Бунда, маълумотларни қайта ишловчи Бош сервер Бош банкда, филиалларда эса ягона локал ҳисоблаш тармоғига уланган бухгалтер, иқтисодчи, филиал раҳбарияти ва бошқа ходимларнинг ишчи станциялари жойлашган бўлади.

Филиалларда барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари (тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкасса топшириқномаси, аккредитивга ариза, мемориал ордерлар, инкассо қилинган пул тушумларига илова рўйхати, эълоннома ва пул чеклари) асосида амалга оширилаётган операциялар махсус ўрнатилган белгилар сифатида Бош серверга автоматик узатилади ва шу заҳоти Бош серверда акс эттирилади.

Ҳар иш куни охирида Бош банкда кун давомида амалга оширилган операцияларнинг банклараро, филиаллараро ва ички банк операцияларига бўлинган ҳолдаги рўйхати тайёрланади. Бу операцияларнинг жамланма суммаси кун мобайнида амалга оширилган бутун банк операциялари суммасига тенг бўлиши лозим.

Бош банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Ахборотлаштириш бош марказидан ЕНД файлини олгандан сўнг, кун ёпиш билан боғлиқ бўлган барча операцияларни бажаради ва шу заҳоти ўзининг филиалларига кун давомида амалга оширилган операциялар тўғрисида ЕНД файлга мос бўлган назорат файлини юборади.

Банк филиаллари ўрнатилган тартибда кунлик бухгалтерия ҳужжатларини йиғмажилдга тикишлари ва уларни баланс маълумотлари билан солиштиришлари лозим.

Ҳар бир ҳисобот шакли филиал раҳбари ва бош бухгалтери томонидан синчиклаб текширилади.

Бош банк раҳбарлари баланс бўлмаган, ҳисобда тартибга солинмаган тафовутлар чиққанда ва бир кун давомида мижозларга хизмат кўрсатилиши таъминланмаган ҳолларда бу камчиликларни бартараф этиш учун зарур барча чора-тадбирларни кўриши лозим.

Банк филиаллари раҳбарлари ва бош бухгалтерлари баланс чиқмаганлиги ҳақида белгиланган муддатда Бош банкка хабар қилмасалар, уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимларидан озод қилишгача бўлган чоралар кўрилади.

**Баланснинг тўғри тузилганлиги қуйидаги тартибда текширилади:**

1. кунлик баланснинг актив ва пасивларнинг қолдиқлар бўйича якунлари тенглиги (актив ҳисобварақлари қолдиқларининг мажбуриятлар ҳисобварақлари қолдиқлари плус капитал ҳисобварақлари қолдиқларига тенглиги);
2. "Кўзда тутилмаган ҳолатлар" ҳисобварақлари қолдиқлари якунининг тўғрилиги, шу ҳисобварақлар билан уларга тегишли контр-ҳисобварақлар қолдиқларининг ўзаро тенглиги;
3. актив ҳисобварақларда кредит қолдиқ (контр-актив ҳисобварақлардан ташқари), пасив ҳисобварақларда дебет қолдиқ (контр-пасив ҳисобварақлардан ташқари) бўлмаслиги;
4. актив ҳисобварақларга очилган контр-актив ҳисобварақлар қолдиғи шу актив ҳисобварақ қолдиғидан ортиқ бўлмаслиги, пасив ҳисобварақларга очилган контр-пасив ҳисобварақлар қолдиғи шу пасив ҳисобварақ қолдиғидан ортиқ бўлмаслиги;

5. Бош банкда очилган 16100 ва 22200-ҳисобварақлари қолдиқлари ҳамда улар бўйича очилган иккинчи тартибли мос ҳисобварақларнинг қолдиқлари ўзаро тенг бўлиши;
6. асосий воситалар, даромадлар ва харажатлар ҳамда банк капитали ҳисоби фақат миллий валютада юритилишини таъминлаш ва баланснинг резидент ва норезидент устунларини шунга мос равишда тўлдирилганлиги.

Баланснинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг кунлик бухгалтерия ҳисоботи сифатида бир нусха баланс (Бош банкда бутун банк бўйича, филиаллар эса ўз филиаллари бўйича) чоп этилади.

Банкнинг ягона кунлик баланси банк раҳбари ва Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори (бошқарма бошлиғи) томонидан имзоланиши лозим.

Филиаллар баланси филиал бошқарувчиси ва унинг бош бухгалтери томонидан, касса операциялари бўйича ҳисоботларга улардан ташқари касса мудури ёки масъул касса ходими имзо чекади.

Банклар баланси бошқа зарур маълумотлар билан биргаликда Марказий банкка тақдим қилиш учун Бош сервердан Ахборотлаш бошқарув тизими (бундан кейинги ўринларда АБТ деб юритилади)га узатилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва давлат бюджети касса ижроси департаменти тижорат банклари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳудудий Бош бошқармаларининг балансларини алоҳида жамлаб, сўнгра бутун республика банклари бўйича йиғма баланс тузади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк баланси Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва давлат бюджети касса ижроси департаменти томонидан, тижорат банклари баланслари Кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш департаменти томонидан таҳлил қилинади.

Таҳлил натижалари бўйича тижорат банкларига тегишли кўрсатмалар берилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ваколатли департаментлари АБТ дан ўрнатилган тартибда баланс ва бошқа тегишли маълумотлар олиши мумкин.

### **3.5 Бухгалтерия ёзувларидаги хатоларни тузатиш тартиби.**

Кунлик баланс ҳисоботлари ва шахсий ҳисобварақларга қўлда бирон-бир тузатишлар қилинишига йўл қўйилмайди.

Суммаларни ўчириб ёзиш ва тузатиш, шунингдек ўчирувчи суёқликлардан фойдаланиб, уларга тузатишлар киритиш қатъиян тақиқланади.

Банк иш куни яқунланиб, баланс ҳисоботи тузилиб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига жўнатилганидан сўнг, хато ёзувлар аниқланган ҳолларда, ушбу хато ёзувлар киритилган ҳисобварақларга эртаси банк иш куни тескари бухгалтерия ёзувлари киритиш (сторно бериш) йўли билан, тузатиш мемориал ордерлари асосида тўғриланиши лозим. Бундай ҳолларда ҳисобварақлардан суммалар миқдорларнинг розилигисиз ҳисобдан чиқарилади. Бу ҳақда банк билан миқдор ўртасида тузилган шартномада кўрсатиб ўтилган бўлиши шарт.

Тузатиш ордерлари, агар миқдорларга битта банк филиали хизмат кўрсатса тўрт нусхада тузилиши лозим. Уларнинг биринчи нусхаси ордер бўлиб хизмат қилади, иккинчи ва учинчи нусхалари миқдорлар учун дебет ва кредит ёзувлари бўйича билдиришномалар бўлиб ҳисобланади, тўртинчи нусха эса ордер китобчасида қолади. Бу китобча бош бухгалтер ёки унинг ўринбосарида сақланиши лозим. Ордерларга бошқа ҳужжатлардан фарқланадиган тартиб рақамлари қўйилиши шарт.

Тузатиш ордери матнида қачон ва қайси ҳужжатда хато ёзувга йўл қўйилгани кўрсатилиши керак. Агар унга миқдор аризаси сабаб бўлган бўлса, шу сабаб кўрсатилади. Бунда мемориал ордернинг тўртинчи нусхасининг орқа томонига кимнинг айби билан хатоликка йўл қўйилганлиги қайд этилади, ижрочининг, шунингдек нотўғри ёзувни назоратдан ўтказган шахснинг лавозими ва фамилияси кўрсатилади. Тузатиш мемориал

ордерлари тузилишида асос бўлган аризалар китобга тикилган мемориал ордерлар билан бирга сақланиши лозим.

Суммаси кейинчалик тескари бухгалтерия ўтказмалари билан тузатилган шахсий ҳисобварақдаги хато ёзув қаршисига албатта "Тўғриланган" белгиси қўйилиши, тўғрилаш киритилган сана ва тўғриланган мемориал ордерининг рақами кўрсатилиши шарт. Бу қайд тўғриланган мемориал ордерини имзолаган бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари (бўлим бошлиғи) имзоси билан тасдиқланади.

Бош бухгалтер тўғриланган мемориал ордерларнинг китобчада қолган нусхаларидан фойдаланиб, ходимларнинг ишидаги хатолар ҳисобини юритади ва ушбу хатолар сабабларини ўрганиб ишни яхшилаш чораларини кўради.

Банклараро ва филиаллараро электрон тўловлар бўйича хатоларни мемориал ордерлар билан тўғрилаш қатъиян ман этилади. Банклараро ва филиаллараро электрон тўловлар бўйича хатоларни тўғрилаш учун хатоликка йўл қўйган (ташаббускор) банк филиали, хато электрон тўлови жўнатилган (бенифициар) банкка "Лотус-Нотес" алоқа электрон почтаси орқали хато ўтказилган тўлов тўғрисидаги маълумотни кўрсатган ҳолда, хато юборилган тўлов ҳужжатини қайтариш тўғрисида илтимоснома хати жўнатади. Бу ҳолда, хато ўтказилган маблағни қайтарилмаслигидан қатъи назар, ташаббускор банк маблағни хатолик аниқланган кундан кейинги банк иш кунидан кечиктирмасдан "19997-Бошқа активлар" ҳисобварағи орқали олувчининг ҳисобварағига ўтказиши шарт.

## IV. БОБ МИЖОЗЛАРГА ҲИСОБВАРАҚ ОЧИШ ТАРТИБИ.

### 4.1 Банкларида очил адиган банк ҳисобварақлари.

Тижорат банкларида счёт очиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 27 апрелда 1948-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги йўриқномага асосан амалга оширилади.

5-расм.



**банк ҳисобварағи** - банк ҳисобварағи шартномасини тузиш орқали банк миждоз (ҳисобварақ эгаси) ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, миждознинг ҳисобварағидаги тегишли маблағларни ўтказиш ва бериш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш тўғрисидаги топшириқларни бажариш вазифасини ўз зиммасига олиши натижасида банк ва миждоз ўртасида вужудга келадиган муносабатларни амалга ошириш воситаси.

**ссуда ҳисобварағи** - белгиланган тартибда миждозларга берилган кредитларнинг ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ;

<b>ССУДА ҲИСОБВАРАҒЛАРИ</b>	
12400	Бюджет ташкилотларига берилган қисқа муддатли кредитлар
12500	Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар
12600	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар
12700	Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган қисқа муддатли кредитлар
12900	Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар
13000	Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган қисқа муддатли кредитлар
13100	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар
13200	Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган қисқа муддатли кредитлар
13300	Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун берилган қисқа муддатли кредитлар
14300	Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун берилган узоқ муддатли кредитлар
14500	Бошқа банкларга берилган узоқ муддатли кредитлар
14700	хукуматга берилган узоқ муддатли кредитлар
14800	Бюджет ташкилотларига берилган узоқ муддатли кредитлар
14900	Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар
15000	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли кредитлар

15100	Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган узоқ муддатли кредитлар
15200	Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган узоқ муддатли кредитлар
15300	Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган узоқ муддатли кредитлар
15400	Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган узоқ муддатли кредитлар
15500	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитлар

**талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи** - мижозларнинг биринчи талаби биланоқ бериладиган ёки ундаги ўтказиб бериладиган маблағларнинг ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ.

2-жадвал

<b>20200 ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА САҚЛАНАДИГАН ДЕПОЗИТЛАР</b>	
20202	- Ҳукуматнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20203	- Республика қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20204	- Маҳаллий бюджет қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20205	- Бюджетдан ташқари фондларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20206	- Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган

	депозитлари
20207	- Республика йўл жамғармасининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20208	- Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20210	- Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20212	- Нодавлат нотижорат ташкилотларининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20214	- Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20216	- Банк бўлмаган молиявий муассасаларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20218	- Якка тартибдаги тадбиркорларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20296	- Бошқа мижозларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари

**жамғарма депозит ҳисобварағи**-бу мижозларнинг даврий бадаллари асосида шаклланиб, муайян мақсадни амалга ошириш учун жамғариладиган ва шу мақсад учун йўналтириладиган ёхуд шартнома бекор қилиниши натижасида қайтариладиган маблағлар ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ;

3-жадвал

<b>20400 ЖАМҒАРМА ДЕПОЗИТЛАР</b>	
20402	- Ҳукуматнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича жамғарма депозитлари
20403	- Республика қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича жамғарма депозитлари
20404	- Маҳаллий бюджет қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича жамғарма депозитлари
20405	- Бюджетдан ташқари фондларнинг жамғарма депозитлари

20406	- Жисмоний шахсларнинг жамғарма депозитлари
20408	- Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг жамғарма депозитлари
20410	- Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларининг жамғарма депозитлари
20412	- Нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамғарма депозитлари
20414	- Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг жамғарма депозитлари
20416	- Банк бўлмаган молиявий муассасаларнинг жамғарма депозитлари
20418	- Якка тартибдаги тадбиркорларнинг жамғарма депозитлари
20496	- Бошқа мижозларнинг жамғарма депозитлари

**муддатли депозит ҳисобварағи** - шартномада қатъий келишилган муддатга қўйилган мижозларнинг маблағлари ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ;

4-жадвал

<b>20600 МУДДАТЛИ ДЕПОЗИТЛАР</b>	
20602	- Ҳукуматнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича муддатли депозитлари
20603	- Республика қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича муддатли депозитлари
20604	- Маҳаллий бюджет қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича муддатли депозитлари
20605	- Бюджетдан ташқари фондларнинг муддатли депозитлари
20606	- Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари
20608	- Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг муддатли депозитлари
20610	- Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларининг муддатли депозитлари

20612	- Нодавлат нотижорат ташкилотларининг муддатли депозитлари
20614	- Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг муддатли депозитлари
20616	- Банк бўлмаган молиявий муассасаларнинг муддатли депозитлари
20618	- Якка тартибдаги тадбиркорларнинг муддатли депозитлари
20696	- Бошқа миждозларнинг муддатли депозитлари

**д) бошқа депозит ҳисобварақлари.**

5-жадвал

<b>21000</b>	<b>БОШҚА БАНКЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ</b>
21002	- Бошқа банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари - Востро
21006	- Банкнинг бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақлари - Ностро, овердрафт
21008	- Бошқа банкларнинг ҳисобварақлари - Нақд пуллар
21010	- Бошқа банкларнинг ҳисобварақлари - Депозитлар
21012	- Жисмоний шахсларнинг пластик карталаридан берилган нақд пул маблағлари бўйича бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар
21014	- Пластик карталардан амалга оширилган тўловлар бўйича бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар
<b>21200</b>	<b>БОШҚАРУВ (МЕНЕЖЕР) ЧЕКЛАРИ</b>
21202	- Бошқарув (менежер) чеклари
<b>21400</b>	<b>БАНКНИНГ ТЎЛАНМАГАН АКЦЕПТЛАРИ</b>
21402	- Банкнинг тўланмаган маҳаллий акцептлари
21406	- Банкнинг тўланмаган хорижий акцептлари
<b>21600</b>	<b>ОЛИНГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
21602	- Марказий банкдан олинган қисқа муддатли кредитлар
21604	- Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғармалардан олинган қисқа муддатли кредитлар
21605	- Бюджетдан ташқари фондлардан олинган қисқа муддатли кредитлар
21606	- Бошқа банклардан олинган қисқа муддатли кредитлар
21610	- Ҳукуматдан олинган қисқа муддатли кредитлар

21624	- Банк бўлмаган молиявий муассасалардан олинган қисқа муддатли кредитлар
21696	- Бошқа кредиторлардан олинган қисқа муддатли кредитлар
<b>22000</b>	<b>ОЛИНГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
22002	- Марказий банкдан олинган узоқ муддатли кредитлар
22004	- Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғармалардан олинган узоқ муддатли кредитлар
22005	- Бюджетдан ташқари фондлардан олинган узоқ муддатли кредитлар
22006	- Бошқа банклардан олинган узоқ муддатли кредитлар
22010	- Ҳукуматдан олинган узоқ муддатли кредитлар
22024	- Банк бўлмаган молиявий муассасалардан олинган узоқ муддатли кредитлар
22096	- Бошқа кредиторлардан олинган узоқ муддатли кредитлар
<b>22100</b>	<b>ЛИЗИНГ (МОЛИЯВИЙ ИЖАРА) БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАР</b>
22102	- Бошқа банклар олдидаги лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар
22104	- Бошқа лизинг берувчилар олдидаги лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар
<b>22200</b>	<b>БОШ БАНК/ФИЛИАЛЛАРГА ТЎЛАНАДИГАН МАБЛАҒЛАР</b>
22202	- Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар Накд пуллар
22203	- Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар - Накдсиз маблағлар
22204	- Бош банк/филиалларга филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар
22205	- Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар - Товар-моддий қимматликлар ва хизматлар
22206	- Чет элдаги Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар
22208	- Бош банк/филиалларга филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар - Овердрафт
22210	- Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар - Флоат
22212	- Бош банк/филиалларга жисмоний шахсларнинг пластик карталаридан берилган накд пул маблағлари бўйича тўланадиган маблағлар
22214	- Бош банк/филиалларга пластик карталардан амалга оширилган тўловлар бўйича тўланадиган маблағлар
<b>22300</b>	<b>РЕПО БИТИМЛАРИ БЎЙИЧА СОТИЛГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР</b>
22302	- РЕПО битимлари бўйича МБга сотилган қимматли қоғозлар

- 22304 - РЕПО битимлари бўйича бошқа банкларга сотилган қимматли қоғозлар
- 22306 - РЕПО битимлари бўйича ҳукуматга сотилган қимматли қоғозлар
- 22308 - РЕПО битимлари бўйича жисмоний шахсларга сотилган қимматли қоғозлар
- 22310 - РЕПО битимлари бўйича яқка тартибдаги тадбиркорларга сотилган қимматли қоғозлар
- 22312 - РЕПО битимлари бўйича чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга сотилган қимматли қоғозлар
- 22314 - РЕПО битимлари бўйича давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига сотилган қимматли қоғозлар
- 22316 - РЕПО битимлари бўйича хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга сотилган қимматли қоғозлар
- 22396 - РЕПО битимлари бўйича бошқа кредиторларга сотилган қимматли қоғозлар
- 22400 ТЎЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲИСОБЛАНГАН ФОИЗЛАР**
- 22402 - Талаб қилиб олунгунча сақланадиган депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар
- 22403 - Жамғарма депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар
- 22405 - Муддатли депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар
- 22406 - Марказий банк ҳисобварақлари бўйича ҳисобланган фоизлар
- 22407 - Бошқа банкларнинг ҳисобварақлари бўйича ҳисобланган фоизлар
- 22408 - Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган фоизлар
- 22409 - Бош банк/филиалдан олинган ресурслар бўйича ҳисобланган фоизлар
- 22410 - Олинган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар
- 22412 - Бошқа мажбуриятлар бўйича ҳисобланган фоизлар
- 22414 - Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар
- 22476 Шартномага кўра тўлаш учун ҳисоблаб ёзилган, бироқ муддатида тўланмаган фоизлар
- 22500 ҲИСОБЛАНГАН СОЛИҚЛАР**
- 22502 - Ҳисобланган даромад(фойда) солиқлари
- 22504 - Ҳисобланган бошқа солиқлар
- 22506 - Тўлаш учун ушлаб қолинган солиқлар
- 22508 - Муддати узайтирилган солиқлар
- 22510 - Нафақа (пенсия) фонди билан ҳисоб-китоблар

- 22512 - Бандлик фонди ва бошқа фондлар билан ҳисоб-китоблар
- 22600 МИЖОЗЛАРНИНГ БОШҚА ДЕПОЗИТЛАРИ**
- 22602 - Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари
- 22604 - Мижозларнинг бошқа депозитлари - Жамғарма - Мақсадли
- 22606 - Мижозларнинг импорт билан боғлиқ тратта ваёки траст ҳужжатлари билан кафолатланган аккредитивлар бўйича депозитлари
- 22608 - Мижозларнинг қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар бўйича маблағлари
- 22610 - Ўзбекистон почтаси" ОАЖ таркибий бўлинмалари томонидан тўланадиган пенсия ва нафақалар
- 22612 - Ўзбекистон почтаси" ОАЖ таркибий бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган пул ўтказмалари ва даврий нашрларга обуна
- 22613 - Валюта бозорида конвертация қилиш учун мижозларнинг захираланган маблағлари
- 22614 - Мижозларнинг валюта бозорида конвертация қилинган маблағлари
- 22616 - Жисмоний шахсларнинг банк ҳисоб рақамларидаги масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими орқали бошқариладиган маблағлари
- 22617 - Пенсияларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар
- 22618 - Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар
- 22619 - Якка тартибдаги тадбиркорларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар
- 22620 - Корпоратив пластик карточкалар бўйича мажбуриятлар
- 22622 - Юридик шахсларнинг ўз ваколатхоналари ва филиаллари таъминоти учун ажратган маблағлари
- 22624 - Айрим турдаги акцизли товарларни сотадиган юридик шахсларнинг мақсадли маблағлари
- 22626 - Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари
- 22628 - Фуқароларнинг шахсий жамғарма пенсия ҳисобварағидаги маблағлари
- 22630 - Маҳаллий бюджетдан молиялаштирилаётган, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланган ижтимоий нафақалар маблағлари
- 22696 - Бошқа депозит мажбуриятлари
- 22800 ҲОСИЛАВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАР БЎЙИЧА РЕВАЛЬВАЦИЯ НАТИЖАСИДА АМАЛГА ОШМАГАН ЗАРАРЛАР ВА БОШҚА МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛГАН ДАРОМАДЛАР**
- 22802 - Форвард шартномаси бўйича ревальвация натижасида амалга ошмаган

- зарарлар
- 22806 - Опционлар бўйича ревальвация натижасида амалга ошмаган зарарлар
- 22810 - Фьючерслар бўйича ревальвация натижасида амалга ошмаган зарарлар
- 22811 - Своплар бўйича амалга ошмаган зарарлар
- 22812 - Келгуси давр фоизли даромадлари
- 22896 - Бошқа муддати узайтирилган даромадлар
- 23100 МИЖОЗЛАРНИНГ ПЛАСТИК КАРТАЛАРИГА ЎТКАЗИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ БЎЙИЧА ТРАНЗИТ ҲИСОБВАРАҒЛАРИ**
- 23102 - Юридик шахсларнинг корпоратив пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварағлари
- 23104 - Якка тартибдаги тадбиркорларнинг корпоратив пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварағлари
- 23106 - Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек пенсиялар, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловлар бўйича хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварағлари
- 23108 - Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек пенсиялар, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловлар бўйича бюджет ташкилотлари ходимларининг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварағлари
- 23110 - Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек пенсиялар, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловлар бўйича Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси ходимлари (контингент)нинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварағлари
- 23112 - Ишламайдиган пенсионерларнинг пенсиялари бўйича жисмоний шахсларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварағлари
- 23114 - Ижтимоий нафақалар, компенсациялар ва бошқа тўловлар бўйича жисмоний шахсларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварағлари
- 23116 - Нақд пуллар бўйича жисмоний шахсларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварағлари
- 23118 - Пластик карталар ва омонатлар ҳисобварақларидан жисмоний шахсларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварағлари
- 23120 - Жисмоний шахсларнинг пластик карталарига нақд пулсиз ўтказилиши

- лозим бўлган бошқа пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварағлари
- 23122 - Хорижий валюта сотиб олиш учун банк кассаларига нақд пулларни топширган жисмоний шахсларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган маблағлар бўйича транзит ҳисобварақлари
- 23200 КЛИРИНГ ТРАНСАКЦИЯЛАРИ**
- 23202 - Клиринг трансакциялари
- 23204 - Бир марталик ўзаро ҳисоб-китоблар учун бюджет маблағлари
- 23206 - Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар
- 23208 - Молия вазирлиги фондлари билан бўладиган клиринг трансакциялари
- 23210 - Молия вазирлиги фондларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ажратилган мақсадли маблағлар
- 23212 - Молия вазирлиги Ғазначилиги маблағлари
- 23214 - Ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари маблағлари
- 23216 - Қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашни рағбатлантириш Фонди маблағлари
- 23218 - Молия вазирлиги фондидан ажратилган мақсадли маблағлар
- 23220 - Молия вазирлиги фондидан олинган мақсадли маблағлар
- 23222 - Молия вазирлиги фондининг мақсадли маблағлари
- 23224 - Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро бир марталик ҳисоб-китоблар учун бюджет маблағлари
- 23226 - Республика бюджетининг экспортчи-корхоналар билан бўладиган мақсадли ҳисоб-китоблар учун маблағлари
- 23228 - Республика бюджетининг пудратчи ташкилотлар билан бўладиган мақсадли ҳисоб-китоблар учун маблағлари
- 23400 ҲУКУМАТГА ТЕГИШЛИ ДАРОМАД ВА БОШҚА ТУШУМЛАР ҲИСОБВАРАҚЛАРИ**
- 23402 - Республика бюджетининг маблағлари
- 23403 - Божхона тўловларн бўйича Республика бюджетининг даромадлари
- 23404 - Республика қарамоғидаги бюджет муассасаларининг маблағлари
- 23405 - Нобюджет ташкилотлар ва корхоналар учун республика бюджетидан ажратилган маблағлар
- 23406 - Ҳукумат кредитлари бўйича фоизли даромадлар
- 23407 - Ягона солиқ тўлови бўйича Республика бюджетининг даромадлари
- 23409 - Ер ва ягона ер солиқлари бўйича Республика бюджетининг даромадлари

- 23410 - Ҳукумат субсидиялари фонди
- 23411 - Давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлар, маъмурий ва молиявий санкцияларни тўлаш бўйича маблағлар
- 23416 - Махсус мақсадлар фонди
- 23422 - Капитал қўйилмаларни республика бюджетидан молиялаштириш
- 23424 - Капитал қўйилмаларни маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш
- 23426 - Маҳаллий бюджет маблағлари - Туман/шаҳар
- 23427 - Нобюджет ташкилотлар ва корхоналарнинг туман/шаҳар бюджетидан ажратилган маблағлари
- 23430 - Маҳаллий бюджет маблағлари - Вилоят
- 23431 - Нобюджет ташкилотлар ва корхоналарнинг вилоят бюджетидан ажратилган маблағлари
- 23432 - Маҳаллий бюджет маблағлари - Қорақалпоғистон Республикаси
- 23433 - Нобюджет ташкилотлар ва корхоналарнинг Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ажратилган маблағлари
- 23442 - Инвестиция дастурларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан ва марказлашган кредитлар ҳисобидан ажратилган бўнак маблағлар
- 23500 МИЖОЗЛАРНИНГ ПЛАСТИК КАРТАЛАРИДАН КЕЛИБ ТУШГАН ТУШУМ**
- 23502 - Инфокиоскалар орқали пластик карталардан келиб тушган тушум
- 23504 - Пластик карталардан берилган нақд пуллар бўйича жисмоний шахсларнинг пластик карталари ёки омонатлар ҳисобварақларига ўтказилган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлари
- 23506 - Коммунал тўловлар бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларига ўтказилиши лозим бўлган пластик карталардан келиб тушган тушум
- 23508 - Пулли хизматлар бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларига ўтказилиши лозим бўлган пластик карталардан келиб тушган тушум
- 23510 - Савдо ташкилотларининг ҳисобварақларига ўтказилиши лозим бўлган пластик карталардан келиб тушган тушум
- 23514 - Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар бўйича олувчининг ҳисобварақларига ўтказилиши лозим бўлган пластик карталардан келиб тушган пул маблағлари
- 23516 - Хорижий валюта сотиб олиш учун жисмоний шахсларнинг пластик карталаридан ўтказилган пул маблағлари
- 23600 БАНК ТОМОНИДАН ЧИҚАРИЛГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР**

- 23602 - Чиқарилган облигациялар
- 23604 - Чиқарилган жамғарма сертификатлари
- 23606 - Чиқарилган депозит сертификатлари
- 23608 - Чиқарилган векселлар
- 23610 - Чиқарилган бошқа қимматли қоғозлар
- 23696 - Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича мукофот (премия)
- 23698 - Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-пассив)
- 29800 БОШҚА МАЖБУРИЯТЛАР**
- 29801 - Мижозлар билан ҳисоб-китоблар
- 29802 - Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар
- 29803 - Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар
- 29804 - Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари
- 29805 - Ижара (операцион ижара) бўйича тўланиши лозим бўлган маблағлар
- 29806 - Тўлаш учун ҳисобланган бошқа фоизсиз харажатлар
- 29808 - Лицензия бадаллари бўйича ҳисобланган маблағлар
- 29810 - Банкнинг масъул ходимларига берилган корпоратив пластик карталар бўйича ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган пул маблағлари
- 29814 - Мижозларнинг ҳисобварақларига кирим қилиниши лозим бўлган терминаллар орқали тушган тушумлар
- 29816 - Нақд пулларни қайта ҳисоблашда аниқланган ортикчалар
- 29822 - Тўланиши лозим бўлган дивидендлар
- 29824 - Нақд пул маблағлари бўйича жисмоний шахсларнинг мақсадли ҳисоб-китоблари
- 29826 - Акциялар учун обуна маблағини тўлаш - Хусусий капитални инвестиция қилиш
- 29830 - Акциялар учун обуна маблағини тўлаш бўйича депозитлар
- 29834 - Жисмоний шахсларнинг пул ўтказмалари бўйича мажбуриятлар
- 29840 - Молия вазирлигига ўтказиладиган талаб қилиб олинмаган депозитлар
- 29842 - Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари
- 29844 - Бошқа банкларнинг мижозлари билан нақд пулли ҳисоб-китоблар
- 29848 - Ижтимоий нафақалар тўловлари бўйича жисмоний шахслар билан ҳисоб-китоблар

29846	- Бошқа кредитлар - Талаб қилиб олинмаган қолдиклар
29883	- "Ўз-тўлов" тўлов тизимидаги тўланадиган маблағлар
29896	- Бошқа мажбуриятлар

Хўжалик юритувчи субъектнинг давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг биринчи марта миллий валютада очган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи унинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи (бундан кейинги ўринларда асосий ҳисобварақ деб юритилади) ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъект асосий ҳисобварағини очгандан кейин миллий ва чет эл валютасида очадиган барча талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари унинг иккиламчи ҳисобварақлари ҳисобланади.


Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш юридик шахснинг асосий ҳисобварағидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахслар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш учун банкларни мустақил равишда танлайдилар ҳамда бир ёки бир неча банкларда миллий ва чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари, шунингдек, жамғарма, муддатли, ссуда ва бошқа депозит ҳисобварақларини очиш ҳуқуқига эгалар.

Улгуржи савдо корхоналари - ягона солиқ тўлови тўловчилари (улгуржи дорихона ташкилотлари, Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирувчи ихтисослаштирилган улгуржи база-идоралар бундан мустасно) миллий валютадаги асосий ва иккиламчи ҳисобварақларини улар юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган туман (шаҳар)даги тижорат банклари ва (ёки) уларнинг филиалларида очадилар.

**Мисол: Хусусий корхона ва ташкилотларнинг қуйидаги счётлари бўлиши мумкин:**

6-расм



Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларга Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағларни кирим қилиш ва бу маблағлардан фойдаланиш учун бюджет ҳисобварақлари, шунингдек ушбу муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини олиб бориш учун талаб қилиб олингунча, жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақлари очилади.

**Мисол: Республика бюджети ташкилотларнинг қуйидаги счётлари бўлиши мумкин:**

7-расм



Марказлашган маблағлар ҳисобидан капитал қурилишни молиялаштириш учун ягона буюртмачига ҳар бир қурилиш объекти бўйича алоҳида иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлар очилади.

Юридик шахслар ўз асосий ҳисобварағини очгандан кейин улар ҳисобга қўйилган давлат солиқ хизмати органини хабардор қилган ҳолда бошқа банкларда миллий ва чет эл валютасидаги иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларини очиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси "Банк сирини тўғрисида"ги Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар давлат солиқ хизмати органларига банк мижозига (вакилига) солиқ солиш масалаларига тааллуқли ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилади.

## **4.2 Банк ҳисобварақларини юритиш бўйича шартнома ва унинг мазмуни.**

Мижозлар томонидан банк ҳисобварақлари очилаётганда, банк ҳисобварағи шартномаси (жисмоний шахсларнинг омонати бўйича банк омонати шартномаси) тузилади.

Банк ҳисобварағи шартномаси (жисмоний шахсларнинг омонати бўйича банк омонати шартномаси) бўйича юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Банк ҳисобварағи шартномасида банк миջознинг ҳисобварағига келиб тушаётган маблағларни ҳисобвараққа кириш қилиш ва уни киритиб қўйиш, миջознинг ҳисобварақдаги маблағларни тасарруф этиш борасидаги топшириқларини ижро этиш шартлари, бу борадаги миջоз ҳамда банк ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, банк хизматлари учун тўланиши лозим бўлган комиссиялар ҳамда бошқа шартлар белгилаб олинади.

Банк ҳисобварағи шартномасида миջозларнинг банк ҳисобварағига келиб тушган маблағларни киритиб қўйганлик учун (кредит айланмаси учун) воситачилик ҳақи ундириш борасида шарт белгиланиши тақиқланади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига уларнинг ҳисобварақларидан солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда банклар хизматлари учун тўловлар ундирилмайди.

Мижозлар томонидан ҳисобварақлар очиш учун ҳужжатлар тақдим қилинган кундан сўнг, **банклар икки иш куни мобайнида**, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, уларга ҳисобварақлар очишлари шарт.

Ҳисобварақлар очиш учун ҳужжатлар мижознинг имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчасида кўрсатилган ёки мижознинг ишончномаси асосида вакил қилинган шахслар томонидан шахсан тақдим қилинади.

Банклар томонидан бошқа қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Мижозлар ҳисобварақ очиш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги учун жавобгар бўладилар.

### Тадбиркорлик субъектларига банкларда ҳисобварақлар очиш учун

8-расм



Кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобварақ очганлиги учун

9-расм



Мижозларга ҳисобварақлар очиш ва ёпиш, шунингдек ҳисобварақлардан маблағларни ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиб туриш ҳамда уларни қайта ҳаракатга келтириш шу куннинг ўзидаёқ амалга оширилиб, Банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига узатилади.

### 4.3 Ҳисобварақларни очиш ва юритиш тартиби.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлган резидент юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда деҳқон хўжаликлари томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

10-расм



Тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар ҳамда Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан миллий валютада талаб

қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

11-расм



Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан асосий ҳисобвараққа хизмат кўрсатувчи банкда **жамғарма ва муддатли депозит** ҳисобварақларини очиш учун тегишли шаклдаги ариза тақдим қилинади.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар бошқа банкларда иккиламчи талаб қилиб олингунча, муддатли, жамғарма депозит ҳисобварақларини очишда ҳам асосий ҳисобварақ очиш учун тақдим этиладиган барча ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

Асосий ҳисобварақ очилган банкда қўшимча равишда миллий валютада иккиламчи талаб қилиб олингунча **депозит ҳисобварағи очилишига йўл қўйилмайди**, марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган мақсадли тадбирлар учун ҳамда қонунчилик ҳужжатлари асосида очиладиган иккиламчи депозит ҳисобварақлар бундан мустасно.

## **Мижозлар ҳисобварақларини ёпиш ва қайта расмийлаштириш тартиби.**

Асосий ҳисобварақни бошқа банкка ўтказиш учун мижд томонидан хизмат кўрсатувчи банкка ариза тақдим этилади ва чек дафтарчалари қайтарилади. Шундан сўнг банк мижднинг ҳисобварақдаги қолдиқни ёзма равишда тасдиқлайди.

Мижд асосий ҳисобварақни ёпилаётган банкдан олинган тасдиқномани ариза билан бирга асосий ҳисобварақ очилаётган банкка тақдим этади. Ушбу аризага асосан, асосий ҳисобварақ очилаётган банк миждга вақтинчалик 29801 - "Миждлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварақини очади ва бу тўғрисида мижд ҳамда ҳисобварақ ёпилаётган банкка ёзма равишда хабар беради.

Мижд вақтинчалик ҳисобварақ очилганлиги тўғрисидаги хабарни олгандан сўнг асосий ҳисобварақ ёпилаётган банкка асосий ҳисобварақдаги мавжуд маблағлар қолдиқини асосий ҳисобварақ очилаётган банкдаги вақтинчалик очилган ҳисобвараққа ўтказиш тўғрисида тўлов топшириқномаси тақдим этади. Асосий ҳисобварақни ёпилаётган банк мижд юридик йиғмажилдидаги ҳужжатлар ва 2-сонли картотекадаги (агар, мавжуд бўлса) тўлов ҳужжатлари рўйхатини киритиб, ушбу ҳужжатлар асосий ҳисобварақ очилаётган банкка топширилганлиги ҳақида икки нусхада далолатнома тузади. Далолатнома банк бошқарувчиси ва бош бухгалтери томонидан имзоланиб, асосий муҳр қўйилади.

Далолатноманинг ҳар икки нусхасига мижднинг юридик йиғмажилдидаги ҳужжатлар ва 2-сонли картотекадаги тўлов ҳужжатларининг асл нусхалари илова қилиниб, почта, фельдъегер алоқаси ёки курьер орқали асосий ҳисобварақ очилаётган банкка етказиб берилади.

Асосий ҳисобварақни очилаётган банк ушбу далолатномага илова қилинган ҳужжатларни қабул қилиб олгандан кейин мазкур далолатномага

илова қилинган юридик йиғмажилддаги ҳужжатлар ва 2-сонли картотекадаги тўлов ҳужжатларининг асл нусхаларини олганлигини тасдиқлаб, банк бошқарувчиси ва бош бухгалтери томонидан имзоланиб, асосий муҳр қўйилади. Далолатноманинг бир нусхаси почта, фельдъегер алоқаси ёки курьер орқали асосий ҳисобварақ ёпилаётган банкка етказиб берилади.

Ушбу ҳужжатларни ҳисобварақ эгаси ёки учинчи шахслар орқали бериб юбориш қатъиян тақиқланади.

Далолатноманинг асосий ҳисобварақ очаётган банк бошқарувчиси ва бош бухгалтери томонидан имзоланган ва муҳр қўйилган нусхаси олингандан кейин миждоз томонидан ёпилаётган асосий ҳисобварақдаги маблағларни ушбу ҳисобварақ очилаётган банкда очилган вақтинчалик ҳисобвараққа ўтказиш тўғрисидаги тўлов топшириқномаси ижро қилинади.


Асосий ҳисобварақни ёпаётган банк бериб юборилган барча ҳужжатлардан нусха кўчириб, белгиланган тартибда ўз архивида сақлайди.

Асосий ҳисобварақни очаётган банк ушбу ҳисобварақни ёпаётган банкдан ҳужжатлар ва маблағларни олгандан кейин миждозга янги асосий ҳисобварақни очади, унга вақтинчалик ҳисобварақдаги қолдиқни ўтказди ва мазкур вақтинчалик ҳисобварақни ёпади.

Асосий ҳисобварақ ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот ахборотлар базасида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда сақланади. Ушбу муддат тугагандан сўнг ўтказилган асосий ҳисобварақ тўғрисидаги маълумот архивланади ва белгиланган тартибда сақланади.

**Асосий ҳисобварақ бўйича операцияларни тўхтатиш ва ҳисобварақни ёпиш.**

Асосий ҳисобварақ бўйича операциялари фақат қуйидаги ҳолларда тўхтатиб қўйилиши мумкин.



Юқоридаги тартибда хатланган ёки тўхтатилган ҳисобварақларни (ҳам асосий, ҳам иккиламчи) бошқа банкларга ўтказиш ҳамда ушбу ҳисобварақлар эгаларининг бошқа ҳисобварақларни очишига йўл қўйилмайди.

Банк ҳисобварағи шартномаси ҳисобварақ эгасининг аризасига ёки банкнинг талабига кўра бекор қилинади.

Банкнинг талабига кўра банк ҳисобварағи шартномаси суд орқали куйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:



Ҳисобварақдаги пул маблағларининг қолдиғи миқдорнинг тегишли ёзма аризаси олингандан кейин кечи билан етти кун ичида миқдорга берилади ёки унинг кўрсатмасига мувофиқ бошқа ҳисобвараққа ўтказилади.

Банк ҳисобварағи шартномасининг бекор қилиниши миқдорнинг ҳисобварағини ёпиш учун асос бўлади.

Корхоналар олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхоналари - уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳолларда (деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно), банклар уч кунлик муддат ичида бундай корхоналар ҳақида улар ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига тегишли чоралар кўриш учун ахборот беришлари шарт.

Суднинг банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги тегишли қарори тақдим этилганда, банклар кейинги иш кунидан кечиктирмай хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларини ёпадилар.

Бунда, корхоналарнинг ёпиладиган ҳисобварақларидаги маблағлари қолдиқлари банк томонидан фойдаланиш ҳуқуқсиз махсус ҳисобварақларга ўтказилади. Корхоналарнинг банкка тўлаш учун тақдим этилган кредиторлик қарзи эса алоҳида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига ўтказилади.

Корхоналарнинг банк ҳисобварақлари ёпилгандан сўнг уларнинг номига келиб тушадиган маблағлар фойдаланиш ҳуқуқсиз махсус ҳисобварақларга ўтказилади. Фойдаланиш ҳуқуқсиз махсус ҳисобварақларга тўпланган маблағлар банклар томонидан биринчи навбатда корхоналарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарзларини тўлашга, қолган суммалар эса уларнинг кредиторлик қарзларини календарь навбатида тўлашга йўналтирилади.

Корхоналарнинг ёпиладиган ҳисобварақлардаги маблағлари банк томонидан фойдаланиш ҳуқуқисиз 29842 - "Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари" ҳисобварағига кирим қилинади ва банкка тўлов учун тақдим этилган корхонанинг кредиторлик қарздорлиги алоҳида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига ўтказилади.

Корхоналарни тугатиш бўйича махсус комиссия томонидан корхона кейинги фаолиятининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилинган ёки белгиланган тартибда тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан бошлаб ушбу корхонанинг ҳисобварақлари тегишлича корхонанинг ўз тасарруфига ёки тугатиш комиссиясининг тасарруфига ўтади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағи ёпилаётганда, олдиндан у билан боғлиқ бўлган барча ҳисобварақлар ёпилади. Бир вақтнинг ўзида ҳисобварақни ёпиш мўлжалланаётгани тўғрисида солиқ ва божхона (чет эл валютасида ҳисобварақ очилган бўлса) органларига хабар берилади, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг бюджет олдидаги қарзлари тўғрисида маълумот сўралади. Солиқ ва божхона органлари томонидан банкка хўжалик юритувчи субъектнинг бюджет олдида мажбуриятлари йўқлиги тўғрисидаги хулоса тақдим қилингандан кейин банк (банк филиали) томонидан берилган ҳамда тўлиқ ёки қисман фойдаланилмаган чек дафтарчалари банкка (банк филиалига) қайтарилади. Шундан кейин, миждознинг фойдаланилмаган чеклар рақамлари кўрсатилган аризасига асосан ҳисобварақни ёпиш кунда қолдиқ тасдиқланган ҳолда ҳисобварақ ёпилади.

Ёпилаётган, шунингдек, бошқа банкларга ўтказилаётган ҳисобварақлар бўйича фойдаланилмаган чекларни миждозлардан фақат бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари қабул қилиш ҳуқуқига эга. Бош бухгалтер ва унинг ўринбосари топширилган ҳар бир чекнинг имзо қўйиладиган қисмини қирқиб олиш йўли билан уларни дарҳол сўндириши зарур. Шундан кейингина чеклар унга хизмат кўрсатувчи масъул ижрочига берилади. ижрочи

ҳисобварақни ёпиш учун тақдим қилинган тўлов топшириқномасини дастурий йўл билан киритиши ҳамда уни текшириш ва имзолаш учун бош бухгалтерга ёки унинг ўринбосарига тақдим этиши шарт.

Ҳисобварақлар ёпилаётганда банк бош бухгалтери ёки унинг ўринбосари ёпилаётган ҳисобварақдан мижозга охирги марта кўчирма берилган кундан бошлаб ушбу ҳисобвараққа киритилган барча ёзувларни ҳужжатлар бўйича синчиклаб текшириши, ссуда ва банк хизматлари учун ҳисобланган ҳамда тўланган фоизларни инобатга олган ҳолда чиқарилган охирги қолдиқнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши ва ёпилаётган ҳисобвараққа тегишли ёзувларни киритиб, имзо чекиши шарт.

Ҳисобварақ ёпилгандан сўнг банк мижозга (мижоз тугатилганда - таъсисчиларга) барча тақдим қилинган талаблардан озод бўлган пул маблағларнинг қолдиғи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади.

Бошқа депозит ҳисобварақларнинг барчаси мижознинг аризасига асосан исталган вақтда ёпилади. Бунда, ушбу мижозга очилган махсус ҳисобварақлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёпилади.

Ссуда ҳисобварақлари банк раҳбари ёки раҳбар томонидан ваколат берилган шахснинг фармойишига асосан берилган кредитлар ва унга ҳисобланган фоизлар тўлови тўлиқ амалга оширилгандан кейин ёки ссуда ҳисобварағининг кредит қолдиғи кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига ўтказилгандан кейин ёпилади.

Мижоз мажбурий тугатилганда, мижознинг асосий ҳисобварағи тугатиш комиссияси номига расмийлаштирилади ва унинг тасарруфига ўтказилади. Асосий ҳисобвараққа хизмат кўрсатувчи банкка мижозни тугатиш тўғрисида қарорни, шунингдек, тугатиш муддати кўрсатилган ва тугатиш комиссиясини тuzган ташкилот ёки шахс томонидан тасдиқланган раҳбар ҳамда бош бухгалтернинг имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча тақдим этилади. Мижознинг ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи бошқа банкларга

тугатиш муддати кўрсатилган тугатиш тўғрисидаги қарор нусхаси тақдим этилади. Шундан сўнг барча иккиламчи ҳисобварақлар ёпилади ва ушбу ҳисобварақлардаги маблағлар мажбурий равишда тугатиш комиссиясига расмийлаштирилган асосий ҳисобвараққа ўтказилади.

Тугатиш комиссияси ўз ишини якунланганидан кейин ўз ҳисобварағини ёпиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) хўжалик юритувчи субъектлар бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг хулосаси;

б) тугатиш ишлари тугалланганлиги тўғрисида махсус комиссия томонидан расмийлаштирилган баённома;

в) фойдаланилмаган чеклар ва фойдаланилган чекларнинг милклари билан чек дафтарчаси.

Тугатиш комиссиясининг ҳисобварағида тақдим қилинган талаблардан озод бўлган пул маблағларининг кредит қолдиғи мавжуд бўлса, ушбу қолдик миқдорларнинг таъсисчиларига ёки тугатиш комиссиясининг ва тугатилган миқдорнинг таъсисчилари мажлисининг қарорига асосан бошқа ҳисобвараққа ўтказилади.

Ҳисобварақ ёпилганлиги учун ҳақ олинмайди.

## V-БОБ. НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ – КИТОБЛАР ҲИСОБИ.

### 5.1 Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва уларни ташкил этиш асослари

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва уларни ташкил этиш асослари қуйидаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

13-расм



## Меъёрий ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

14-расм

№ 2465 03.06.2013	<ul style="list-style-type: none"><li>• "Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида"ги Низоми</li></ul>
№ 1470 18.04.2005	<ul style="list-style-type: none"><li>• "Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низом</li></ul>
№ 1545 14.02.2006	<ul style="list-style-type: none"><li>• "Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Низоми</li></ul>
№ 2369 30.05.2012	<ul style="list-style-type: none"><li>• "Ўзкарт" банклараро чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида</li></ul>
№ 1767 13.02.2008	<ul style="list-style-type: none"><li>• Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимини ташкил қилиш қоидалари</li></ul>
№ 2570 04.04.2014	<ul style="list-style-type: none"><li>• Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоб-китоблар клиринг тизими тўғрисида низом</li></ul>
№ 1552 13.03.2006	<ul style="list-style-type: none"><li>• "Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Низоми</li></ul>
№ 1850 04.09.2008	<ul style="list-style-type: none"><li>• "Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низоми</li></ul>
№ 2155 19.11.2010	<ul style="list-style-type: none"><li>• "Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисида"ги Низоми</li></ul>

Ўзбекистон Республикасининг (2005 йил 16 декабрь, ЎРҚ–13-сон) “Электрон тўловлар тўғрисида” Қонунинг (3-моддасига асосан) Техника воситаларидан, ахборот технологияларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари воситасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш электрон тўловдир.

Электрон тўлов тўлов тизимининг субъектлари ўртасида тузилган шартномалар асосида тўлов тизимининг белгиланган қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Юқоридаги қонунинг (4-моддасига асосан) Тўлов тизими ва унинг турлари қуйидагилар келтирилган:

15-расм



**Банклараро тўлов тизими** (7-моддага асосан) банклар ўртасидаги электрон тўловларни банкларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга ошириш учун мўлжалланган.

**Банкнинг ички тўлов тизими** (8-моддага асосан) банк филиаллари ва мижозлари ўртасида электрон тўловларни амалга ошириш, шунингдек банклараро тўлов тизими билан ўзаро ҳаракатда бўлиш учун мўлжалланган.

Банкнинг ички тўлов тизими қоидалари тўлов тизимининг аъзоси — банк томонидан белгиланади.

**Чакана тўловлар тизими** (9-моддага асосан) банк карталари ва бошқа электрон тўлов воситалари қўлланилган ҳолда электрон тўловларни амалга ошириш учун мўлжалланган. Электрон тўлов воситаси унинг мазкур чакана тўловлар тизимига мансублигини идентификациялаш имкониятини берадиган фарқловчи белгиларга (товар белгисига, хизмат кўрсатиш белгиларига) эга бўлиши керак.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширувчи субъектлар 2 турга бўлинади:


16-расм



**Юридик шахслар нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда ҳисобварағидан маблағлар қуйидаги ҳолларда чиқарилади:**

## 1. Ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхаси асосида;

17-расм



### Электрон тўловлар тизими орқали олинган электрон тўлов ҳужжатлари асосида;

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари – бу миждознинг масофадан берган топшириқларига асосан (банкка келмасдан) банк хизматларини тақдим этиш технологияларидир. Асосан компьютер ва телефон тармоқлари орқали амалга оширилади.

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларининг турлари:

**Банк-Мижоз** – бу компьютер орқали амалга ошириладиган тизим бўлиб, бунда миждознинг компьютерига махсус дастур ўрнатилади. Ушбу дастур компьютерда барча миждоз маълумотларни сақлайди (асосан тўлов ҳужжатлар ва ҳисобварақлардан кўчирмалар). Банк ва миждознинг компютери ўртасида модем орқали тўғридан-тўғри алоқа амалга оширилади.

**Интернет-банкнинг** – бу мижозларнинг депозит ҳисобварақларини, жумладан пластик карталарга очилган ҳисобқарақларини, интернет орқали бошқариш ҳуқуқини берувчи тизимдир. Бу хизмат тури мижознинг масофадан банк билан боғланган ҳолда реал вақт давомида тўловларни ўтказиш учун мўлжалланган тизимдир. Фойдаланувчи тизимга веб-браузер орқали қиради. Интернет-банкнинг тизими банкнинг веб-серверда жойлаштирилади. Фойдаланувчи банкнинг веб-сайтида барча ўз маълумотлари (тўлов ҳужжатлар ва ҳисобварақлардан кўчирмалар)ни кўриб чиқиш имкониятига эга.

Интернет-банкнинг хизмати орқали мижоз ўз иш жойида ёки бошқа ўзига қулай шароитда: тўловларни ўтказиш; тўлов ўтиши босқичларини кузатиш; барча ҳисоботларни олиш каби барча амалиётларидан исталган вақтда фойдаланиш имкониятини яратади.

Интернет-банкнинг орқали мижоз ўз иш жойидан интернет орқали банк сайтига уланиб ўз ҳисоб рақамига тушаётган пулларни кўриши, пул ўтказмаларини тайёрлаб банкга узатиши мумкин бўлади.

Мобил банкнинг тизими интернет-банкнинг технологияси асосида яратилади.

**СМС-банкнинг** – бу банк мижозларга уларнинг депозит ҳисобварақларидаги ҳамда пластик карталарга очилган ҳисобқарақларидаги операциялар ҳақида СМС кўринишдаги маълумотларни олиш тизимидир. Ҳисобварақидан маълумот олиш учун мижоз банкнинг махсус телефон рақамига белгиланган СМС-сўровни юбориш керак.

Мижоз учун СМС-банкнинг хизмати қуйидаги амалларни бажариш имкониятларини берилади: ҳисобварақига келиб тушган маблағлар; ҳисобварақидан қилинган харажатлар; ҳисобварақ баланси; кун давомида ўтказилган банк операциялари ҳақида оператив маълумот олиш.

**ИНТЕРНЕТ БАНКИНГ** хизмати– бу Ўзбекистон бўйича исталган вақтда реал вақт тартибида Интернет орқали мижозларнинг ўз-ўзига банк хизматларини кўрсатиш тизими.

### Интернет банкинг хизматлари учун тарифлар

7-жавдал

№	Хизмат тури	Воситачилик ҳақи
1	Калитни улаш ва рўйхатдан ўтказиш	10 АҚШ доллари
2	Онлайн хизматга хизмат кўрсатиш (ҳар ой)	10 АҚШ доллари
3	Мижознинг талабига биноан паролни қайта рўйхатдан ўтказиш ва алмаштириш	Бепул
4	Электрон калитларни йўқотиш	80 АҚШ доллари
5	Фақат“Онлине” кўриш учун ҳуқуқ	5 АҚШ доллари

Услуга **СМС БАНКИНГ** хизмати – Сизнинг уяли телефонингиз орқали мижозларга оператив хабар бериш хизмати. **СМС банкинг хизмати бўйича тарифлар**

8-жавдал

№	Хизмат тури	Воситачилик ҳақи
1	Ҳар ойлик СМС банкинг хизматига хизмат кўрсатиш	5 АҚШ доллари
2	Ҳар бир қўшимча уяли телефон рақами (ҳар ой)	5 АҚШ доллари
3	Мижознинг аризасига биноан рақамни алмаштириш	Бепул

**Жисмоний шахслар нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қуйидаги ҳисоб-китоб ҳужжатларидан фойдаланилади:**

Жисмоний шахсларга дунёнинг исталган нуқтасига пул маблағини хорижий валютада ўтказишга имкон беради. Банк «Western Union», «Анелик», «Сонтаст», «ИБА-Ехпресс», «Унистрем», «Аллюр», «Лидер», «Монейграм» ва «Саспиан Моней Трансфер» тизимларининг қатнашчиси ҳисобланади.



**Банклар аҳолидан коммунал ва бошқа турдаги хизматлар учун қуйидаги тўловлар қабул қилинади.**

Жисмоний шахслар учун масофадан хизмат кўрсатиш тизими - бу, мобил телефон ёки интернет орқали исталган жойдан ўз ҳисоб рақамини бошқариш ва назорат қилиш имконини берувчи тизимдир.

**Банклар аҳолидан коммунал ва бошқа турдаги хизматлар учун тўловларни қабул қилади. Банкнинг барча бўлимларида сиз қуйидагилар учун пул тўлашингиз мумкин:**

- Уяли алоқа операторлари ва шаҳар телефони хизматлари учун тўловларни амалга ошириш;
- Интернет провайдерлар ва рақамли телевидениелар хизматлари учун тўловлар;
- Коммунал тўловларини (электр энергия) амалга ошириш;
- Истеъмол товарлари ва кўрсатилган хизматлар учун бир маротабалик тўловларни амалга ошириш ва бошқа тўловлар\*;
- Истеъмол ва ипотека кредитлари учун тўловларни амалга ошириш\*\*;
- Ҳисобрақамлар ҳолатини кўриш ва тўлдириш;
- Омонат қолдиқлари ва унга ҳисобланаётган фоизлар бўйича маълумотлар олиш;
- Онлайн Сمارт Виста пластик карта қолдиқлари ва унинг айланмалари бўйича маълумотлар олиш.
- Бюджетга тўловлар;

Маълумотларни картадан картага контакциз ўтказиш.

9-жавдал

№	Тўловлар тури	Ҳисоблагич бўйича	Ҳар ойлик тўлов
1	Электр энергияси	1кВт = 120 сўм	---
2	Иссиқ сув (Иссиқ қувват)	1 куб.м = 2260,51 сўм	1 одам учун 8827,81 сўм
3	Иситиш (Иссиқ қувват)	---	1 кв.м.яшаш майдони учун 705,42 сўм
4	Совуқ сув	1 куб.м = 266 сўм	1 одам учун 2669,98 сўм
5	Газ	1 куб.м = 151,74 сўм	1 одам учун 2624,15 сўм
6	“Махсустрас”	---	1 одам учун 2300 сўм

## **5.2.Тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китоблар.**

**Тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китоблар-Ўзбекистон** Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Адлия вазирлигида 2013 йил 3 июнда 2465-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги низом асосида тартибга солинади.

**Тўлов топшириқномаси**—мижознинг унга хизмат кўрсатувчи банкка ўз ҳисобварағидан топшириқномада белгиланган суммани маблағларни олувчининг ҳисобварағига ўтказиш тўғрисидаги топшириғи назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжати.

Тўлов топшириқномалари билан товарлар (ишлар, хизматлар), солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилиши мумкин.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг интерактив давлат хизматлари ягона портали ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайтида жойлашган солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинети орқали электрон тўлов топшириқномаси билан бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар амалга оширилиши мумкин.

Банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тўлов топшириқномаси банк томонидан мижознинг ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлгандагина қабул қилинади.

Мижознинг ҳисобварағида маблағ бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, мижознинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тақдим этган тўлов топшириқномалари банк томонидан қабул қилинади.

Мижознинг ҳисобварағида маблағ бўлмаган тақдирда, тўлов топшириқномаси «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» (2-картотека) 90963 баланс ҳисобварағига жойлаштирилади ҳамда маблағларнинг келиб тушишига қараб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

Мижознинг ҳисобварағида етарли маблағ бўлмаган тақдирда, банк томонидан мижознинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар билан боғлиқ тўлов топшириқномалари бўйича қисман тўлов амалга оширилади, бунда тўлов топшириқномасининг орқа томонида қисман тўланган сумма ва сана кўрсатилиб, имзо қўйилади.

Мижоз томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тақдим этилган тўлов топшириқномалари тегишли давлат солиқ хизмати органининг ёзма рухсати асосидагина қайтариб олиниши мумкин.

Тўлов топшириқномасининг санаси у банкка тақдим этилган сана билан бир хил бўлиши керак, улар мос келмаган тақдирда, тўлов топшириқномаси банк томонидан ижро учун қабул қилинмайди.

Мижоз почта алоқаси ташкилотларига пенсиялар, алиментлар ва бошқа тўловлар бўйича ўтказиладиган маблағлар билан боғлиқ тўлов топшириқномаларига барча зарур ҳужжатларни (маълумотномалар, ўтказмалар рўйхати ва бошқалар) тақдим этиши шарт.

### **Тўлов топшириқномалари банкка:**

а) маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчига битта банк томонидан хизмат кўрсатилганда, тўлов топшириқномалари уч нусхада тақдим қилинади. Бунда тўлов амалга оширилгандан сўнг, тўлов топшириқномасининг:



б) маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчига турли банклар томонидан хизмат кўрсатилганда — тўлов топшириқномалари икки нусхада тақдим қилинади.

Бунда тўлов амалга оширилгандан сўнг, тўлов топшириқномасининг:



Мижозлардан умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари орқали олинган электрон тўлов топшириқномаси дастурий назоратдан ўтказилади ва банк амалиёт кунда қайта ишлаш учун узатилади. Электрон тўлов топшириқномаси тўлов амалга оширилганидан сўнг, рўйхат кўринишида чоп этилади ва банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади.

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизими орқали юборилган электрон тўлов топшириқномаларнинг қоғоз кўринишидаги асл нусхаси банкка тақдим этилмайди. Электрон тўлов топшириқномаларининг расмийлаштирилиши ва улардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун миждоз жавобгар ҳисобланади.

Маблағларни олувчи банк томонидан тўлов тизими орқали олинган электрон тўлов топшириқномалари рўйхат кўринишида чоп этилиб, банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади. Электрон тўлов топшириқномасининг бир нусхаси маблағларни олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинган ҳолда унга тақдим қилинади.

### 5.3. Тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар.

**Тўлов талабномаси**-маблағларни олувчининг маблағларни тўловчи томонидан тўлов талабномасида кўрсатилган суммани банк орқали тўлаш тўғрисидаги талаби назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжати.

Тўлов талабномаси товарлар (ишлар, хизматлар) учун, шунингдек маблағларни олувчи ҳамда маблағларни тўловчи ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган бошқа тўловлар бўйича тақдим этилиши мумкин.

**Тўлов талабномалари қуйидаги турларга бўлинади:**

20-расм



- **акцептли тўлов талабномаси** - тўлов талабномасида назарда тутилган сумма маблағларни тўловчи томонидан акцептланганидан (тан олинганидан) сўнг, тўловлар амалга ошириладиган ҳисоб-китоб ҳужжати;
- **акцептсиз тўлов талабномаси** - тўлов талабномасида назарда тутилган сумма маблағларни тўловчининг розилиги бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, тўловлар амалга ошириладиган ҳисоб-китоб ҳужжати.

Товарларни етказиб берувчи тўлов талабномасининг "Тўлов мақсади" графасида:

шартнома тури, санаси ва тартиб рақами;

товарни жўнатиш (топшириш) санаси ва товар-транспорт ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари рақами ҳамда транспорт тури, товарлар почта алоқаси орқали жўнатилганда эса, почта квитанцияларининг рақами;

товарлар сотиб олувчининг транспорт воситаси билан олиб кетилганда "\_\_\_-сонли ишонч хати асосида сотиб олувчининг транспорт воситаси билан олиб чиқиб кетилган" деган ёзув кўрсатилиши шарт.

Тўлов талабномаси битта операция бўйича такроран тақдим этилиши мумкин эмас, дастлабки тўлов талабномаси маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка келиб тушмаган ҳоллар бундан мустасно.

Тўлов талабномаси маблағларни олувчи томонидан икки нусхада тузилган Реестр билан бирга унга хизмат кўрсатувчи банкка тақдим қилинади. Реестрнинг биринчи нусхаси ташкилот раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланган ҳамда ташкилот муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак, ташкилотда бош бухгалтер бўлмаган ҳоллар бундан мустасно. Реестрнинг биринчи нусхаси қабул қилиш санаси кўрсатилиб, бухгалтернинг имзоси ва банк томонидан бухгалтерга бириктириб қўйилган муҳр билан тасдиқланган ҳолда маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкда қолади.

Реестрнинг иккинчи нусхаси қабул қилиш санаси кўрсатилиб, бухгалтернинг имзоси ва банк томонидан бухгалтерга бириктириб қўйилган муҳр билан тасдиқланган ҳолда маблағларни олувчига қайтарилади.

**Акцептли тўлов талабномалари қуйидагича тақдим қилинади:**

а) маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчига битта банк томонидан хизмат кўрсатилганда, тўлов талабномаси уч нусхада тақдим қилинади.

Тўлов талабномасининг учинчи нусхаси - у келиб тушгандан кейинги иш кунидан кечиктирмай, банк томонидан ҳужжатни қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда, акцептлаш учун маблағларни тўловчи ёки унинг вакилига топширилади.

Мижоз томонидан тўлов талабномаси акцептланганидан ва тўлов амалга оширилганидан сўнг, тўлов талабномасининг:

21-расм



б) маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчига турли банклар томонидан хизмат кўрсатилганда - тўлов талабномалари уч нусхада маблағларни олувчи банкка тақдим қилинади. Тўлов талабномасининг барча нусхалари маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка юборилади. Бунда тўлов талабномасининг:

22-расм



в) маблағларни тўловчи тўлов талабномасини белгиланган муддатда банкка ташкилот раҳбарининг (якка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахс ташкил этмасдан туриб деҳқон хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи шахс) имзоси билан акцепт тўғрисида тўлов талабномасининг юқоридаги чап бурчагига белги қўйиб қайтариши керак.

Маблағларни тўловчи белгиланган муддатда ўзининг розилиги ёки тўловдан тўлалигича ёхуд қисман бош тортиши тўғрисида маълум қилмаган тақдирда, тўлов талабномаси банк томонидан умумий тартибда акцептланади ҳамда тўлов амалга оширилгандан сўнг, тўлов талабномасининг:

23-расм



Тўлов талабномасига дебиторлик-кредиторлик қарзларини солиштириш далолатномаси, товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги далолатноманинг илова қилиниши тўлов талабномасини акцептлаш учун асос бўлмайди.

Тўлов талабномасини бошқа усуллар билан (дебиторлик-кредиторлик қарзларини солиштириш далолатномаси ва бажарилган ишлар (хизматлар) бўйича далолатноманинг тўлов талабномасига илова қилиниши) акцептлашга йўл қўйилмайди.

**Акцептсиз тўлов талабномалари банкка:**

а) маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчига битта банк томонидан хизмат кўрсатилганда, тўлов талабномалари уч нусхада тақдим қилинади. Бунда тўлов амалга оширилгандан сўнг, тўлов талабномасининг:

биринчи нусхаси - банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

иккинчи нусхаси - маблағларни тўловчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни тўловчига тақдим қилинади;

учинчи нусхаси - маблағларни олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни олувчига тақдим қилинади;

б) маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчига турли банклар томонидан хизмат кўрсатилганда - тўлов талабномалари икки нусхада тақдим қилинади. Бунда маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан тўлов талабномасининг барча нусхалари маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка юборилади ва тўлов амалга оширилгандан сўнг, тўлов талабномасининг:

биринчи нусхаси - банкнинг кунлик ҳужжатлари йиғмажилдига тикиб қўйилади;

иккинчи нусхаси - маблағларни тўловчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни тўловчига тақдим қилинади.

Электрон тўловлар тизими орқали банкка келиб тушган электрон тўлов талабномалари рўйхат кўринишида чоп этилиб, банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади. Электрон тўлов талабномасининг нусхаси маблағларни олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни олувчига тақдим қилинади.

Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, тўлов талабномаси "Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" (2-картотека) 90963 баланс ҳисобварағига жойлаштирилади

хамда бу ҳақда уч кун ичида маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкка маълум қилинади ва маблағларнинг келиб тушишига қараб тўлаб борилади.

Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида етарли маблағ бўлмаган тақдирда, банк томонидан ҳисобварақ қолдиғи доирасида тўлов амалга оширилади. Маблағларнинг етарли бўлмаган қисми доирасида тўлов талабномаси "Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" (2-картотека) 90963 баланс ҳисобварағига жойлаштирилади, бунда тўлов талабномасининг орқа томонида қисман тўланган сумма ва сана кўрсатилиб, имзо қўйилади.

Акцептли ва акцептсиз тўлов талабномаларининг "Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" (2-картотека) 90963 баланс ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилиши маблағларни олувчининг ёзма аризасига асосан амалга оширилади ҳамда унга хизмат кўрсатувчи банкка ижро этилмасдан қайтариб юборилади.

Акцептли тўлов талабномасининг нусхаси банкка келиб тушгандан кейинги кундан кечиктирмай, маблағларни тўловчи ёки унинг вакилига "Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" журналида имзо қўйдирган ҳолда топширилади ҳамда "Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" (1-картотека) 90962 баланс ҳисобварағига жойлаштирилади.

Акцептли тўлов талабномасининг нусхасини маблағларни тўловчи ёки унинг вакилига имзо қўйдирган ҳолда топшириш имкони бўлмаган тақдирда, тўлов талабномаси у келиб тушгандан сўнг, ўн кун ўтгач маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкка тўлов талабномасининг юқори чап бурчагига "Мижознинг келмаганлиги сабабли ижро этилмади" деб ёзилган ҳолда ижро этилмасдан қайтариб юборилади.

Агар ўн кун ичида маблағларни тўловчининг топшириғига кўра унинг ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқариш операциялари (жумладан,

нақд пул бериш) амалга оширилган бўлса, маблағларни олувчи маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкдан Ҳисоб рақамлар очиш, мижозлар ҳисоб рақамларидан маблағларни ўтказиш ва кўчириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул бериш бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун тижорат банкларига жазо жарималарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга (*рўйхат рақами 1044, 2001 йил 30 июнь*) мувофиқ жарима ундиришга ҳақли.

Маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан акцептли тўлов талабномаларини акцептлаш бўйича қуйидаги муддат белгиланади:

бир ҳудудда (вилоятлар, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси) жойлашган мижозлар учун - тўлов талабномаси топширилганидан кейинги кундан бошлаб **уч иш куни**;

бошқа ҳудудда жойлашган мижозлар учун - тўлов талабномаси топширилганидан кейинги кундан бошлаб **беш иш куни**;

маблағларни тўловчининг ёзма талабига кўра - тўлов талабномаси топширилганидан кейинги кундан бошлаб **ўн иш куни**.

Маблағларни тўловчи ушбу муддат ичида тўлов талабномасини акцептлашни тўла ёки қисман ёзма равишда рад этиш ҳуқуқига эга.

Маблағларни тўловчининг ёзма равишдаги аризаси имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчада кўрсатилган шахслар томонидан имзоланиши ва аризада тўла ёки қисман рад этиш сабаблари кўрсатилиши шарт.

Маблағларни тўловчи томонидан банкка акцептлашни тўла рад этиш бўйича мурожаат келиб тушган тақдирда, тўлов талабномаси шу куннинг ўзида "Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" (1-картотека) 90962 баланс ҳисобварағидан олиниб, ижро этилмасдан маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкка мурожаатнинг нусхаси билан бирга қайтариб юборилади.

Маблағларни тўловчи томонидан акцептлаш қисман рад этилган тақдирда, тўлов акцептланган сумма доирасида амалга оширилади. Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида маблағ бўлмаган тақдирда, тўлов талабномаси "Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужж

атлари" (2-картотека) 90963 баланс ҳисобварағига жойлаштирилади. Бунда маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банк уч кун ичида маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан тўлов талабномасини акцептлашнинг қисман рад этилганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади.

Маблағларни тўловчи белгиланган муддатда тўлов талабномасини акцептлаш ёхуд акцептлашни тўла ёки қисман рад этиш бўйича банкка муурожаат қилмаган тақдирда, тўлов талабномаси акцептланган ҳисобланади.

Тўлов талабномасини акцептлашни тўла ёки қисман рад этиш сабаблари ва уларни асослашга доир низолар банклар томонидан кўриб чиқилмайди.

**Маблағлар қуйидаги ҳолларда акцептсиз ҳисобдан чиқарилади:**

тўлов талабномасига маблағларни тўловчининг суммани тан олганлиги тўғрисидаги ёзма хати асл нусхада илова қилинганда. Дебиторлик-кредиторлик қарзларини солиштириш далолатномаси, товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги далолатноманинг тўлов талабномасига илова қилиниши акцептсиз ҳисобдан чиқариш учун асос бўлмайди;

банклар томонидан - маблағларни тўловчининг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банкка - маблағларни тўловчининг кредитлар бўйича қарзлари ўз вақтида сўндирилмаганда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Бундай ҳолларда, тўлов талабномасининг юқори ўнг бурчагига "Акцептсиз" деган ёзув киритилади.

Банк амалиёт куни давомида маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка келиб тушган акцептсиз тўлов талабномалари бўйича тегишли сумма шу куннинг ўзида тўланади, маблағларни тўловчининг ҳисобварағида маблағ бўлмаган ёки етарли маблағ бўлмаган тақдирда, тўлов талабномаси тўланмаган сумма доирасида "Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" (2-картотека) 90963 баланс ҳисобварағига жойлаштирилади.

#### 5.4. Инкассо топшириқномаси билан ҳисоб-китоблар .

**Инкассо топшириқномаси**-маблағларни олувчининг инкассо топшириқномасида кўрсатилган суммани маблағларни тўловчининг ҳисобварағидан сўзсиз равишда ҳисобдан чиқариш бўйича топшириғи назарда тутилган ҳисоб-китоб хужжати.

**Инкассо топшириқномаларини тақдим этиш ҳуқуқига эга:**

24-расм



Қуйидагилар инкассо топшириқномаларини тақдим этиш ҳуқуқига эга:

а) давлат солиқ хизмати органлари:

- давлат бюджетига тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловларни ундириш учун;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал

таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий тўловларни ундириш учун;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловларни ундириш учун;
- фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган бадаллар бўйича тўловларни ундириш учун;
- савдо ташкилотларини истисно қилганда, микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ҳисобланган ягона солиқ тўлови миқдорининг қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли фоизини ўзаро қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги шартномалар асосида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармасига ундириш учун;
- дебиторларнинг банк ҳисобварақларига ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини илова қилган ҳолда солиқ тўловчининг солиқ қарзи суммасини ундириш учун;
- юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган қарзни ундириш учун;

б) божхона органлари - ўз муддатида тўланмаган божхона тўловлари ва жарималарни ундириш тўғрисида;

в) суд ижрочилари ва ундирувчилар - ижро ҳужжатлари бўйича пул маблағларини ундириш тўғрисида;

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

- республика бюджетидан молиялаштириш жараёнида белгиланган миқдордан ортиқ ўтказилган маблағларни қайтариш учун бюджет ташкилотларининг бюджет ҳисобварақларига;

- Ўзбекистон Республикаси кафолати остида берилган хорижий кредитларни қайтариш ва фоизлар тўлаш билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича қарздорларнинг миллий ва чет эл валютасидаги банк ҳисобварақларига.

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар ижро ҳужжатлари ҳисобланади.

Маблағларни ижро ҳужжатлари асосида ундириш бўйича инкассо топшириқномалари ижро ҳужжатининг асл нусхаси тақдим қилинган тақдирда, банк томонидан қабул қилинади. Ижро ҳужжатининг асл нусхаси йўқолган тақдирда, унинг дубликати ундирув учун асос бўлади. Маблағларни ижро ҳужжатларининг нусхалари асосида ҳисобдан чиқариш тақиқланади.

Суд ижрочилари томонидан қўйиладиган инкассо топшириқномалари суд ижрочисининг қарорига илова қилинган ҳолда тақдим қилинади.

Маблағларни ижро ҳужжатлари асосида ундириш бўйича инкассо топшириқномалари "Тўлов мақсади" графасида ижро ҳужжатининг тартиб рақами ва санаси, шунингдек давлат божи харажатлари ва қарз суммалари алоҳида ажратиб кўрсатилиши керак.

Инкассо топшириқномаларининг тўғри тақдим этилиши бўйича жавобгарлик инкассо топшириқномасини тақдим этган органлар зиммасига юклатилади. Инкассо топшириқномалари бўйича тўловларни маблағларни тўловчиларнинг ҳисобварақларидан сўзсиз равишда ҳисобдан чиқаришга оид эътирозлар банк томонидан кўриб чиқилмайди.

Инкассо топшириқномалари бўйича маблағларни ундириб олишни тўхтатиб қўйиш ёки чақириб олиш инкассо топшириқномасини тақдим этган орган томонидан ёки суд қарорига мувофиқ амалга оширилади. Инкассо топшириқномаси суд қарорига асосан бекор қилиниши мумкин.

Инкассо топшириқномасини топшириш ёки жўнатишда у банкнинг бош бухгалтери ва мижознинг ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи бухгалтернинг имзоси ва банкнинг муҳри билан тасдиқланади ҳамда қуйидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда устхат ёзилади:

- ✓ инкассо топшириқномасининг банкка келиб тушган санаси;
- ✓ инкассо топшириқномаси бўйича маблағ қисман тўланган бўлса, ундириб олинган сумманинг миқдори;
- ✓ инкассо топшириқномасини топшириш ёки жўнатиш санаси.

25-расм



Банк томонидан инкассо топшириқномаси тўланганда қуйидаги чизмадаги бухгалтерия узатмаси берилади.

### **Инкассо топшириқномалари:**

бир ҳудуд ичидаги ҳисоб-китобларда - маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкка ёки маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка тақдим қилинади;

ҳудудлараро ҳисоб-китобларда - фақат маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкка тақдим қилинади.

Давлат солиқ хизмати органлари инкассо топшириқномаларини электрон шаклда маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка бевосита тақдим этади ёки чақириб олади.

**Инкассо топшириқномаси банкка қуйидаги тартибда тақдим қилинади:**

а) маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчига битта банк томонидан хизмат кўрсатилганда - инкассо топшириқномалари тўрт нусхада тақдим қилинади. Бунда инкассо топшириқномасининг:

биринчи, иккинчи ва учинчи нусхалари - ижро учун банкда қолдирилади;

тўртинчи нусхаси - қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда мижознинг ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи бухгалтер томонидан имзоланади ва унга бириктирилган муҳр билан тасдиқланиб, маблағларни олувчига (ДСИга) қайтариб берилади;

б) бир ҳудуд ичида ҳисоб-китобларни амалга оширишда инкассо топшириқномалари уч нусхада бевосита маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка тақдим қилиниши мумкин. Бунда инкассо топшириқномасининг:

биринчи ва иккинчи нусхалари - ижро ҳужжатлари илова қилинган ҳолда ижро учун банкда қолдирилади;

учинчи нусхаси - қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда мижознинг ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи бухгалтер томонидан имзоланади ва унга бириктирилган муҳр билан тасдиқланиб, маблағларни олувчига қайтариб берилади;

в) ҳудудлараро ҳисоб-китобларни амалга оширишда инкассо топшириқномалари уч нусхада фақатгина маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкка тақдим қилинади. Бунда инкассо топшириқномасининг:

биринчи ва иккинчи нусхалари - қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда мижознинг ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи бухгалтер томонидан имзоланади ва унга бириктирилган муҳр билан тасдиқланиб, маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка юборилади;

учинчи нусхаси - қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда мижознинг ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи бухгалтер томонидан имзоланади ва унга бириктирилган муҳр билан тасдиқланиб, маблағларни олувчига қайтариб берилади.

**Маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан инкассо топшириқномасини бажариш қўйидаги тартибда амалга оширилади:**

а) маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчига битта банк томонидан хизмат кўрсатилган тақдирда, тўлов амалга оширилгандан сўнг, инкассо топшириқномасининг:

биринчи нусхаси - банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

иккинчи нусхаси - ижро ҳужжатлари илова қилинган ҳолда шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан бирга маблағларни тўловчига берилади;

учинчи нусхаси - шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан бирга маблағларни олувчига берилади;

б) бир ҳудуд ичида ҳисоб-китоблар амалга оширилганда, тўлов амалга оширилгандан сўнг, инкассо топшириқномасининг:

биринчи нусхаси - банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

иккинчи нусхаси - ижро ҳужжатлари илова қилинган ҳолда шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан бирга маблағларни тўловчига берилади;

в) ҳудудлараро ҳисоб-китоблар амалга оширилганда, тўлов амалга оширилгандан сўнг, инкассо топшириқномасининг:

биринчи нусхаси - банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

иккинчи нусхаси - ижро ҳужжатлари илова қилинган ҳолда шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан бирга маблағларни тўловчига берилади.

Бир ҳудуд ичидаги ва ҳудудлараро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкка электрон тўловлар тизими орқали келиб тушган инкассо топшириқномалари рўйхат кўринишида чоп этилиб, банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади. Электрон инкассо топшириқномаси нусхаси банк томонидан маблағларни олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни олувчига тақдим қилинади.

Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида маблағ бўлмаган тақдирда, инкассо топшириқномаси "Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" (2-картотека) 90963 баланс ҳисобварағига жойлаштирилади ва бу ҳақда маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкка уч иш куни ичида хабар берилади ҳамда маблағларнинг келиб тушишига қараб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида етарли маблағ бўлмаган тақдирда, банк томонидан ҳисобварақ қолдиғи доирасида инкассо топшириқномаси бўйича тўлов амалга оширилади. Қолган сумма "Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" (2-картотека) 90963 баланс ҳисобварағига жойлаштирилади ҳамда инкассо топшириқномасининг орқа томонида қисман тўланган сумма ва сана кўрсатилиб, имзо қўйилади.

Бунда маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банк уч кун ичида маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан "Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" (2-картотека) 90963 баланс

ҳисобварағига кирим қилинган сумма тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади.

Маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк инкассо топшириқномасининг ўз айби билан бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

## 5.5. Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар.


1995 йилда Ўзбекистонда илк мартаба миллий валютада кредит ва дебет тўлов пластик карточкалари муомалага чиқарилди.


2004 йил 24 сентябрда 445-сон билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори доирасида Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилди. У савдо ташкилоти ёки хизматлар соҳасига ёхуд пластик карточка эгасига қайси банк орқали хизмат кўрсатилаётганидан қатъи назар, банк операцияларини барча савдо шохобчаларида ягона режимда олиб бориш имконини беради. Айни пайтда, Ягона умумреспублика процессинг маркази сўм пластик карточкаларини муомалага чиқарувчи 25 та тижорат банкни бирлаштиради. Марказда "УЗКАРТ" сўм пластик карточкалари бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банклараро тўлов тизими ташкил этилган.

Жойларда пластик карточкалар эгаларига кечаю кундуз хизмат кўрсатишга имкон берувчи ахборот-маълумот терминаллари тармоғи ишлаб турибди, терминаллар, банкоматлар ва инфокиоскларни таъмирлаш бўйича сервис хизматлари ташкил этилган.

1-диаграмма







**БПК (банк пластик карточка)-банк** томонидан эмиссия қилинган, персонализацияланган, тўлов воситаси сифатида ишлатиладиган ва ўз сақловчисига банк ҳисобварағидаги маблағлари доирасида операцияларни, жумладан, ҳисобварақ орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни (тўловларни) амалга ошириш, ундан нақд пул маблағларини ва банк кредитини олиш имконини берувчи банк пластик картаси.

БПКлардан жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларда, шунингдек нақд пул берадиган шохобчалар ва банкоматлардан нақд пул маблағларини олишда фойдаланилади.

Халқаро БПКлар ваколатли банклар томонидан муомалага чиқарилади ва уларга хизмат кўрсатилади.

## ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР<sup>9</sup>

### Пластик картанинг эгаси бўла туриб Сиз:

<sup>9</sup> Ипак йўли банкнинг интернет сайтидан олинган.

1. Дўконларда ёки сервис корхоналарида ҳар қандай товар ёки хизмат учун комиссия пулларни тўламасдан тўловни амалга оширишингиз мумкин;
2. Нақд пул маблағларини банкоматларда ёки банк офисларида олишингиз мумкин;
3. Ўз карта ҳисобингизни ҳам нақд пул ўтказиш орқали, ҳам бошқа банклардаги ҳисоб рақамидаги маблағлар орқали кўпайтиришингиз мумкин;
4. Хорижга чиқаётган пайтда маблағларни декларация қилиш муаммосидан қутуласиз. Хорижга чиқаётганда ходим ўзи билан йирик миқдордаги нақд пулни олиб кетишига ҳожат йўқ. Фақат ўзи билан зарур маблағларни ўтказиб, пластик картани олиб кетиши керак, холос. Бунда карта ичидаги пул миқдоридан қатъи назар у божхона назоратидан ўтаётганда декларация қилинмайди;
5. Ҳаттоки картани йўқотган тақдирда ҳам пуллариингизни сақлаб қоласиз. Мижознинг аризасига кўра карта шу заҳоти блокка тушиб қолади ва нақд пулни йўқотганга нисбатан пуллар сақланиб қолинади.

### **Пластик картанинг эгаси бўлиш учун қуйидагиларни бажариш керак:**

Шахсий пластик картанинг очилиши тўғрисидаги аризани расмийлаштириш;  
Банкка паспорт тақдим этиб, шартномага қўл қўйиш.

### **ВИСА КАРТАЛАРИ**

Кўпчилик пластик карта ёрдамида товарлар ва хизматлар учун ҳақ тўлашнинг қулайлиги тўғрисида эшитган. Кўпчилик хорижий сафарлари пайтида ВИСА картани ишлатишган, пулларни банкомат орқали олишган. Хўш, картанинг ана шундай қулай ҳисоб-китоб воситаси эканлиги ва қуйидаги турлари мавжуд.



## **5.6. Мемореал ордерлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби, уларни расмийлаштирилиши ва ҳисобини юритиш**

**Мемориал ордер**-банклар томонидан ишлатиладиган нақд пулсиз ҳисоб-китоб ҳужжати бўлиб, ундан қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

1. мижозлар билан боғлиқ банк операциялари бўйича ҳисоб-китобларда;
2. банк хизматларини кўрсатиш бўйича ҳисоб-китобларда;
3. банкларнинг ўз ички операцияларида;
4. мижознинг қарздорлик маблағларини қоплашда, агар банклар билан мижозлар ўртасида тузилган шартномада белгилаб қўйилган бўлса;
5. бухгалтерия ҳисобидаги хато ёзувларни тузатишда;
6. жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ёзма топшириқлари бўйича маблағларни нақд пулсиз шаклда ўтказишни амалга оширишда. Бунда тўлов амалга оширилгандан сўнг, мазкур топшириқ мемориал ордер билан бирга банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади.

"Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" (2-картотека 90963 баланс ҳисобварағига кирим қилинган тўлов топшириқномалари, тўлов талабномалари ва инкассо топшириқномалари) бўйича қисман тўлов амалга ошириш учун дастурий равишда тузилган мемориал ордерларнинг "Тўлов мақсади" графасида ҳисоб-китоб ҳужжатининг рақами, санаси ва дастлабки суммаси кўрсатилиши шарт.

Банк маблағларни тўловчи бўлиб қатнашганда ва бухгалтерия ҳисобидаги хато ёзувларни тузатишда, мемориал ордерлар банк раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланиши шарт. Бошқа ҳолларда, мемориал ордерлар бош бухгалтер ва мазкур банк ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади.

Мемориал ордерлар билан амалга оширилган операцияларнинг тўғрилиги учун банк раҳбари, бош бухгалтери ва мижознинг банк ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи бухгалтер жавобгар ҳисобланади.

## **5.7. Тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеки билан ҳисоб-китоблар**

**Чек** - чек берувчининг ҳисобварағидан чек олувчининг ҳисобварағига чекда белгиланган суммани ўтказиш бўйича топшириқ назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжати.

Чеклар банклар буюртмасига мувофиқ "Давлат белгиси" давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланади. Чекнинг серияси ва тартиб рақами, маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкнинг номи ва фирма белгиси босма шаклда чоп этилади.

Чеклар жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларда қўлланилади.

Чекнинг максимал суммаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан, минимал суммаси, шунингдек чекнинг амал қилиш муддати банклар томонидан белгиланади.

Банк томонидан чек берилганда жисмоний шахснинг аризасига асосан чекнинг суммасига "Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар" 20206 баланс ҳисобварағида алоҳида иккиламчи шахсий ҳисобварақ очилади ва тўловлар ушбу ҳисобварақ орқали амалга оширилади.

Чек жисмоний шахслар томонидан омонат ҳисобварағидаги маблағлар ёки топширилган нақд пул маблағлари ҳисобидан берилади.

Чек амал қилиш муддати давомида банкка тақдим қилинмаган бўлса, у ҳолда чек суммаси "Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари" 29842 баланс ҳисобварағида ҳисобга олинади. Чек эгаси амал қилиш муддати тугаган чек билан банкка мурожаат қилган тақдирда, банк чек эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида чекни қабул қилиши ва унда кўрсатилган суммани тўлаб бериши лозим.

**Чекда қўшимча равишда қуйидаги реквизитлар бўлиши керак:**

1. чекнинг серияси ва тартиб рақами;
2. жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг серияси ва тартиб рақами;
3. чек амал қилиш муддатининг охириги санаси.

Чекларда маблағларни тўловчининг - солиқ тўловчининг идентификация рақами ва тўлов мақсади кўрсатилмайди.

Ҳисоб-китоб ҳужжатлари техник воситалардан фойдаланган ҳолда тўлдирилади. Ҳисоб-китоб ҳужжатларини бўяш, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмайди.

Чеклар ҳаво ёки қора ранг пастаси бўлган шарикли ручка билан ёхуд техник воситалардан фойдаланган ҳолда тўлдирилиши мумкин.

#### **Чекларни бериш тартиби:**

*а) чек берилаётган вақтда, унда банкнинг масъул ходими томонидан қуйидаги реквизитлар кўрсатилиши шарт:*

1. чек берилган сана;
2. чек бўйича бериладиган сумма;
3. жисмоний шахснинг (чек берувчининг) фамилияси, исми ва отасининг исми;
4. шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг серияси ва тартиб рақами;
5. чек берувчининг ҳисобварағи;
6. чек берган банкнинг номи ва уникал коди (хос рақами);
7. чек амалда бўладиган охириги сана.

Мазкур реквизитлар тўлдирилгандан сўнг, банк бухгалтери ва кассири томонидан чекка имзо қўйилиб, кесиш чизиғида қолган сонлар чек суммасига мувофиқ бўлиши ва муҳр билан тасдиқланиши керак. Чек милки

имзолаш учун чек олувчига берилиши керак. Чекнинг серияси ва тартиб рақами, чек ёзилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, шунингдек чек суммаси ва унинг келиб чиқиш манбалари кўрсатилган ҳолда алоҳида дафтарга ёзиб қўйилади;

**б) банк кассири банкнинг масъул ходимидан барча зарур ҳужжатларни олгач:**

1. ҳужжатларни тўғри расмийлаштирганлигини текширади ва уларни имзолайди;
2. чек олувчи шахсни чақиради, ундан чек учун тўловни қабул қилади;
3. чек олувчига чекни беради;
4. амалиёт кунининг охиригача чек милкини ўзида сақлайди;

**в) амалиёт кунининг охирида банк кассири нақд пулларда олинган сумма ва омонат дафтарчасидан ҳисобдан чиқарилган суммани кўрсатади ҳамда чекнинг милklarини банкнинг масъул ходимига топширади.**

Чекнинг милки "Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар" 20206 баланс ҳисобварағидаги алоҳида иккиламчи шахсий ҳисобварақдан ҳисобдан чиқариш учун келгунга қадар банкда сақланади. Чекларнинг милklари банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

**г) чек бланкини тўлдиришда хатога йўл қўйилган тақдирда, ушбу бланк бузилган деб топилади ва ўрнига янгиси тўлдирилади.**

1. Бузилган чек бланки қуйидаги тартибда ҳисобдан чиқарилади:
2. "ҳисоб-китоб чеки" деган сўзларнинг бир қисми қирқиб олинади;
3. чек бланкига "бузилган" деган ёзув киритилади ва сана кўрсатилади;
4. бош бухгалтер ва кассир томонидан имзоланади;

*д) қабул қилинган, ишлатилган ва қайтарилган чек бланklarининг ҳисоби қатъий ҳисобда турувчи бланklar ҳисоби қайд этиб бориладиган дафтарда ва кўзда тутилмаган ҳолатлар баланс ҳисобварағида юритилади.* Амалиёт куни давомида чек бланklари чиқим ордери бўйича кўзда тутилмаган ҳолатлар баланс ҳисобварағидан ҳисобдан чиқариб борилади.

**Чеклар билан тўловлар қуйидагича амалга оширилади:**

а) чек тўловга тақдим қилингандан сўнг, чекни тўловга қабул қилган ташкилот ходими чекнинг орқа томонида ташкилот муҳри ва мансабдор шахсининг имзосини қўяди;

б) товар (иш, хизмат) қиймати чекда кўрсатилган суммадан кам бўлган тақдирда, чекни тўловга қабул қилган ташкилот ушбу чек суммасининг 25 фоизигача бўлган қийматини нақд пулда бериши мумкин;

в) тўловга қабул қилинган чеклар уни тўловга қабул қилган ташкилот томонидан хизмат кўрсатувчи банкка пул тушуми билан бирга инкассатор орқали юборилади;

г) банк томонидан қабул қилинган чеклар бўйича тўловлар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

чек берувчи ва чек олувчига битта банк томонидан хизмат кўрсатилган тақдирда, чеклар бўйича тўловлар чекни тўловга қабул қилган ташкилот ҳисобварағининг кредити ва "Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар" 19903 баланс ҳисобварағи орқали чек тақдим этувчи ҳисобварағининг дебети бўйича ўтказилади. Чекнинг асл нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади; чек берувчи ва чек олувчига турли банклар томонидан хизмат кўрсатилган тақдирда:

чекда кўрсатилган сумма чек олувчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан чек олувчининг ҳисобварағига ўтказилади;

банкнинг электрон ҳисоб-китоб чеки электрон тўловлар тизими орқали чек берувчига хизмат кўрсатувчи банкка юборилади ҳамда чекнинг асл нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

электрон чекда кўрсатилган сумма чек берувчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан дастурий равишда чек берувчининг иккиламчи ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади ҳамда электрон чек чоп этилиб, банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

д) чек меросхўрлар ва бошқа ваколатли шахслар томонидан чекнинг амал қилиш муддати ўтганлигидан қатъи назар, хизмат кўрсатувчи банкка тақдим қилиниши мумкин. Банк томонидан меросхўрлар ва бошқа шахсларнинг чекни тасарруф қилиш учун ваколатлилиги аниқлангач, чекда кўрсатилган сумма тўлаб берилади;

е) фойдаланилмаган чеклар банкка тақдим қилинган тақдирда, банк ходими: чекнинг ҳақиқийлигини ва уни тақдим қилган шахснинг ваколатлилигини текширади; чекнинг олд томонига "Сумма \_\_\_\_\_-сонли ҳисобвараққа ўтказилсин" деб устхат ёзади;

чекни бош бухгалтерга беради;

ж) йўқотилган чеклар бўйича унда кўрсатилган сумма ҳисобдан чиқарилганлиги учун банк жавоб бермайди.

## **5.8.Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар**

**Аккредитив** бўйича ҳисоб-китоб қилинганида миждознинг (маблағларни тўловчининг) топшириғи билан ва унинг кўрсатмаларига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент) маблағларни олувчи ёки у кўрсатган шахс ҳужжатларни тақдим этган ва аккредитивда назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Аккредитивнинг амал қилиш муддати ва у бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби маблағларни тўловчи билан маблағларни олувчи ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади.

**Аккредитивга аризада қўшимча равишда қуйидаги реквизитлар бўлиши керак:**

1. аккредитивнинг амал қилиш муддати;
2. аккредитив очилаётган шартноманинг тартиб рақами ва санаси;
3. буюртманинг тартиб рақами;
4. буюртма берилган сана;
5. товарнинг (иш, хизмат) номи;
6. тўловларни амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжатнинг тури;
7. қўшимча шартлар.

**Шартномада яна қуйидагилар бўлиши керак:**

1. маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкнинг номи;
2. аккредитивнинг тури ва уни бажариш усули;
3. аккредитив очилганлиги ҳақида маблағларни олувчини хабардор қилиш усули;
4. аккредитив бўйича маблағлар олиш учун маблағларни олувчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифи;

5. товарлар жўнатилганидан (хизматлар кўрсатилган, ишлар бажарилганидан) кейин ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари, уларни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар.

#### **Аккредитив қуйидаги турларга бўлинади:**

- ❖ қопланган (депонентланган) аккредитив;
- ❖ қопланмаган аккредитив.

**Қопланган** (депонентланган) аккредитив очилган тақдирда, маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк уни очиш вақтида миждознинг ўз маблағларини ёки унга берилган кредитни маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкнинг мажбуриятлари амал қилиб турадиган бутун муддатга маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банк ихтиёрига ўтказиши шарт.

**Қопланмаган** аккредитив очилган тақдирда, маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкка аккредитивнинг бутун суммасини маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкнинг маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкда юритилаётган ҳисобварағидан ўчириш ҳуқуқини беради.

Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар чақириб олинадиган ва чақириб олинмайдиган шаклда бўлиши мумкин. Аккредитивда унинг чақириб олинмаслиги назарда тутилмаган бўлса, бундай аккредитив чақириб олинадиган аккредитив ҳисобланади.

Аккредитивлар банклар томонидан кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича алоҳида баланс ҳисобварақларида ва "Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари" 22602 баланс ҳисобварағида ҳисобга олинади. Маблағларни олувчи учун унга хизмат кўрсатувчи банкда аккредитивлар бўйича алоҳида депозит ҳисобварақлар очилади.

Чақириб олинадиган аккредитив маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан маблағларни олувчи билан олдиндан келишилмасдан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Аккредитивнинг чақириб олиниши маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк учун ҳеч қандай мажбуриятни вужудга келтирмайди.

Чақириб олинадиган аккредитив шартларини ўзгартириш ёки бекор қилиш бўйича маблағларни тўловчининг топшириқлари маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк орқали берилади ва маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкка, маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан эса - маблағларни олувчига хабар берилади.

Маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банк аккредитивни ўзгартириш ёки бекор қилиш бўйича хабарнома олмаган тақдирда, чақириб олинадиган аккредитив бўйича барча операцияларни амалга оширишга мажбур.

Чақириб олинмайдиган аккредитив маблағларни олувчининг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банк чақириб олинмайдиган аккредитивни маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк билан тузилган шартнома асосида тасдиқлаши мумкин. Бунда чақириб олинмайдиган аккредитив тасдиқланган аккредитив ҳисобланади.

Тасдиқланган аккредитивларда маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банк тўловни амалга ошириш бўйича қўшимча мажбуриятлар олади. Тасдиқланган аккредитив маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкнинг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, нақд пулсиз тартибда амалга оширилади.

Аккредитивни бошқа шахслар номига қайта расмийлаштириш тақиқланади.

Маблағларни тўловчи аккредитив очиш учун унга хизмат кўрсатувчи банкка шартномани илова қилган ҳолда икки нусхада аккредитивга ариза билан мурожаат қилади. Бунда аризининг:

биринчи нусхаси - тўловлар амалга оширилгандан сўнг банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

иккинчи нусхаси - маблағларни тўловчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади.

Аккредитив суммаси бир вақтнинг ўзида кўзда тутилмаган ҳолатлар баланс ҳисобварағига кириш қилинади.

Аккредитивда назарда тутилган сумма электрон тўловлар тизими орқали маблағларни оловчига хизмат кўрсатувчи банкнинг ҳисобварағига миқдорнинг аризасига асосан ўтказилади. Бунда банк аккредитивда назарда тутилган сумма маблағларни оловчининг ҳисобварағига келиб тушганлиги ҳақида уни хабардор қилади.

Электрон тўловлар тизими орқали келиб тушган аккредитивга аризалар банк томонидан икки нусхада чоп этилиб, унинг бир нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади, иккинчи нусхаси "Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" (1-картотека) 90962 баланс ҳисобварағига жойлаштирилади.

Аккредитивнинг муддати тугагунига қадар маблағларни оловчи ва маблағларни тўловчи ўртасида тузилган шартномада белгиланган ва маблағларни оловчи томонидан аккредитив шартлари бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар икки нусхада тақдим қилинган тақдирда, тегишли сумма унинг ҳисобварағига ўтказиб берилади. Бунда банк томонидан маблағларни оловчининг аккредитив шартларига риоя қилганлиги ҳамда

уларнинг бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тўғри расмийлаштирганлиги текширилиши шарт.

Маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчи ўртасида тузилган аккредитив бўйича шартномада белгиланган шартларнинг биттаси бажарилмаган тақдирда ҳам аккредитив бўйича тўловлар амалга оширилмайди.

Маблағларни олувчининг ҳисобварағига маблағларни ўтказишда банк томонидан тўрт нусхада мемориал ордер расмийлаштирилиб, унинг "Тўлов мақсади" графасида тўлов қайси шартнома асосида амалга ошириляётган бўлса, шу шартноманинг тартиб рақами ва санаси кўрсатилади. Бунда мемориал ордернинг:

- ✓ биринчи нусхаси - тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси билан бирга банкнинг кунлик ҳужжатлари йиғмажилдига тикиб қўйилади;
- ✓ иккинчи ва учинчи нусхалари - уларга тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси илова қилинган ҳолда маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка юборилади;
- ✓ тўртинчи нусхаси - шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан бирга маблағларни олувчига берилади ҳамда аккредитив бўйича тўланган сумма "Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" (1-картотека) 90962 баланс ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади.

Аккредитив маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкда:

аккредитив муддати тамом бўлгач;

маблағларни олувчининг аккредитивнинг амал қилиш муддати тамом бўлгунга қадар ундан фойдаланишдан воз кечиши ҳақидаги аризасига кўра, агар бундай воз кечиш мумкинлиги аккредитив шартларида назарда тутилган бўлса;

маблағларни тўловчининг аккредитивни бутунлай ёки қисман чақириб олиш ҳақидаги талабига мувофиқ, агар бундай чақириб олишга аккредитив шартлари бўйича йўл қўйилса, ёпилади.

Аккредитив маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан хабарнома олинган кунда "Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари" 22602 баланс ҳисобварағидаги суммадан кам бўлмаган суммага камайтирилади ёки ёпилади.

Қопланган (депонентланган) аккредитивнинг фойдаланилмаган суммаси аккредитив ёпилиши билан бир вақтда маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка қайтариб берилиши керак.

## **VI-БОБ. БАНКЛАРАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ ҲИСОБИ**

### **6.1.Банклараро ҳисоб-китобларнинг мазмуни ва уларнинг ташкил этилиши.**

#### **Ўзбекистон Республикасида тўлов тизимининг ривожланиш босқичлари<sup>10</sup>**

Собиқ иттифоқ давлатлари орасида энг самарали ва жаҳон талаблари даражасида деб ҳисобланган республика тўлов тизимининг ривожланиши тўрт босқичга бўлинади:

#### **1-босқич 1991 йил.**

Вилоятлар ичида ҳисоб-китоблар почта ва ташувчилар орқали ягона ҳисоблаш марказида амалга оширилади. Бу жараён бир ҳафтани ташкил этар эди. Вилоятлараро ҳисоб-китоблар ҳам почта орқали авизо ҳужжатлари асосида амалга оширилган. Бунда маблағлар бир миждознинг ҳисобварағидан иккинчи миждознинг ҳисобварағига бир ойдан икки ойгача бўлган муддат мобайнида келиб тушар эди.

#### **1992 йил**

Марказий банк Бош ахборотлаштириш марказида банклараро ҳисоб-китобларда электрон почта усули яратиш устида ишланди. Шунингдек банк амалий иш кунини компьютерлар воситасида бажариш амалий дастурини яратиш ва уларни банкларда тадбиқ этиш бўйича иш олиб борилди.

#### **1993 йил**

Шу йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонунини бажариш юзасидан Марказий банкда ва унинг ҳудудий Бош бошқармаларида ахборотлаштириш бошқармаси ва бўлимлари ташкил этилди. Банклараро махсус ажратилган алоқа каналлари вазифасида электрон тўлов тизимини ишга тушириш

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банк сайтидан 2016 йил 1-ноябрь куни олинган.

борасида иш олиб борилди. Республика банк тизимини ахборотлаштириш концепцияси ишлаб чиқилди.

Собиқ Иттифоқ республикалари билан ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солиш ва уларга хизмат кўрсатиш амалий дастури яратилди. Марказий банкнинг худудий бошқармалари тўлиқ компьютерлаштирилди. Яъни бир пайтда республика электрон тўлов тизимини замини яратила бошланди. Шу йилнинг декабр ойидан бошлаб жуда қисқа муддат уч ой мобайнида Собиқ Иттифоқ республикалари билан 1991, 1992 ҳамда 1993 йиллардаги йиғилиб қолган ўзаро ҳисоб-китоблар, қарзлар ҳисоблаб чиқилди ва 1994 йилнинг март ойига келиб бу борада аниқ маълумотларга эга бўлинди.

### **1994 йил**

18 март куни қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 146-сонли “Банк тизимини такомиллаштириш, пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, Марказий банк тизимида электрон почталарни жорий этишни октябрга қадар тугаллаш вазифаси юклатилди. Шунингдек, Қарорда республика банк компьютер тизимини яратиш учун зарур валюта маблағларини ажратиш ҳам кўрсатилди.

13 июль куни Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси банк тизимини молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор қабул қилинди. Унга асосан банклар қатор солиқлардан озод қилинди ва бўшаган маблағларни ўз фаолиятини компьютерлаштиришга сарфлаш шарт қилиб кўйилди. Мазкур Қарорларга биноан тижорат банкларининг бўлимлари компьютерлаштирила бошланди ва улар электрон тўлов тизимига қўшиб борилди.

Август ойи охирига келиб мустақилликнинг уч йиллиги шарафига электрон тўловлар вақтинчалик Низоми яратилди.

Октябр ойидан бошлаб эса электрон почта республика банк тизимида ишга туширилди.

Республика банк тизимида бухгалтерия ҳисоб-китобларни ва банк амалий иш кунини умумий бир кўринишга келтириш учун зарур ишлар амалга оширилди.

Марказий банк қилинган бу ишлар билан чекланиб қолмасдан ўзининг мутахассислари кучи билан электрон тўлов тизими амалий дастурини республика миқёсида тадбиқ этиш устида ҳам тинимсиз иш олиб борди ва 1995 йил учун замин яратди.

## **2-босқич**

### **1995 йил**

Апрел ойида Марказий банк Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси банклараро тўлов тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган ҳалқаро танлов тендер эълон қилди.

Марказий банкда ташкил этилган электрон тўлов тизимини яратиш ишчи гуруҳи ўтган йиллардан олинган тажрибалар ва хулосалар, шунингдек жаҳоннинг илғор давлатлари ютуқларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида электрон тўлов тизими технологиясини яратдилар. Эски тизим 19 августдан бошлаб янги технология билан алмаштирила бошланди. Бу пайтга келиб Марказий банк тизимида ҳисоб-китоб марказлари ташкил этилди ва тижорат банкларига электрон тўлов бўйича хизмат кўрсатила бошланди. Янги технологияга ўтила бориши сабабли йилнинг охиригача республикада 2 тизим: электрон почта ва электрон тўлов тизимлари ишлаб турди. Йил охирига келиб эса барча тижорат банклари Марказий банкнинг ҳисоб-китоб марказлари, клиринг марказлари электрон тўлов тизимига қўшилди.

### **1996 йил**

Янги ташкил этилган ҳисоб-китоб марказлари тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларини клиринг марказларидан ўзларига ўткази бошладилар. Июл ойига келиб клиринг марказлари бутундай қисқартирилди. Шу билан бир қаторда Марказий банк Бош ахборотлаштириш маркази мутахассислари ва банк ходимлари тўловларнинг ўтиши муддатини янада қисқартиришни таъминлаш борасида тинмай изланиш олиб бордилар. Бунинг

натижаси ўлароқ, йил охирига келиб тўловлар ўтиши муддати республика миқёсида 2 соат, вилоят миқёсида 1 соатни ташкил этди.

### **1997 йил**

Республика банк тизимида янги ҳисоб тизими режасига ўтилиши тижорат банклари ва Марказий банк тўлов тизими туб бурилиш ясади. Электрон тўлов тизимининг мавжуд амалий дастури ривожлантирилиб, тизимнинг катта ўтказиш қобилияти ва ҳужжатларнинг юқори тезликда қайта ишланиши (ҳудудлараро ҳисоб-китоблар - 15 дақиқада, битта ҳудуд ичидаги ҳисоб-китоблар эса – 3-5 дақиқада) пул маблағлари айланишини жиддий оширди. Бу эса республика хўжалик юритувчи субъектларининг фаолиятига ижобий таъсир этди, банкларга вақтинча бўш турган маблағлардан самарали фойдаланиш ва кредит хавф-хатари даражасини ҳамда ликвидлилик хавф-хатарини тезкорликда бошқариш имконини берди.

### **3-босқич**

#### **1998 йил**

Марказий банк билан Жаҳон банки ўртасида 1998 йил декабр ойида “Республика молия соҳасини ривожлантириш” учун заём ажратиш тўғрисида шартнома имзоланди. Бу лойиҳа беш компонентга бўлиниб, шулардан тўртинчи компонент ўз ичига қуйидаги масалаларни олади:

тўлов тизимини такомиллаштириш;

бошқариш учун ахборот тизимини яратиш;

банк телекоммуникация тизимини ривожлантириш;

ахборот тизими муҳофазасини яратиш.

Юқорида келтирилган масалалар бўйича тадбирларни ниҳоясига етказиш 2003 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган бўлиб, ҳар бир масала бўйича ривожланиш йўллари тижорат банклари билан биргаликда аниқланди ва чет эл экспертларининг хулосалари олинди.

### **4-босқич**

#### **2002 йил**

Тўловларни реал вақтда ўтишини таъминлаш ва тижорат банкларига ягона вакиллик ҳисобварағи орқали хизмат кўрсатиш бўйича технология танланиб, ушбу бўйича техник топшириқ, ишлаб чиқилди ва банклараро тўловларни ягона вакиллик ҳисобварағи орқали ўтказиш ҳамда банкларда ахборотлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиш бўйича дастур яратилди. Тижорат банкларининг банклараро тўловларни ягона вакиллик ҳисобварағи орқали амалга ошириш тизимига ўтиши 2002 йилнинг июн ойидан бошланди.

Тўлов тизимини такомиллаштириш мақсадида халқаро тендер ўтказилиб, тендер ғолиби билан мавжуд банк телекоммуникация тармоғини ривожлантириш лойиҳаси бўйича шартнома тузилди.

Пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларни йўлга қўйиш мақсадида тўловларни амалга оширадиган миллий тизим яратиш концепцияси тавсияномалар ва схемалар ишлаб чиқилди. Республикамизда мавжуд йирик банклар, хусусан ТИФ Миллий банк, Асака банк, Саноатқурилиш банки, Халқ банки ва Пахта банкларида пластик карточкалар орқали тўловларни ташкил қилиш йўлга қўйилди.

## **2003 йил**

Тижорат банкларини банклараро тўловларни ягона вакиллик ҳисобварағи орқали амалга ошириш тизими 2003 йил 8 сентябрда тўлиқ ишга туширилди ва барча банкларда марказлаштирилган ахборот тизими ташкил этилди. Бу банкларга кундалик тўловлар ўтказиш учун банд бўлган маблағларни бир қисмини бўшашига ва уларни ўринли активларга жойлаштиришга, банк ўз филиалларини мавқеини таҳлил қилиб керакли чора кўришга, банкнинг кунлик ягона баланси унинг ликвидлигини, таваккалчиликларини, мажбуриятларни, ўз капиталини аниқ ифода этишга имкон беради.

Шунингдек, Жаҳон банки кредити ҳисобига тузилган шартномага асосан Банк телекоммуникация тармоғини ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш ишлари бажарилаяпти, шунингдек, республика молия

тузилмаларини банклараро маълумот узатиш тармоғига улаш ва ўзаро маълумот алмашинувининг электрон тизимини яратиш бўйича ишлар олиб борилди.

### **2004 йил**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрда қабул қилинган “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 445–сонли Қарори билан ушбу тизимни кенгайтириш борасидаги илк режа кўрсаткичлари, шунингдек тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилиш терминаллари билан жиҳозланадиган объектлар рўйхати тасдиқланди. Шу билан бир қаторда, мазкур қарорга мувофиқ мамлакатда Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилди. Мазкур қарорга мувофиқ, барча тижорат банклари пластик карточкалар тизимида иш олиб борилишига замин яратилди.

### **2006–2012 йиллар**

Барча тижорат банкларида (ДТ Халқ банкидан ташқари) ягона баланс тизимини жорий этилди. Давлат тижорат Халқ банкида ягона баланс те

хнологиясига асосланган тизимни жорий этиш ишлари босқичма-босқич олиб борилиб, 2008 йил 24 ноябрда тўлиқ ишга туширилди. Бундан ташқари, Марказий банкнинг Интеграллашган ахборот-таҳлилий тизими (ИАТТ) 2009 йил май ойида яратилиб, унда тижорат банклари томонидан 58 та талабнома асосида Марказий банкнинг маълумотлар омборхонасида маълумотларни жамлаш, назорат қилиш, ҳисобини юритиш, қайта ишлаш, шакллантириш ва сақлаш жараёнларини автоматлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳозирги кунда ИАТТ таркибига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Интеграллашган автоматлаштирилган банк тизими, Кредит ахбороти миллий институти ахборот тизими, Ягона вакиллик ҳисобварақлар ҳисоб-китоб маркази, Электрон ҳужжат айланиши тизими, банк тизими маълумотлар базалари киритилган ва маълумотлар омборхонаси

ташқил этилган бўлиб, айти пайтда мазкур тизимларни такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда.

## **2013–2014 йиллар**

### **Марказий банкнинг Клиринг тизими бўйича маълумот**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сонли қарори билан республика “Электрон ҳукумат” тизимининг комплекс ахборот тизимлари таркибига Марказий банкнинг “Чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш клиринг тизимини яратиш ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг биллинг тизими билан интеграллаш” лойиҳаси ҳам киритилган бўлиб, мазкур Клиринг тизими амалиётга татбиқ этилди.

Ушбу тизимни яратишдан мақсад унга тижорат банклари филиаллари, кассалари ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси қошидаги Ягона умумреспублика Процессинг марказини улаган ҳолда, жисмоний шахсларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек коммунал хизматлар ва мобил алоқа операторлари учун тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш имкониятини яратишдан иборат. Шунингдек, мазкур тизим миждозларга куну-тун банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш ва банк инфокиосклари орқали ишлаш имкониятини берди.

Клиринг тизими билан Давлат солиқ қўмитаси ахборот тизими, шунингдек, “Ўзбекэнерго” ДАК ҳамда “Ўзтрансгаз” АКнинг биллинг тизимлари интеграция қилинган ҳолда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда электр энергияси ва газ истеъмоли тўловларини реал вақт режимида амалга ошириш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, “Ўзкарт” банклараро чакана тўлов тизими фаолиятини тартибга солиш ва унинг фаолиятини самарали ташқил этиш мақсадида, Марказий банк ҳузуридаги Ахборотлаштириш Бош марказида “Банклараро универсал неттинг ахборот тизими” дастурий мажмуаси ишга туширилиши муносабати билан “Ўзкарт” тизимида Ҳисоб-китобларни амалга оширувчи

банк вазифалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Банклараро ҳисоб-китоб марказидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ҳисоб-китоблар марказига ўтказилади. Бунда ўзаро мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоблар тижорат банкларининг Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар марказида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга оширилиб, тизим харажатларини камайишига олиб келади ва тижорат банклари ўз маблағларидан самарали фойдаланишларига имкон беради.

Хулоса қилиб айтганда, чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш Клиринг тизими ПҚ-1989-сонли қарори билан белгиланган муддатларда ишга туширилган бўлиб, ҳозирги вақтда банк тизими томонидан ушбу ахборот тизимини такомиллаштириш ва жорий қилиш доирасини кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда.

Банклараро тўлов тизими банклар ўртасидаги миллий валюта (сўм)да электрон тўловларни банкларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга ошириш учун мўлжалланган.

Банклараро тўлов тизимининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Банклараро тўлов тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шахсий мулки ҳисобланади.

Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош маркази ва Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар маркази банклараро тўлов тизимининг иштирокчилари ҳисобланади. Банклараро тўлов тизимининг фойдаланувчилари Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар марказида вакиллик ҳисобварақига эга бўлган банклар ва молиявий институтлар ҳисобланади.


Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар маркази (кейинги ўринларда — МБ ҲКМ) — бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг Ҳисоб, ҳисобот ва ҳисоб-китоблар бошқармаси бўлими бўлиб, унинг вазифасига тижорат банкларининг бош офисларига вакиллик


ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш ҳамда улар ўртасида электрон тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш киради.

Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош маркази (кейинги ўринларда- АБМ)-амалдаги қонунчилик ҳамда АБМ ва банклар ўртасидаги шартномаларга мувофиқ банклараро тўлов тизимининг техник, дастурий ва эксплуатацион хизматларини таъминлайдиган марказ.

Банклараро тўлов тизимининг иштирокчилари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш учун фойдаланувчи банкларнинг МБ ҲҚМ билан, банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловлар ўтказиш учун эса — АБМ билан тузилган икки томонлама шартнома асосида тартибга солинади.

26-расм





Электрон тўловлар банклардан фақатгина вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи доирасида амалга оширилади, агарда МБ ҲҚМ ва банк ўртасидаги шартномада бошқа ҳолат келишилмаган бўлса.

Соат 9-00 дан 16-00 гача — банклараро ҳисоб-китоблар бўйича электрон тўлов ҳужжатлар (кейинги ўринларда — ЭТХ)ни узатиш - қабул қилиш - назорат қилиш вақти.

- 1) Банклар мазкур даврнинг ҳар қандай вақтида МБ ҲҚМга ЭТХларни узатишлари мумкин.
- 2) Жўнатишга мўлжалланган ЭТХ назоратдан ўтади, банкнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади, шифрланади ва банк телекоммуникация тармоғи бўйича МБ ҲҚМга бундан кейинги қайта ишлашлар учун узатилади.

Соат 17-00 гача Республика бюджети ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг тегишли ҳисобварақларига маблағларни ўтказиш бўйича

ЭТХларни узатиш амалга оширилади. Бунда соат 16-30 гача тижорат банклари ўртасидаги, соат 17-00 гача эса — тижорат банкларидан Марказий банк ҳамда Халқ банкига, шунингдек Марказий банкдан юборилган ЭТХларни қайта ишланилиши яқунланади.

Соат 17-00 дан АБМ банкларга куннинг яқунланиши ва яроқсиз (брак) деб топилган ЭТХлар тўғрисида (ташаббускор банк ва бенефициар банк бўйича) хабарнома жўнатади.

Шундан кейин АБМда “Куннинг яқунланиши” босқичи амалга оширилади. МБ ҲҚМда қуйидагилар “Куннинг яқунланиши” босқичини бажарилишининг шартлари ҳисобланади:

1. банклардан ЭТХни қабул қилиш вақтининг тугаши;
2. МБ ҲҚМга узатилган барча ЭТХ қайта ишланган ва банкларнинг тегишли вакиллик ҳисобварақларида акс эттирилган бўлиши керак.

Банкларда “Куннинг яқунланиши” босқичининг вақти банкнинг ички тўлов тизими қоидаларига мувофиқ мустақил равишда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредитни бошқариш хусусият (параметр)ларидан келиб чиққан ҳолда, банклараро ЭТХларининг ўтказиш вақтини тўлов тизими масалаларини назорат қилувчи раис ўринбосарининг ёзма фармойишига асосан узайтириши мумкин. Бу ҳақда тизим қатнашчилари ва фойдаланувчилари ЭТХга ишлов бериш вақтининг тугашига бир соат қолғунига қадар кечиктирилмасдан хабардор қилинади.

Ҳозирги кунда республикамизда жуда кўплаб филиал ва мини банкларга эга бўлган кенг тармоқли 27 та тижорат банклари Марказий банк бошчилигида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу тижорат банкларининг ҳар бири турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган корхона, ташкилот,

муассасалар ҳамда юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркорлар ва барча жисмоний шахсларга хизмат кўрсатади.

Демак, бир-бирлари билан ҳисоб-китобларни юритувчи корхоналарнинг ҳисобварақлари турли банкларда очилганлиги иккита банк ўртасидаги ҳисоб-китобларни юзага келтиради. Агар ўзаро алоқада бўлган корхоналарнинг ҳар иккиси битта банк хизматидан фойдалансалар, у ҳолда банклараро айланмалар вужудга келмайди. Унда пул ўтказиш операциялари бир банкнинг ўзида амалга оширилади.

Операцияларни бошлаган банкдаги айланмалар бошланғич банк айланмалари дейилади. Операцияларни тугалланган банкдаги айланмалар якуний айланмалар дейилади. Ҳар бир бошланғич айланмага якуний айланма мос келиши шарт.

Республикамиз банклари ўртасидаги банклараро ҳисоб-китобларни ўтказиш тартиби бир неча марта ўзгартирилган.

1995 йилда марказий банк томонидан иктисодиётда ҳисоб-китобларни тезлаштириш мақсадида барча ҳудудий марказий банк бошқармалари қошида ҳисоб-марказлари ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Клиринг марказлари тугатилди. Почта орқали жўнатиладиган оғохномалар ҳам бекор қилинди. янги ҳисоб-китоб тизими «электрон почта» тўлов тизими жорий этилди. Шу билан биргаликда электрон тўлов тизимига ўтилинди ва у Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 17 январдаги 1-3-сонли қарори билан тасдиқланган «Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом» га асосланади.

Банклараро ҳисоб китобларни ташкил қилиш асослари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 27 сентябрда 1863-сон билан рўйхатга олинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 23 августдаги 18/6-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар

базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисида низом” га кўра ташкил этилади.

Банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси (кейинги ўринларда - БДМАБ) Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан юридик шахсларга, шунингдек юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари ва якка тартибдаги тадбиркорларга биринчи маротаба банк ҳисобварақлари очишда уларга хос рақам бериш, уларнинг ҳисобварақлари рўйхатини юритиш ҳамда мижозлар ҳисобварақлари тўғрисида маълумотлар олишни таъминловчи ахборотлар базаси бўлиб ҳисобланади.

БДМАБга Ахборотлаштириш Бош Маркази (кейинги ўринларда - АБМ) томонидан хизмат кўрсатилади ҳамда унинг фаолияти устидан назорат Марказий банк томонидан олиб борилади. БДМАБ банк мижозлари ва уларнинг банк ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотларни, қолдиқ суммаларини қайд этмаган ҳолда сақлайди.

БДМАБда юридик шахслар бўлган мижозларга берилган хос рақамлар, уларнинг хўжалик фаолияти тугатилган вақтдан бошлаб 3 йил мобайнида сақланади ва бу давр ичида мазкур хос рақам бошқа шахсларга берилмайди. Юридик шахс мақомига эга бўлмаган, якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларига хос рақам бир марта берилади ва фақат уларга берилган солиқ тўловчининг идентификация рақами бекор қилингандагина, ушбу хос рақам бекор қилиниши мумкин. Шундан кейин ушбу хос рақам бошқа якка тартибдаги тадбиркор ёки деҳқон хўжалигига берилади.

Мижозга асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақ очиш жараёнида банк БДМАБдан мижозга хос рақам берилганлиги тўғрисидаги хабарни олгандан кейин, бу тўғрисида ўз мижозига хабар беради ва шундан кейингина мижоз ушбу ҳисобварақ бўйича банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

БДМАБда ҳисобварақларни очиш, бошқа банкка ўтказиш, ёпиш, маблағларни ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиб туриш ва уларни қайта тиклаш саналари шакллантирилади ва банкларга узатилади. Улар банкнинг маълумотлар базасига дастурий равишда киритилади ва банк томонидан ўзгартиришга рухсат этилмайди.

2002-йилдан бошлаб республика банк тизимида яна катта ўзгаришлар бўлиб, банклараро ҳисоб-китоблар ягона вакиллик ҳисобварағи асосида ташкил этила бошланди. Худудий ҳисоб-китоб Марказларининг фаолияти тугатилиб, фақат Тошкент шаҳар Ҳисоб-китоб Маркази фаолияти сақлаб қолинди. **Ҳозирги кунда турли типдаги банклар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китоблар айнан Тошкент шаҳар Ҳисоб-китоб Маркази орқали амалга оширилади.** Бир типдаги банкка тегишли бўлган барча операциялар бош банкнинг ягона вакиллик ҳисобварағи орқали ўтказила бошланди.

Банклараро тўлов тизими орқали ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 14 февралда 1545-сон билан рўйхатга олинган “Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан амалга оширилади.

**Банклараро тўлов тизими орқали ҳисоб-китобларга оид атамалар билан танишиб чиқсак:**

**Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар маркази** (кейинги ўринларда - МБ ҲКМ) - бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг Ҳисоб, ҳисобот ва ҳисоб-китоблар бошқармаси бўлими бўлиб, унинг вазифасига тижорат банкларининг Бош офисларига (кейинги ўринларда - банклар) вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш ҳамда улар ўртасида электрон тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш киради;

**Марказий банкнинг маълумотларни қайта ишлаш бўлими** - бу Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва Давлат бюджетининг касса ижроси

департаментининг бўлими бўлиб, унинг вазифасига Марказий банк ягона балансида Марказий банкнинг банклараро ва филиаллараро тўловларини ўтишини таъминлаш киради;

**Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош маркази** (кейинги ўринларда - АБМ) - амалдаги қонунчилик ҳамда АБМ ва банклар ўртасидаги шартномаларга мувофиқ банклараро тўлов тизимининг техник, дастурий ва эксплуатацион хизматларини таъминлайдиган марказ;

**банкнинг вакиллик ҳисобварағи** (кейинги ўринларда - вакиллик ҳисобварақ) - бу банкка МБ ҲКМда очилган ва банклараро электрон тўловлар ўтказишга мўлжалланган ҳисобварақдир;

**электрон тўлов ҳужжати** (кейинги ўринларда - ЭТХ) - бу пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларнинг асл нусхалари асосида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган форматда яратилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон ҳужжатдир. Унинг электрон рақамли имзоси ва тўғри расмийлаштирилиши текширилганда, ижобий натижа берса, у асл нусхасидек юридик кучга эгадир. Кўриниш шаклида тақдим этилганда, ЭТХ асл ҳужжат сингари "Электрон" белгиси билан расмийлаштирилади;

**ташаббускор (инициатор) банк** - бу ЭТХни шакллантириш ва бошқа банк адресига жўнатиш йўли билан электрон тўловни бошловчи банкдир;

**бенефициар банк** - бу банклараро тўлов тизими орқали ташаббускор банкдан жўнатилган ЭТХни қабул қилувчи банкдир;

**электрон тўловни бошлаш** - ЭТХни шакллантириш ва электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш.

**Банклараро тўлов тизими орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишда қуйидаги талабларга риоя этилади**

- а) Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни тезкорлик билан ўтказишни таъминлаш;
- б) узатилаётган ЭТХларни рухсатсиз киришдан ҳимоя қилиш;
- в) электрон тўловларни тартибга солувчи қонунлар ва қоидаларга риоя қилиш.

Банклараро тўлов тизими қуйидаги тамойиллар асосида ишлайди:

- а) ЭТХни бирор белги бўйича қайта ишлаш устуворликлари йўқлиги ҳамда тизимда иштирок этиш учун адолатли ва ошқора рухсат;
- б) фойдаланувчилар нуқтаи назаридан қулайлиги ва электрон тўловни амалга ошириш воситаларининг иқтисодий самарадорлиги;
- в) ҳисоб-китоблар бўйича аниқ мажбуриятлар тизимини бошқариш самарадорлиги;
- г) ташаббускор банк томонидан электрон тўловларни бошлаш;
- д) банкларнинг МБ ҲҚМдаги вакиллик ҳисобварақлари ҳамда банкларда уларга тегишли ҳисобварақлардаги айланмалар ва қолдиқлар мос келганда электрон тўловларни амалга ошириш;
- е) бошланган электрон тўловни бекор қилиш имконияти йўқлиги;
- ж) юқори даражадаги хавфсизлиги, тезкорлиги ва ишончлилиги;
- з) ташаббускор банкнинг электрон рақамли имзоси билан ЭТХ тасдиқлангандан бошлаб электрон тўловнинг чақириб олинмаслиги ва маблағлар бенефициар банк вакиллик ҳисобварағига ўтказилгандан бошлаб электрон тўловнинг якунийлиги;
- и) тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларида маблағлар вақтинчалик етарли бўлмаганида, бошланган электрон тўловларни ўз вақтида яқунлаш ва кун давомида тизимнинг ликвидлилигини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва банк ўртасида тузилган

алоҳида шартнома асосида зарур бўлган маблағларни етказиб бериш имконияти;

к) ЭТХ алмашувини қабул қилиш - назорат - узатиш технологик даврлар кўринишида ташкил этиш;

л) жисмоний шахсларга берилган тижорат банкларининг ҳисоб-китоб чеклари бўйича электрон тўловлардан ташқари, электрон тўловларнинг суммаси миқдори учун қўйиладиган чеклашларнинг йўқлиги.

Банклараро тўлов тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шахсий мулки ҳисобланади.

АБМ ва МБ ҲҚМ банклараро тўлов тизимининг иштирокчилари ҳисобланади.

Банклараро тўлов тизимининг фойдаланувчилари МБ ҲҚМда вакиллик ҳисобварағига эга бўлган банклар ва молиявий институтлар ҳисобланади.

Банклараро тўлов тизимининг иштирокчилари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш учун фойдаланувчи банкларнинг МБ ҲҚМ билан, банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловлар ўтказиш учун эса - АБМ билан тузилган икки томонлама шартнома асосида тартибга солинади.

Банклараро тўлов тизимида узатиш учун мўлжалланган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг тўғри тўлдирилиши бўйича жавобгар банк мижози бўлади.

Маблағларни ҳисобварақларга ўтказиш, ҳисобдан чиқариш ҳамда МБ ҲҚМга қайта ишлаш учун узатиладиган ЭТХнинг шакллантирилиши тўғрилиги учун жавобгарлик ташаббускор банкка, МБ ҲҚМдан қабул қилинадиган ЭТХ учун жавобгарлик эса - бенефициар банкка юклатилади.

Банклараро тўлов тизими бўйича узатиладиган маълумотларнинг сақланиши, банкларнинг вакиллик ҳисобварақларига маблағларни ўз вақтида

ва тўғри ўтказилиши ҳамда ҳисобдан чиқарилиши учун, шунингдек, ЭТХнинг қабул қилинганлиги ва қайта ишланганлиги (ЭТХ рақамига, операция суммасига, операцияни амалга ошириш санаси ва тугатиш вақтига асосланишларни ҳисобга олган ҳолда) тўғрисидаги тасдиқномани, вакиллик ҳисобварағидан (оралиқдаги ва якуний) кўчирмани шакллантириш учун жавобгарлик АБМ ва МБ ҲКМга юклатилади.

## **6.2.Банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари, очилиши ва юритилиши.**

Ҳозирги пайтда тижорат банкларининг фақат Бош банклари ўртасидаги ҳисоб-китоблар Марказий банк орқали ўтказилади. Бунинг учун Марказий банк қошидаги Ҳисоб-китоб марказида алоҳида транзит ҳисобварағи очилган. Бундай транзит ҳисобварақлари тижорат банкларининг ҳеч бирида юритилмайди. Шу билан бирга, тижорат банклари ўзларининг банклараро муносабатларини олиб бориш учун Ҳисоб-китоб марказида вакиллик ҳисобварағини очишлари лозим.

**Тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағи икки хил очилиши мумкин:**

- Тижорат банкининг ҳар бир бўлими учун Марказий банкнинг худудий бош бошқармасида алоҳида вакиллик варағи очилади.

- Фақат Бош банкка Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар марказида ягона вакиллик ҳисобварағи очилади, яъни Марказий банк фақат Бош банкка банклараро операциялар бўйича хизмат кўрсатади.

Банкнинг вакиллик ҳисобварағи бу – тижорат банкига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Ҳисоб-китоб Марказида очилган ҳисобварақ бўлиб, у банклараро ҳисоб-китобларни ўтказишга мўжжалланган.

Вакиллик ҳисобварағи ҳам бошқа ҳисобварақлар сингари 20 разряддан иборат.

Ҳисоб-китоб марказида вакиллик ҳисобварақлари тижорат банкларига ҳамда ҳисоб касса марказларига очилади.

Бошқа банкларга очилган вакиллик ҳисобварақлари 21302-баланс ҳисоб рақами бўйича,

ҳисоб касса марказларига очилган вакиллик ҳисобварақлари 21304-баланс ҳисоб рақами орқали олиб борилади. Масалан: “Ипотека”нинг Бош банкига Тошкент Ҳисоб-китоб Марказида асосий вакиллик ҳисобварағини очган. Унинг БДМАБ томонидан берилган коди 00429. А банкига очилган вакиллик ҳисобварағи номери қуйидагича бўлади:

21302 000 7 00000429 001-ташқи-Марказий банкда

10301 000 8 00000429 001-ички-Ипотека банк бош банкда

**бунда:**

21302 – “Бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақларига тўлашга” деб номланган баланс ҳисобварағи номери;

000 – валюта коди, бу 3 та нол вакиллик ҳисобварағининг “сўм” да юритилишини билдиради;

К – назорат калити;

00000429 – банкнинг уникал коди, яъни А банкининг коди- 00429. Лекин ҳар бир ҳисобварақда уникал код учун 8 та рақам ажратилгани сабабли бу код ноллар билан тўлдирилади.

001 – ушбу банк ҳисобварағининг тартиб номери.

Юқорида кўрсатилган вакиллик ҳисобварағи Тошкент шаҳар Ҳисоб-Китоб Марказида юритилиб, Ҳисоб-Китоб Маркази учун пассив ҳисобварақлардир. Маблағларнинг келиб тушиши ва ҳисобварағ қолдиғи ҳисобварақнинг кредит қисмида, маблағларнинг камайиши эса унинг дебет қисмида акс эттирилади. Барча тўловлар вакиллик ҳисобварағи қолдиғи чегарасида амалга оширилади.

Ҳар бир банкнинг балансида ҳам вакиллик ҳисобварағи очилади ва юритилади. Бу ҳисобварақ банк балансининг актив қисмида юритилиб, банкнинг ички вакиллик ҳисобварағи деб номлаш мумкин.

Бош банкнинг ички вакиллик ҳисобварағи 10301 – баланс ҳисоб рақамида юритилади. Тижорат банкининг Ҳисоб-китоб Марказида очилган 21302– вакиллик ҳисоб-варағи ташқи вакиллик ҳисобварағи деб юритилади.

Тўловни амалга ошириш учун асосий мезон операцион куннинг бошида ички ва ташқи вакиллик ҳисобварақларидаги айланмаларнинг ва қолдиқ маблағларининг бир-бирига мос келиши ҳисобланади.

Шундай қилиб, турли типдаги банклар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китоблар Тошкент шаҳар Ҳисоб-китоб маркази орқали ташкил этилади.

Тижорат банкларининг филиалларига эса Бош банкда вакиллик ҳисобварағи очилади.

### 6.3.Электрон тўловлар тизими.

Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиши билан банк тизимида бир қатор ўзгаришлар бўлиб ўтди. Икки поғонали банк тизими пайдо бўлди, тижорат банкларининг шохобчалари кенгайтирилди. Бундан ташқари, турли мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши банклар ўртасидаги муносабатларнинг кўпайишига олиб келди. Шу муносабатлар бўйича ҳисоб-китобларни ўз вақтида тезкорлик билан амалга ошириш учун янги автоматлаштирилган тизимни жорий этиш зарурати тугилди.

Иқтисодиётдаги ҳисоб-китобларни тезлаштириш мақсадида 1995-йил бошидан бошлаб ҳар бир вилоятда Марказий банк қошидаги ҳудудий ҳисоб марказларини ташкил этишга қарор қилинди. Ҳар бир тумандаги илгари фаолият кўрсатиб келган клиринг марказлари ёпилиб, уларнинг фаолияти тўхтатилди. Шу муносабат билан оддий почта авизолари бекор қилинди. Республика ичидаги барча ҳисоб-китоблар узоғи билан икки кун ичида ўтказилиши белгилаб берилди. Шу тариқа электрон тўловлар тизими жорий этилди.

**Электрон тўловлар тизими бу – умумдавлат тизими бўлиб, банклараро тўловларни ташкил этади ва у қоғозсиз технологияларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки электрон почта воситалари орқали ўтказилишига асосланган.**

Ҳозирги кунда электрон тўловлар тизими юқори ўтказиш имкониятига эга бўлиб, тўловларнинг республика миқёсида 15-20 дақиқа мобайнида ўтишини таъминлайди.

Банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар электрон тўлов ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Электрон тўлов ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган шаклда пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари асл нусхаси асосида яратилган “электрон” белгили ҳужжат бўлиб, унинг асосий нусхаси ҳисобланади ва асл нусха кучига эга

бўлади. Электрон тўловлар тизимида узатиш учун мўлжалланган ҳужжатларнинг тўғри тўлдирилганлиги учун банк миждози жавобгар бўлади.

Ҳудудий ахборотлаштириш марказига қайта ишлаш учун узатиладиган электрон тўлов ҳужжатларини ҳисоблаб ўтказиш, ҳисобдан чиқариш ва уларнинг электрон файлларини шакллантирилиши тўғрилиги учун жавобгарлик инициатор банкка, ҳудудий ахборотлаштириш марказидан қабул қилинадиган тўлов ҳужжатлари учун жавобгарлик эса бенифициар банкка юклатилади.

Ҳар бир банк электрон тўловлар тизимида кўшилиши учун аввало Республика Марказий банкида рўйхатга олинган ҳамда БДМАБ томонидан уникал код берилган бўлиши лозим. Шу билан бирга, ушбу банк электрон тўловлар тизимида чиқиш имкониятини берадиган тегишли дастурий мажмуага эга бўлиши лозим. Шундан сўнг банк электрон тўловлар тизимида улангунча ахборотлаштириш бош маркази ходимлари ёрдамида маълумотларни қабул қилиш, узатиш бўйича бир неча синов тажрибаларини ўтказиш йўли билан банк тайёргарлигининг ҳафталик тажриба текшируви ўтказилади. Бундай тажриба текширув ишлари ижобий натижа олгунча давом эттирилади.

#### **6.4.Банклараро ҳисоб-китобларнинг электрон тўлов тизими орқали ташкил этилиши ва ҳисобга олиниши.**

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, Ҳисоб-китоб маркази Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб-китоблар бошқармасининг бўлими бўлиб, унинг функцияцига банкларнинг вакиллик ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш ва банклараро ҳисоб-китобларнинг узлуксизлигини таъминлаш киради.

Ҳисоб-китоб маркази электрон тўлов тизимига уланган тижорат банклари билан белгиланган вақт давомида алоҳида тармоқ орқали ахборот алмашиш тартибида иш олиб боради. Электрон тўлов тизими бўйича иш куни бошланишидан банкларнинг ички ва ташқи вакиллик ҳисобварақларининг қолдиқлари ва айланмалари қийматининг мослиги қилингандан сўнг банкларга тизимда ишлашга рухсат этилади. Файлларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва назорат қилиш, жўнатиш автоматик режимда сеанслар бўйича амалга оширилади.

Илгари Ҳисоб-китоб марказида банклараро айланмаларни ўтказиш учун бир қатор ҳисобварақлар юритилар эди. 2003-йил сентябр ойидан бошлаб турли типдаги бош банклар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китоблар Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб маркази орқали ўтказила бошлади, бошқа вилоятлардаги ҳисоб-китоб марказларининг фаолияти тўхтатилди. Бир банкка қаршли филиаллар ўртасидаги ҳисоб-китоблар бош банк томонидан ташкил этила бошлади. Биз турли типдаги банклар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китобларни ўтказиш тартиби билан танишиб чиқамиз.

#### **Банклараро тўлов тизимига уланишнинг учта варианты мавжуд:**

- 1) банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказини уланиши;
- 2) филиалга эга бўлмаган банкларни уланиши (бунда электрон тўловлар банкнинг амалиёт бошқармаси орқали амалга оширилади);
- 3) банк филиалини уланиши.

Банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказини банклараро тўлов тизимига уланиши учун банк Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказининг номи ва манзилини кўрсатган ҳолда хат билан Марказий банкнинг Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаментига (кейинги ўринларда - МБ ТТАД) мурожаат қилади.

Хатга асосан МБ ТТАД банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказини улаш ҳамда унинг филиалларининг вакиллик ҳисобварақларидаги қолдиқларини ўтказиш тартибини тайёрлайди.

Филиалга эга бўлмаган банкни ёки банк филиалини банклараро тўлов тизимига улаш учун, улар қонунчиликда ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатга олинган, Банк Депозиторларининг Миллий Ахборот базаси (кейинги ўринларда - БДМАБ)да хос рақам (уникал код)га ҳамда банклараро тўлов тизимига чиқиш имкониятини берадиган тегишли дастурий мажмуага эга бўлиши керак.

**Филиалга эга бўлмаган банкларни уланиш тартиби қуйидагича:**

1) Марказий банкнинг Тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти МБ ТТАДга банк томонидан банк фаолиятини амалга ошириш учун Марказий банк лицензиясини олганлиги тўғрисида, банкнинг тўлиқ номи ва манзили кўрсатилган ҳолда хабар беради;

2) МБ ТТАДнинг ёзма хабарномасига мувофиқ, АБМнинг БДМАБ бўлими тижорат банк учун хос рақам ва унга тегишли реквизитларни захиралайди ҳамда бир вақтнинг ўзида банк ва МБ ТТАДга бу ҳақда хабар беради;

3) Банк, хос рақам олгандан кейин, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтган Марказий банкнинг Рўйхатга олиш марказига электрон рақамли имзо калитини олиш учун, АБМга - МБ ҲҚМнинг серверига кириш рухсатини олиш мақсадида аутентификация маълумотларини аниқлаш учун мурожаат қилади;

4) АБМ ходимлари ёрдамида бир қанча ЭТХларининг қабул қилиш назорат қилиш узатиш технологик алмашувини ўтказиш йўли билан банк тайёрлигининг синов текшируви ўтказилади.

Синов қуйидаги тартибда ўтказилади:

а) банкнинг маълумотлари синов мажмуасидаги тегишли маълумотнома (справочник)га киритилади;

б) дастлаб банк ходимлари билан ахборотлар алмашувини ўтказиш бўйича тушунтириш (инструктаж) ўтказилади;

в) синов мажмуасидаги банкнинг вакиллик ҳисобварағига банкнинг ишлаши учун устав фонди сифатида олдиндан келишилган сумма киритилади;

г) банк вакиллик ҳисобварағидаги қолдиқни тасдиқлаш учун ахборотни ва ЭТХларини шакллантиради ҳамда АБМга синов тариқасида жўнатади, АБМ шакллантирилган маълумотларни тўғрилигини текширади;

д) АБМ банк учун вакиллик ҳисобварағини тасдиқлаш, иш тугаши ва ЭТХларнинг қайта ишланганлиги бўйича ахборотни шакллантиради, банк эса улар билан ишлай олишини тасдиқлаши керак;

е) Синов банк тайёрлигини текширишда ижобий натижалар олингунча давом эттирилади.

Синов тугаганидан кейин АБМ банк билан биргаликда банк ҳолатининг банклараро тўлов тизимида ишлашга тайёр эканлиги тўғрисида далолатнома тузади;

5) Марказий банк Тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаментининг банкка лицензия берилганлиги, банкнинг банклараро тўлов тизимида ишлашга тайёрлиги тўғрисидаги Марказий банк Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаментининг хабарномалари ҳамда синовнинг ижобий натижаси

тўғрисидаги АБМнинг далолатномасига, шунингдек, солиқ тўловчининг идентификацион рақами кўрсатилган Давлат солиқ қўмитасидан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси асосида, МБ ТТАД барча банкларга банкнинг очилганлиги, унга БДМАБда хос рақам берилгани ва банклараро тўлов тизимига уланганлиги тўғрисида расмий хабарнома юборади.

Банк филиаллари МБ ҲКМда ҳисобварақлар очмаслигини инобатга олиб, банклараро тўлов тизимига филиалларни улаш бўйича барча тайёргарлик ишларини (филиалнинг тайёргарлик синов текшируви, электрон рақамли имзо калитини яратиш) банклар ўзлари олиб борадилар.

Филиалга хос рақам захиралаш учун банк бевосита АБМнинг БДМАБ бўлимига мурожаат қилади.

Филиал учун электрон рақамли имзо калитларини банкнинг Рўйхатга олиш маркази яратади. Банкнинг Рўйхатга олиш маркази мавжуд бўлмаган тақдирда, банк филиал учун электрон рақамли имзо калитларини яратиш учун Марказий банкнинг Рўйхатга олиш марказига мурожаат қилиши мумкин.

Барча ишлар тугатилгандан сўнг, филиални банклараро тўлов тизимига улаш илтимоси билан, банк МБ ТТАДга хат тақдим этади. Унда банк филиалининг номи, манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами ва банк статистик ҳисоботларини беришда филиалнинг ҳудудий тобелиги кўрсатилади.

Ушбу хатга асосан МБ ТТАД банк филиали учун БДМАБда хос рақам беради, электрон маълумотномасига киритади ва банк филиали очилганлиги ҳамда уни банклараро тўлов тизимига уланганлиги тўғрисида барча банкларга расмий хабарнома беради.

Филиални банклараро тўлов тизимида тўғри ишлаши бўйича жавобгарлик банк зиммасига юклатилади.

## **6.5. Ҳисоб марказлари ишининг ташкил этилиши.**

МБ ХҚМда вакиллик ҳисобварақлари қуйидаги тамойилларга риоя қилган ҳолда юритилади:

1) МБ ХҚМда банкларнинг вакиллик ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш амалиёт куни давомида амалга оширилади. ЭТХнинг муваффақиятли қайта ишланганлиги тасдиқланиши билан вакиллик ҳисобварағида акс эттирилади. Узатиладиган ЭТХларида ҳимоя қилиш воситалари ёрдамида хатолар аниқланганда ёки ЭТХларни қайта ишлаш имконияти бўлмаганда, улар қайтарилади (файлни қайта ишлашда - файл бутунлича қайтарилади), ва бу ҳақда электрон қвитанция берилади;

2) Электрон тўловлар банклардан фақатгина вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи доирасида амалга оширилади, агарда МБ ХҚМ ва банк ўртасидаги шартномада бошқа ҳолат келишилмаган бўлса;

3) Банк банклараро электрон тўловлар ўтказишга ўзининг МБ ХҚМдаги вакиллик ҳисобварағи ва банкдаги тегишли ҳисобварағидаги айланма ва қолдиқ суммаларининг мувофиқлигини таҳлил қилгандан кейингина киришади.

**Банклараро тўлов тизимида қўлланиладиган ЭТХларининг таркиби ва тузилиши:**

1) Банклараро тўлов тизимида ЭТХлар қўлланилади.

2) Ҳар бир ЭТХ, ташаббускор банк томонидан жўнатиш учун тайёрланган ҳужжатни ва бенефициар банкда электрон усул билан олинган ҳужжатни идентификация қилиш учун мўлжалланган тегишли код (операция тури (кейинги ўринларда - ОТ)) билан белгиланиши керак. Операциялар тури кодлари 8-иловада келтирилган;

3) Маблағларни ўз вақтида ва тўғри ўтказиш мақсадида банкнинг масъул ходими ЭТХ тайёрлашда пул-ҳисоб-китоб хужжатларининг барча реквизитларини тўғри киритиши керак;

4) Тўлов топшириқномасини (ОТ 01), тўлов талабномасини (ОТ 02), мемориал ордерни (ОТ 06) ва инкассо топшириқномасини (ОТ 11) киритишда қуйидаги реквизитлар тўғри тўлдирилиши керак:

хужжатнинг рақами;

хужжатнинг санаси;

тўловчининг номи;

тўловчининг шахсий ҳисобварағи рақами;

солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

тўловчи банкнинг коди;

тўловчи банкнинг номи;

хужжатнинг суммаси (рақам билан);

олувчининг номи;

олувчининг шахсий ҳисобварағи рақами;

олувчи банкнинг коди;

олувчи банкнинг номи;

хужжатнинг суммаси сўз билан (автоматик тарзда ёзилади);

тўловнинг мақсади.

Тўлов мақсади қуйидаги маълумотлардан иборат бўлади:

а) тўлов нима учун ўтказилаяпти;

б) шартнома, ҳисобварақ, товар-транспорт хужжатлари, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоб қилишда ишни қабул

қилиш далолатномаси ёки уларнинг ўрнини босадиган хужжатлар, маҳсулот ким орқали жўнатилганлиги тўғрисидаги ишончноманинг рақами ва санаси кўрсатилади. Ижро хужжатлари бўйича инкассо топшириқномасида ундириб олиш учун асос бўлаётган ижро хужжатининг рақами, санаси ва номи кўрсатилади.

Қонунчиликка мувофиқ айрим тўловчиларга "тўлов мақсади" реквизитида нима мақсадда тўлов ўтказилаётганлиги тўғрисида маълумот кўрсатилмаслиги мумкин.

5) Аккредитив учун ариза (ОТ 05)ни киритишда қуйидаги реквизитлар тўғри тўлдирилиши керак:

аккредитив номери;

аккредитивни ёзиш санаси;

тўловчининг номи;

тўловчининг ҳисобварақ рақами;

солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

эмитент банкнинг номи;

эмитент банк (ташаббускор банк)нинг коди,

аккредитив суммаси рақам билан;

етказиб берувчининг номи;

етказиб берувчининг ҳисобварағи рақами;

аккредитивни ижро этувчи банкнинг номи;

аккредитивни ижро этувчи банк (бенефициар банк)нинг коди;

аккредитив суммаси сўз билан (автоматик тарзда ёзилади);

аккредитив муддати.

Аккредитив шартлари:

а) аккредитив тури;

б) товар (маҳсулот), хизматнинг номи;

в) аккредитив бўйича тўловларни амалга ошириш учун асос бўладиган ҳужжатнинг номи;

б) Тижорат банкининг ҳисоб-китоб чекини (ОТ 14) киритишда қуйидаги реквизитлар тўғри тўлдирилиши керак:

чек берувчи банкнинг номи (чекнинг устки қисмида);

чек серияси ва рақами;

чекни бериш санаси;

чекнинг суммаси рақам билан;

чекнинг суммаси сўз билан (автоматик тарзда ёзилади);

чек берувчининг исми, фамилияси, отасининг исми;

чек берувчининг паспорт серияси ва рақами;

чек берувчининг шахсий ҳисобварағи рақами;

чек берувчи банк бўлимининг коди;

чек берувчи банк бўлимининг номи;

чек қабул қилувчи корхонанинг номи;

чек қабул қилувчининг шахсий ҳисобварағи рақами;

чек қабул қилувчи банк бўлимининг рақами;

чек қабул қилувчи банк бўлимининг номи;

чек қабул қилинган сана;

чекнинг амал қилиш муддати.

МБ ҲҚМ томонидан банкнинг вакиллик ҳисобварағи дебетига ёки кредитига маблағ хато ўтказилганда, МБ ҲҚМ амалиёт куни давомида банкка хато ўтказилган тўловлар тўғрисида хабарнома жўнатиши керак. Банк, МБ ҲҚМдан хабарномани олганда, дарҳол шу амалиёт кунининг ўзидаёқ, вакиллик ҳисобвараққа хато ўтказилган маблағларни қайтаришни амалга ошириши керак.

Ташаббускор банкнинг айби билан электрон тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, у бенефициар банкка хато ўтказилган тўлов тўғрисидаги маълумотни кўрсатган ҳолда, хато ўтказилган маблағни қайтариш тўғрисида хабарнома жўнатади. Бу ҳолда, хато ўтказилган маблағни қайтарилмаслигидан қатъи назар, ташаббускор банк маблағни хатолик аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан олувчининг ҳисобварағига ўтказиши шарт.

## **6.6.Ягона вакилик ҳисобварағининг моҳияти, аҳамияти ва юритилиши.**

Соат 8-00 дан 16-00 гача бўлган даврда банклар вакиллик ҳисобварағининг олдинги кун ниҳоясидаги ҳолати тўғрисида маълумот узатадилар. Олинган маълумотлар АБМда банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари қолдиғи ва айланмаларининг банклардаги тегишли ҳисобварақлари билан мувофиқлиги назоратидан ўтади ва бу ҳақда банкка электрон квитанция узатилади. Бир хил бўлган ҳолда, банк ишлашга тушади, мос келмаса - банк улар сабабини аниқлайди ва бартараф этади.

Агар банк форс-мажор ҳолатлари бўйича бир ёки бир неча кун ишламаган бўлса, у АБМ билан ишни бошлашдан олдин, ўтган қайта ишланмаган кунларда тўпланиб қолган барча ЭТХларни қабул қилиши ва қайта ишлаши, жорий куннинг бошига вакиллик ҳисобварағининг ҳолатини аниқлаши ва фақат шундан кейингина ишни бошлаши шарт.

Соат 9-00 дан 16-00 гача - банклараро ҳисоб-китоблар бўйича ЭТХларни узатиш - қабул қилиш - назорат қилиш вақти.

1) Банклар мазкур даврнинг ҳар қандай вақтида МБ ҲҚМга ЭТХларни узатишлари мумкин.

2) Жўнатишга мўлжалланган ЭТХ назоратдан ўтади, банкнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади, шифрланади ва банк телекоммуникация тармоғи бўйича МБ ҲҚМга бундан кейинги қайта ишлашлар учун узатилади.

Соат 17-00 гача Республика бюджети ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг тегишли ҳисобварақларига маблағларни ўтказиш бўйича ЭТХларни узатиш амалга оширилади. Бунда соат 16-30 гача тижорат банклари ўртасидаги, соат 17-00 гача эса - тижорат банкларидан Марказий банк ҳамда Халқ банкига, шунингдек Марказий банкдан юборилган ЭТХларни қайта ишланилиши яқунланади.

Соат 17-00 дан АБМ банкларга куннинг якунланиши ва яроқсиз (брак) деб топилган ЭТХлар тўғрисида (ташаббускор банк ва бенефициар банк бўйича) хабарнома жўнатади.

Шундан кейин АБМда "Куннинг якунланиши" босқичи амалга оширилади. МБ ХҚМда қуйидагилар "Куннинг якунланиши" босқичини бажарилишининг шартлари ҳисобланади:

а) банклардан ЭТХни қабул қилиш вақтининг тугаши;

б) МБ ХҚМга узатилган барча ЭТХ қайта ишланган ва банкларнинг тегишли вакиллик ҳисобварақларида акс эттирилган бўлиши керак.

Банкларда "Куннинг якунланиши" босқичининг вақти банкнинг ички тўлов тизими қоидаларига мувофиқ мустақил равишда белгиланади.

"Куннинг якунланиши" босқичи чиқиш шакллари чиқариш, маълумотларни архивациялаш ва тизимни навбатдаги куннинг бошланишига тайёрлаш билан биргаликда боради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредитни бошқариш хусусият (параметр)ларидан келиб чиққан ҳолда, банклараро ЭТХларининг ўтказиш вақтини тўлов тизими масалаларини назорат қилувчи Раис ўринбосарининг ёзма фармойишига асосан узайтириши мумкин. Бу ҳақда тизим қатнашчилари ва фойдаланувчилари ЭТХга ишлов бериш вақтининг тугашига бир соат қолғунига қадар кечиктирилмасдан хабардор қилинади.

Айрим банкларда алоҳида ажратилган ёки коммутация қилинган каналларнинг бузилиши содир бўлганда, ЭТХлар белгиланган ахборотларни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилган ҳолда МБ ХҚМга хизмат кўрсатувчи АБМнинг бўлимига бевосита дискеталарда тақдим қилиниши мумкин.

Ушбу иш тартиби фавқулодда вазиятлар ҳолати содир бўлганда қўлланилмайди. Фавқулодда вазиятлар юзага келганда тизим қатнашчилари

ва фойдаланувчиларининг иш тартиби Марказий банкнинг алоҳида меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади. Фавқулодда вазиятлар содир бўлганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки оммавий ахборот воситалари орқали хабар беради.

## **БАНКЛАРДА ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Банк филиаллари ўзининг мижозлари ўртасидаги барча тўловларни банк хизматини кўрсатиш учун тузган шартномасига мувофиқ мустақил равишда амалга оширади.

Банкнинг масъул ходими пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини олишда рўйхати барча мажбурий реквизитларнинг тўғри тўлдирилиши бўйича визуал текшириш ўтказди.

ЭТҲларида банклар ва уларнинг филиаллари вакиллик ҳисобварақлари рақамини, шунингдек, МБ ҲҚМ кодини қўйиш тақиқланади.

Банк филиалида дебет ҳужжатлари (тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеклари, эмиссия тўловлари)ни расмийлаштиришда қуйидаги тартиб мавжуд:

1) Эмиссия операцияларида мемориал ордер расмийлаштирилади:

ДЕБЕТ 20102, 20106;

КРЕДИТ 17301;

2) тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеклари бўйича операциялар учун:

ДЕБЕТ 20206, 29896;

КРЕДИТ 19903;

3) Банклар банк қонунчилик ҳужжатлари, ўрнатилган иқтисодий меъёрларга риоя қилмаган ҳолларда, Марказий банк дебет мемориал ордерларни шакллантириш йўли билан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларидан жарима ундириш ҳуқуқига эга.

Кирилган пул-ҳисоб-китоб ҳужжати асосида банкнинг филиалида дастурий равишда ЭТХ шакллантирилади, у ички назоратдан ўтади, электрон рақамли имзо билан тасдиқланади, шифрланади ва банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказига узатилади.

Ташаббускор банкда, ички назорат ва электрон рақамли имзо текшируви ўтказилганидан сўнг, банклараро ҳисоб-китоблар бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) Ташаббускор банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказида филиаллардан олинган ЭТХларига асосан:

ДЕБЕТ 22204 тегишли филиал ҳисобварағи;

КРЕДИТ 10301 банкнинг ҳисобварағи;

Дебет операциялари (ОТ - 14) бўйича:

ДЕБЕТ 10301 банкнинг ҳисобварағи;

КРЕДИТ 22204 тегишли филиал ҳисобварағи;

2) Марказий банкнинг маълумотларни қайта ишлаш бўлимида Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб-касса марказларидан олинган ЭТХга асосан:

ДЕБЕТ 22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази ҳисобварағи;

КРЕДИТ 11005;

Дебет операциялари (ОТ - 06) бўйича:

ДЕБЕТ 11005;

КРЕДИТ 22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази ҳисобварағи;

Бенефициар банкда, ички назорат ва электрон рақамли имзо текшируви ўтказилганидан сўнг, банклараро ҳисоб-китоблар бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) Бенефициар банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказида банкка ЭТХ келиб тушганда:

Кредит операциялари (ОТ - 01, 02, 05, 06, 11) бўйича:

ДЕБЕТ 10301;

КРЕДИТ 22204 тегишли филиал ҳисобварағи;

Дебет операциялари (ОТ - 14) бўйича:

ДЕБЕТ 22204 тегишли филиал ҳисобварағи;

КРЕДИТ 10301;

2) Марказий банкнинг маълумотларни қайта ишлаш бўлимида ЭТХ келиб тушганда:

Кредит операциялари (ОТ - 01, 02, 05, 06, 11) бўйича:

ДЕБЕТ 11005;

КРЕДИТ 22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази ҳисобварағи;

Дебет операциялари (ОТ - 06) бўйича:

ДЕБЕТ 22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази;

КРЕДИТ 11005;

Бенефициар банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказидан келиб тушган ЭТХлари филиалда ички назорат ва электрон рақамли имзоси текширувидан ўтади. Ижобий натижа олинганда, ўтказмалар филиал ва унинг миждозларининг тегишли ҳисобварақлари бўйича акс эттирилган ҳолда амалга оширилади.

Агар миждознинг ҳисобварақ рақами нотўғри кўрсатилган бўлса, бу ҳолда маблағлар олувчи учун 23206 - "Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар" ҳисобварағига ёки тўловчи учун 17305 - "Аниқланиш

жараёнидаги трансакциялар" ҳисобварағига ўтказилади, ундан уч иш куни мобайнида мақсади бўйича ҳисобдан ўчирилиши керак.

### **БАНКЛАРНИНГ МБ ҲКМБИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ**

Банклардан ЭТХ келиб тушганидан кейин, МБ ҲКМда уларни автоматлаштирилган қайта ишлаш ташкил этилади.

Қайта ишлаш жараёнида келиб тушган ЭТХлар ички назорат ва электрон рақамли имзо текширувидан ўтади. Назоратдаги реквизитлар ёки электрон рақамли имзода хатолар аниқланганда, хато ЭТХлари қайта ишлашдан чиқариб ташланади. Шунингдек, ЭТХ БДМАБ базасида бенефициар банк ва ташаббускор банк мижозларининг ҳисобварақлари мавжудлиги бўйича реквизитлар назоратидан ўтади. Агар ЭТХнинг реквизитларида кўрсатилган ҳисобварақлар ўрнатилган тартибда БДМАБда рўйхатдан ўтмаган бўлса, ушбу ЭТХ тегишли хато коди кўрсатилган ҳолда яроқсиз деб топилади.

Ҳар бир ЭТХ батафсил таҳлил қилинишидан олдин, қуйидагилар бўйича текширилади:

- а) жорий куннинг бошида вакиллик ҳисобварағи ҳолатини текширганда ижобий натижа чиқиши;
- б) электрон тўловни амалга ошириш учун банкнинг вакиллик ҳисобварағида етарли маблағларнинг мавжудлиги.

Текшириш мобайнида, ҳар бир ЭТХ қайта ишлангандан кейин банкнинг вакиллик ҳисобварағида қолиши кўзда тутилган қолдиқ суммаси ҳисобланади. Файл алмашувида дастлаб ҳисобвараққа ўтказиладиган, кейин эса, ҳисобдан ўчириладиган барча электрон тўловлар ҳисобга олинади.

ЭТХда биронта хато аниқланса, шунингдек электрон тўловларни амалга ошириш учун банкнинг вакиллик ҳисобварағида маблағлар етарли бўлмаса,

мазкур ЭТХ қайта ишлашдан чиқарилади ва бу ҳақда банкка хато коди кўрсатилган ҳолда ахборот тақдим этилади.

Агар текширув жараёнида хатолар аниқланмаса ва вакиллик ҳисобварағининг қолдиғи банклараро ҳисоб-китоблар бўйича электрон тўловларни ўтказиш имконини берса, ЭТХ МБ ҲКМ амалиёт кунида кейинги қайта ишлашнинг барча босқичларидан ўтади.

Ҳар бир ЭТХ қайта ишлаш жараёнида МБ ҲКМда тўлов ўтказмалари 11001, 11003, 21302, 21304 ва 27416 ҳисобварақларида акс эттирилган ҳолда амалга оширилади.

## **ТУРЛИ ТИПДАГИ БАНКЛАР ЎРТАСИДАГИ БАНКЛАРАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ.**

**Мисол кўринишида ўрганамиз:**

**“Анвар” х/к . “Ипотека” банк (МФО-00059) Андижон вилоят филиалида фаолият кўрсатади.**

**“Олимпик” х/к. “Хамкорбанк” (МФО-00079) Нодирабегим филиалида фаолият кўрсатади.**

**“Ипотека” банк (МФО-00059) Андижон вилоят филиалида қуйидаги бухгалтерия проводкаси берилди.**

Дт 20208000112345678001-“Анвар” хусусий корхонаси (МФО-00059)

Кт 20208000187654321001-“Олимпик” хусусий корхонаси (МФО-00079)

Ўртада тузилган шартномага асосан 10 000 000,00 сўм пул маблағи  
ўтказилди.

Ҳисоб-китоб Марказларига, тижорат банкларига тушадиган ҳужжатларнинг асосий қисми кредит ҳужжатларидир. Кредит ҳужжатлари бўйича ҳам Ҳисоб-китоб марказларида бухгалтерия ёзувлари ўтказилади.

Бош банк ўз филиалларидан келган электрон тўловларни қайта ишлаб ўзининг ягона вакиллик ҳисобварағи орқали Тошкент шаҳар Ҳисоб-китоб марказига модем алоқаси орқали жўнатади. Бу операция бўйича Бош банкда қуйидаги бухгалтерия амаллари бажарилади:

Дебет 21302 “Филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар” **“Ипотека банк”**

Кредит 10301 “Бош банкнинг вакиллик ҳисобварағи” **“Ипотека банк”**

Бош банклар ўртасида банклараро ҳисоб-китобларни ўтказиш учун Марказий банк қошида очилган Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб Марказида 27416-баланс ҳисобварағи ажратилган.

Тижорат банкларидан электрон ҳужжатларни қабул қилиб олган Ҳисоб-китоб Маркази уларни банклар бўйича саралайди. Бу ҳужжатларнинг ўзи алоҳида дебет ва кредит ҳужжатларига бўлинади. Шундан кейин, дебет ҳужжатлари бўйича алоҳида, кредит ҳужжатлари бўйича алоҳида бухгалтерия ёзувлари ўтказилади.

**Дебет ҳужжатлари бўйича дастлаб қуйидаги проводка ўтказилади.**  
**“Ҳамкорбанк”**

Дебет 27416 “Банклараро ҳисоб-китоблар”

Кредит 21302 “Тижорат банкнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи”

**Кредит ҳужжатлари бўйича дастлаб қуйидаги проводка ўтказилади.**  
**“Ипотека банк”**

Дебет 21302 “Тижорат банкнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисоб-варағи”

Кредит 27416 “Банклараро ҳисоб-китоблар”

Бу икки ёзув орқали 27416-ҳисобварағининг транзит ҳисобварақ эканлиги ва бир вақтнинг ўзида ёпилишини кўриш мумкин.

Тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқариш ва бу вакиллик ҳисобварағига маблағларни ўтказиш ҳар бир келиб тушган ёзувнинг қайта ишлаш жараёни билан бир вақтда амалга оширилади, шунинг учун барча тўлов ҳужжатлари бир вақтнинг ўзида 27416 ҳисобварағининг ҳам дебети, ҳам кредити бўйича акс эттирилади.

Бу ҳол ҳар бир операция бўйича ва мос равишда кун якунлари бўйича 27416-ҳисобварағининг автоматик равишда ёпилишига олиб келади, **яъни ҳисобварақ қолдиғи 0 тенг бўлади?** 27416-ҳисоб рақамининг 0 га ёпилиши

тижорат банклари ўртасида ҳисоб-китобларнинг муваффақиятли яқунланганлигини кўрсатади.

Ҳисоб-китоб марказидан электрон тўлов маблағ олувчи Бош банкка ўтказилади. Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича электрон тўлов Бош банкка келиб тушганда дастурий йўл билан қуйидаги ёзувлар бажарилади:

Дебет 10301 “Бош банкнинг вакиллик ҳисобварағи” Б банк

Кредит 21302 “Филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар” Б филиал

Қуйида турли типдаги бош тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қошидаги Ҳисоб-китоб маркази орқали электрон тўлов тизими ёрдамида банклараро ҳисоб-китобларни ўтказиш схемасини келтирамиз.

### **Бир банкка қаршли филиаллар ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ташкил этилиши**

Бир типдаги банклар ўртасида операциялар юзага келса, бу ҳолда Бош банкнинг ичида операциялар яқунланади. Масалан, ДАТ “Асакабанк”нинг иккита филиалининг миқдорлари бир-бирига пул ўтказишлари лозим бўлса, бу операциялар ДАТ “Асакабанк”нинг Бош банки орқали ўтказилади. Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб маркази бу операцияларда иштирок этмайди. Бир типдаги банк филиаллари ўртасидаги операциялар дебет ҳужжатлари бўйича алоҳида, кредит ҳужжатлари бўйича алоҳида бухгалтерия проводкалари орқали бажарилади.

Энг аввало, тўловчи корхона банкида миқдорнинг ҳисобварағидан пулни камайтириш бўйича бухгалтерия ёзувлари бажарилади.

Фараз қиламиз, ДАТ “Асакабанк”нинг Юнусобод филиали тўловчи корхонага хизмат кўрсатади, маҳсулот сотган корхонага эса ДАТ “Асакабанк”нинг Андижон филиали хизмат кўрсатади. ДАТ “Асакабанк”нинг Юнусобод филиалидан электрон тўлов Бош банкка жўнатилади. Бош банк электрон тўлов ҳақидаги ахборотни қабул қилиб, Юнусобод филиалининг

вакиллик ҳисобварағидан Андижон филиалининг вакиллик ҳисобварағига  
маблағларни ўтказди. Бу операция қуйидаги проводка орқали бажарилади:

Дебет 22204 ДАТ “Асакабанк”нинг Юнусобод филиали

Кредит 22204 ДАТ “Асакабанк”нинг Андижон филиали

## **VII-БОБ. БАНКЛАРДА КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ**

### **7.1.Банкларда касса операцияларини ташкил қилиш**

Тижорат банкларида касса ишини ташкил этилиши “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни, Адлия вазирлигида 2008 йил 27 июнда 1831-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома», Адлия вазирлигида 2006 йил 24 июлда 1602-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари»га асосан ташкил этилган ва юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий функцияларидан бири пул эмиссиясидир. Банкноталар ва тангалар кўринишидаги нақд пуллар мамлакат ҳудудидаги ҳисоб-китобларда чекланмаган миқдорда қабул қилинувчи ягона тўлов воситасидир.



28-расм. Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – банкноталар.

### **БАНКЛАРНИНГ КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БОШҚАРМАСИ (БЎЛИМИ) ИШINI ТАШКИЛ ЭТИШ**

Бош банкларда касса ишини назорат қилиш учун касса операциялари бошқармаси (бўлими) ташкил этилади. Касса операциялари бошқармаси (бўлими) банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган Касса операциялари

бошқармаси (бўлими) тўғрисидаги низомга асосан фаолият юритади. Бошқарма (бўлим) зиммасига низомда кўзда тутилмаган вазифаларни юклаш рухсат этилмайди.

## **КАССА ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Ҳар бир банк ва унинг филиаллари мижозларга касса хизматини кўрсатиш учун ўз таркибида таркибий бўлинма - Касса операциялари бўлими (касса)га эга бўлиши шарт.

Мижозларга касса хизматини кўрсатиш учун банклар Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига касса хизматини кўрсатиш бўйича рухсатнома бериш ҳақида пул сақлаш омборининг тўлдирилган паспорти ва тегишли ҳужжатларни Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тақдим этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳудудий Бош бошқармаси тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, уларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларига мослигини аниқлайди ҳамда жойларда касса тармоғини текширишни амалга оширади ва ўз хулосасини тайёрлаб, ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Эмиссия-касса операциялари департаментига юборади.

Пул сақлаш омборининг паспорти тўрт нусхада тайёрланиб, "Хизматда фойдаланиш учун" грифи қўйилади. Эмиссия-касса операциялари департаменти томонидан рўйхатдан ўтказилганидан сўнг, унинг бир нусхаси ёнмайдиган сейфда сақланади. Қолган уч нусхаси жойлардаги Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларига жўнатилади. Пул сақлаш омбори паспортининг биринчи нусхаси Эмиссия-касса операциялари бўлими ходимлари томонидан янги очилаётган банк филиалига, иккинчи нусхаси очилаётган банкнинг Бош банкига жўнатилади ва учинчи нусхаси

жойлардаги Эмиссия-касса операциялари бўлимининг ёнмайдиган сейфида сақланишига рухсат этилади.

Банк ва унинг филиал манзили ёки унинг номи ўзгарган тақдирда, Бош банк ва унинг филиал раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига пул сақлаш омборининг паспортини қайта рўйхатдан ўтказиш учун лозим бўлган ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш чораларини кўришлари шарт.

Паспортни рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда, Марказий банк унинг рад этиш сабабларини ёзма равишда маълум қилади.

Катта ҳажмда нақд пул тушумига эга бўлган банк филиалларида Касса операциялари бўлимини (ходимлар сони 15 кишидан ортиқ бўлганда) қимматликлар билан ишлашдан озод этилган бошлиқ бошқариши мумкин. У касса операциялари бўлимига раҳбарлик қилади ҳамда назорат ўрнатади. Касса ишининг тўғри ташкил этилиши ва банкда мавжуд бўлган барча қимматликларни тўлиқ сақлашда ҳамда мижозларга аниқ касса хизматини кўрсатиш бўйича банк раҳбари билан тенг жавобгар ҳисобланади.

Касса мудирининг томонидан банкнинг кирим, чиқим ҳамда чет эл валюталари билан боғлиқ бўлган операцияларининг бажарилиши қатъиян тақиқланади.

Бошқарма (бўлим) бошлиғи лавозимига банк тизимида камида 3 йил ишлаган ва олий иқтисодий маълумотга эга бўлган, касса мудирининг лавозимига эса банк кассасида камида 3 йиллик иш стажига эга бўлиб, олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган шахслар тайинланади.

Банк томонидан ходимнинг илгари судланмаганлиги ҳақида туман Ички ишлар бўлимларидан, яшаш жойидан ва соғлиғи ҳақидаги маълумотномалар ҳамда фотосуратлар талаб этилади. Касса ходимларининг ишга қабул қилиш банк бўйича чиқариладиган буйруқ билан расмийлаштирилади. Буйруқ

чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлиб ҳисобланади.

Кассирлик лавозимига 18 ёшга тўлган ва ундан ошган шахслар қабул қилинади. Ҳар бир кассир билан яқка тартибдаги тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади.

Кириш ва чиқим кассаси кассирлари кириш ва чиқим касса ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга бўлган бухгалтерия ходимларининг имзо намуналари билан, кириш ва чиқим касса операцияларини расмийлаштириш билан шуғулланувчи бухгалтерия ходимлари эса-кассирларнинг имзо намуналари билан таъминланган бўлишлари шарт.

Имзо намуналарини тегишли ходимларга ўз вақтида бериш ва улар ишдан бўшаган вақтларида янғисига алмаштириб, эскисини қайтариб олиш, шунингдек ушбу масала бўйича назорат ўрнатиш - банкнинг бош бухгалтери томонидан амалга оширилиб, имзо намуналари банк филиали раҳбари томонидан тасдиқланиши лозим.

Имзо намуналари ҳар йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, янғиланиб турилиши шарт.

## **7.2.Банк кассаларининг турлари**

Пул ёки бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш учун касса операциялари бўлими таркибида қуйидаги кассалар ташкил этилиши мумкин:

- кириш кассаси,
- чиқим кассаси,
- кириш-чиқим кассаси,
- майдалаб бериш кассаси,
- қатъий ҳисобда турадиган бланкаларни бериш кассаси,

- инкассастия қилинган тушумни санаш кассаси,
- кечки касса (инкассастия қилинган тушум пули жойланган халтани қабул қилиш),
- банкнинг корхона ва ташкилотлар ҳузуридаги ихтисослаштирилган кассалари.

Банкларда касса амалларининг бухгалтерия ҳисоби "Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси" ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси"даги қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

<b>10101</b>	<b>Айланма кассадаги нақд пуллар</b>
10102	Нақд пуллар захираси
10103	Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар
10107	Банкоматлардаги нақд пуллар
10109	Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари
10111	Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар
10307	Марказий банкдан олиними лозим бўлган маблағлар - Нақд пуллар
10311	Марказий банкка топширилган нақд пуллар учун олиними лозим бўлган маблағлар
10507	Бошқа банклардан олиними лозим бўлган маблағлар - Нақд пуллар
16101	Бош банк/филиаллардан олинмиган маблағлар - Нақд пуллар
17301	Транзит ҳисобварақлари
19903	Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар
19935	Қайта санаш вақтида аниқланган нақд пул бўйича камомадлар
21008	Бошқа банкларга берилиши лозим бўлган - Нақд пуллар
21307	Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар (Марказий банк)
21314	Резидент банклари томонидан топширилган нақд пул учун тўланиши лозим бўлган маблағлар (Марказий банк)

22202	Бош банк/филиалларга тўланидиган маблағлар - Нақд пуллар
29804	Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари
29816	Қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пуллар

Ушбу ҳисобварақлардан мижозларнинг депозит ва кредит ҳисобварақлари билан бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширишда фойдаланилади.

### **7.3.Кирим касса операциялари бўйича ҳужжатлар айланиши, ҳисоби ва назорати.**

Мижозлардан нақд пуллар уларнинг банк ҳисобварақларига кириш қилиш учун 001-шаклдаги нақд пул қўйиш эълонлари бўйича бошқа турдаги бир марталик тўловларни қабул қилиш эса 008-шаклдаги кириш касса ордери орқали 004-шаклдаги квитанцияни бериш билан амалга оширилади

001-шаклдаги нақд пул қўйиш эълони 3 қисмдан - нақд пул қўйиш эълони, квитанция ва ордердан иборат. Нақд пул қўйиш эълони кунлик касса ҳужжатларига тикилади, квитанция нақд пулни топширган миждозларга, ордерлар эса - бухгалтерия ходимларига берилади.

Банк ходимларидан нақд пул қабул қилиб олинганда, квитанция ўрнига кириш касса ордерларининг кассир томонидан имзоланган ва кириш кассаси кассирининг муҳри қўйилган нусхалари берилади.

Агар миждоз пулни банк кассасига бир неча ҳисобварақлар бўйича бир неча кириш ҳужжатлари асосида топширса, бу ҳолда кассир пулни ҳар бир ҳужжат бўйича алоҳида қабул қилиб олади.

Кассирнинг столи устида пул қўювчидан қабул қилиб олинаётган пулдан бошқа ҳеч қандай пул бўлмаслиги керак. Кассир томонидан илгари қабул қилиб олинган барча пуллар стол тортмаларида, металл шкафларда ёки сейфларда сақланиши шарт.


Кириш кассаси кассирининг иш жойи шундай жиҳозланиши керакки, унда миждозга пулнинг қайта саналаётганлигини кузатиб туриш имкони яратилган бўлсин.

Бундай ҳолларда касса журналларидаги ёзувлар ўчирилиб, кириш ҳужжатлари йўқ қилинади ва 004-шаклдаги квитанция бухгалтерия ходимларига қайтарилиб, улар томонидан квитанция дафтарчаларининг муқовасига ёпиштириб қўйилади.

Мижозлардан қабул қилинган нақд пуллар банк айланма кассасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилиниши лозим:

**а) Ҳисоб рақамни тўлдириш учун:**

29-расм




**б) агар кредитни қайтариш учун нақд пуллар топширилган бўлса:**

30-расм



**в) агар олинган кредитлар бўйича фоизлар тўлови нақд пулда амалга оширилган бўлса:**



#### **7.4. Чиқим касса операциялари бўйича ҳужжатлар айланиши, ҳисоби ва назорати**

**Банк кассасидан нақд пул бериш қуйидаги тартибда амалга оширилади:**

а) хўжалик юритувчи субъектларга белгиланган шаклдаги пул чеклари бўйича;

б) банкдан кредит олган жисмоний шахсларга, қарз олувчиларга, пенсионерларга чиқим касса ордерлари бўйича берилади. Банкларнинг бошқарув аппарати эҳтиёжлари ва бошқа сарф-харажатлар учун бериладиган пулларни чиқим қилиш ҳам айнан шу тартибда амалга оширилади;

в) омонатчиларга омонатлар бўйича фоизлар тўлаш ҳамда омонатни қайтариш омонат кассалари орқали талаблари бўйича.

Банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда чиқим амаллари бажарилганда, автомат тарзда шакллантирилиб чоп этиладиган слип чиқим касса ордерларига тенглаштирилади. Кун охирида банк кассасидаги терминал орқали жисмоний шахсларнинг банк пластик карталаридан чиқим қилинган нақд пуллар умумий суммасига чиқим касса ордери расмийлаштирилади. Бунда, банк пластик карталари орқали бажарилган ҳар бир амаллар суммаси қайд қилинган ахборотлар тасмасига киритилиши лозим.

Пенсияни белгилаган органнинг топшириқномасига асосан пенсия ва нафақаларни бериш амалга ошириладиган ҳолларда чиқим касса ордери ёзиб берилади ва у топшириқнома билан бирга кунлик касса ҳужжатларига тикилади.

Банкнинг пул сақлаш омбори очилганидан сўнг, касса мудир, филиал бошқарувчиси ва бош бухгалтер иштирокида айланма кассадаги нақд пул қолдиқлари қайта саналади.

Хўжалик юритувчи субъект вакили нақд пул олиш учун банк бухгалтерияси (фронт офиси)нинг ушбу миждозга хизмат кўрсатувчи ходимига пул чеклари ва бошқа ҳужжатларни тақдим этади. Улар ушбу ҳужжатларни текшириб бўлгач, миждозларга кассага тақдим этишлари учун пул чекининг назорат маркасини ёки чиқим ордерининг йиртма талонини берадилар.

Чиқим ҳужжатлари алоҳида ҳолларда бухгалтерия (фронт офис) ходимлари томонидан маълумотларни киритиш варағи (касса журналы)га имзо қўйдирилган ҳолда кассага топширилади. Чиқим ҳужжатларини пул олаётган шахс томонидан кассага топширилиши қатъиян тақиқланади.

**Кассир чиқим ҳужжати (пул чеки, касса ордери ва бошқалар)ни олганидан сўнг қуйидагиларни бажариши шарт:**

- а) пул олувчини чиқим ҳужжатиининг рақами бўйича чақириши;
- б) кассага тақдим этилувчи назорат маркаси ёки йиртма талоннинг рақамини чиқим ҳужжатидаги рақам билан таққослаши ва назорат маркасини ёки йиртма талонни тегишли чек ёки ордерга ёпиштириб қўйиши;
- в) банкнинг пул беришни ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларининг имзолари борлигини ва ушбу имзолар мавжуд намуналар билан бир хиллигини текшириши;
- г) ҳужжатда рақам ва сўз билан ёзилган суммалар ўзаро мос келишини текшириши;
- д) ҳужжатда пул олувчининг шахсий имзоси борлигини ва банк масъул ходимларининг имзоси қўйилганлигини текшириши;
- е) пул олувчининг шахсини тасдиқловчи паспорт ёки гувоҳномаси (гувоҳнома фақат Мудофаа вазирлиги, Ички Ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ўз хизматчиларига берилган бўлса) борлигини текшириши;

ж) мижознинг шахсини тасдиқловчи паспорт ёки гувоҳномасидаги маълумотларни чекдаги маълумотлар билан солиштириши;


з) ҳужжатда кўрсатилган пул суммасини тайёрлайди, пул олувчидан у қанча пул олаётганлигини сўрайди, тайёрланган пул суммасини яна бир бор чиқим ҳужжатлари билан таққослаб, уни пул олувчига берганидан сўнг, чиқим ҳужжатларига имзо қўйиши лозим.

Кассирнинг столи устида беришга тайёрлаб қўйилган пулдан ташқари бошқа ҳеч қандай пул бўлмаслиги керак.

Кассирлар мижозларга пул бераётган вақтда, уларнинг талабига биноан, бир қийматдаги пулларни бошқа қийматдаги пулларга алмаштириб бериш тақиқланади.

Банк кассасидан берилган пулни олган шахс, касса ёнидан кетмай туриб олинган умумий суммани ҳужжатда кўрсатилган сумма билан таққослаши, уни боғламлар ва дасталар бўйича текшириши, даста тўлмаган алоҳида пулларни эса шу пулни берган кассирнинг кузатуви остида бирма-бир қайта санаб кўриш орқали қабул қилиб олиши лозим.

32-расм



## **7.5.Кечки кассаларнинг фаолияти, пул тушумларини инкассация қилиш тартиби ва ҳисоби.**

Банк амалиёт куни тугаганидан сўнг инкассация хизмати ходимларидан нақд пул ва бошқа қимматликлар солинган халта (қоп)ларни қабул қилиш мақсадида банкларда кечки кассалар ташкил этилади. Кечки кассада инкассация халта (қоп)ларини қабул қилиб олиш касса ва бухгалтерия ходимлари ҳисобидан тайинланган кечки касса кассири ва назоратчи-бухгалтери томонидан амалга оширилади.

Кечки кассанинг назоратчи бухгалтери қайта санаш кассасида ишлаши, шунингдек қайта санаш кассасининг назоратчиси эса, кечки касса ходимларининг вазифасини бажариши қатъиян тақиқланади.

### **Кассир нақд пул солинган халта (қоп)ларни қабул қилиб олиш вақтида қуйидагиларни:**

а) пул солинган халта (қоп)ларда бирон-бир ташқи шикастланиш ва бошқа нуқсонлар (ямоқлар, ташқи чоклар, йиртилган жойлар, қисилмаган ва шикастланган пломбалар, тизимчаларнинг узилган ёки тугилган жойлари ва хоказолар) бор-йўқлигини;

б) пломбирлар изининг аниқлиги ва тасдиқланган намуналарига мос келишини;

в) инкассаторлар топшираётган халталарнинг рақамлари юк хатларида кўрсатилган рақамларига мос келишини;

г) танга солинган қопларнинг сони, шунингдек қабул қилинаётган тушумнинг умумий суммаси, юк хатларида кўрсатилган суммага мос келишини текширади.

### **Кейинги кун эрталаб кечки кассанинг кассири ва назоратчи-бухгалтери қуйидагиларни:**

а) пул тушуми солиниб инкассация қилинган халталар ва уларга берилган юк хатлари, шунингдек бўш халталар қайта санаш кассасига белгиланган тартибда топширадilar;

б) махсус кассаларнинг нақд пул солинган қоп (халта)лари ва уларга берилган юк хатлари касса мудирига маълумотноманинг ҳар иккала нусхасига имзо қўйдирган ҳолда топширади.

Касса мудирини махсус кассаларнинг нақд пул солинган қоп (халта)ларини кечки кассанинг кассири ва назоратчи-бухгалтери иштирокида очади ҳамда пулларни боғламлар ва дасталар бўйича, тўлиқ бўлмаган дасталарни бирма-бир санаш йўли билан, тангани эса - қопларга бириктирилган ёрликлар бўйича текширади.

Халталардаги суммалар илова қайдномаларида кўрсатилган суммаларга мос келмаган тақдирда, кассир назоратчи билан бирга санаб бўлинган пулларни илова қайдномасининг орқа томонидаги купюралар рўйхати билан солиштириб кўриши, назоратчи эса, суммаси мос келмаган ўша қийматдаги пулларни қайта санаб кўриши шарт.

Камомад, ортиқча, (тўловга яроқсиз, қалбаки) пуллар тасдиқланган тақдирда, кассир томонидан илова қайдномасининг олд томонидаги далолатнома тўлдирилади ҳамда халтанинг юк хатига кассир ва назоратчи, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг вакили, агар у пул тушумини қайта санаш вақтида иштирок этган бўлса, имзолайдилар.

**Пул ва чекларнинг камомад суммаси 1000 сўмдан юқори бўлса, назоратчи - касса мудирини, миждозни ва банк раҳбарини хабардор қилади.**

Инкассаторлар томонидан миждозлардан йиғиб келинган пул маблағлари солинган инкассатор қоплари банкларнинг кечки кассаларига белгиланган тартибда қабул қилинади. Ушбу пул маблағлари солинган инкассаторлик қоплари кейинги иш куни эрталаб қайта санаш кассасига топширилади. Кечки касса томонидан юк хати асосида тайёрланган кирим рўйхатининг

биринчи нусхаси қайта санаш кассасига ва иккинчи нусхаси банк бухгалтериясига топширилади ҳамда бухгалтерия ушбу кирим рўйхати асосида қуйидаги ўтказмаларни амалга оширади:

**Банк миждозлари:**

а) -Инкассаторлар орқали йиғиб келинган инкассаторлик қопларидаги нақд пул ва ҳисоб-китоб чеклари бўйича маблағлар шу банк миждозига тегишли бўлса:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
А	ДТ	19903 000 4 12345678 001	"Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар"	1 000 000
П	КТ	20208 000 5 12345678 001	"Мижоз депозит ҳисобварағи"	

-Инкассаторлар орқали йиғиб келинган инкассаторлик қопларидаги нақд пул тўғри чиқса кассага кирим қилинади:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
А	ДТ	10101 000 4 00000059 001	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	1 000 000
А	КТ	19903 000 4 12345678 001	"Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар"	

**б)-Камомад**

Инкассаторлар орқали йиғиб келинган инкассаторлик қопларидаги нақд пул ва ҳисоб-китоб чеклари и маблағлар шу банк миждозига тегишли бўлса:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
А	ДТ	19903	"Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар"	1 100 000
П	КТ	20208,2018	"Мижоз депозит ҳисобварағи"	

-Агар қайта санаш кассасида нақд пул маблағлари камомад чиққанлиги аниқланса, белгиланган тартибда далолатнома тузилиб, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
А	ДТ	19935	"Қайта санаш вақтида аниқланган нақд пул бўйича камомадлар"	2 000
А	ДТ	19903	"Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар"	

-Банкнинг қайта санаш кассасида аниқланган камомад суммаси ушбу банк мижозига тегишли бўлса ва у мижознинг ҳисобварағидан шартномада келишилган шартларга биноан ундириб олинганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
П	ДТ	20208-20218	"Мижознинг депозит ҳисобварағи"	2 000
А	КТ	19935	"Қайта санаш вақтида аниқланган нақд пул бўйича камомадлар"	

-Инкассаторлар орқали йиғиб келинган инкассаторлик қопларидаги нақд пул кам чиққан сумма айрилиб чиқарилади ва қолган сумма кирим қилинади:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
А	ДТ	10101	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	1 098 000
А	КТ	19903	"Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар"	

#### в)-Ортиқча

Инкассаторлар орқали йиғиб келинган инкассаторлик қопларидаги нақд пул ва ҳисоб-китоб чеклари бўйича маблағлар шу банк мижозига тегишли бўлса:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
А	ДТ	19903	"Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар"	1 200 00
П	КТ	20208,2018	"Мижоз депозит ҳисобварағи"	

-Агар қайта санаш кассасида қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пул маблағлари аниқланса, белгиланган тартибда далолатнома тузилиб, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
А	ДТ	10101	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	3 000
П	КТ	29816	"Қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пуллар"	

-Банкнинг қайта санаш кассасида аниқланган ортиқча нақд пул маблағлари ушбу банк миқозига тегишли бўлса, у миқознинг ҳисобварағига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
П	ДТ	29816	"Қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пуллар"	3 000
П	КТ	20208 20218	"Мижоз депозит ҳисобварағи"	

-Инкассаторлар орқали йиғиб келинган инкассаторлик қопларидаги нақд пул суммаси кирим қилинади:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
А	ДТ	10101	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	1 200 000
А	КТ	19903	"Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар"	

## Бошқа банк миждозлари

а)-инкассаторлар орқали йиғиб келинган инкассаторлик қопларидаги нақд пул ва ҳисоб-китоб чеклари бўйича маблағлар бошқа банк ёки банкнинг бошқа филиали миждозига тегишли бўлса:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
А	ДТ	19903	"Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар"	4 000 000
П	КТ	29804	"Бошқа банк миждозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари"	

-Қайта санаш кассасида инкассаторлик қопларидаги пул маблағлари белгиланган тартибда санаб бўлингандан кейин, нақд пул маблағлари банк айланбма кассасига кирим қилинади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
А	ДТ	10101	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	4 000 000
А	КТ	19903	"Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар"	

-Бошқа миждозларни пул маблағлари тўғри чиқса, ҳисоб рақамларига ўтказиб беради.

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
П	ДТ	29804	"Бошқа банк миждозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари"	4 000 000
П	КТ	20208	"Миждознинг асосий депозит ҳисобварағи"	

## Камомад

б)-Инкассаторлар орқали йиғиб келинган инкассаторлик қопларидаги нақд пул ва ҳисоб-китоб чеклари бўйича маблағлар шу банк мијозига тегишли бўлса:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
А	Дт	19903	"Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар"	5 000 000
П	Кт	29804	"Бошқа банк мијозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари"	

-Агар қайта санаш кассасида нақд пул маблағлари камомад чиққанлиги аниқланса, белгиланган тартибда далолатнома тузилиб, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
А	Дт	19935	"Қайта санаш вақтида аниқланган нақд пул бўйича камомадлар"	5 000
А	Кт	19903	"Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар"	

-Банкнинг қайта санаш кассасида аниқланган камомад суммаси ушбу банк мијозига тегишли бўлса ва у мијознинг ҳисобварағидан шартномада келишилган шартларга биноан ундириб олинганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
П	Дт	29804	"Бошқа банк мијозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари"	5 000
А	Кт	19935	"Қайта санаш вақтида аниқланган нақд пул бўйича камомадлар"	

-Инкассаторлар орқали йиғиб келинган инкассаторлик қопларидаги нақд пул кам чиққан сумма айрилиб чиқарилади ва қолган сумма кирим қилинади:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
А	Дт	10101	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	4 950 000
А	Кт	19903	"Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар"	

- Бошқа банк мижозларига тегишли бўлган нақд пул бўйича маблағлар қайта санаш кассасида санаб бўлингандан кейин, электрон мемориал ордер шакллантирилиб, вакиллик ҳисобварағидан шу куннинг ўзида, электрон тўлов тизими орқали, уларнинг ҳисобварақларига ўтказиб берилади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
П	Дт	29804	"Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари"	4 950 000
П	Кт	20208	"Мижознинг асосий депозит ҳисобварағи"	

### Ортиқча

в)-Инкассаторлар орқали йиғиб келинган инкассаторлик қопларидаги нақд пул ва ҳисоб-китоб чеклари бўйича маблағлар шу банк мижозига тегишли бўлса:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
А	Дт	19903	"Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар"	7 000 000
П	Кт	29804	"Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари"	

-Агар қайта санаш кассасида қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пул маблағлари аниқланса, белгиланган тартибда далолатнома тузилиб, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
А	ДТ	10101	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	7 000
П	КТ	29816	"Қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пуллар"	

-Банкнинг қайта санаш кассасида аниқланган ортиқча нақд пул маблағлари ушбу банк миջозига тегишли бўлса, у миջознинг ҳисобварағига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кириш қилинади:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
П	ДТ	29816	"Қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пуллар"	7 000
П	КТ	29804	"Бошқа банк миջозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари"	

-Инкассаторлар орқали йиғиб келинган инкассаторлик қопларидаги нақд пул суммаси кириш қилинади:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
А	ДТ	10101	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	7 000 000
А	КТ	19903	"Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар"	

-Банкнинг қайта санаш кассасида аниқланган ортиқча нақд пул маблағлари бошқа банк миջозининг 29804-"Бошқа банк миջозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари" ҳисобварағига шартномада келишилган ҳолларда ўтказиб берилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

А/П	Д/К	Счёт номери	Счёт мазмуни	Сумма
П	ДТ	29816	"Қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пуллар"	7 000

<b>П</b>	Кт	29804	"Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари"	
----------	----	-------	--	--

-Маблағ олувчининг банкига электрон тўлов тизими орқали маблағ келиб тушганда, дастурий йўл билан, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

<b>А/П</b>	<b>Д/К</b>	<b>Счёт номери</b>	<b>Счёт мазмуни</b>	<b>Сумма</b>
<b>П</b>	Дт	29804	"Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари"	7 007 000
<b>П</b>	Кт	20208	"Мижознинг асосий депозит ҳисобварағи"	

Агар банк томонидан 29804 - "Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари" ҳисобварағидан мемориал ордер билан бошқа банк мижозларининг асосий депозит ҳисобварағига ёки акцизли товарлар сотувидан пул тушумлари суммаси ўтказилганда, ҳар бир акциз товар тури бўйича савдо тушуми суммасини алоҳида мемориал ордер орқали ўтказилиши шарт.

Пул маблағлари банк айланма кассасига электрон тўлов тизими ёпилгандан кейин кирим қилинган бўлса, бошқа банкдаги мижозларнинг ҳисобварағига пул маблағлари кейинги иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда ўтказиб берилади.

## 7.6.Йўлдаги пулларни ҳисобга олиш

Тижорат банк Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲҚКМларидан нақд пул олиш учун ҳудудий Бош бошқармалари томонидан мадад пули бериш тўғрисидаги фармойишга асосан тегишли бухгалтерия ўтказмаси орқали ҳудудий Бош бошқармаларнинг Ҳисоб-китоб касса марказларига маблағ жўнатадилар.

1 .Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲҚКМларига мадад пули олиш учун маблағ келиб тушганда, дастурий йўл билан, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади: Ушбу бух-я проводкаси иккови банкда бир хил кўринади

Дт	10307	"Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар (ипотеканинг счёти)	А	Ипотека	10 000 000
Кт	21 307	"Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар" (марказий банкнинг счёти)	П	Марказ банк	

а) Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари 21307-сонли ҳисоб рақамига мадад пули учун келиб тушган нақдсиз пул учун Ипотекага нақд пул жўнатилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт	10109	"Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари"	А	Марказ банк	10 000 000
Кт	10101	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	А	Марказ банк	

б) Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲҚКМларига банкдан мадад пулини олганлиги тўғрисида тасдиқнома келганда, электрон шаклда келиб тушган мадад пулини йўлдаги пул билан ёпилади.

Дт	21307	"Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар"	П	Марказ банк	10000 000
Кт	10109	"Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари"	А	Марказ банк	

в) Ипотека банкга ХККМдан Марказий банк ҳудудий Бош бошқармалари фармойишига асосан мадад пули келтирилганда.

Дт	10101	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	А	Ипотека	10 000 000
Кт	10307	"Марказий банкдан олиниси лозим бўлган маблағлар	А	Ипотека	

**2.Тижорат банк филиаллари Марказий банк ҳудудий Бош бошқармалари фармойишига асосан бошқа тижорат банк филиалидан мадад пули олганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:**

Дт	10507	"Бошқа банклардан олиниси лозим бўлган маблағлар - Нақд пуллар"	А	Ипотека	5000000
Кт	21008	"Бошқа банкларга берилиши лозим бўлган - Нақд пуллар"	П	Хамкор	

а) Ипотека банкга мадад пули олиб келинса:

Дт	10101	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	А	Ипотека	5 000 000
Кт	10507	"Бошқа банклардан олиниси лозим бўлган маблағлар - Нақд пуллар"	А	Ипотека	

б) Ҳамкорбанкга мадад пули олиш учун келиб тушган электрон пул маблағига нисбатан нақд пулини йўлдаги пул деб бериб юборада:

Дт	10109	"Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов хужжатлари"	А	Хамкор	5 000 000
Кт	10101	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	А	Хамкор	

в) Ҳамкорбанкга мадад пули олиш учун келиб тушган электрон пул маблағи счётини йўлдаги пул маблағи счёти билан ёпади:

Дт	21008	"Бошқа банкларга берилиши лозим бўлган - Нақд пуллар"	П	Хамкор	5000 000
Кт	10109	"Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари"	А	Хамкор	

## 7.7. Захирадаги нақд пулларни ҳисобган олиш

Захирадаги нақд пулларни ҳисобган олиш;

а) Мижозлардан кун давомида қабул қилинган нақд пуллар банк айланма кассасига турли мақсадларда кирим қилинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилиниши лозим:

Дт	10101	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	А	хамкор банк	100 000 000
Кт	20208, 20218	"Мижоз депозит ҳисобварағи"	П	хамкор банк	

б) Банк айланма кассасидан мижозларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, хизмат сафари харажатларини, нафақа ва ёрдам пули, моддий ёрдам пуллари, дивидендлар ҳамда бошқа қонунчиликда таъқиқланмаган нақд пул тўловларини чиқим қилинди:

Дт	20208, 20218, 23402, 23403, 23404, 20214, 20206, 20606	"Мижозларнинг депозит ҳисобварақлари"	П	Хамкор банк	90 000 000
Кт	10101	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	А	Хамкор банк	
(100 000 000-90 000 000)= 10 000 000 айланма кассадаги қолдиқ					

в) Айланма кассада ўрнатилган лимит миқдори(5 000 000) дан ортиқча нақд пуллар суммаси банкнинг 10102 - "Нақд пуллар захираси" ҳисобварағига кирим қилинади.

Дт	17301	"Транзит ҳисобварақлари"	А	Хамкор	5 000 000
Кт	10101	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	А	Хамкор	

б) 10102 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ҳисобварағига нақд пуллар кирим қилинганда:

Дт	10102	"Нақд пуллар захираси"	А	Хамкор	5 000 000
Кт	17301	"Транзит ҳисобварақлари"	А	Хамкор	

в) Банклар ҳар куни иш бошлашдан олдин ўз мижозларидан ёзма равишда тушган касса буюртманомаларидан келиб чиқиб, 10101-"Айланма кассадаги нақд пуллар" ҳисобварағидаги маблағ етарли ёки етарли эмаслигини аниқлайди. Агар маблағ етарли бўлмаса, у ҳолда 10102 - "Нақд пуллар захираси" ҳисобварағидан айланма кассага маблағ чиқарилади ва бир пайтнинг ўзида қуйидаги иккита бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилиши лозим:

Дт	17301	"Транзит ҳисобварақлари"	А	Хамкор	5 000 000
Кт	10102	"Нақд пуллар захираси"	А	Хамкор	

Захирадан олиб чиққан нақд пулларни 10101-сонли айланмага кассага кирим қилинганда:

Дт	10101	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	А	Хамкор	5 000 000
Кт	17301	"Транзит ҳисобварақлари"	А	Хамкор	

**Касса операцияларини ўрганишдан олдин қуйидаги атамаларни билишимиз зарур:**

**банкнотлар** - Марказий банк томонидан турли номиналдаги нақд қоғоз пуллар шаклида муомалага чиқарилган пуллар;

**валюта қимматликлари** - нақд чет эл валютаси, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ва соф қуйма олтин;

**инкассация хизмати** - банк мижозларининг кунлик нақд пул тушумларини инкассо қилиш, банк (банк филиали)нинг қимматликларини ташиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг мурожаатларига кўра тарафлар ўртасида тузилган шартномага асосан уларнинг махсус юкларини ташиш билан боғлиқ бўлган хизмат;

**инкассация пункти** - бозор ва савдо мажмуалари ҳудудларида фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кунлик нақд пул

тушумлари солиниб, пломбаланган инкассация халталарини топширадиган махсус жой (хона);

**слип** - банк пластик картасидан фойдаланган ҳолда операция ўтказилганлигини тасдиқловчи ва ўзида операция суммаси, тури, санаси, шунингдек банк пластик картасини ҳамда ушбу слипни шакллантирган терминални идентификация қилиш имконини берувчи ахборотларни акс эттирувчи терминал квитанцияси;

**айланма касса** - нақд пул ва бошқа қимматликларни қабул қилиб олиш, уларни бошқа қимматликлардан алоҳида сақлаш ҳамда чиқим қилиш учун ташкил этилган касса;

**нақд пул захираси** - банк мижозларининг нақд пулга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида махсус ташкил этилган захира;

**кечки касса** - иш куни тугагандан сўнг инкассация хизматидан нақд пуллар ва бошқа қимматликлар солинган халталарни қабул қилиб олувчи банк кассаси;

**қайта санаш кассаси** - банк амалиёт куни давомида қабул қилинган ҳамда кечки касса томонидан қабул қилиб олинган инкассация халталаридаги нақд пул ва бошқа қимматликларни қайта санаб, саралаш ҳамда уларни тоифаларга ажратиш ва ўраб-боғлашни амалга оширувчи банк кассаси;

**кирим кассаси** - банк амалиёт куни давомида банк мижозларидан нақд пулларни қабул қилиб олувчи банк кассаси;

**чиқим кассаси** - банк амалиёт куни давомида банк мижозларига нақд пулларни беришни амалга оширувчи банк кассаси;

**сайёр касса** - касса тармоғидан (узелидан) ташқарида банкнинг махсус жиҳозланган автомашинаси ёрдамида касса операцияларини амалга оширувчи банк кассаси.;

**махсус касса** - йирик нақд пул тушумига эга бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида пул тушумларини қабул қилиш учун ташкил этиладиган банк кассалари;

**банкомат** - миждозлар томонидан банкнинг пластик карталари орқали ўзига ўзи хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган электрон-механик қурилма;

**касса ҳужжатлари** - қимматликларни қабул қилиш ва беришни амалга ошириш ва расмийлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилувчи пул ҳужжатлари (кирим касса ордери, чиқим касса ордери, нақд пулларни қўйиш ҳақидаги эълон, пул чеки, илова қайдномалари, юк хатлари, тўлов қайдномалари ва бошқалар);

**касса операциялари** - қимматликларни қабул қилиш ва миждозларга бериш, қайта санаш, саралаш, майдалаш, айирбошлаш ва ўраб-боғлаш.

## **VIII. БОБ. КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ.**

### **8.1. Қисқа ва узоқ муддатли кредитлаш операциялари ҳисобининг.**

**Кредит бу-** вақтинча ўз эгалари қўлида бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга **олиш ва қайтариб бериш** юзасидан келиб чиққан муносабатлардир.

Кредит муносабати икки субъект ўртасида юзага келади, бири пул эгаси, яъни қарз берувчи, иккинчиси пулга муҳтож, яъни қарз олувчи. Қарз берувчи қарздорга айланиши ва бунинг акси ҳам юз беради. Шу билан бирга, бирор субъект бир вақтнинг ўзида ҳам қарз берувчи, ҳам бошқалардан қарз олувчи бўлиши мумкин. Масалан, банк пул эгаси билан қарз олувчи ўртасида воситачи, айни вақтда, унинг ўзи бўш пулни қарзга олади, сўнгра уни бошқаларга кредит кўринишида беради. Кредит субъектлари ҳар хил бўлиб, буларга турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган давлат, банк, корхона, ташкилот, юридик мақомга эга бўлмаган хусусий тадбиркорлар ва турли тоифадаги аҳоли киради.

Кредитнинг бир қанча шакллари мавжуд бўлиб, улардан бири банк кредитидир. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунида “Пул маблағларини жалб қилиш ҳамда уларни қайтаришлик, тўловлилик ва муддатлилик шартлари асосида ўз номидан жойлаштириш учун тузилган муассаса банкдир” деб қайд этилган.

Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари пулни унинг мижозларига фоиз тўлаш шарти билан ўз қўлида жамлайди ва ўз номидан қарзга бериб, фоиз олади. Бунда уч субъект, яъни пул эгаси, кредит ташкилоти ва қарз олувчи ўртасидаги кредит муносабати пайдо бўлади.

Воситачилар орасида тижорат банклари марказий бўғин ҳисобланади, чунки тижорат банкларининг асосий операцияларидан бири иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжларини кредитлашдир.

Ҳозирги кунда ҳар бир тижорат банки ўзининг кредит сиёсатини ишлаб чиқиб, кредит муносабатларини ушбу сиёсат орқали юритади. Марказий банк эса кредитлаш бўйича умумий кўрсатмалар беради.

Банк томонидан бериладиган кредитлар муддатига кўра **қисқа ва узок** муддатли бўлиши мумкин.

Қисқа муддатли кредитларнинг ҳам ҳар хил турлари мавжуд, улар бири-биридан кредит бериш шартлари, таъминот тури, қоплаш муддатлари билан фарқ қилади. Қисқа муддатли кредитлаш операцияларининг ҳисобини юритиш учун тижорат банкларининг ҳисобварақлар режасида бир қанча асосий ҳисобварақлар очилган. Кредитлар муддати, қарздорлар ва кредитнинг мақоми бўйича таснифланади. Кредитлар муддати бўйича қисқа ва узок муддатли кредитларга таснифланади.

Қисқа муддатли кредитлар кредит берилган санадан **бир йилгача муддатга** берилган кредитлардир. Узок муддатли кредитлар кредит **бир йилдан ортиқ муддатга** берилган кредитлардир. Кредитлар мақоми бўйича қуйидагича таснифланади. Муддати ўтган кредитлар – банк ва мижоз ўртасида тузилган кредит шартномасига кўра ўз вақтида қайтарилмаган кредитлар. Бу тоифадаги кредитлар муддатсиз ҳисобланиб, имконияти бўлиши билан ундириб олинади.

Шартлари қайта кўриб чиқилган кредитлар – ўзаро қайта кўриб чиқилган ёки қайта тузилган шартномаларга асосан муддати, янги фоиз ставкаси ёки таъминланганлик ҳолатига қўшимча талаблар ва шу каби бошқа шартларнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган кредитлардир.

Муддати ўтган кредитлар бўйича фоизлар кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисоб рақамида ҳисобга олиб борилади ва қарздор кредитни қайтараётганда фоизлар ҳам бирга ундириб олинади.

Ушбу ҳисоб рақамлар бошқа банкларга ва мижозларга берилган кредитлар суммасига дебетланади. Банк томонидан берилган кредитлар қайтарилганда ёки муайян кредитнинг мақоми ўзгариши муносабати билан бошқа турга ўтказилаётганда ва ушбу кредитлар бўйича кўрилган зарар қопланаётганда тегишли кредит ҳисоб рақамлари кредитланади.

Берилган кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар учун захиралар банкнинг харажатлари ҳисобидан яратилади. Ушбу захиралар қарздорнинг молиявий ҳолатини, берилган кредитнинг таъминланганлиги ва қайтмаслик рискларини баҳолаш натижасида яратилади.

<b>ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>	
12100	Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли кредитлар
12300	Ҳукуматга берилган қисқа муддатли кредитлар
12400	Бюджет ташкилотларига берилган қисқа муддатли кредитлар
12500	Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар
12600	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар
12700	Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган қисқа муддатли кредитлар
12900	Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар
13000	Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган қисқа муддатли кредитлар
13100	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар
13200	Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган қисқа муддатли кредитлар
13300	Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун берилган қисқа муддатли кредитлар
<b>УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>	
14300	Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун берилган узоқ муддатли кредитлар
14500	Бошқа банкларга берилган узоқ муддатли кредитлар
14700	Ҳукуматга берилган узоқ муддатли кредитлар
14800	Бюджет ташкилотларига берилган узоқ муддатли кредитлар
14900	Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар
15000	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли кредитлар
15100	Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган узоқ муддатли кредитлар
15200	Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган узоқ муддатли кредитлар
15300	Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган узоқ муддатли кредитлар

15400	Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган узоқ муддатли кредитлар
15500	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитлар

**“Кредитлар мақсади ёки қайси соҳага йўналтирилиши”**

33-расм



расм.Кредит мақсади ёки қайси соҳаси бўйича туркумланиши.

## “Банк кредитлари ишлатилиши соҳаси бўйича туркумланиши”

34-расм




расм. Банк кредитлари ишлатилиши соҳаси бўйича туркумланиши.

Инфляция шароитида тижорат банклари амалиётида савдо ва спекулятив (чайқовчилик) операцияларини молиялаштиришга йўналтирилган ссудалар аксарият қисми ташкил этади.

## “Ҳажми бўйича кредитларни туркумланиши”

35-расм




расм. Ҳажми бўйича кредитлар бўйича туркумланиши.

Лекин халқаро амалиётда бу кредитларни белги бўйича ягона ўлчов (мезон)и йўқ. ХВФ, еТТБнинг нуқтаи назаридан 10000 АҚШ долларигача бўлган суммадаги кредитлар кичик кредитларга киради.

Қайтариш муддати бўйича кредитлар талаб қилингунча ва муддатли бўлади. **“Муддатли бўйича кредитларни туркумланиши”**

36-расм




расм. Қайтариш муддати бўйича кредитларни туркумланиши.

Ссудаларни бу мезон бўйича турли мамлакатларда фарқланади. Аксарият банклар асосан қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредит бериш билан шуғулланади.

## “Таъминланганлиги бўйича кредитларни туркумланиши”

37-расм



расм. Таъминланиши бўйича туркумланиши.


**Фоиз ставкаларининг турлари бўйича банк кредитларини 2 гуруҳга фоиз ставкаларидаги кредитлар бўлиш мумкин:**

38-расм



расм. Фоиз ставкаларининг турлари бўйича туркумланиши.

**“Кредит қайси валютада берилишига қараб туркумланиши”**



расм.Кредит қайси валютада берилишига

**“Кредитлар сони бўйича кредитлар қуйидаги гуруҳларга бўлиниши мумкин”**



расм. Кредитлар сони бўйича туркумланиши

## 8.2.Кредит операциялари бўйича синтетик ва аналитик ҳисобнинг юритилиши

Кредит операциялари бўйича синтетик ва аналитик ҳисоби қуйидаги счётлада олиб борилади. Тижорат банклар томонидан турли хилдаги кредитларни бериш Адлия вазирлигидан 2004 йил 17-декабрь куни 1435-сонли “Тижорат банкларида кредитларни бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги тартибга асосан амалга оширилади.

<b>12100</b>	<b>БОШҚА БАНКЛАРГА БЕРИЛГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
12101	Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли кредитлар
12105	Бошқа банкларга берилган муддати ўтган кредитлар
12109	Бошқа банкларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар
12199	Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контраktiv)
<b>12300</b>	<b>ҲУКУМАТГА БЕРИЛГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
12301	Ҳукуматга берилган қисқа муддатли кредитлар
12305	Ҳукуматга берилган муддати ўтган кредитлар
12309	Ҳукуматга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар
12399	Ҳукуматга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контраktiv)
<b>12400</b>	<b>БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИГА БЕРИЛГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
12401	Бюджет ташкилотларига берилган қисқа муддатли кредитлар
12405	Бюджет ташкилотларига берилган муддати ўтган кредитлар
12409	Бюджет ташкилотларига берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар
12499	Бюджет ташкилотларига берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси

<b>12500</b>	<b>ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА БЕРИЛГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
12501	Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар
12503	Жисмоний шахсларга пластик карточкалар орқали берилган қисқа муддатли кредитлар
12505	Жисмоний шахсларга берилган муддати ўтган кредитлар
12509	Жисмоний шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар
12599	Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контрактив)
<b>12600</b>	<b>ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРГА БЕРИЛГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
12601	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар
12605	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган муддати ўтган кредитлар
12609	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар
12699	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контрактив)
<b>12700</b>	<b>ДАВЛАТ КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАРИГА БЕРИЛГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
12701	Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган қисқа муддатли кредитлар
12705	Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган муддати ўтган кредитлар
12709	Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар
12799	Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контрактив)
<b>12900</b>	<b>ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРГА БЕРИЛГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
12901	Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар
12905	Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган муддати ўтган кредитлар
12909	Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар

12999	Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контрактив)
<b>13000</b>	<b>НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА БЕРИЛГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
13001	Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган қисқа муддатли кредитлар
13005	Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган муддати ўтган кредитлар
13009	Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар
13099	Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контрактив)
<b>13100</b>	<b>ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР, ХЎЖАЛИК ШИРКАТЛАРИ ВА ЖАМИЯТЛАРГА БЕРИЛГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
13101	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар
13105	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган муддати ўтган кредитлар
13109	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар
13199	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контрактив)
<b>13200</b>	<b>БАНК БЎЛМАГАН МОЛИЯВИЙ МУАССАСАЛАРГА БЕРИЛГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
13201	Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган қисқа муддатли кредитлар
13205	Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган муддати ўтган кредитлар
13209	Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар
13299	Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контрактив)
<b>13300</b>	<b>ДАВЛАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ХАРИД ҚИЛИНАДИГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ УЧУН БЕРИЛГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
13301	Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғаллани етиштириш учун берилган қисқа муддатли кредитлар

13305	Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун берилган муддати ўтган кредитлар
13309	Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғаллани етиштириш учун берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар
13399	Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контраktiv)
<b>14300</b>	<b>ДАВЛАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ХАРИД ҚИЛИНАДИГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ УЧУН БЕРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
14301	Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёсини етиштириш учун берилган узоқ муддатли кредитлар
14305	Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёсини етиштириш учун берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар
14399	Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контраktiv)
<b>14500</b>	<b>БОШҚА БАНКЛАРГА БЕРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
14501	Бошқа банкларга берилган узоқ муддатли кредитлар
14505	Бошқа банкларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар
14599	Бошқа банкларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контраktiv)
<b>14700</b>	<b>ҲУКУМАТГА БЕРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
14701	Ҳукуматга берилган узоқ муддатли кредитлар
14705	Ҳукуматга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар
14799	Ҳукуматга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контраktiv)
<b>14800</b>	<b>БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИГА БЕРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
14801	Бюджет ташкилотларига берилган узоқ муддатли кредитлар
14809	Бюджет ташкилотларига берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар

14899	Бюджет ташкилотларига берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси
<b>14900</b>	<b>ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА БЕРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
14901	Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар
14905	Жисмоний шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар
14999	Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контраktiv)
<b>15000</b>	<b>ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРГА БЕРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
15001	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли кредитлар
15005	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар
15099	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контраktiv)
<b>15100</b>	<b>ДАВЛАТ КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАРИГА БЕРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
15101	Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган узоқ муддатли кредитлар
15105	Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар
15199	Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контраktiv)
<b>15200</b>	<b>НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА БЕРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
15201	Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган узоқ муддатли кредитлар
15205	Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар
15299	Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контраktiv)
<b>15300</b>	<b>ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРГА БЕРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
15301	Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган узоқ муддатли кредитлар

15305	Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар
15399	Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контрактив)
<b>15400</b>	<b>БАНК БЎЛМАГАН МОЛИЯВИЙ МУАССАСАЛАРГА БЕРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
15401	Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган узоқ муддатли кредитлар
15405	Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар
15499	Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контрактив)
<b>15500</b>	<b>ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР, ХЎЖАЛИК ШИРКАТЛАРИ ВА ЖАМИЯТЛАРГА БЕРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
15501	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитлар
15505	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар
15599	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контрактив)

### **8.3. Ссуда ҳисоб варақаларини очиш тартиби**

Кредит бериш ва қайтариш операциялари ссуда ҳисобварағларида акс эттирилади. Агар харид қилинган товарнинг ҳақини дарҳол тўлаш лозим бўлса, лекин бунинг учун фирманинг хусусий маблағи етмаса, бундай ҳолларда фирмада бир марталик қарз маблағларига эҳтиёж пайдо бўлди, дейишади. Бу эҳтиёжни қондириш учун “кредит йўли очилмаган” ссуда ҳисобварағидан фойдаланилади. Бундай ҳисобварақдан кредит бериш бир марталик ссуда бериш йўли билан амалга оширилади. Бундай ссуданинг ҳар бири бўйича банк алоҳида қарор қабул қилади. Бу шуни билдирадики, агар келгусида яна кредит зарур бўлса, корхона раҳбарияти банк талаб қилган ҳужжатларнинг янги тўпламини тўлиқ ишлаб чиқиши, худди биринчи кредит олинганидек музокаралар олиб бориши ва барча юридик расмийлаштириш ишлари бажарилиши лозим.

Шунинг учун кредит ресурсларига эҳтиёж узоқ муддатли ва такрорланувчан эканлиги олдиндан таҳлил қилинса, “кредит линияси очиб” кредит бериш тўғрисида шартнома тузиш қулайроқ бўлади ва арзонроқ тушади. Кредит линияси – корхона билан банк ўртасида белгиланган суммада заём (қарз)лар туркумини бериш тўғрисида тузилган келишувдир.

Кредит йўлини очишда банк томонидан кредитлаш лимити белгиланади. Шу лимит доирасида кредит беришда банк билан қўшимча музокаралар олиб бориш талаб қилинмайди. Кредит тармоғини очилиши шуни билдирадики, корхонага етказиб берилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун банк кредит суммаси доирасида корхонанинг ҳисобкитоб ҳужжатлари бўйича пул тўлайди. Шу билан бирга, банк пулни ҳужжатлар

топширилган куни тўлашга мажбур. Кредит ўз вақтида берилмаганлиги ва мижознинг товар етказиб берувчилар билан ҳисобкитобни кечикиб амалга оширилганлиги учун банк жавобгар ҳисобланади.

Қисқа муддатли кредит олиш учун алоҳида кредит очиш линиясини очиш шарт эмас. Банк билан унинг мижози ўртасида махсус битим тузилиб, шу битимга асосан мижозга унинг ҳисобкитоб варағида қолган маблағдан ортиқ суммадаги тўловларни амалга оширишга рухсат этилади. Қисқа муддатли кредитнинг бундай тури овердрафт дейилади. Шартномада овердрафт қарзнинг энг катта суммаси, кредит бериш шартлари: кредитни қоплаш тартиби, фоиз даражаси белгиланади. Овердрафтда мижознинг ҳисоб китоб варағига келиб тушадиган барча сумма кредитни қоплашга йўналтирилади. Шунинг учун кредит ҳажми маблағ келиб тушган сари ўзгариб туради, ана шуниси билан овердрафт кредитнинг бошқа турларидан фарқланади. Овердрафт қисқа муддатли кредитлаш қоидаларида кўзда тутилганига қарамай, республика банклари тажрибасида овердрафтни контокоррентдан бошқа исталган кредит турига қайта расмийлаштириш ҳуқуқи қўлланилмоқда.

Контокоррент ҳисобварағи корxonанинг барча операцияларини бирга жамлашга имкон беради. Контокоррент ҳисобварағи мижознинг банкдаги кредит ҳисобкитоб хизматини амалга ошириш учун мўлжалланган ягона ҳисобварағи бўлиб, барча операциялар шу ҳисобварақ бўйича бажарилади. У кредит ва депозит ҳисобварағи аломатларини ўз ичига жамлаган. Контокоррент ҳисобварақда бир томондан тушумлар акс эттирилади, иккинчи томондан унда кредитлар ва тўловлар қайд қилинади. Натижада дебет салдо (қарз) ҳам, кредит салдо (маблағнинг мавжудлиги) ҳам вужудга келиши мумкин. Контокоррент ҳисобварағи очилганда қарз олувчи корxonанинг ҳисобкитоб варағи ёпилади. Банк контокоррент ҳисобварақ бўйича кредитлаш лимити ссуданинг чегаравий миқдорини белгилайди. Шу лимит суммасига банкнинг кафолат мажбурияти расмийлаштирилади, унинг шакли худди кредит линияси очишдагидек бўлади.

Ушбу кредит маблағларини фақат корхонанинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган товарлар ва хизматларга сарфлаш мумкин. Бошқа барча тўловлар (умумий хўжалик харажатлари, иш ҳақи ва ҳоказо) фақат контокоррент қўлланилмайди. Кредитнинг бу тури чет эл тажрибасида чеклар ва кредит карточкалари билан ҳисобкитоб қилишда кенг қўлланилади.

Банк миждози учун шу ҳол ҳам муҳимки, қисқа муддатли кредитлашни ташкил қилиш қоидаларига мувофиқ, миждоз ўз ҳисобварағида кредит салдоси бўлишини таъминлаш лозим. Қарз олувчининг банкда депозит ҳисобварағи бўлган тақдирдагина қарздорликни сақлашга йўл қўйилади, лекин унинг салмоғи депозит, ҳисобварағидаги маблағ суммасидан ошмаслиги керак. Агар банкда миждознинг депозит маблағлари бўлмаса, ой охирида ҳисобкитоб варағида қарз пайдо бўлса, қарзнинг миқдори қандай бўлишидан қатъий назар, кредит қоплангунга қадар банк кредит беришни тугатиши лозим. Демак, агар ҳисобот оyi охирида миждознинг ҳисобкитоб варағида қарз пайдо бўлган бўлса, навбатдаги ойбошида овердрафт доирасида фирма тўловларни тўлашга умид қилиши мумкин эмас ва аксинча, кредитни қоплаш учун маблағ излашга тайёр туриш лозим.

Контокоррент ҳисобварақда бир томондан тушумлар акс эттирилади, иккинчи томондан ссудалар ва тўловлар қайд қилинади. Натижада дебет салдо, яъни қарз ҳам, кредит салдо, яъни маблағларнинг мавжудлиги ҳам вужудга келиши мумкин.

Контокоррент ҳисобварағи очилган қарз олувчи корхонанинг ҳисоб китоб варағи ёпилади. Банк контокоррент ҳисобварағи бўйича кредитлаш лимити ссуданинг чегаравий миқдорини белгилайди. Шу лимит суммасига банкнинг кафолат мажбурияти расмийлаштирилади.

Контокоррент ҳисобварақ бўйича фоизлар дебет қолдиғи бўйича ҳам, кредит қолдиғи бўйича ҳам, яъни банк фойдасига ҳам, қарздор фойдасига ҳам ёзилади, Дебет қолдиғи (қарз) бўйича миждоз банкга кредит шартномасига кўра фоизларни тўлайди. Кредит қолдиғи (маблағнинг

мавжудлиги) бўйича банк қарздорга ҳисобкитоб шартномасига мувофиқ фоизларни тўлайди.

Контокоррент ҳисобварақнинг амал қилиш муддати бир йилдан ошмаслиги керак. Ўн икки ой ўтгандан сўнг қарздор ҳисобвараққа маблағ тушишини таъминлаши лозим. Агар белгиланган муддат охиригача ҳисобварақда салбий салдо сақланиб қолса, кредит тўлиқ қоплангунча кредит бериш тўхтатиб қўйилади.

#### **8.4.Кредит линияларини очиб ва очмасдан алоҳида ссуда ҳисобварақларидан кредит бериш ва қайтариш операцияларининг ҳисоби**

Кредит олиш учун банкда ҳар бир кредит бўйича алоҳида ссуда ҳисобварағи очилади. Мижоз кредит олиш учун банкга белгиланган тартибда ҳужжатлар пакетини расмийлаштириб топширади. Кредит комиссиясининг қарорига кўра кредит бериш лозим деб топилса, банк ва кредит олувчи ўртасида кредит шартномаси тузилади. Кредит шартномасида кредитнинг нима мақсадда олиниши, муддати, суммаси, қайтарилиш тартиби, кредит учун тўловлар, томонларнинг мажбуриятлари, жавобгарлиги, бошқа шартлар кўрсатилади.

#### **Таълим кредити:**

Таълим кредитлари Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларида тўлов-контракт шакли бўйича ўқиш учун тўловни амалга ошириш мақсадида ЎзР миллий валютасида берилади.

Кредит бўйича фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки қайта молиялаштириш ставкасига тенг.

Таълим кредити қарз олувчининг яшаш манзили бўйича берилади.

#### **Гаров сифатида банк қуйидагиларни кўриб чиқади:**

1. Мол-мулк гарови

2. Банкнинг гарови
3. Учинчи шахснинг кафиллиги

**Талабномани кўриб чиқиш учун зарур ҳужжатлар:**

1. Қарз олувчи талабанинг паспорти
2. Яшаш жойидан маълумотнома
3. СТИР ўзлаштирилганлиги ҳақида ДСИ дан маълумотнома нусхаси
4. ЎзРнинг ОЎЮ билан тузилган ўқиш учун контракт (ҳисобварақ-фактураси билан бирга)
5. Кредит таъминланганлигини исботловчи ҳужжат
6. Талаба Ш.Юнусовага банк томонидан 2013 йил 5 сентябр куни таълим кредитни бери:

Дт	А	14901	Жисмоний шахсларга берилган узок муддатли кредитлар	7 600 000
Кт	П	23402	Ягона ғазна счёти ёки олий таълим муассасасини счёти	

**Берилган таълим кредитига нисбатан фоиз ҳисобланса:**

Дт	А	16309	Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар	100 000
Кт	П	44301	Жисмоний шахсларга берилган узок муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар	

**Ҳисобланган фоиз тўланса:**

Дт	П	20206	Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари	100 000
Кт	А	16309	Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар	

**Кредит тани тўланса:**

Дт	П	20206	Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари	7 600 000
Кт	А	14901	Жисмоний шахсларга берилган узок муддатли кредитлар	

**Истеъмол кредити**

Истеъмол кредити фуқароларнинг истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол моллари (иш, хизмат)ни сотиб олиш учун ЎЗР миллий валютасида берилади.

**Кредит маблағлари эвазига қуйидагиларни амалга ошириш мумкин:**

1. Мебел, интерьер буюмлари, маиший техника;
2. Автотранспорт воситалари;
3. Қурилиш моллари, қурилиш хизматлари;
4. Авиабилетлар, санаторий ва саёҳат йўлланмалари;
5. Даволаниш;
6. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги томонидан таъқиқланмаган бошқа барча мақсадлар.

**Кредитлаш шартлари:**

1. Муддати 3 йилгача
2. Кредит суммаси қарз олувчининг даромадига боғлиқ
3. Фоиз ставкаси 18% дан 22%гача, қарз олувчининг бадал миқдорига боғлиқ
4. Қарз олувчининг дастлабки бадал пули
5. Кредит бериш комиссияси – ОИМ икки миқдоргача, кредит суммасига қараб.

Истеъмол кредити Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол маҳсулотлари (хизматларини) сотадиган ишлаб чиқарувчининг ёки ташкилотнинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.

Молиявий истеъмол кредити нақд пул кўринишида берилмайди.

**Гаров сифатида банк қуйидагиларни кўриб чиқади:**

1. Мол-мулк гарови (автотранспорт, одам турмайдиган фонд)
2. Банкнинг гарови

### 3. Учинчи шахснинг кафиллиги

#### Аризани кўриб чиқиш учун зарур ҳужжатлар:

1. Қарз олувчининг паспорти
2. Қарз олувчининг даромади ҳақида маълумотномашаш жойидан маълумотнома
3. СТИР ўзлаштирилгани ҳақида ДСИдан маълумотнома нусхаси
4. Махсулот/хизмат сотиб олиш учун шартнома

#### Ипотека кредити

#### Ипотека кредити қуйидагилар учун берилади:

1. Қонун билан ўрнатилган тартибда, қуриш норма ва қоидалар асосида якка тартибдаги тураржой ва намунали лойиҳалар қуриш ва тиклаш учун;
2. Якка тартибдаги турар-жой ёки кўп қаватли уйларда турар-жой сотиб олиш учун.

#### Кредитлаш шартлари:

Кредит суммаси ва муддати қарз олувчининг даромадига, қурилаётган/сотиб олинаётган тура-жойнинг бозор нархида, муайян лойиҳа, бўйича кредит рискига боғлиқ.

Кредит фоизи: Банк кредит қўмитасининг қарорига асосан

1. Қарз олувчининг дастлабки бадал пули: қурилаётган/сотиб олинаётган тураржойнинг 25% дан 50% гача
2. Кредит суммаси қурилаётган/сотиб олинаётган тураржойнинг 75% дан ошмаслиги керак;

**Ипотека кредитлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида берилади.**

**Истеъмол кредити кредитини берилиши:**

2015 йил 15 март куни фуқаро К.Носировга истемол кредити берилди:

Дт	А	12501	Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар	10 000 000
Кт	П	20208	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари	

Берилган истемол кредитига нисбатан фоиз ҳисобланса:

Дт	А	16309	Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар	500 000
Кт	П	42001	Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар	

Ҳисобланган фоиз тўланса:

Дт	П	29801	Мижозлар билан ҳисоб-китоблар	500 000
Кт	А	16309	Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар	

Кредит тани тўланса:

Дт	П	29801	Мижозлар билан ҳисоб-китоблар	10 000 000
Кт	А	12501	Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар	

**Якка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахсларга тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун микрокредитлар**

“Ипак Йўли” банки Осиё тараққиёт банки ва КфВ Германия тараққиёт банки каби Халқаро молия институтлар билан бирга, шунингдек ўзининг шахсий маблағлари ҳисобига кичик ва микромолиялаштириш дастурларини амалга оширади.

Кредитлар, Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган, 6 ойдан кам бўлмаган муддатда фаолият юритаётган **якка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахсларга берилади**

Кредитлаш шартлари:

**Кредит валютаси: Миллий валюта – Сўм**

<b>Берилиш тури:</b>	Нақдсиз кўринишда, мол йетказиб берувчи ёки ишлаб чиқарувчи хисобрақамига пул ўтказиш йўли билан
<b>Кредит суммаси:</b>	Енг кам иш ҳақининг 1000 баробаригача
<b>Фоиз ставкаси:</b>	йиллик 22%
<b>Кредит муддати:</b>	Айланма маблағларини ошириш учун - 18 ойгача Асосий воситалар сотиб олиш учун - 36 ойгача
<b>Кредитнинг қайтарилиши:</b>	Аннуитет формуласига асосан ҳар ой бир хил миқдорда, асосий тани ва фоизи бирга сўндирилади

### **Кредитлар қуйидаги мақсадларга берилади**

1. Айланма маблағларни ошириш;
2. Мини асбоб-ускуналар сотиб олиш;
3. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш;
4. Хом ашё ва материалларга бирламчи ишлов бериш.

### **Гаров таъминоти:**

Мол-мулк гарови (кўчадиган ва кўчмас мулк). Гаров шакли Ўзбекистон Республикаси “Гаров ҳақида” ва “Ипотека ҳақида”ги қонунларига тўғри келадиган гаров шакли мулк, нарса ва мулк ҳуқуқи (талабномалар) бўлиши мумкин.

1. Тижорат банклари ёки суғурта компанияларининг кафолати;
2. Учинчи шахс кафиллиги;
3. Олинган кредитнинг қайтмаслиги таваккалчилигини банк фойдасига суғурталаш ҳақида суғурта полиси
4. Заргарлик буюмлари;
5. Қонунда кўзда тутилган бошқа таъминотлар

### **Кредит олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар:**

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун:

1. Ариза берувчининг паспорти;

2. Якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан белгиланган тартибда ўтганлиги хақида гувоҳнома;
3. Бизнес-режа;
4. Кредит таъминоти бўйича хужжатлар;
5. Якка тартибдаги тадбиркорда фаолиятни амалга ошириш учун моддий-техник асоснинг мавжудлигини тасдиқловчи хужжатлар (ижара шартномаси/бино кадастри);
6. Хисобрақамдаги ҳаракатлар, ссуда қарзлари ва Картотека- 2 да қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги хақида банкдан (ариза берувчининг асосий ҳисоб рақами бўйича) маълумотнома;
7. Ссуда маблағлар ҳисобидан тўлаш шартномалари;
8. Зарурият юзасидан банк қўшимча хужжатларни талаб қилиши мумкин.

Юридик шахслар учун:

1. Юридик шахснинг давлат рўйхатидан белгиланган тартибда ўтганлиги хақида гувоҳнома;
2. Таъсисчи(лар) томонидан кредит олишга розилигини тасдиқловчи хужжатлар;
3. Ариза берувчининг таъсисчилик хужжатлари;
4. Бизнес-режа;
5. Ссуда маблағлар ҳисобидан тўлаш шартномалари;
6. Кредит шартномасига кредит олувчи номидан шахсга имзо қўйиш ҳуқуқини берувчи хужжатлар, агар шахс қарз олувчининг вакили бўлса, унда имзолар нусхаси мавжуд карточка;
7. Юридик шахсда тадбиркорлик фаолиятни амалга ошириш учун моддий-техник асоснинг мавжудлигини тасдиқловчи хужжатлар (ижара шартномаси/бино кадастри);
8. Қарз олувчининг тақдим қилган тегишли давлат солиқ инспекциясига охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш

далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида хисобот (2-сон шакл), янги ташкил етилган юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил етмаган холда фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари бундан мустасно;

9. Хисобрақамдаги ҳаракатлар, ссуда қарзлари ва Картотека- 2 да қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида банкдан (ариза берувчининг асосий ҳисоб рақами бўйича) маълумотнома;

10.Кредит таъминоти бўйича ҳужжатлар;

11.Зарурият юзасидан банк қўшимча ҳужжатларни талаб қилиши мумкин.

### Кредитни сўндириш тартиби

Масалан:

Қуйида кредитни сўндириш жадвали кўрсатилган.

Кредит миқдори – 10 000 000 сўм.

Кредит муддати – 12 ой.

Фоиз ставкаси – йиллик 22%.

Ой	Миқдори
1	936 864,00 (асосий тани + %)
2	936 864,00 (асосий тани + %)
3	936 864,00 (асосий тани + %)
4	936 864,00 (асосий тани + %)
5	936 864,00 (асосий тани + %)
6	936 864,00 (асосий тани + %)
7	936 864,00 (асосий тани + %)
8	936 864,00 (асосий тани + %)

9	936 864,00 (асосий тани + %)
10	936 864,00 (асосий тани + %)
11	936 864,00 (асосий тани + %)
12	936 864,00 (асосий тани + %)
Жами	11 242

### Қисқа муддатли кредитлар

**Қисқа муддатли кредитлар** – юридик шахслар ва юридикни шахсни ташкил қилмаган хусусий тадбиркорларга миллий ва чет эл валютасида 1 йилгача бўлган муддатга тақдим этиладиган кредитлар. «Ипак Йўли» Банки белгиланган тартибда қуйидаги мақсадларга қисқа муддатли кредитларни тақдим этади:

**Айланма капитални тўлдириш учун йўналтирилган кредитлар.** Ишлаб чиқариш заҳираларини бошқа товар-материал қимматликларни жамғариш, ишлаб-чиқариш, маъмурий ва бошқа харажатларни амалга ошириш билан боғлиқ кредитлар. Бунда кредитнинг ушбу тури мавжуд товар-материал заҳиралари ва ишлаб чиқариш харажатлари, компенсация тартибида, қарздор учун сотиб олинаётган қимматликлар учун берилади. Кредит миллий валютада ҳам чет эл валютасида берилиши мумкин. Банк чет эл валютасидаги кредитни фақат кредитланаётган корхона валюта бўйича ўзини қоплай олгандагина (экспорт даромад) берилади. Қисқа муддатли кредитлар кредит линиясини очиш ёки кредит линиясини очмаган шаклда берилиши мумкин.

### **Айланма капитални тўлдиришга йўналтирилган қисқа муддатли кредитларнинг асосий шартлари:**

Кредит суммаси: Қарздорнинг молиявий аҳволи, бизнеснинг ҳажми

(хисобварақ бўйича айланмалар)га боғлиқ.	
Кредит муддати:	12 ойгача
Фоиз ставкаси:	Миллий валютада йиллик 14% дан 22% гача Чет эл валютасида йиллик 10% дан 15% гача
Кредитнинг асосий қарзини сўндириш:	Қарздорнинг молиявий –хўжалик фаолияти хусусиятларига мувофиқ, ҳар ой тенг тўловлар ёки шахсий жадвал белгиланади.
Фоизларни сўндириш	Ҳар ой. Фоизлар кредит бўйича қарз қолдиғига ҳисобланади.
Муддатидан аввал сўндириш	Рухсат берилади. Муддатидан аввал сўндирилгани учун жарима ва воситачилик ҳақлари тўланмайди.
Бир марталик воситачилик ҳақлари:	Лойиҳани ишлаб чиқиш учун воситачилик ҳақи кредитлаш шартлари бўйича белгиланади. Кредит линиясининг фойдаланилмаган қисми учун воситачилик ҳақи кредитлаш шартлари бўйича белгиланади.
Кредитнинг таъминоти:	Қарздорга ёки учинчи шахслар: юридик ва жисмоний шахсларга тегишли мулк гаров бўлиши мумкин: Кўчмас мулк; Автотранспорт; Депозит; Махсустехника; Ускуна; Бошқа ликвид мулк; Учинчи шахсларнинг кафил

### Узоқ муддатли кредитлар

**Узоқ муддатли кредитлар** - юридик шахслар ва юридикни шахсни ташкил қилмаган хусусий тадбиркорларга миллий ва чет эл валютасида лойиҳанинг қопланиш муддатидан келиб чиқиб 1 йилдан кўп бўлган

муддатга тақдим этиладиган кредитлар. «Ипак Йўли» Банки белгиланган тартибда қуйидаги мақсадларга қисқа муддатли кредитларни тақдим этади:

**Асосий капитални молиялашга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар (асосий воситалар).** Кредитнинг ушбу тури асосий восита сотиб олиш, мавжуд ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ёки янги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, қайта техник қуролланиш, қайта қуриш ва ишлаётган корхоналарни кенгайтириш, бино ва иншоотларни сотиб олиш учун берилади. Кредит миллий валютада ҳам чет эл валютасида берилиши мумкин. Банк чет эл валютасидаги кредитни фақат кредитланаётган корхона валюта бўйича ўзини қоплай олгандагина (экспорт даромад) берилади.

**Асосий капитални молиялашга йўналтирилган узоқ муддатли кредитларнинг асосий шартлари:**

Кредит суммаси:	Қарздорнинг молиявий аҳволи, бизнеснинг ҳажми (ҳисобварақ бўйича айланмалар)га боғлиқ.
Кредит муддати:	Лойиҳага қараб 1 йилдан кўп
Фоиз ставкаси:	Миллий валютада йиллик 14% дан 22% гача Чет эл валютасида йиллик 10% дан 15% гача
Кредитнинг асосий қарзини сўндириш:	Қарздорнинг молиявий –хўжалик фаолияти хусусиятларига мувофиқ, ҳар ой тенг тўловлар ёки шахсий жадвал белгиланади.
Фоизларни сўндириш	Ҳар ой. Фоизлар кредит бўйича қарз қолдиғига ҳисобланади.
Муддатидан аввал сўндириш	Рухсат берилади. Муддатидан аввал сўндирилгани учун жарима ва воситачилик ҳақлари тўланмайди.
Бир марталик воситачилик ҳақлари:	Лойиҳани ишлаб чиқиш учун воситачилик ҳақи кредитлаш шаклининг шартлари бўйича белгиланади.
Кредитнинг таъминоти:	Қарздорга ёки учинчи шахслар: юридик ва жисмоний шахсларга тегишли мулк гаров бўлиши мумкин:

	Кўчмас мулк; Автотранспорт; Депозит; Махсустехника; Ускуна; Бошқа ликвид мулк; Учинчи шахсларнинг кафиллиги.
--	--

**Қурилиш, қайта қуриш ва капитал ремонтга йўналтирилган кредитлар.** . Кредитнинг ушбу тури ишлаб чиқриш бинолари, офис бинолари, омборхона бинолари, шунингдек кўп қаватли яшаш уй жойларини қуриш, қайта қуриш ва капитал ремонт қилиш учун тақдим этилади. Кредит миллий валютада тақдим этилади.

АИТБ «Ипак Йўли»да мавжуд хорижий кредит линиялари орқали  
 лойиҳаларни молиялаштириш шартлари ҳақида маълумот

### ХТУ кредит линияси. 3-ФАЗА

Кредит линиясининг молиялаштириш йўналишлари	Мақсадга мувофиқ лойиҳалар: қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (мева, сабзавот ва узум) етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш, сотиш, жумладан:  Асбоб ускуналар;  Дастгоҳлар;  Бошқа технологик ечимлар;  Мева сабзавот етиштириш бўйича консалтинг хизматлари;  Юқорида келтирилган йўналишларни ривожлантиришга қаратилган айланма капитал (Қора мол сотиб олиш, асаларичилик, паррандачилик, ва чорвачилик билан боғлиқ лойиҳалар молиялаштирилмайди)
Кредит муддати	Кредит муддати – асосий воситалар сотиб олиш учун 10 йилгача:

	<p>Айланма капитал учун – 18 ойгача;</p> <p>Имтиёзли давр – асосий воситалар сотиб олишга 36 ой, айланма капиталга 9 ой.</p>
Кредит миқдори чекловлари	<p>Кредит миқдори асосий воситалар сотиб олишга 2.000.000 АҚШ Долларигача.</p> <p>айланма капитал учун 300.000 АҚШ Долларигача. Сўм эквивалентида молиялаштириш ҳам мумкин.</p>
Кредит фоиз ставкаси	<p>АҚШ доллараридаги кредитлар – 7%;</p> <p>Миллий валютадаги кредитлар - 10%;</p>
Тўловлар тартиби	<p>Аккредитив – импорт шартномасининг 100% миқдорига (Тўловлар қуйидагича амалга оширилади: 90% ускуналар йўлга ортилгандан кейин, 10% ускуналар ўрнатилгандан кейин</p> <p>Банк кафолати тақдим этилган ҳолатда импорт шартноманинг 20-30% миқдорида аванс тўлови амалга оширилиши мумкин, шартноманинг қолган қисмига аккредитив очилади.</p>
Комиссиялар	<p>Кредит кўриб чиқилгани учун бир мартталик комиссия – Кредит миқдоридан 5%;</p> <p>Мажбурият тўлови – Ўзлаштирилмаган маблағ миқдоридан 3%.</p>
Қўшимча комиссиялар	<p>Гаров таъминотини ўзгартирганлик учун – 500 ш.б. (кредит валютаси)</p>
Корхонанинг лойиҳадаги минимал улуши	<p>Лойиҳа умумий қийматининг 20%</p>
Кредит таъминоти	<p>Кредит миқдорининг 125%</p>
Кредит берилишидаги чекланмалар	<p>Молиялаштириш мумкин бўлган вилоятлар:</p> <p>Андижон вилояти</p> <p>Наманган вилояти</p> <p>Қашқадарё вилояти</p>

	<p>Самарқанд вилояти</p> <p>Жиззах вилояти</p> <p>Тошкент вилояти</p> <p>Фарғона вилояти</p> <p>Хоразм вилояти</p> <p>Қорақалпоғистон республикаси</p> <p>Қўшимча: корхоналар маъмурий марказларда рўйхатдан ўтган бўлсада, ишлаб чиқариш ҳудуди юқоридаги вилоятларнинг маъмурий марказлари ташқарисида бўлиши шарт (маъмурий марказлардаги саноат ҳудудлари бундан мустасно).</p>
Сотиб олиш талаблари	Қиймати 1 млн. АҚШ Долларидан юқори бўлган лойиҳалар ХТТБ талабилари асосида тендер орқали харид қилиниши лозим.
Тўловлар даврийлиги	Ярим йиллик тўловлар (15 март ва 15 сентябр)

**“СОММЕРЗБАНК АГ” кредит линияси (Германия)**

Кредит линиясининг молиялаштириш йўналишлари	Германиядан ускуна ва дастгоҳлар ва йўлдош хизматлар сотиб олиш шартномаларини қисман молиялаштириш (Кредит миқдори 2 млн. евродан юқори бўлса, Жанубий Корея, Австрия, Швеция, Швейцария, АҚШ, Голландия, Франция, Финландия ва Белгия давлатларидан ҳам ускуналарни харид қилиш мумкин)
Кредит муддати	Кредит муддати –7 йилгача (кредит миқдorigа боғлиқ), Имтиёзли давр – Ускуналар ишга туширилганидан кейин 6 ой
Кредит миқдорининг чекловлари	Кредитнинг энг кам миқдори - 500 000 евро
Тўловлар тартиби бўйича маълумот	Кредит олувчининг ўз маблағлари ҳисобидан импорт шартномаси қийматининг 15%дан кам бўлмаган миқдорда олдиндан (аванс) тўлов амалга оширилади. Импорт шартномасининг қолган 85% Сомерзбанк АГ томонидан тасдиқланмаган аккредитив орқали

	молиялаштирилади, шундан: 80% ускуналар йулга ортилгандан кейин, 5% ускуналар ўрнатилгандан кейин.
Кредит ажратиш жараёнида тўланадиган комиссиялар	Кредит кўриб чиқилгани учун бир мартталик комиссия – Кредит миқдоридан 5%; Мажбурият тўлови – ўзлаштирилмаган маблағ миқдоридан 3%.
Қўшимча харажатлар	Эйлер Гермес суғурта қопламаси тўлови, кредит миқдоридан, бир мартталик ~8%
Кредит фоиз ставкаси	10% ва ундан юқори, Соммерзбанк АГ ва Ипак Йўли маржаси, ва Эйлер Гермес суғурта қопламасини ҳисобга олган ҳолда
Корхонанинг лойиҳадаги минимал улуши	Кредит олувчининг ўз маблағлари ҳисобидан шартнома қийматининг камида 15% миқдоридаги биринчи тўлов ва/ёки олдиндан тўлов (аванс)
Кредит таъминоти	Кредит миқдорининг 125%
Тўловлар даврийлиги	Ярим йиллик тўловлар

Кредит бўлимнинг фармойишига кўра, ҳисоб операцион бўлимида кредит олувчи корхонага ссуда ҳисобварағи очилади. Қайси турдаги хўжалик юритувчи субъектлигига қараб тегишли баланс ҳисобварағи бўйича кредит ҳисобварағи очилади. Масалан: жисмоний шахсларга 12500, юридик мақомга эга бўлмаган якка тадбиркорларга кредит бериш учун 12600 баланс ҳисобварағи бўйича ссуда ҳисобварағи очилади. Давлат корхоналарига кредит беришда эса 12700 баланс ҳисобварағи очилади. Кредит ҳисобварағи ҳам 20 та разряддан иборат бўлиб, унинг ичида кредит олмоқчи бўлган корхонанинг хос рақами бўлиши лозим. Масалан, мижозга берилган уникал хос рақам 04952452 бўлса сўмда берилган кредитни ҳисобга олиш учун қарз олувчи давлат корхонаси эканлигини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги ҳисобварақ очилади.

**12701000K04952452001**

Бу ҳисобварақда банк томонидан давлат корхоналарига берилган қисқа муддатли кредитларнинг ҳисоби юритилади. Ҳисоб рақамининг дебитида давлат корхоналарига берилган ссудалар суммаси акс эттирилади. Ҳисоб рақамининг кредитида эса қарздорлар томонидан қайтарилган ссудаларнинг суммаси акс эттирилади. Бу ҳисобварақ бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир қарздор ва кредитларнинг турлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

Худди шундай тартибда бошқа мулкчилик шаклларига тегишли бўлган, қарз олмақчи бўлган хўжалик юритувчи субъектларга ссуда ҳисобварақлари очилади ва улар бўйича кредит бериш ва қайтариб олиш бўйича операциялар бажарилади.

Корхона ва ташкилотларга ёки алоҳида олинган жисмоний шахсларга ссуда ҳисобварағи очилгандан сўнг улар бўйича кредитнинг берилиши ва қайтарилиши бўйича операцияларни амалга ошириш мумкин. Ҳар бир кредит берилиши кредит комиссиясининг фармойиши асосида амалга оширилади, яъни кредит бўлими томонидан ҳисобоперацион бўлимга миқдорга ссуда ҳисобварағи очиш ва кредит бериш тўғрисидаги ёзма фармойиши берилади. Масъул ижрочилар фармойишда кўрсатилган реквизитлар асосида ҳисобкитоб ҳужжатларини тўлаш орқали кредит бериш бўйича бухгалтерия проводкаларини бажарадилар.

Қуйида биз хусусий корхоналарга кредит бериш бўйича бухгалтерия проводкаларни кўриб чиқамиз. Хусусий корхоналарга хўжалик ширкатлари ва жамиятларга қисқа муддатли кредит бериш учун 13100 – “Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар” номли баланс ҳисоб рақами очилади. Бу ҳисоб рақам бир қатор субҳисоб рақамларни ўз ичига олади.

Кредит берилаётганда корхонанинг ҳисоб-китоб ҳужжати тўланаётган бўлса, пул ўтказилиши лозим бўлган мол сотувчи ёки хизмат кўрсатган корхона ҳисобварағига ўтказилади. Пул туширилиши лозим бўлган корхонага бошқа банк бўлими хизмат кўрсаца, кредит суммаси кредит

бераётган банкнинг вакиллик ҳисобварағи орқали тегишли банкга ўтказилади.

Кредит берилаётганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси бажарилади:

Дебет 13101 – “Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар”

Кредит 10301 – “Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки маҳсулот сотувчи корхона ҳисобварағи”

13101 – ҳисоб рақамида банк томонидан хусусий фирмалар, ширкатлар ва жамоа хўжалиги ва шу каби хусусий мулкчилик шаклига эга бўлган корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитларнинг ҳисоби юритилади. Бу ҳисоб рақам бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир қарздор ва кредит турлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

Кредит олувчи ва банк ўртасида тузилган кредит шартномасига биноан кредитни қайтариш муддатлари белгиланади. Кредитнинг қайтариш муддати тугагандан сўнг ссуда қайтариш бўйича бухгалтерия проводкалари бажарилади. Кредитни қайтариш бўйича бухгалтерия проводкалари қуйидагича кўринишда бўлади.

Дебет 20208 **Ҳисобварақ номини мустақил ёзинг.**

Кредит 13101 **Ҳисобварақ номини мустақил ёзинг.**

Бу бухгалтерия проводкаси агар миқдорнинг талаб қилинганча сақланадиган депозит бўйича ҳисобварағида кредитни қайтариш учун етарли пул маблағлари бўлган ҳолда бажарилади. Агар қарздорнинг ҳисобварағида ссудани қайтариш учун маблағи йўқ бўлса, ссуда суммаси 13101 – “Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган муддати ўтган кредитлар” ҳисобварағига ўтказилади.

Бу операция бўйича қуйидаги бухгалтерия проводкаси амалга оширилади.

Дебет 13105 “Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган муддати ўтган кредитлар”

Кредит 13101 “Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар” .

Қайтариш муддати келганда тўланмаган ва шундан сўнг 90 кун ўтгандан сўнг ҳам қайтиб келмаган ссудалар 13109 “Хусусий корхона ва нодавлат корпорасияларига берилган қисқа муддатли шартлари қайта кўриб чиқиладиган кредитлар” баланс ҳисобварағига ўтказилади.

**Корхона ҳисобварағига пул келиб тушгандан сўнг кредитни қайтариш бўйича бухгалтерия проводкалари бажарилади. Бу бухгалтерия ёзувларини мустақил ёзишга ҳаракат қилинг.**

Кредитларнинг қайтиши маълум рискни талаб қилади. Шу сабабли банкларда кредитлар бўйича зарарларни қоплаш захираси ташкил этилади. Хусусий корхоналарига ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича зарарларни қоплаш захирасининг ҳисобини олиб бориш учун 13199 баланс ҳисоб рақами очилади. Унда банкнинг хусусий фирмалар, ширкатлар, жамоа хўжаликлари ҳамда корхоналари, корпорасияларига берган қарзлари ундириб олинмай қолиши мумкин бўлган қисми бўйича кўриладиган зарарларни қоплаш учун яратилган захиралар ҳисоби олиб борилади. Аналитик ҳисоб ҳар бир миждоз ва кредит турлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда акс эттирилади. Бошқа мулкчилик шаклларига тегишли бўлган корхона, ташкилот, фирма, банк ва бошқаларга кредит бериш ва берилган кредитларни қайтариш бўйича операциялар ҳам худди шу тарзда амалга оширилади. Фақат тегишли ҳисобварақлар тизими ишлатилади.

### **Кредитлар бўйича фоизлар ҳисоблаш ва уларнинг ҳисоби**

Ҳар бир кредит бўйича банк ва миждоз ўртасидаги шартномада келишилган миқдордаги фоиз ставкалари асосида банк фойдасига фоизли даромадлар ундирилади. Фоизлар бўйича суммалар қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқарилади.

$$\text{Фоиз суммаси} = \frac{\text{кредит миқдори} * \text{фоиз ставкаси} * \text{кунлар сони}}{360}$$

Кредит учун фоиз суммаси кредит миқдори фоиз ставкаси кунлар сони 360 кунга бўлишимизга сабаб фоиз ставкалари йиллик қилиб белгиланади. Лекин барча банк операциялари компютерлаштирилганлиги сабабли дастурий йўл билан тўланадиган фоизлар ва асосий қарз суммалари бутун кредитлаш даври учун график кўринишида чиқариб берилади. Бундай графикнинг бир нусхаси мижозга берилади, мижозлар ушбу график асосида кредит суммасини ва фоизларни белгиланган тартибда тўлаб борадилар.

Банкларда кредитлар бўйича фоизлар ҳар куни ҳисоблаб борилади ва 16309 – “Ссудалар бўйича ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағида акс эттирилади. Фоизлар ҳисобланган, лекин ҳали ундирилмаган ҳолда қуйидаги бухгалтерия проводкаси бажарилади:

Дебет 16309 “Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар”

Кредит 42601 “Хусусий корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар”

Фоизлар суммаси ундирилганда эса қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 20208 “Хусусий корхона, ширкат ва жамоаларнинг талаб қилингунча сақланадиган депозитлари”

Кредит 16309 “Берилган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар”

## **IX-БОБ.БАНКЛАРДА ФАКТОРИНГ ВА ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ.**

### **9.1.Факторинг операциялари моҳияти ва уларнинг ҳисобини ташкил этилиши.**

**Факторинг операциялар ҳисоби**-Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 03.08.2000 й. №953 «Тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомга асосан юритилади.

**Факторинг** - ҳўжалик юритувчи субъектлар - етказиб берувчиларни (мижозни) молиялашга доир банк хизматларининг бир тури бўлиб, бунда улар банк - молиявий агентга етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловчилар томонидан акцептланган, лекин тўлов талабномалари бўйича ҳақи тўланмаган тўловни, регресс ҳуқуқисиз, олиш ҳуқуқини берадилар.

Банклар факторинг операцияларини уларнинг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварақлари жойлашган ердаги мижозлар билан шартномалар асосида амалга оширадилар.

Факторинг хизматларини кўрсатиш асосида тўловчи томонидан молия агентига пул талабини бажариш муддатлари 90 кундан ошмаслиги керак. Банклар тўловчилардан қарзни ундириш бўйича ушбу муддатда тўланмаган мажбуриятларга доир чораларни қонунларда белгиланган тартибда кўришлари керак.

#### **Факторинг операциялари:**

1. бюджет ташкилотларига тақдим этиладиган талаблар бўйича;
2. жисмоний шахсларнинг қарз мажбуриятлари бўйича;
3. тўловга ноқобил деб эълон қилинган корхоналарнинг мажбуриятлари бўйича;
4. зарар кўриб ишлайдиган корхоналар бўйича;
5. капитал қўйилмаларни молиялаш бўйича;
6. экспортга оид консигнация контрактлари бўйича;
7. компенсация ва бартер битимлари бўйича;
8. ишга босқичма-босқич ёки бўнак билан ҳақ тўлаш бўйича;
9. тўловчи шартномада шартланган вақт мобайнида, шунингдек, сотиш хизмати кўрсатилганидан кейин маҳсулотни қайтариш ҳуқуқига эга бўлган олди-сотди шартномалари бўйича амалга оширилиши мумкин эмас.

Факторинг операциясини ўтказиш чоғида банк пул маблағларини улар ҳақини тўлаш ҳуқуқи факторинг шартномасида кўрсатилган суммада банкка тақдим этилган тўлов талабномалари бўйича миқдорнинг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварағига ўтказилади.

Банк томонидан ўтказилган сумма билан шартнома бўйича тўлов талабномаси суммаси ўртасидаги фарқ банк дисконтини ташкил этади.

Тўловчида муддати ўтган кредиторлик қарзининг йўқлиги факторинг хизматларини кўрсатишнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

Агар шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, банк томонидан пул талаби ҳуқуқининг кейин берилишига йўл қўйилмайди.

**9.2.Факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби, факторинг операциялари ҳисобини юритишнинг хусусиятлари, факторинг операцияларининг ҳисоби.**

**Мижоз шартнома тузилгунга қадар банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

1. белгиланган тартибда расмийлаштирилган ва тўловчи томонидан имзоланган олди-сотди, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш шартномаси;
2. моддий бойликлар берилгани, ишлар бажарилгани ва хизматлар кўрсатилганини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (товар-транспорт юкхатлари, ишончномаларнинг кўчирма нусхалари, ишларни қабул қилиш далолатномалари ва ҳоказо);
3. тўловчи томонидан бошқа банкларда очилган ҳисобварақлар рўйхати;
4. тўловчининг молиявий ҳолатини белгилаш учун зарур ҳужжатлар.

**Банкнинг мижоз билан факторинг хизмати кўрсатишга доир  
шартномасида қуйидагилар кўрсатилади:**

1. уларга нисбатан пул талабининг берилиши амалга оширилаётган харидорлар;
2. берилаётган талабларнинг умумий суммаси;
3. дисконт суммаси;
4. шартноманинг амал қилиш муддати;
5. тарафлар томонидан шартнома шартлари бузилгани учун даъволарни баён этиш муддатлари;
6. шартнома шартлари бузилгани учун тарафларнинг масъулияти;
7. шартномани бекор қилиш шартлари;
8. конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шартлар.

Факторинг хизматларини кўрсатиш шартномасини тузиш чоғида мижоз ва банк-молиявий агент тўловчини ушбу битим тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши керак.

Тўловни амалга ошириш учун тўловчининг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварағида маблағлар етишмаган тақдирда тўловчининг банки банк - молиявий агентга тўлов талабномасининг 2-сон картотекага қабул қилинганини маълум этади.

Шартнома:

- тарафларнинг ўзаро келишувига;
- банк шартнома шартларини бузган тақдирда етказиб берувчининг ташаббусига;
- етказиб берувчи шартнома шартларини бузган тақдирда банкнинг ташаббусига;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартларга биноан бекор қилиниши мумкин.

Бунда тарафлар шартноманинг амал қилишини шартномада белгиланган муддатларда бекор қилиш тўғрисида бир-бирларини ёзма равишда хабардор қиладилар.

### **Ваколатли банклар томонидан экспорт операциялари бўйича хорижий валютада факторинг хизматлари кўрсатилиши**

Экспорт маҳсулотлари бўйича факторинг хизматларини ваколатли банклар хорижий валютада талаб қилиб олингунгача депозит ҳисобварағи бўлган, фақат ўзлари хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилотларга кўрсатадилар.

Улар томонидан факторинг хизматлари кўрсатилиши чоғида банк даромадлари деганда хорижий валютада тўлов ҳужжатининг номинал қиймати билан унинг шартномага мувофиқ банкка берилиш суммаси ўртасидаги фарқ бўлган дисконт тушунилади.

Етказиб берувчи тегишли хорижий шерик билан тузган, илгари ҳисобга кўйилган экспорт контрактлари бўйича етказиб берувчи корхонада муддати ўтган дебиторлик қарзининг йўқлиги экспорт операциялари бўйича факторинг хизматлари кўрсатилишининг мажбурий шарти ҳисобланади.

Ваколатли банклар фақат белгиланган тартибда ўзлари ҳисобга қабул қилган экспорт контрактлари бўйича ва хорижий корреспондент банкларнинг банк кафолатлари олинган ёки мазкур контрактлар бўйича очик чақириб олинмайдиган аккредитивлар суммасидан ошмайдиган суммада факторинг хизматларини кўрсатади.

Ваколатли банк экспорт контрактлари бўйича факторинг операциясини ўтказиш чоғида мижознинг талаб қилиб олингунгача транзит депозит ҳисобварағига маблағларни, шартномада кўрсатилган дисконт суммасини чегирган ҳолда, етказиб берувчи томонидан бериладиган талаблар суммасида

эркин алмаштириладиган валютада ўтказади. Мижознинг транзит ҳисобварағига ҳисоблаб ёзилган валюта маблағларидан мажбурий сотишни мижоз тўлиқ ҳажмда, дисконт суммасини чегирмасдан амалга оширади.

Пул талаби ҳуқуқини бериш тўғрисидаги шартнома имзоланганидан кейин мижоз бу хусусда хорижий контрагент ва унинг кафили (кафолатчиси)ни хабардор қилиши ва ушбу тўлов ҳужжатлари бўйича тўловни амалга ошириш учун уларга банк - молиявий агентнинг банк реквизитларини маълум этиши шарт.

Агар тўлаш шакли сифатида аккредитив қабул қилинса, бу ҳолда мижоз банк - молиявий агент фойдасига аккредитивни қайта расмийлаштириш амалини ўз вақтида амалга ошириши, сўнгра банкни қайта расмийлаштириш ҳолатидан хабардор қилиши шарт.

### **Банкларнинг факторинг операциялари бўйича ҳисоби ва кейинги назорати**

Факторинг операциялари бўйича тўлов ҳужжатлари ҳисобини юритиш учун банк томонидан кутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида 90966-"Харид қилинган дебиторлик қарзлари - Факторинг" шахсий ҳисобварағи очилади. Ушбу ҳисобварақ дебети бўйича харид қилинган дебиторлик қарзларининг тўлиқ суммаси акс этирилади, кредит бўйича эса тўловчилар тўлиқ сўндирган харид қилинган дебиторлик қарзлари ҳисобдан чиқарилади.

Тарафлар томонидан факторинг (пул талабини бериш) тўғрисидаги шартнома имзоланганидан кейин банк-молиявий агент маблағларни мижознинг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварағига, дисконт суммасини чегирган ҳолда, ўтказишни амалга оширади.

Маблағларни мижознинг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварағига ўтказишни банк мемориал-ордерлар билан амалга оширади, улар икки нусхада расмийлаштирилади. Биринчи нусха ҳисобварақлар бўйича бухгалтерия операциялари амалга оширилганидан кейин банкнинг

кун ҳужжатларига жойлаштирилади, иккинчи нусхаси белгиланган тартибда миждозга юборилади.

Мижоз ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштиришга қўйиладиган барча талабларга риоя этилиши, шунингдек, у томонидан банкка берилган пул талаблари бўйича унинг банк ҳисобварағига бирор-бир сабаблар билан ҳисоблаб ёзилган маблағларни ўз вақтида ўтказиш учун (кейинги банк кунидан кечиктирмай) жавобгардир.

**АТБ “Савдогарбанк” Андижон вилоят филиалидан “Қурилиш АКТ” ташкилотига шартнома бўйича 11 000 000 сўм факторинг берди, шундан дисконт 1 000 000 сўм ва қарзи 10 000 000 сўм берилди.**

Дт	11101	Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг 11101 000 5 12345678 005	Савдогарбанк	10 000 000
Кт	20208	“Қурилиш АКТ”-20208 000 4 12345678 001	Савдогарбанк	

Дисконт учун ҳисобланди

Дт	11101	Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг	Савдогарбанк	1 000 000
Кт	11195	Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг бўйича дисконт (контр-актив)11195 000 6 12345678 001	Савдогарбанк	

Берилган факторинг ундирилди

Дт	20208	“Қурилиш АКТ”-20208 000 4 12345678 001	Савдогарбанк	11 000 000
Кт	11101	Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг	Савдогарбанк	

## Дисконт қайтарилди

Дт	11195	Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг бўйича дисконт (контр- актив)	Савдогарбанк	1 000 000
Кт	45217	Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича даромадлар – Факторинг	Савдогарбанк	

### **9.3.Лизинг операциялари ҳисобининг ташкил этилиши; лизинг операциялари турлари ва уларни амалга ошириш тартиби**

Лизинг операциялари ҳисоби-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 27 декабрда 1648-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”низомига асосан амалга оширилади.

**лизинг (молиявий ижара)** - бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олишни ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беришни назарда тутадиган ижара муносабатларининг алоҳида тури;

**микрелизинг** - тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада бериладиган лизинг;

**лизинг объектлари** - тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан корхоналар, мулкый комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк (ер участкалари ва бошқа табиий объектлар, шунингдек муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулклар бундан мустасно);

**лизинг субъектлари** - лизинг берувчи, лизинг олувчи ҳамда сотувчи.

**лизинг берувчи** - лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига келгусида топшириш мақсадида лизинг объектини мулк қилиб олувчи банк;

**лизинг олувчи** - лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун олаётган шахс;

**сотувчи** - лизинг объектини лизинг берувчига сотадиган шахс;

**лизинг шартномаси муддати** - лизинг шартномаси бўйича томонлар мажбуриятларининг тўла бажарилгунгача бўлган давр;

**лизинг муддатининг бошланиши** - лизинг шартномасига мувофиқ лизинг олувчининг лизинг объектига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишни бошлаган сана, яъни лизинг объектини дастлабки (бошланғич) тан олиш санаси;

**лизинг тўловлари** - лизинг берувчининг лизинг объектини олиш учун қилган харажатларининг ҳаммаси ёки кўп қисми, шунингдек лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларининг лизингга олувчи томонидан қопланиши ҳамда лизинг берувчи даромади йиғиндиси;

**минимал лизинг тўловлари** - лизинг олувчи ёки унинг кафолатчиси (кафили) томонидан лизинг шартномасига кўра лизинг берувчига унинг лизинг объектини сотиб олиш ва уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ

харажатларини, лизинг даромади (фоизи) қўшилган ҳолда лизинг муддати давомида тўланиши лозим бўлган сумма;

**лизинг берувчининг даромади** - лизинг тўловлари билан лизинг объектини сотиб олиш, уни етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган, лизинг берувчи томонидан лизинг операциясини амалга ошириш натижасида оладиган фоиз даромади;

**лизинг объектининг ҳаққоний қиймати** - муайян бир санада лизинг объектини сотиб олиш ёки лизинг объектини сотиб олиш бўйича битим тузишни хоҳловчи бир-бирига қарам бўлмаган хабардор томонлар ўртасидаги мажбуриятни бажариш учун етарли бўлган сумма;

**дисконтлаш** - келгусида аниқ бир вақтда олиниши кутилаётган пул маблағларининг жорий эквивалентини аниқлаш;

**лизинг объектининг хизмат муддати** - лизинг объектига қонун ҳужжатлари асосида амортизация ҳисобланадиган давр;

**дастлабки билвосита харажатлар** - лизинг шартномасини тузиш ва лизингни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ва лизинг объекти қийматига қўшилмайдиган харажатлар;

**дастлабки бевосита харажатлар** - лизинг объектини етказиб бериш, уни фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган ва лизинг объекти қийматига қўшиладиган харажатлар.

Банклар фақат лизинг шартномаси муддати тугаганидан кейин лизинг объекти лизинг олувчининг мулкига ўтишини кўзда тутувчи лизинг операцияларини амалга ошириши мумкин.

Бунда лизинг олувчи лизинг берувчи банкка лизинг объектини сотиб олиш, уни етказиб бериш, ишга тайёр ҳолга келтириш билан боғлиқ барча харажатларини ва келишилган фоизлар тўловини амалга ошириши лозим.

Лизинг берувчи банк лизинг объектини сотувчидан келгусида унинг ўзига лизинг асосида фойдаланиш учун бериш мақсадида сотиб олган тақдирда бир шахснинг ўзи ҳам лизинг олувчи, ҳам сотувчи бўлишига йўл қўйилади.

Лизинг операциялари молиявий барқарор бўлган хўжалик юритувчи субъектларга тўловлилик, таъминланганлик, банк томонидан лизинг объектини сотиб олишга инвестиция қилинган кредит маблағларини қайтаришлик ва мақсадга мувофиқ фойдаланишлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

Лизинг операцияси лизинг объекти лизинг олувчи томонидан бевосита тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ишлатилиши кўзда тутилган ҳолларда кўрсатилади.

Қиморхоналар ва биллиардхоналарни ташкил этишда лизинг объектини қўллаш кўзда тутилган ҳолларда лизинг хизматларини кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Лизинг бўйича молиявий ижарага олинган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши, йўқолиши, ўғирланиши, шикастланиши, бузилиши ва барвақт эскириши хавфи билан боғлиқ бўлган тарздаги ҳар қандай етказилиши мумкин бўлган зарардан лизинг объектини суғурталаш тарафларнинг келишувига биноан суғурталанади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, лизинг олувчи лизинг объекти суғуртаси учун жавобгар бўлади.

Лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўзаро келишган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ лизинг объектини жадал амортизация қилишни қўллаш ҳуқуқига эга.

Банклар қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу Низом асосида лизинг хизматлари кўрсатишнинг ички тартибини ишлаб чиқишлари лозим. Мазкур ички тартибларда қонун ҳужжатлари ва ушбу Низомга зид меъёрларни ўрнатилишига йўл қўйилмайди.

## **Лизинг шартномасини расмийлаштириш тартиби ва шартлари**

Лизинг олувчи лизинг шартномасини тузиш учун унинг асосий депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатаётган банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- лизинг буюртмаси;
- лизинг объектининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ва унинг сотувчиси тўғрисидаги маълумотнома;
- лизингнинг бутун даврини ичига олган пул оқими таҳлили кўрсатилган бизнес-режа;
- охириги ҳисобот санасига туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси томонидан қабул қилинган бухгалтерлик баланси (1-шакл), молиявий натижалари ҳақида ҳисобот (2-шакл), муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик ҳақидаги маълумотнома (2а-шакл), 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорликни солиштириш далолатномалари.

Лизинг берувчи банклар лизинг бериш юзасидан қарор қабул қилиш учун лизинг олувчидан унинг лизинг тўловларини амалга ошириш имкониятларини баҳолаш учун зарур бўлган ҳужжатларни сўраб олишлари мумкин.

Лизинг компанияларига уларга иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очган тижорат банклари томонидан импорт асосида лизинг объектларини етказиб бериш билан боғлиқ лизинг хизмати кўрсатилиши мумкин.

Буюртма лизинг берувчи банк томонидан кўриб чиқиладиганда қуйидагиларнинг таҳлили амалга оширилади:

буюртма берувчи даромадларининг лизинг тўловларини амалга ошириш учун етарлилиги;

буюртмада баён этилган маълумотларнинг бир-бирига зид эмаслиги;

лизинг берувчи банк олдидаги мажбуриятларни буюртма берувчи томонидан ўз вақтида бажариш имкониятининг мавжудлиги.

Лизинг объекти шартномага мувофиқ лизинг берувчи банк томонидан лизинг объектини сотиб олишга, лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ ва бошқа харажатларини қайтариш ҳамда лизинг даромади (фоизи) тўловини амалга ошириш таъминоти вазифасини бажариши мумкин.

Бунда лизинг объекти лизинг олувчи томонидан лизинг берувчи банк фойдасига йўқолиш ва шикастланиш ходисаларидан ихтиёрий суғурта қилиниши ва бу тўғрисида суғурта полисини банкка тақдим этилиши шарт.

Лизинг берувчи лизинг операциясини амалга ошириш натижасида сарфланган маблағларнинг қайтарилиши ва лизинг фоизи тўланишининг кафолати сифатида лизинг олувчидан бошқа таъминот шакллари тақдим этишни талаб қилиши мумкин.

Лизинг фоиз ставкалари миқдори лизинг олувчи ва лизинг берувчи банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра лизинг шартномасида белгиланади.

Лизинг олувчининг буюртмаси бўйича лизинг берувчи банк томонидан лизинг операциясини амалга ошириш ёки оширмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш муддати буюртма банкка келиб тушган кундан бошлаб 30 иш кунидан, микролизинг операциясини амалга ошириш бўйича эса 10 иш кунидан ошмаслиги лозим.

Лизинг операциясини амалга ошириш асослантирилган ҳолда рад этилган тақдирда, лизинг берувчи банк лизинг олувчига бу ҳақда рад этиш сабабини асослаган ҳолда ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

Лизинг операциясини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бу ҳақда лизинг олувчига билдирилади ҳамда лизинг берувчи банк

ва лизинг олувчи ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лизинг шартномаси тузилади.

Лизинг объекти ҳисобланган мол-мулк бўйича тузиладиган битимлар қонунга мувофиқ нотариал тасдиқланиши талаб қилинадиган ҳолларда лизинг шартномаси нотариал тасдиқланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, лизинг шартномаси қуйидаги шартлардан бирига жавоб бериши керак:

а) лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтса;

б) лизинг шартномасининг муддати лизинг объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлса ёки лизинг объектининг лизинг шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан кам бўлса;

в) лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг олувчи лизинг объектини унинг бозор қийматидан паст нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса, бунда ана шу ҳуқуқни амалга ошириш кундаги лизинг объекти қиймати асос бўлади;

г) лизинг шартномаси амал қиладиган давр учун лизинг тўловларининг умумий суммаси лизинг объекти қийматининг 90 фоизидан ортиқ бўлса.

Лизинг шартномаси лизинг объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан кам бўлмаган муддатга тузилади. Бунда лизинг объектининг хизмат муддати Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 144-моддаси учинчи қисмида белгиланган асосий воситаларнинг амортизация нормаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Фермер хўжаликларига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги машина-трактор паркларига қишлоқ хўжалиги машиналарини

лизингга бериш борасидаги лизинг шартномалари 10 йилгача бўлган муддатга тузилади.

Лизинг шартномасида лизинг шартномаси амал қилиши бошлангандан то тугагунга қадар лизинг объектининг қиймати бўйича вужудга келадиган ўзгаришларни инобатга олиб, лизинг тўловлари суммасига тарафларнинг келишувига биноан тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш шартлари кўзда тутилиши мумкин.

Лизинг олувчилар лизинг объектини лизинг шартномаси муддати тугашидан олдин исталган вақтда лизинг объектининг қолдиқ қийматини ва ҳисобланган лизинг фоизи тўловини амалга оширган ҳолда лизинг объектини ўз мулкига олиши мумкин. Лизинг объекти қолдиқ қиймати ва ҳисобланган фоизлар тўлови тўлалигича амалга оширилган кундан бошлаб лизинг шартномаси шартлари тўла бажарилган ҳисобланади.

Лизинг шартномаси тузилганидан сўнг лизинг берувчи банк ва сотувчи ўртасида лизинг объектининг олди-сотди шартномаси тузилади. Бунда лизинг берувчи банк сотувчига мол-мулк муайян лизинг олувчига бериш учун сотиб олинаётганлигини билдириши шарт.

Лизинг объектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси имзоланиб, мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи лизинг олувчига ўтганидан сўнг лизинг операцияси амалга оширилган ҳисобланади.

Лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг объекти сотувчи томонидан бевосита лизинг олувчига у турган жойда топширилади.

Фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси лизинг олувчи томонидан расмийлаштирилади ва лизинг берувчи банк, лизинг олувчи ҳамда сотувчи томонидан имзоланади.

Лизинг объекти етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ёки сифати талаб даражасида бўлмаган

лизинг объекти етказиб берилган тақдирда, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, лизинг олувчи:

лизинг тўловини амалга оширишни кечиктириш;

етказиб бериладиган лизинг объектидан воз кечиш;

лизинг шартномасининг бекор қилинишини лизинг берувчидан талаб этиш;

лизинг шартномасини бажармаслик ёки тегишлича бажармаслик натижасида етказилган зарарларни тўлашни лизинг берувчидан талаб қилишга ҳақлидир.

Лизинг берувчи банк ҳар бир лизинг операцияси бўйича лизинг йиғма жилдини шакллантиради.

Лизинг йиғма жилдда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

лизинг олувчининг буюртмаси;

лизинг шартномаси;

лизинг олувчининг охириги ҳисобот санасига бухгалтерия баланси;

лизинг олувчининг лизинг бўйича бизнес-режаси;

лизинг олувчининг тўлов қобилияти ва унинг бизнес-режасининг самарадорлиги тўғрисида лизинг берувчи банкнинг хулосаси;

суғурта компаниясининг лизинг объектини суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;

лизинг берувчининг лизинг объектини лизинг олувчига етказиб берилиши тўғрисидаги буюртмаси;

лизинг объектининг олди-сотди шартномаси;

лизинг объектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси;

лизинг объектига сотувчи томонидан берилган техник қафолат;

лизинг операцияси ҳамда таъминоти характеридан келиб чиққан ҳолда олинган бошқа ҳужжатлар.

Лизинг шартномаси юзасидан қўшимча келишув тузилган тақдирда, у ҳам лизинг олувчининг лизинг йиғма жилдига тикиб қўйилади.

Лизинг олувчи лизинг шартномасида белгиланган муддат давомида лизинг объектига эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини олади.

Лизинг олувчи томонидан лизинг шартномаси бўйича ўзида пайдо бўлган ҳуқуқ, мажбурият ва бошқа манфаатларни учинчи шахсга ўтказиш (қўшимча лизинг)га фақат лизинг берувчининг ёзма розилиги асосида рухсат этилади.

Лизинг олувчи сотувчи томонидан лизинг объектига берилган техник кафолатдан фойдаланади.

Лизинг объектини ўз вақтида етказиб берилиши ва бутланиши ҳамда уни ўрнатишга доир мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича сотувчидан талаб қилиш ҳуқуқини лизинг олувчи ўз зиммасига олиши лизинг шартномасида белгиланиши мумкин.

#### **9.4.Лизинг операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши.**


##### **Лизинг берувчи банкда лизинг ҳисоби**

Лизинг берувчи банкларда лизингга берилган активлар ҳисоби 15600 - "Лизинг (молиявий ижара)" ҳисобварақларида юритилади.

Дастлабки тан олиш лизинг шартномасининг амал қилиш муддати бошланишида амалга оширилади. Бунда, лизинг берувчи банк лизингга берилган лизинг объектини ўз балансида соф инвестицияси қиймати, яъни лизинг объектини сотиб олиш, уни лизинг олувчига етказиб бериш ва фойдаланишга шай ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатлар йиғиндиси ёки унинг ҳаққоний қийматида, уларнинг қайси бири кичик бўлса, ўша суммада актив сифатида тан олади.

Лизинг берувчи банк лизинг объекти учун тўловларни сотувчига олдиндан тўлаб бериб лизинг объекти тўғридан-тўғри лизинг олувчига етказиб берилса, лизинг берувчи банк фойдаланишга қабул қилиш далолатномасига асосан мемориал ордер тўлдириб, қуйидаги бухгалтерия амалларини бажаради:

41-расм




Лизинг объекти аввал лизинг берувчи банк балансига кириб қилиниб, сўнгра лизинг олувчига лизингга берилса, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

42-расм



Сўнгра лизинг счётига ўтказилади:

43-расм



Лизинг берувчи банк томонидан амалга оширилган ва лизинг шартномасига мувофиқ лизинг олувчи томонидан қопланадиган дастлабки бевосита харажатлар лизинг объектининг қийматига қўшилади.

Лизинг шартномасига мувофиқ юқоридаги харажатлар лизинг олувчи томонидан қопланмаган тақдирда, мазкур харажатлар юзага келган пайтдаги тегишли ҳисобот даври харажатлари сифатида тан олинади.

Лизинг берувчи банк томонидан лизинг объекти дастлабки тан олинганидан сўнг, кейинги ҳисоб лизинг олувчи томонидан тўланадиган лизинг бўйича асосий қарз суммасини (дастлабки тан олинган суммани) ва у бўйича фоизларнинг ҳисобини юритишдан иборат. Кейинги ҳисоб лизинг объектини баҳолаб боришни ҳам ўз ичига олади.

Дастлабки тан олишда ёки объектни лизингга бериш (олиш) вақтида лизинг берувчининг даромади (лизинг олувчининг лизинг фоизи бўйича харажатлари) бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди.

Минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қийматини ҳисоблашда дисконтлайдиган омил бўлиб, агар уни аниқлашнинг имконияти бўлса, лизинг шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкаси ҳисобланади, акс ҳолларда, қарз сармоясини бўйича ўсиб боровчи фоиз ставкасидан фойдаланилади.

Лизинг шартномасида лизинг берувчи ва лизинг олувчи лизинг тўловлари жадвали (тартиби)ни келишиб олади. Лизинг тўловлари жадвалида лизинг берувчи банкнинг даромади (фоизи)ни тўлаш ҳамда лизинг объекти қийматини қоплаш бўйича лизинг олувчининг мажбуриятлари ва уларнинг лизинг муддати давомида тақсимланиши кўрсатилади.

Лизинг тўловлари жадвалида лизинг берувчининг даромади лизинг шартномаси муддати давомида мунтазам равишда даврлар бўйича тенг тақсимланиши акс эттирилиши лозим. Бунда, лизинг шартномасининг ҳар бир даврида қопланмаган мажбуриятлар қолдиғига доимий фоиз ставкаси қўлланилади.

Лизинг берувчи банкнинг даромади лизинг олувчи томонидан лизинг тўловларининг амалга оширилишидан қатъи назар, тегишли ҳисобот даврларида лизинг тўловлари жадвалига мувофиқ ҳисобланади.

Лизинг берувчи банк томонидан лизинг бўйича фоизли даромадлар ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

44-расм



ДТ	КТ
<ul style="list-style-type: none"><li>• 16323</li><li>• Лизинг бўйича олиш учун фоизлар</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>• 45100</li><li>• Лизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлар (тегишли мос ҳисобварақ).</li></ul>

Лизинг тўловлари келиб тушган ҳолларда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:



Лизинг шартномаси муддати тугаганидан сўнг лизинг тўловларини тўлаш шартлари тўлиқ бажарилган тақдирда 15600 Лизинг (молиявий ижара) ва 16323 Лизинг бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар ҳисобварақлари қолдиғи нолга тенг бўлади.

Лизинг олувчи томонидан лизинг объекти лизинг шартномаси муддати тугамасидан олдин сотиб олинган ҳолларда ҳам ушбу ҳисобварақлардаги қолдиқ нолга тенг бўлади.

Лизинг объекти лизинг олувчи томонидан лизинг шартномаси шартлари бузилганлиги сабабли қайтариб олинганида, лизинг берувчи ушбу активнинг тақдирини ҳал этгунга қадар уни ўз балансига қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали қабул қилади:

Дт 16705 Банкнинг бошқа кўчмас мулклари

Кт	15600	Лизинг (молиявий ижара) (мос ҳисобварақ)
----	-------	--

Лизинг олувчи томонидан лизинг тўловлари ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда активга "Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида"ги низомга (2004 йил 24 январь, рўйхат рақами 1304) асосан ўстирмаслик мақоми берилади ва активнинг келгуси ҳисоби мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Лизинг "Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ташкил қилиш ва уларни ишлатиш тўғрисида"ги низом (1999 йил 11 февраль, рўйхат рақами 632) талабларидан келиб чиққан ҳолда таснифланади.

### **§-1. Лизингни дастлабки тан олиш**

Банклар лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи сифатида иштирок этган тақдирда лизингга олинган активлар ҳисоби 16515 - Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқининг, лизинг бўйича юзага келган мажбуриятлар эса 22100-Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятларнинг тегишли мос ҳисобварақларида юритилади.

Лизинг лизинг олувчи банкнинг молиявий ҳисоботларида ҳам актив ҳам мажбурият сифатида тан олинади. Ушбу дастлабки тан олиш лизинг шартномаси муддати бошланишида амалга оширилади. Бунда, лизинг олувчи банк лизинг объектини ўз балансида соф инвестиция қиймати ёки унинг ҳаққоний қийматининг қайси бири кичик бўлса, ўша суммада акс эттиради.

**Лизингни дастлабки тан олишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси бажарилади:**

Дт 16515 Объектларни лизингга олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи

Кт 22100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятларнинг тегишли мос ҳисобварағи.

Лизинг олувчи банк томонидан амалга оширилган лизинг объектини сотиб олиш, етказиб бериш ёки белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатлар лизинг объектининг қийматига қўшилади.

Лизинг объекти лизинг олувчи банк балансида актив ва мажбуриятларнинг алоҳида моддалари сифатида акс эттирилиши лозим. Лизинг бўйича мажбуриятни актив суммасидан чегириб ташлаган ҳолда (контр-актив ҳисобварақ сифатида) кўрсатишга рухсат этилмайди.

**§-2. Лизинг олувчи банкда лизингнинг кейинги ҳисоби ва уни баҳолаш**

Лизинг олувчи банк томонидан лизинг дастлабки тан олингандан сўнг кейинги ҳисоб мажбурият бўйича асосий қарз суммасини (дастлабки тан олинган суммани) ва лизинг бўйича фоизлар тўлаш ҳисобини юритишдан иборат.

Кейинги ҳисоб, лизинг билан боғлиқ барча хавф-хатарлар лизинг олувчига ўтганлиги сабабли лизинг олувчи банк томонидан лизинг объектини баҳолаб бориш, амортизация ажратмаларини ва шартномада кўзда тутилган бошқа харажатларни амалга ошириш ишларини ҳам ўз ичига олади.

Дастлабки тан олишда ёки объектни лизингга олиш вақтида лизинг олувчи банкнинг лизинг фоизи бўйича харажатлари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди.

Лизинг шартномасида лизинг олувчи банк ва лизинг берувчи лизинг тўловлари жадвалини келишиб олади, унда лизинг олувчи банкнинг фоизли

харажатлари, лизинг объектининг қийматини қоплаш бўйича мажбуриятлар ва уларнинг лизинг муддати давомида тақсимланиши кўрсатилади.

Лизинг тўловлари жадвалида лизинг олувчи банкнинг фоизли харажатлари лизинг шартномасининг амал қилиш муддати давомида даврлар бўйича тенг тақсимланиши акс эттирилиши лозим. Бунда, лизинг шартномасининг ҳар бир даврида қопланмаган мажбуриятлар қолдиғига доимий фоиз ставкаси қўлланилади.

Лизинг олувчи банк томонидан лизинг тўловлари жадвалига мувофиқ лизинг бўйича фоизли харажатлар ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

**Дт** 54198 Бошқа банклардан олинган лизинг бўйича фоизли харажатлар

**Дт** 54199 Бошқа лизинг берувчилардан олинган лизинг бўйича фоизли харажатлар;

**Кт** 22408 Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган фоизлар.

Лизинг олувчи банк томонидан лизинг тўловлари қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

**Дт** 22408 Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган фоизлар.

**Дт** 22100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар

**Кт** 16103 Банкнинг вакиллик ёки лизинг берувчининг депозит ҳисобварағи.

Лизинг олувчи банк томонидан лизинг объекти бўйича амортизация ажратмалари "Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида йўриқнома" (2004 йил 17 декабрь, рўйхат

рақами 1434) талаблари асосида амалга оширилади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

**Дт 56626** Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича эскириш суммаси

**Кт 16519** Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)

Аниқ бир даврдаги лизинг олувчи банкнинг лизинг объекти бўйича амортизация ажратмаси ва молиявий харажатлари (лизинг бўйича фоизлари) суммаси мазкур даврда тўланиши керак бўлган лизинг тўловлари суммасига тенг бўлмаслиги мумкин.

Лизинг объектини йиллик қайта баҳолаш лизинг олувчи банк томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Лизинг олувчи банк томонидан охириги тўловлар амалга оширилганидан кейин 16515, 16519, 22100 ва 22408 баланс ҳисобварақларида мазкур лизинг операциялари бўйича очилган шахсий ҳисобварақлар (аналитик ҳисоб) қолдиғи нолга тенг бўлади ва мулкка эгаллик ҳуқуқи лизинг олувчига ўтади.

Лизинг объектининг лизинг олувчи банкка ўтказиш қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

**Дт 16500** Асосий воситалар (тегишли мос ҳисобварақ)

**Дт 16519** Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)

**Кт 61515** Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи;

**Кт 61519** Йиғилган эскириш суммаси (тегишли мос ҳисобварақ).

Лизинг шартномаси муддати охирида лизинг олувчи банкка лизинг объектининг сотиш санасидаги ҳаққоний қийматидан паст нархда сотиб олиш ҳуқуқи берилган бўлса, сотиб олиш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали амалга оширилади:

**Дт 22100** Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар

**Кт 20208** лизинг берувчининг депозит ҳисобварағи

22100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар ҳисобварағи ёпилганидан сўнг, лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтади ва бунда 36-бандда кўрсатилган бухгалтерия ўтказмалари бажарилади.

Лизинг шартномаси унинг амал қилиш муддатидан олдин тўхтатилиб, лизинг берувчи томонидан лизинг объекти шартнома шартларида белгиланган тартибда олиб қўйилган тақдирда, лизинг объектини лизинг берувчига қайтариш лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тўхтатилган санадаги лизинг объектининг қопланмаган қиймати суммасида амалга оширилади ва бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

**Дт 16519** Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив);

**Кт 16515** Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи

Лизинг объектининг ҳисобдан чиқариш бўйича молиявий натижа (фойда ёки зарар) лизинг объектининг қолдиқ (баланс) қиймати ва лизинг тўловлари жадвали бўйича қолган қарз ўртасидаги фарқ сифатида лизинг объектининг ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Лизинг объектининг ҳисобдан чиқариш бўйича молиявий натижа (фойда ёки зарар) аниқлаганида, олдинги қайта баҳолашлардаги лизинг объекти қийматининг кўпайган суммаси, яъни олдинги баҳолашлар натижасида 30908 "Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси" ҳисобварағининг кредит қолдиғи лизинг объектининг чиқиб кетишидан кўрилган даромад таркибига қўшилади ва бир вақтнинг ўзида ушбу ҳисобварақ бўйича резерв капитални камайтиради.

## Лизинг берувчи банкда лизинг ҳисоби

**Лизинг берувчи банкларда лизингга берилган активлар ҳисоби 15600 -  
"Лизинг (молиявий ижара)" ҳисобварақларида юритилади.**

Лизинг берувчи банк лизинг объекти учун тўловларни сотувчига олдиндан тўлаб бериб лизинг объекти тўғридан-тўғри лизинг олувчига етказиб берилса, лизинг берувчи банк фойдаланишга қабул қилиш далолатномасига асосан мемориал ордер тўлдириб, қуйидаги бухгалтерия амалларини бажаради:

Банк аввал ўзи сотиб олади

Дт	19909	Товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар;	Ипотекабанк
Кт	20208	Лезинг сотувчи ташкилот	Хамкорбанк

Балансга кирим қилади

Дт	А	16500	Асосий воситалар (тегишли мос ҳисобварағи);	10 000 000
Кт	А	19909	Товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар;	

Банк кирим қилинган а.в лизингга берилади

Дт	А	15605	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган лизинг- 5605 000 9 12345678 001-С.Хатамов	10 000 000
Кт	А	16500	Асосий воситалар (тегишли мос ҳисобварағи);	

Лизинг берувчи банк томонидан лизинг бўйича фоизли даромадлар ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дт	А	16323	Лизинг бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар; 16323 000 2 12345678 001-С.Хатамов	1 000 000
Кт	П	45100	Лизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлар (тегишли мос ҳисобварақ).	

Лизинг тўловлари келиб тушган ҳолларда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дт	А	10101	Айланма касса	11 000 000
Кт	А	16323	Лизинг бўйича олиш учун ҳисобланган	10 000 000

			фоизлар; 16323 000 2 12345678 001-С.Хатамов	
Кт	А	15605	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган лизинг- 15605 000 9 12345678 001-С.Хатамов	1 000 000

Лизинг объекти лизинг олувчи томонидан лизинг шартномаси шартлари бузилганлиги сабабли қайтариб олинганида, лизинг берувчи ушбу активнинг тақдирини ҳал этгунга қадар уни ўз балансига қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали қабул қилади:

Дт	А	16705	Банкнинг бошқа кўчмас мулклари;	1 000 000
Кт	А	15605	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган лизинг-15605 000 9 12345678 001-С.Хатамов	

### 1. ЛИЗИНГНИ ДАСТЛАБКИ ТАН ОЛИШ

Банклар лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи сифатида иштирок этган тақдирда лизингга олинган активлар ҳисоби 16515 - Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқининг, лизинг бўйича юзага келган мажбуриятлар эса 22100 - Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятларнинг тегишли мос ҳисобварақларида юритилади.

**Лизингни дастлабки тан олишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси бажарилади:**

Дт	А	16515	Объектларни лизингга олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи;	10 000 000
Кт	П	22102	Бошқа банклар олдидаги лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар	

Лизинг олувчи банк томонидан лизинг тўловлари жадвалига мувофиқ лизинг бўйича фоизли харажатлар ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дт	А	54198	Бошқа банклардан олинган лизинг бўйича ёки фоизли харажатлар ёки Бошқа лизинг берувчилардан олинган лизинг бўйича фоизли харажатлар;	1 000 000
Кт	П	22408	Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган	

			фоизлар.	
--	--	--	----------	--

Лизинг олувчи банк томонидан лизинг тўловлари қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

Дт	П	22408	Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган фоизлар;-	Ипотекабанк	1 000 000
Дт	П	22102	Бошқа банклар олдидаги лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар	Ипотекабанк	10 000 000
Кт	П	20208	Анд хамкор лизинг фирмаси	Хамкорбанк	11 000 000

Лизинг олувчи банк томонидан лизинг объекти бўйича амортизация ажратмалари амалга оширилади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт	А	56626	Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича эскириш суммаси	2500 000
Кт	А/П	16519	Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив).	

## **Х-БОБ. БАНКЛАРДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БИЛАН ОПЕРАЦИЯЛАР ҲИСОБИ**

### **10.1. Қимматли қоғозлар таърифи ва уларнинг турлари**

Қимматли қоғозлар бозори бозор иқтисодиёти тизимининг молиявий механизми бўлиб ахоли ва тадбиркорлик субъектлари вақтини бўш маблағларининг айланишига кенг имкониятлар яратади. Жумладан, ҳар бир қимматли қоғозларнинг эгалари у фуқаро ёки юридик шахс бўлишидан қатъий назар тадбиркорлар ҳаракатига таалуқли шахс бўлиб қолади. Ушбу бозорга киришнинг механизмлари, турткилари бўлиб иқтисодий ўзгаришлар, сиёсий масалаларнинг ҳал қилиниши, қимматли қоғозларнинг курс қиймати динамикаси, банк фондлари миқдори, қимматли қоғозлар бўйича таклиф этилаётган фойда миқдорлари хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 22 июлдаги «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунига асосан мамлакатимиз ҳудудида қуйидаги қимматли қоғозлар амал қилиши мумкин:

1. Акциялар:
2. Облигациялар
3. Ҳазина мажбуриятлари
4. Депозит сертификатлари
5. Вексел

Қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг фаолиятини тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ваколати Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказига, депозит сертификатлари ва векселлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, давлат ҳазина мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорида давлат ваколатли органлари томонидан қуйидаги фаолият амалга оширилади:

- қимматли қоғозларни муомалага чиқариш эмиссияси рисоласини тасдиқлаш, эмитент томонидан бу ҳужжатларда кўзда тутилган шарт ва мажбуриятларни амалга ошириш устидан назоратни олиб бериш;
- Ўзбекистон Республикасининг “қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида”ги қонунда белгилаб қўйилган қимматли қоғозлар тўғрисидаги барча маълумотларни эмитентлар, инвесторлар ва бозорнинг бошқа қатнашчилари томонидан кенг ёритишни таъминлаш;
- қимматли қоғозлар бозорида фаолият кўрсатаётган инвестиция институтлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва мутахассисларни махсус аттестастиядан ўтказиш ҳамда уларга малака шаходатномаларини бериш;
- қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари ва инвесторлар томонидан юборилган ариза ва норозилик шикоятларини кўриб чиқиш, улар бўйича барча қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатма ва қисқа хулосаларлар бериш.

Қимматли қоғозларни тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли қоғозларни биржа ва биржадан ташқари бозорида сотиб олиш, сотиш операцияларини ўтказиш, меросга бериш, улар бўйича мулк эгаси ўзгартиришига олиб келадиган устав фонди ва бошқа харажатларга ўзгартириш билан боғлиқдир.

Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчиси бўлиб эмитентлар ҳисобланади. қимматли қоғозлар эмитенти – бу қимматли қоғозларни муомалага чиқариб, ўз номидан қимматли қоғозлар эгалари олдида улар бўйича мажбуриятларга эга бўлган марказий ва маҳаллий давлат органлари ҳамда юридик шахслар ҳисобланади. қимматли қоғозлар эмиссияси эмитент

томонидан молиявий маблағлар ва бошқа манбаларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида амалга оширилади.

Қимматли қоғозларнинг йирик эмитенти бўлиб давлат ҳисобланади. Давлат Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси марказий бинки ва маҳаллий ҳокимият сифатида муомалага облигастиялар ҳамда давлат ҳазина мажбуриятлари чиқариши мумкин.

Қимматли қоғозларнинг кейинги йирик эмитенти бўлиб акциядорлик жамиятлари ҳисобланади. Улар муомалага акциялар, облигастиялар ва векселлар чиқариши мумкин. эмитентлар орасида алоҳида ўринни тижорат банклари эгаллайди. Улар томонидан муомалага акциялар, облигастиялар, депозит ва депозит-жамғарма сертификатлари ҳамда векселлар чиқарилиши мумкин.

Қимматли қоғозлар бозорининг асосий иштирокчиси бўлиб инвесторлар ҳисобланади. қимматли қоғозларни ўз маблағи ва ўз номидан олган юридик ёки жисмоний шахс инвестор деб номланади. Хорижий фуқаролар ва юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги қимматли қоғозлар бозорида инвесторлар сифатида иштирок этишлари мумкин.

Инвестиция муассаси Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ юзага келган юридик шахс бўлиб, у қимматли қоғозлар билан боғлиқ фаолиятини асосий фаолият тариқасида амалга оширади. қимматли қоғозлар бозори инвесторлари қимматли қоғозларнинг ўртасидаги курс фарқи, ҳосилавий қимматли қоғозлар бўйича фоизли фойда, акциялар бўйича дивидентлар олиш мақсадида қатнашадилар.

Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бўйича амалдаги қонунчилигига асосан инвестистияларнинг объектини, шакли ва миқдорини танлаш маъсулияти инвесторнинг ўз зиммасида бўлади, шунга мувофиқ, қимматли қоғозларга, шу жумладан, акцияларга қилинган ўз

инвестицияларини ҳимоялаш учун пировард маъсулият ҳам инвесторнинг зиммасида бўлади.

Ҳозирги вақтда республикада йирик инвесторлардан бири давлат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки қўмитаси жуда кўплаб давлат корхоналари асосида ташкил этилаётган акциядорлик жамиятлари акцияларининг катта қисмининг эгаси ҳисобланади ва шу асосда бу жамиятлар фаолиятини бошқарувида иштирок этади.

Инвесторлар ўртасидаги йириклари бўлиб акциядорлик-тижорат банклари, инвестиция институтлари, холдинглар ва йирик корхоналари ҳисобланади. Мамлакатимиз аҳолиси ҳам инвесторлар орасида маълум ўринни эгаллайди.

Қимматли қоғозлар билан битимлар асосида қимматли қоғозларга мулкӣ эгалиги ҳуқуқининг юзага келиши, тўхтатилиши ёки ўзгариши билан боғлиқ иштирокчиларнинг ўзаро келишилган шартномаси ётади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли қоғозлар юзасидан тузиладиган битимлар биржадаги ва биржадан ташқаридаги бозордаги олди-сотди битимларига, шунингдек, қимматли қоғозларни совға қилиш, мерос қилиб қолдириш, айирбошлаш, ҳуқуқни ўзгартириш (стессия), устав фондига киритишга ҳамда уларнинг мулкдори ўзгаришига олиб келадиган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга нисбатан қўлланилади.

Инвестиция институтлари битимларни фақат амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган шаклдаги топшириқ шартномалари ёки воситачилик (брокерлик) ҳақлари асосида уларда кўрсатилган барча шартларга аниқ риоя қилган ҳолда миждозлар ҳисобидан амалга оширишлари мумкин. Миждоз ёки унинг топшириқ шартномаси бўйича ишончли вакили шартнома бажарилгунча бир ёқлама тартибда унинг амал қилишини тўхтатиш ҳуқуқига эга.

## **10.2.Тижорат банклари томонидан чиқариладиган қимматли қоғозлар ҳисоби**

Тижорат банкларида қимматли қоғозларнинг ҳисоби Адлия Вазирлигида 2009 йил 19 январда 1885-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида йўриқнома”га асосланади.

**Акциялар** – акциядорлик жамиятининг устав фондига юридик ёки жисмоний шахс муайян хисса қўшганидан гувоҳлик берувчи. Акция эгасининг мазкур жамият мулкидаги иштирокини тасдиқловчи ҳамда унга дивидент олиш ва қоида тариқасида, ушбу жамиятни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берувчи, амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли қоғоздир.

Акциялар чиқариш тўғрисида қарор акциядорлик жамияти муассасалари томонидан ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Сотиб олинган акция уни чиқарган акциядорлик жамиятига, башарти бу нарса жамият уставида назарда тутилмаган бўлса сотилиши мумкин эмас.

### **Акциялар қуйидаги турларга бўлинади:**

1. Оддий эгаси ёзилган акциялар:
2. Имтиёзли эгаси ёзилган акциялар:
3. Оддий тақдим этувчига акциялар:
4. Имтиёзли тақдим этувчига акциялар.

### **Тижорат банклари томонидан тарқатиш учун чиқариладиган акциялар ҳисоби қуйидаги баланс ҳисобварақларида юритилади:**

30303-"Имтиёзли акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми",

30306-"Оддий акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми",

30309-"Рўйхатдан ўтказилган акциядорлик капитали - Имтиёзли",

30312-"Рўйхатдан ўтказилган акциядорлик капитали - Оддий",

30315-"Чиқарилган акциядорлик капитали - Имтиёзли",

30318-"Чиқарилган акциядорлик капитали оддий".

Акциялар ҳужжатсиз шаклда депозитарийнинг ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар электрон тарзида чиқарилади. Қимматли қоғозлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ҳамда чиқарилган акциялар Марказий депозитарийда ҳисобга олингандан сўнг, депозитарийнинг ҳисоботига асосан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

АТИБ "Хамкорбанк" 200 000 дона номинал қиймати 1000 сўмдан 200 000 000 сўмлик акция чиқарди.

Бухгалтерия томонидан чиқарилган акцияларни 1 сўм ҳисобида балансдан ташқари счётга кирим қилинди.

А	Дт	90329	"Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари"	200 000 дона
А/П	Кт	96314	"Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ".	

Обуна қилинганда ва акция олди-сотди шартномаси тузилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

а) имтиёзли акциялар бўйича:

А/П	Дт	30303	"Имтиёзли акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пасси"	110 000 000
П	Кт	30309	"Рўйхатдан ўтказилган устав капитали – Имтиёзли	

б) оддий акциялар бўйича:

А/П	Дт	30306	"Оддий акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)";	110 000 000
П	Кт	30312	Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Оддий".	

Акция учун тўлов тўлиқ ёки қисман олинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

А	Дт	10101	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	220 000 000
А/П	Кт	30303	"Имтиёзли акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)	110 000 000
А/П	Кт	30306	"Оддий акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)";	110 000 000

Тўлов тўлиқ олингандан сўнг битим амалга оширилганда, акция бўйича эгалик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи депозитарийнинг ҳисоботига асосан қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) имтиёзли акциянинг номинал қиймати:

П	Дт	30309	"Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Имтиёзли";	100 000 000
П	Кт	30315	"Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли";	

б) оддий акциянинг номинал қиймати:

П	Дт	30312	Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Оддий".	100 000 000
П	Кт	30318	"Чиқарилган устав капитали - Оддий";	

в) обуна баҳоси ва номинал қиймат ўртасидаги ижобий фарқ суммасига:

П	Дт	30309	"Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Имтиёзли";	10 000 000
П	Дт	30312	Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Оддий".	10 000 000

П	Кт	30603	"Қўшилган капитал";	20 000 000
---	----	-------	---------------------	------------

г) бир вақтнинг ўзида акция бўйича эгалик ҳуқуқи акциядорларга ўтказилганда, депозитарийнинг акция бўйича эгалик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳисоботига асосан:

А/П	Дт	96314	"Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ";	200 000
П	Кт	90329	"Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари".	

Акцияларнинг чиқарилиши билан боғлиқ бўлган харажатлар 56795 - "Бошқа операцион харажатлар" ҳисобварағининг "Акцияларни чиқариш билан боғлиқ харажатлар" алоҳида шахсий ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Агар акциялар чиқарилишидан аввал акциянинг қиймати потенциал акциядорлар томонидан тўлиқ ёки қисман тўланганда, акциялар бўйича олдиндан тўловлар, акциялар чиқарилишига қадар мажбуриятларда акс эттирилади. Шунингдек, банкнинг янги акцияларига обунада иштирок этиш кафолати учун потенциал акциядорлар томонидан омонат (депозит) қўйилиши мумкин.

а) олдиндан тўлов амалга оширилганда:

А	Дт	10101	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	220 000 000
П	Кт	29830	"Акциялар учун обуна маблағини тўлаш бўйича депозитлар";	

б) акциялар сотилганда, акция бўйича эгалик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи депозитарийнинг ҳисоботига асосан:

П	Дт	29830	"Акциялар учун обуна маблағини тўлаш бўйича депозитлар";	220 000 000
---	----	-------	--	-------------

П	Кт	30315	"Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли"- номинал қиймати	100 000 000
П	Кт	30318	"Чиқарилган устав капитали - Оддий"- номинал қиймати	100 000 000
П	Кт	30603	"Қўшилган капитал"	20 000 000

Эълон қилинган дивидендларнинг ҳисобланиши қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

а) йиллик дивидендларни ҳисоблашда;

А/П	Дт	31203	"Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)" (йиллик дивидендларни ҳисоблашд	20 000 000
П	Кт	29822	"Тўланиши лозим бўлган дивидендлар";	

б) оралиқ дивидендларни ҳисоблашда;

А/П	Дт	31206	"Соф фойда (зарар) (актив-пассив	10 000 000
П	Кт	29822	"Тўланиши лозим бўлган дивидендлар";	

в) фойда етмаганда имтиёзли акциялар бўйича;

А/П	Дт	30903	"Умумий захира фонди" ;	10 000 000
П	Кт	29822	"Тўланиши лозим бўлган дивидендлар";	

Дивидендлар тўланганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

П	Дт	29822	"Тўланиши лозим бўлган дивидендлар";	40 000 000
А	Кт	10101- 20218	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	

Ҳисобланган дивидендлар қонунчиликда белгиланган тартибда банк устав капиталини оширишга йўналтирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

П	Дт	29822	"Тўланиши лозим бўлган дивидендлар";	40 000 000
П	Кт	30315	"Чиқарилган устав капиталли - Имтиёзли"	20 000 000
П	Кт	30318	"Чиқарилган устав капиталли - Оддий"	15 000 000
П	Кт	30603	"Қўшилган капитал"	5 000 000

Акцияларнинг номинал қийматини ошириш ҳисобига устав капиталли кўпайтирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

а) Қўшилган капитални устав капиталлига йўналтириш:

П	Дт	30603	"Қўшилган капитал"-	5 000 000
П	Кт	30315	"Чиқарилган устав капиталли - Имтиёзли"	2 500 000
П	Кт	30318	"Чиқарилган устав капиталли - Оддий".	2 500 000

б) Тақсимланмаган фойдани устав капиталлига йўналтириш:

А/П	Дт	31203	"Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)"	6 000 000
П	Кт	30315	"Чиқарилган устав капиталли - Имтиёзли"- 3 000 000	3 000 000
П	Кт	30318	"Чиқарилган устав капиталли - Оддий".- 3 000 000	3 000 000

Тақсимланмаган фойдани капиталлаштириш ҳисобига қўшимча акциялар жойлаштирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

2014 йил якуни бўйича тақсимланманган фойда 25 000 000 сўмни т/э,  
двидентлар ҳисобланмади.

А/П	Дт	31203	"Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)"	25 000 000
П	Кт	30315	"Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли"- номинал	10 000 000
П	Кт	30318	"Чиқарилган устав капитали - Оддий".- номинал	10 000 000
П	Кт	30603	"Қўшилган капитал"	5 000 000

### 10.3.Банк томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар ҳисоби

Агар банк ўз акцияларини уларни қайта сотиш ёки бекор қилиш мақсадида сотиб олса, у ҳолда банкнинг ўз капитали акцияни сотиб олиш қийматига камаяди. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

А/П	Дт	30321	"Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Имтиёзли (контр-пассив)"	20 000 000
А/П	Дт	30324	"Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Оддий (контр-пассив)";	20 000 000
П	К	10101	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	40 000 000

Агар 40 000 000 сўмлик 40 000 дона банк ўз акцияларини бекор қилиш мақсадида сотиб олса, у ҳолда акциялар 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари" ҳисобварағига 1 сўм шартли баҳода қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

А	Дт	90329	"Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари";	40 000 дона
А/П	Кт	96317	"Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ".	

Агар банк ўз акцияларини кейинчалик қайта сотиш мақсадида сотиб олса, у ҳолда акциялар 90337 - "Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари" ҳисобварағига номинал қийматида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

А	ДТ	90337	"Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари";	40 000 дона
А/П	КТ	96314	"Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ".	

Сотиб олинган банкнинг ўз акциялари кейинчалик иккиламчи бозорда қайта сотилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) сотиб олиш баҳосига нисбатан қиммат баҳода сотилганда:

А	ДТ	10101	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	50 000 000
А/П	КТ	30321	"Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Имтиёзли (контр-пассив)"	20 000 000
А/П	КТ	30324	"Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Оддий (контр-пассив)";	20 000 000
П	КТ	30603	"Қўшилган капитал"	10 000 000

б) сотиб олиш баҳосига нисбатан арзон баҳода сотилганда:

А	ДТ	10101	"Айланма кассадаги нақд пуллар"	30 000 000
П	ДТ	30603	"Қўшилган капитал" - акцияни қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги салбий фарқ суммасига, кредит қолдиғи доирасида;	10 000 000
А/П	КТ	30321	"Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Имтиёзли (контр-пассив)"	20 000 000
А/П	КТ	30324	"Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Оддий (контр-пассив)";	20 000 000

**10.4.Тижорат банклари капиталини ташкил қилиш билан боғлиқ қимматли қоғозлар операциялари ҳисоби.**

Акциялар бекор қилинганда ёки банкнинг акциядорлик капитали камайтирилганда (устав ҳужжатларига киритиладиган тегишли ўзгартиришлар Марказий банкда рўйхатга олингандан сўнг), қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

**А) имтиёзли акциялар**

П	Дт	30315	"Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли"	20 000 000
А/П	Кт	30321	"Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Имтиёзли (контр-пассив)"	20 000 000

**б) оддий акциялар**

П	Дт	30318	"Чиқарилган устав капитали - Оддий"	20 000 000
А/П	Кт	30324	"Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Оддий (контр-пассив)";	20 000 000

## **ХИ- БАНКЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ**

### **11.1. Валюта операциялари моҳияти ва турлари.**

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7-май кунги №841-12 «Валютани тартибга солиш тўғрисида»га Қонунининг **6-моддаси «Валюта операциялари»**га асосан қуйидагилар киради:

1. валюта бойликларига бўлган мулк ҳуқуқининг ва бошқа ҳуқуқларнинг ўзга шахсга ўтиши ҳамда валюта бойликларини тўлов воситаси сифатида ишлатиш билан боғлиқ операциялар;
2. валюта бойликларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва жўнатиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ва жўнатиш;
3. халқаро пул жўнатмаларини амалга ошириш;
4. резидентлар ва норезидентлар ўртасида миллий валютадаги операциялар.

Валюта операциялари жорий халқаро операцияларга ҳамда капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида соф қуйма олтин муомаласи тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **3-модда. Валюта бойликлари**

Чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари ва соф қуйма олтин валюта бойликлари ҳисобланади.

Чет эл валютаси муомалада бўлган ҳамда хорижий давлатда қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнотлар, хазина билетлари ва тангалар кўринишидаги чет эл пул белгилари, муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган ҳамда худди шу хорижий давлатнинг пул белгиларига алмаштирилиши лозим бўлган чет эл пул белгилари, шунингдек

ҳисобварақларда ва омонатларда бўлган хорижий давлатларнинг пул бирликларидаги ҳамда халқаро пул ёки ҳисоб-китоб бирликларидаги маблағлардир.

Чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ёки хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар жумласига киритилган, қиймати чет эл валютасида ифодаланган пул ҳужжатларидир.

**10-модда. Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солувчи давлат органи**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солувчи давлат органидир.

**Валютани тартибга солувчи давлат органи ўз ваколатлари доирасида:**

1. Ўзбекистон Республикасида чет эл валютасининг ҳамда чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларининг муомаласи тартибини белгилайди;
2. миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлаш механизмини белгилайди;
3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банкларда норезидентлар томонидан миллий валютада ҳамда резидентлар ва норезидентлар томонидан чет эл валютасида ҳисобварақлар очиш ва уларни юритиш тартибини белгилайди;
4. резидентлар ва норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий валютада чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш тартибини белгилайди;
5. Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида барча турдаги валюта операцияларини амалга оширади;
6. чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун банкларга лицензиялар беришнинг умумий қоидаларини белгилайди, бундай

- лицензияларни беради ва чақириб олади, шунингдек банклар фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб туради;
7. жорий халқаро операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган одатдаги қисқа муддатли банк ва кредит механизмлари муддатининг чегарасини белгилайди;
  8. кредитларни, қарзларни узиш учун ёки тўғридан-тўғри инвестициялар амортизацияси учун тўловларнинг мақбул суммалари миқдорини белгилайди;
  9. чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосила молиявий воситалар билан операциялар ўтказиш тартибини белгилайди;
  10. капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди;
  11. ваколатли банклар реестрини юритади ва эълон қилади;
  12. ваколатли банклар учун очиқ валюта мавқеи лимитларини белгилайди;
  13. қабул қилинган халқаро стандартларга мувофиқ валюта операциялари статистикасини тайёрлайди ва эълон қилади;
  14. чет эл валютасидаги тушумнинг бир қисмини резидентлар томонидан мажбурий тарзда сотишнинг миқдори ва тартибини белгилайди;
  15. валютани тартибга солиш масалалари бўйича барча юридик ва жисмоний шахслар бажариши мажбурий бўлган норматив ҳужжатлар қабул қилади, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

## **11.2.Банк операцияларини чет эл валютасида ҳисобга олинишининг ўзига хос хусусиятлари.**

Банкларда чет эл валютасида операцияларини ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 24 июлда 1839-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида» низомга асосан амалга оширилади.

**валюталаш санаси** - своп битими шартларини бажариш санаси;

**валютавий своп операцияси** - битимда белгиланган муддат ва валюта курси бўйича ҳисоблашиш (қайта алмашув) шарти асосида валюталарни бир вақтда сотиб олиш ва сотиш (алмашув) бўйича икки томонлама битимдир. Валютавий своп операцияси икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмини амалга оширишда валюталарнинг дастлабки алмашинуви (спот битим), иккинчи қисмини бажаришда эса, қайта алмашинуви (форвард битими) ва своп шартномасининг ёпилиши содир бўлади;

**своп битимининг базавий курси** - своп битими тузиладиган санадаги спот-курс. Сўм ва чет эл валютаси ўртасидаги своп битимини тузишда своп битимининг базавий курси (спот-курс) шу битимни тузиш пайтида Марказий банк томонидан тегишли валютанинг сўмга нисбатан ўрнатилган курсига тенг бўлади. Икки чет эл валютаси ўртасидаги своп битимини тузишда своп битимининг базавий курси шу битимни тузиш пайтидаги Марказий банк томонидан белгиланган чет эл валюталари кросс-курси асосида ҳисобланади;

**своп битимининг якуний курси** - своп битимини тузиш санасидаги форвард-курс. Своп битимининг якуний курси своп битими иштирокчилари томонидан ихтиёрий ўрнатилиши ёки қуйидаги формула бўйича аниқланиши мумкин:

### **Мазкур Низомга мувофиқ валютавий своп операцияси:**

-Марказий банк ва ваколатли банклар ўртасида;

-ваколатли банклар ўртасида ўзаро;

-своп битими жорий халқаро операциялар билан боғлиқ бўлган тақдирда, банк миждозлари ва ваколатли банклар билан амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга оширишда чет эл валютаси сифатида АҚШ доллари, евро, Англия фунт стерлинги, Швейцария франки ва Япония иенасидан фойдаланилади.

Валютавий своп операцияси сўм ва чет эл валютаси билан, шунингдек икки чет эл валютаси ўртасида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Марказий банк ва ваколатли банклар ўртасидаги, шунингдек ваколатли банкларнинг ўзаро валютавий своп операциялари Савдо тизимида тузилади ва бажарилади.

Валютавий своп операциясини ўтказиш мақсадида миллий валютадаги ҳисоб-китоб фоиз ставкалари ва чет эл валютасидаги ҳисоб-китоб фоиз ставкалари ўрнатилади.

Сўм бўйича фоиз ставкалари Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида ёки Ўзбекистон банклари ассоциациясининг банклараро кредит ставкаси бўйича ҳам ўрнатилиши мумкин.

Чет эл валюталари бўйича фоиз ставкалари валюта турига боғлиқ равишда қуйидаги миқдорларда ўрнатилиши мумкин:

АҚШ доллари учун - АҚШ Федерал захира тизими фоиз ставкалари (Федерал фондс таргет рате);

Евро учун - Европа Марказий банки қайта молиялаш ставкаси (Минимум бид рате ат рефинансинг тендер);

Англия фунт стерлинги учун - Англия банкининг банк ставкаси (банк рате);

Япония иенаси учун - Япония банкининг "овернайт" (овернигхт фондинг рате) қайта молиялаш ставкаси;

Швейцария франки учун - Швейцария Миллий банкининг швейцария франкида 3 ойлик Либор ставкаси (3 монтх Свисс Либор).

Шунингдек, чет эл валюталари бўйича фоиз ставкалари ЛИБОР ёки ИСДАФИХ ставкалари миқдорида ёки чет эл марказий (миллий) банкларининг ҳисоб ставкалари миқдорида ҳам ўрнатилиши мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган чет эл валютасидаги фоиз ставкаларига доир маълумотларни РЕУТЕРС тизимидан ва Халқаро своплар ва деривативлар ассоциацияси (Интернатионал Свапс анд Деривативес Ассоциатион - исда.орг), Британия банклари ассоциацияси (Бритиш Банкерс Ассоциатион - бба.орг.ук), шунингдек тегишли чет эл марказий (миллий) банклари веб-сайтларидан ва бошқа манбалардан ҳам олиш мумкин.

### **11.3.Чет эл валютасида валюта операцияларини амалга ошириш тартиби.**

Республикада чет эл валютасида валюта операцияларини амалга ошириш тартиби Адлия вазирлигида 2003 йил 3 июлда 1253-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмоний шахслар - резидентларга нақд хорижий валюта мамлакат ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширилади. Низомга кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан резидент жисмоний шахсларга 5000 АҚШ долларига тенг миқдордан ошувчи нақд хорижий валютани республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартибини белгилайди.

**Марказий банкнинг 5000 АҚШ долларига тенг миқдордан ошувчи нақд хорижий валюта республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномасини олиш ҳуқуқига:**

- а) Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларига биноан;
- б) хорижий давлатларга доимий яшаш жойига;
- в) хизмат сафарига;
- г) таълим олиш ва даволанишга;
- д) сайёҳлик сафарларига ва ҳоказоларга борадиган жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари эгадир.

**Жисмоний шахслар рухсатнома олиш учун Марказий банкка  
қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:**

- а) ариза, унда:
  - жисмоний шахснинг фамилияси, исми-шарифи;
  - жисмоний шахс яшайдиган манзил;
  - нақд хорижий валюта олиб чиқилаётган сумма;
  - хорижга чиқишдан мақсад;
  - хорижда нақд хорижий валюта ишлатишдан мақсад;
  - жўнаб кетиш ва келиш санаси кўрсатилади;
- б) паспорт ва паспорт варақлари нусхаси, уларда қуйидагилар кўрсатилади:
  - паспорт серияси, рақами ва берилган санаси;
  - паспорт берган орган;
  - республика ҳудудидан чиқиш ҳуқуқи тўғрисида Виза ва рухсатномалар бўлимининг белгиси (агар талаб қилинса);
  - хорижий давлатнинг келиш визаси (агар виза режими белгиланган бўлса);
  - республика ҳудудида қайд этилганлиги тўғрисида белги;

в) нақд хорижий валюта қонуний тарзда харид қилинганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (нақд сўмларни алмаштириш тўғрисида пул алмаштириш пунктнинг маълумотномаси, ваколатли банкнинг ҳисобварақлар ва омонатлардаги хорижий валюта олинганлиги тўғрисидаги маълумотномаси ва бошқа тасдиқлаш ҳужжатлари);

г) хизмат сафарига юборилаётган шахслар учун - хорижга хизмат сафарига юбориш тўғрисида буйруқларнинг, таклиф этаётган тараф хатларининг нусхалари;

д) ҳукумат делегациялари таркибида бораётган шахслар учун - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишининг нусхаси;

е) хорижга чиқиш мақсадини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 12 августда 1165-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисида” низомга кўра:**

**1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қуйидаги ҳолатларда қабул қилиш мумкин:**

а) кичик бизнес корхоналари томонидан ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилинганда;

б) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда авиакомпаниялар ва уларнинг агентлари томонидан авиачипталар сотилганда;

в) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг консуллик хизматлари учун;

г) қонун ҳужжатларида назарда тутилган божхона йиғимлари тўланганда;

д) бож тўламасдан савдо қиладиган дўконлардаги ҳисоб-китоблар билан, шунингдек халқаро ташишлар пайтида транспорт воситаларининг бориш

йўлида йўловчиларга товарлар ва хизматлар сотилганда ҳисоб-китоблар билан боғлиқ операциялар;

е) кредитлар бўйича муддатли ва кечиктирилган қарзларни ҳамда улар бўйича чет эл валютасидаги фоизларни сўндириш;

ж) қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда юридик шахсларнинг устав фондида (устав сармоясига) бадалнинг тўлашда;

з) ваколатли банкларда омонатларга пул маблағларини киритишда;

и) хайрия мақсадларида амалга ошириладиган пул маблағларини киритишда;

к) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурталаш ва қайта суғурталаш шартномалари бўйича қарзларни сўндиришда;

л) экспедитор, ташувчи ва киракаш (фрахтчи) томонидан жисмоний шахсларга олиб чиқиладиган ёки олиб кириладиган юк транзити, ташилиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш пайтида ташиш ва чартер (фрахт) бўйича операцияларда;

м) чет эл валютасидаги банк операциялари бўйича воситачилик ҳақини тўлашда;

н) қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

Кўрсатилган тўловлар нақд хорижий валютада, шунингдек пластик тўлов ва кредит карточкалар орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Мазкур Низом доирасида сотилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўлови учун қуйидаги хорижий валюталар сотилаётган товарлар (ишлар, хизматлар) учун қабул қилиниши мумкин:

АҚШ доллари; инглиз фунт стерлинги;

ЕВРО швейцария франки; япон иенаси.

#### **11.4.Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши.**

Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 17.08.2000 й. Н 957 “Нақд чет эл валютасига оид операцияларни амалга ошириш” қоидаларига асосан амалга оширилади.

Нақд чет эл валютаси ва хорижий валютадаги тўлов ҳужжатлари билан бўладиган операцияларнинг ҳисобга олиниши учун асосан қуйидаги баланс ҳисобварақларидан фойдаланилади:

- 10101 "Оборот кассасининг касса нақд пуллари";
- 10103 "Алмашлаш пунктларидаги касса нақд пуллари";
- 10105 "Чеклар ва бошқа тўлов ҳужжатлари";
- 10109 "Йўлдаги пул маблағлари";
- 17101 "Спот шартлари асосида валютани харид қилиш ва сотиш ҳисобварақлари".

Банк кассасида бўлган нақд чет эл валютаси ҳисоби

Бўнак берилганда, нақд чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари сотиб олинганда ёки сотилганда қуйидаги ўтказмалар (проводкалар) амалга оширилади:

- 1) Айирбошлаш шохобчаси ходимиغا ҳисобдорлик учун миллий ва чет эл валютасида нақд пуллар бериш:

Ипотека банк 2014 йил 1 март куни фуқаролардан 2000 доллар сотиб олиш учун айрибошлаш кассасига 4 000 000 сўм пул берди.

А	Дт	10103000	"Айирбошлаш шохобчаларидаги касса нақд пуллари"	4 000 000
---	----	----------	---	-----------

А	Кт	10101000	"Айланма кассадаги касса нақд пуллари";	
---	----	----------	---	--

Ипотека банк 2014 йил 1 март куни фуқаролардан 2000 доллар сотиб олиш учун айрибошлаш кассасасига харажат қилинди.

А	Дт	17101000	"Валютани "Спот" шартларида сотиб олиш ва сотиш ҳисобварағи";	4 000 000
А	Кт	10103000	"Айрибошлаш шохобчаларидаги касса нақд пуллари"	

Ипотека банкни айрибошлаш шохобчаси 2014 йил 1 март куни фуқаролардан 2000 доллар сотиб олди.

А	Дт	10103840	"Айрибошлаш шохобчаларидаги касса нақд пуллари";	2 000 \$
А	Кт	17101840	"Валютани "Спот" шартларида сотиб олиш ва сотиш ҳисобварағи";	

Ипотека банк 2014 йил 1 март куни 2000 долларни асосий кассага топширди.

А	Дт	10101840	"Айланма кассадаги касса нақд пуллари";	2 000 \$
А	Кт	10103840	"Айрибошлаш шохобчаларидаги касса нақд пуллари";	

2) Айрибошлаш шохобчаси томонидан сотилган нақд чет эл валютаси суммасига:

Ипотека банк 2014 йил 2 март куни фуқароларга 3000 долларни сотиш учун айрибошлаш шохобчасига харажат қилди. Шу кун ҳолатига давлат курси 2 000 сўм.

А	Дт	10103840	"Айрибошлаш шохобчаларидаги касса нақд пуллари";	3 000 \$
А	Кт	10101840	"Айланма кассадаги касса нақд пуллари";	

Ипотека банк 2014 йил 2 март куни фуқароларга 3000 долларни фуқароларга сотилди. Сотган куни 2 500 сўмдан сотди.

А	Дт	17101840	"Валютани "Спот" шартларида сотиб олиш ва сотиш ҳисобварағи";	3 000 \$
А	Кт	10103840	"Айирбошлаш шохобчаларидаги касса нақд пуллари";	

Ипотека банк 2014 йил 2 март куни фуқароларга сотилган 3000 доллар ҳисобдан 7 500 000 сўм нақд пул кирим қилинди.

А	Дт	10103000	"Айирбошлаш шохобчаларидаги касса нақд пуллари";	7 500 000 сўм.
А	Кт	17101000	"Валютани "Спот" шартларида сотиб олиш ва сотиш ҳисобварағи";	

Сотув курси ва харид курси орасидаги ижобий курс фарқи суммасига:

А	Дт	17101000	"Айирбошлаш шохобчаларидаги касса нақд пуллари";	1 500 000 сўм.
П	Кт	45401000	"Спот" битимлари бўйича чет эл валютасидаги фойда";	

Марказий банк курси ва харид курси орасидаги салбий курс фарқи суммасига:

А	Дт	55302000	"Спот" битимлари бўйича чет эл валютасида кўрилган зарарлар";	1 500 000 сўм.
А	Кт	17101000	"Айирбошлаш шохобчаларидаги касса нақд пуллари";	

## **ХII-БОБ. «БАНКЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ»**

### **12.1 Асосий воситаларни бирламчи акс эттириш ва ҳисобга олиш**

Тижорат банкларида асосий воситаларни бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 17 декабрда 1434-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси банкларида **асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби** тўғрисида”ги йўриқномага асосан олиб борилади.

**асосий воситалар** - бу:

а) банк фаолиятида банк хизматларини кўрсатиш жараёнида, ижарага бериш учун ёки маъмурий мақсадлар учун фойдаланиладиган;

б) бир йилдан ортиқ вақт мобайнида фойдаланиш кўзда тутилган моддий активлар.

**Асосий воситаларга** бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуна ва приборлар, компьютерлар, мебель, ҳисоблаш техникаси, транспорт воситалари, фойдаланиш ҳуқуқларида харид қилинган ер, кутубхона фонди, қуришда бино қийматига киритилмаган сигнализация ва телефонизация объектлари - қийматидан қатъи назар ва ҳаказолар киритилади;

**бошланғич (ҳақиқий) қиймат** - тўланган солиқлар, божхона божлари ва йиғимларини, шунингдек активни ундан мўлжал бўйича фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва исталган бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда, асосий воситаларни тиклаш (қуриш ва қуриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича ҳақиқатда қилинган харажатларнинг ҳақиқий суммаси. Бошланғич қиймат шунингдек, банк активни харид қилиш чоғида ёки ушбу активдан асосий бўлмаган фаолият мақсадларида муайян давр мобайнида фойдаланиш натижасида унга нисбатан мажбуриятни ўз зиммасига олган дастлабки тахмин қилинган активни демонтаж қилиш ва йўқотиш ёки активни тиклаш харажатлари баҳосини ўз ичига олади.

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати уларнинг ҳаққоний қийматини қайта баҳолаш санасида акс эттириш учун вақти-вақти билан қайта баҳоланади;

**баланс қиймати** - актив бухгалтерия балансида жамланган амортизацияси ҳамда қийматининг тушишидан йиғилган зарарлар чегирилгандан сўнг тан олинадиган сумма;

**тугатиш қиймати** - банк мазкур пайтда активнинг чиқиб кетишидан чиқиб кетиш бўйича кутилаётган харажатлар чегирилгандан сўнг оладиган, агар актив эскирган ва кутилаётгандек ҳолатда бўлса, унинг фойдали хизмат муддати охирида олиниси кутилаётган сумма;

**ҳаққоний (реал) қиймат** - активнинг жорий бозор қиймати ёки баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланадиган қиймати;

**тиклаш қиймати** - асосий воситаларнинг банк бухгалтерия балансида қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолдаги қиймати;

**фойдали хизмат муддати** - банк активдан фойдаланишни кутаётган (ҳисоб-китоб) давр ёки банк ушбу активдан фойдаланишдан олишни мўлжаллаётган ишлар ва хизматлар миқдори;

**амортизация (эскириш)** - фойдали хизмат муддати мобайнида активнинг амортизацияланадиган қийматини банк харажатларига мунтазам тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодаси;

**амортизацияланадиган қиймат** - активнинг тугатиш қийматини чегирган ҳолда молиявий ҳисоботларда кўрсатилган бошланғич (тиклаш) қиймати суммаси;

**қийматни тушишидан зарар** - активнинг баланс қиймати унинг тўланадиган қийматидан ошадиган сумма;

**фойдаланиш қиймати (қиммати)** - активдан фойдаланишни давом эттиришдан ва унинг фойдали хизмат муддати охирида чиқиб кетишидан

кутилаётган тахмин қилинаётган келгусидаги пул оқимларининг дисконтланган қиймати;


Асосий воситаларни ҳисобга олишнинг асосий қоидалар бўлиб уларнинг баланс қиймати ва ушбу активларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган амортизация усуллари аниқлаш, шунингдек асосий воситаларнинг баланс қийматининг ўзгариши, амортизация ҳисоблаш тартиби ва уларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижаларни аниқлаш ва ҳисобга олиш ҳисобланади.

#### *16500-АСОСИЙ ВОСИТАЛАР*

<i>Актив</i>		<i>Контр-актив</i>	
<i>№</i>	<i>Счётни номи</i>	<i>№</i>	<i>Счётни номи</i>
<i>16501</i>	Ер		
<i>16505</i>	Тугалланмаган қурилишлар		
<i>16509</i>	Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа иморатлар	<i>16511</i>	Бинолар ва бошқа иморатларнинг йиғилган эскириш суммаси
<i>16515</i>	- Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи	<i>16519</i>	- Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси
<i>16529</i>	- Транспорт воситалари	<i>16531</i>	- Транспорт воситаларининг йиғилган эскириш суммаси
<i>16535</i>	- Мебель, мослама ва жиҳозлар	<i>16539</i>	Мебель, приспособления и оборудование
<i>16541</i>	Тўлов карточкалари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш ускуналари	<i>16543</i>	Тўлов карточкалари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш ускуналарининг йиғилган эскириш суммаси
<i>16549</i>	- Бошқаларга операцион ижарага берилган асосий воситалар	<i>16551</i>	- Бошқаларга операцион ижарага берилган асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси
<i>16561</i>	- Омбордаги асосий воситалар	<i>16563</i>	- Омбордаги асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси

## АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҚУЙИДАГИЛАР НАТИЖАСИДА БАНК БАЛАНСИГА КИРИТИЛАДИ:

47-расм



Асосий восита банкнинг бухгалтерия ёзувларида унинг қиймати аниқ (ишончли) баҳолангандагина тан олинади.

Активдан келиб тушадиган келгусидаги иқтисодий фойда хизматларни сотишдан олинган тушум, харажатлар тежами ва банк активдан фойдаланиши натижаси ҳисобланган бошқа фойдаларни ўз ичига олади.

Банк томонидан молиявий лизингга бериш мақсадларида сотиб олинган асосий воситаларнинг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг алоҳида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжати билан тартибга солинади.

Ҳақ эвазига сотиб олинган асосий воситалар балансда уларнинг бошланғич қиймати бўйича акс этирилади.

## 12.2. Асосий воситаларни сотиб олишни ҳисобга олиш

Асосий воситалар, бино (иншоотлар)ни қурилиши (реконструкцияси) билан боғлиқ бўлган лойиҳа-қидирув ишлари, қурилиш материаллари, меҳнат, харажатлар ҳамда асосий воситалар сотиб олиш билан боғлиқ бўлган бошқа капиталлаштириладиган харажатлар қийматини тўлиқ ёки қисман олдиндан тўлаш қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади:

«Савдогарбанк» янги бинога кўчиши учун 2014 йил 5-март куни «Савдогрант» хусусий фирмасидан битимга 50 000 000 сўмлик бинони сотиб олди.

А	Дт	19909	"Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар"; "Савдогрант" учун 19909000196325874001 сонли банк счёти очади.	Савдогарбанк	50 000 000
П	Кт	20208	"Савдогрант" банкнинг жорий счёти-202080001741852001	Ипотекабанк	

2) сотиб олинган бино (иншоот) балансда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

А	Дт	16509	"Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа қурилган иморатлар";	Савдогарбанк	50 000 000
А	Кт	19909	"Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар"; "Савдогрант" учун 19909000196325874001 сонли банк счёти очади.	Савдогарбанк	

3) асосий воситаларни **омборга** қирим қилиш қуйидаги ўтказма билан расмийлаштирилади:

А) «Савдогарбанк» «Савдогрант» хусусий фирмасидан клиентлар учун янги терминаллар олиб келди.

А	Дт	19909	"Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар"; "Савдогрант" учун 19909000196325874001 сонли банк счёти очади.	Савдогарбанк	10 000 000
П	Кт	20208	мижоз (мол етказиб берувчи)нинг талаб қилиб олинганча сақланадиган депозит ҳисобварағи-"Савдогрант" банкнинг жорий счёти-202080001741852001	Ипотекабанк	

Б) Олиб келинган терминал ишга тушургунча омборга кирим қилди.

Суммаси 10 000 000 сўм.

А	Дт	16561	"Омбордаги асосий воситалар";	Савдогарбанк	10 000 000
А	Кт	19909	"Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар"; Савдо грант учун 19909000196325874001-сонли банк счёта очади.	Савдогарбанк	

4) сотиб олинган, реконструкция қилиниши талаб қилинадиган бинолар реконструкция тугаллангунга қадар 16505-"Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварағида алоҳида шахсий ҳисобварақ бўйича ҳисобга олинади. Бунда бино (иншоотлар)ни қурилиши (реконструкцияси) билан боғлиқ бўлган лойиҳа-қидирув ишлари, қурилиш материаллари, меҳнат, харажатлар қиймати қабул қилиш далолатномаларига асосан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан ҳисобварақларда акс эттирилади:

А	Дт	16505	"Тугалланмаган қурилиш";	Савдогарбанк	20 000 000
А	Кт	19909	"Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар"; "Савдогрант" учун 19909000196325874001-сонли банк счёта очади.	Савдогарбанк	

5) агар кейинги харажатлар хорижий ҳамкор билан тузилган контрактларга мувофиқ чет эл валютасида амалга оширилса, харажатлар ҳисоби 16505-"Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварағида операция содир этилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича сўм эквивалентида амалга оширилади.

Банкнинг йил охирида 16505-"Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварағидаги қолдиқ тугалланмаган қурилиш ҳажмига мувофиқ келиши лозим ҳамда кейинги йилга ўтказилади;

б) бинолар (иншоотлар) фойдаланишга тайёр ҳолга келганда уларнинг қиймати тегишли қабул қилиш далолатномалари асосида 16509-"Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа қурилган иморатлар" ҳисобварағига кирим қилинади. Агар қурилиш ёки реконструкция харажатлари сметасида мебель

ва жиҳозлар сотиб олинishi назарда тутилган бўлса, қабул қилиш далолатномаларида уларнинг қиймати умумий қийматдан ажратиб кўрсатилади ва тўлиқ рўйхати илова қилинади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари расмийлаштирилади:

а) бинолар қиймати суммасига:

Сотиб олинган битмаган бинога қўшимча қурилиш ишлари қилинди,

А	Кт	16505	"Тугалланмаган қурилиш"	Савдогар банк	20 000 000
П	Кт	20208	Қурилиш ташкилоти-қурилиш ишларини бажарди	Агробанк	

Қурилиш якунлангандан сўнг балансга кирим қилинади:

А	Дт	16509	"Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа қурилган иморатлар"	Савдогар банк	70 000 000
А	Кт	16505	"Тугалланмаган қурилиш"	Савдогар банк	

Агар банк моддий активларни кирим қилгандан сўнг тўловни амалга оширса, кирим ҳужжатлари асосида қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

«Савдогарбанк» янги бинога кўчиши учун 2014 йил 5-март куни «Савдогрант» хусусий фирмасидан битмаган 50 000 000 сўмлик бинони қабул қилди, тўлов эса 1 ойдан сўнг амалга оширади.

1) моддий активлар келиб тушганда уларни балансда акс эттириш:

а) асосий воситалар келиб тушиши тақдирда:

А	Дт	16505	"Тугалланмаган қурилиш"	Савдогарбанк	50 000 000
П	Кт	29802	"Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар";	Савдогарбанк	

б) асосий воситаларни омборга кирим қилиш:

«Савдогарбанк» «Савдогрант» хусусий фирмасидан клиентлар учун янги терминаллар олиб, уларни омборга кирим қилди.

А	Дт	16561	"Омбордаги асосий воситалар";	Савдогарбанк	10 000 000
П	Кт	29802	"Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар";	Савдогарбанк	

2) Асосий воситаларни пули тўланганда:

П	Дт	29802	"Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар";	Савдогарбанк	10 000 000
П	Кт	20208	мижоз (мол етказиб берувчи)нинг талаб қилиб олинганча сақланадиган депозит ҳисобварағи-"Савдогрант" банкнинг жорий счёти-202080001741852001	Ипотекабанк	

Республика «Савдогарбанк» Андижон вилоят бўлимига 10 донга 5 000 000 сўмлик компьютерларни текинга берилди. Асосий воситалар текинга олинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси расмийлаштирилади. Текинга олинган асосий воситаларнинг ҳаққоний қиймати:

А	Дт	16535	"Мебель, мослама ва жиҳозлар";	Андижон Савдогарбанк	20 000 000
П	Кт	45994	"Бошқа фоизсиз даромадлар".	Андижон Савдогарбанк	

Бунда пайдо бўладиган бир йўла харажатлар жорий харажатларга ҳисобдан чиқарилади.

Асосий воситалар субсидия кўринишида олинганда қуйидаги ўтказма бажарилади:

А	Дт	16535	"Мебель, мослама ва жиҳозлар";	Андижон Савдогарбанк	25 000 000
П	Кт	22896	"Бошқа муддати узайтирилган даромадлар".	Андижон Савдогарбанк	

22896-ҳисобварақдаги муддати узайтирилган даромад кейинчалик Тижорат банкларида грантларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомга (ЎЗР АВ томонидан 21.01.2004 й.да 1300-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ ҳисобга олинади.

Агар банклар (амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетга солиқлар тўлашдан озод қилинган) солиқ солишдан бўшатиш маблағлар ҳисобига банк инфратузилмасини ривожлантириш доирасида асосий воситаларни харид қилиб, уларнинг қийматини 30903-"Умумий захира фонди" баланс ҳисобварағининг "Банк инфратузилмасини ривожлантиришга сарфланган маблағлар" шахсий ҳисобварағига киритган бўлсалар, қуйидаги тескари ўтказма амалга оширилади:

А	Дт	16535	"Мебель, мослама ва жиҳозлар";	Савдогарбанк	12 000 000
П	Кт	30903	"Умумий захира фонди"; "Банк инфратузилмасини ривожлантиришга сарфланган маблағлар" ш/ҳ.	Савдогарбанк	

### 12.3.Гаровга эгалик ҳуқуқини қўллаш (гаровга қўйилган мол-мулкни ундириш) йўли билан олинган асосий воситаларни ҳисобга олиш

Агар гаров таъминота остида кредит олган қарздор ўз мажбуриятларини бажармаса, банк гаровга нисбатан ўз ҳуқуқини қўллаши ва уни сотиши ёки ўз мулкига (эгалигига) олиши мумкин. Ундирилган гаровга қўйилган мол-мулк дастлаб сотиш учун мўлжалланган ундирилган мол-мулк ва бошқа кўчмас мулкни ҳисобга олиш тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ акс эттирилади.

Банк ундирилган мол-мулкни ўз асосий воситалари сифатида ишлатишга қарор қилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари акс эттирилади:

“Агробанк” 2011 йил 1 май куни “Грант” фирмасига 45 000 000 сўм миқдорида 15% миқдорида кредитни савдо-сотик учун 3 йилга берган. Аммо 3 йил ўтгандан кейин ҳам кредит тани ва фоизи унмаган. Натижада банк миждозни гаровга қўйган биноси ўзининг балансига кирим қилди.

А	Дт	16509	Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа иморатлар	Агробанк	45 000 000
А	Дт	16799	"Банкнинг бошқа хусусий мулклари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)";		
А	Кт	16701	"Кредит ва лизинг бўйича гаров ҳисобидан ундирилган мулк".		

## 12.4 Асосий воситаларни қайта баҳолаш.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш асосий воситалар объектларининг бошланғич қийматини ҳаққоний қиймат даражасига мослаш мақсадида уларни вақти-вақти билан аниқлаштириш учун амалга оширилади. Агар ҳаққоний қиймат етарли даражадаги ишонч билан баҳоланиши мумкин бўлса, банклар бир синф доирасидаги барча асосий воситаларни кейинги жамланган амортизацияси ва қийматининг тушишидан йиғилган зарарлар чегирилган ҳолда қайта баҳолаш вақтида ушбу объектларнинг ҳаққоний қийматини акс эттирувчи қайта баҳоланган қиймат бўйича акс эттирадилар.

Асосий воситалар алоҳида объекти қийматини қайта баҳолаш ўтказилганда асосий воситаларнинг ушбу актив тегишли бўлган бутун синфи ҳам қайта баҳоланиши лозим. Асосий воситаларнинг синфи (гурухи) - банкда фойдаланиш тури ва йўли бўйича бир хил бўлган активларнинг бирлашуви. Асосий воситаларнинг бир синфи таркибидага объектлар бир вақтнинг ўзида қайта баҳоланади.

Банк мулкида, унинг хўжалик юретишида ёки тезкор бошқарувида бўлган барча асосий воситалар, шунингдек молиявий ижара бўйича учинчи томонда ижарада (лизингда) бўлган мол-мулк, жорий ижара бўйича учинчи томонга ижарага берилган мол-мулк, ишлаб турган ва фойдаланилмайдиган мол-мулк, консервацияда бўлган, ҳисобдан чиқаришга тайёрланган, лекин белгиланган тартибда тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган мол-мулк, шунингдек тугалланмаган қурилиш объектлари ва ўрнатиш учун мўлжалланган ускуналар қайта баҳоланиши лозим.

Ер участкалари ва табиатдан фойдаланиш объектларининг қиймати қайта баҳоланмайди.

Қайта баҳолаш банк томонидан мустақил равишда ёки баҳоловчи ташкилотларни жалб этган ҳолда амалга оширилади. Асосий воситалар объектларининг ҳаққоний қиймати одатда уларнинг бозор қиймати

ҳисобланади. Агар ҳаққоний қийматни тасдиқловчи, бозор маълумотларига асосланган ахборотлар мавуд бўлмаса, банк даромадга ёки алмаштиришнинг амортизацияланадиган қийматига асосланган усулни қўллаб ҳаққоний қийматни тахминан баҳолаши мумкин.

Асосий воситалар қийматининг тушиши активлар қийматининг тушишини ҳисобга олиш бўйича МҲХС талабларига мувофиқ кўриб чиқилади.

### 1-§. Қайта баҳолаш усуллари

Асосий воситаларни қайта баҳолаш учун қуйидаги усуллар қўлланилади:

48-расм



*Индекс усули.* Индекс усули билан қайта баҳолашда қайта баҳолаш санасидаги асосий воситаларнинг баланс қиймати ва ушбу активларнинг жамланган эскириши муайян индексдан фойдаланган ҳолда қайта баҳоланади. Сўнгра активларнинг қайта баҳоланган қиймати уларнинг баланс қиймати ва жамланган эскириши билан таққосланади ва фарққа тегишли бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

1) агар активнинг қайта баҳоланган қиймати унинг баланс қийматидан ошса, бу кўпайиш 30908-"Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси" ҳисобварағида қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади:

Мисол: "Миллийбанк" банк биносини 2015 йил 1 январь ҳолатига қайта баҳолади.

Бошланғич қиймати 45 000 000 сўм.

Қайта баҳолагандаги суммаси 500 000 сўм.

А	Дт	16509	Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа иморатлар	Миллийбанк	500 000
П	Кт	30908	"Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси";	Миллийбанк	

б) қайта баҳолашдан олдин ва ундан кейинги жамланган эскириш суммалари ўртасидаги фарққа:

Мисол: "Миллийбанк" банк биносини 2015 йил 1 январь ҳолатига қайта баҳолади.

Эскириш қиймати-15 000 000 сўм

Қайта баҳолагандаги суммаси 100 000 сўм.

П	Дт	30908	"Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси";	Миллийбанк	100 000
П	Кт	16511	- Бинолар ва бошқа иморатларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)	Миллийбанк	

в) қайта баҳолаш натижасида асосий восита қийматининг кўпайиш суммаси харажат сифатида тан олинган ушбу актив қийматининг олдинги арзонлашиш суммасини қоплаши даражасидагина даромад сифатида тан олиниши лозим;

2) қайта баҳолаш натижасида асосий воситаларнинг ҳаққоний қийматининг камайиши харажат сифатида тан олинади. Ушбу сумма бевосита 30908-"Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг

ошган суммаси" ҳисобварағининг тегишли моддасидан, бироқ худди ўша асосий воситага нисбатан олдинги қўшимча баҳолаш миқдори доирасида чегириб ташланиши лозим. Бунда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари бажарилади:

а) қайта баҳолашдан олдин ва ундан кейинги жамланган эскириш суммалари ўртасидаги фарққа:

Мисол: "Миллийбанк" банк биносини 2015 йил 1 январь ҳолатига қайта баҳолади.

Эскириш қиймати-15 000 000 сўм

Қайта баҳолагандаги суммаси 100 000 сўмга камайган

п	Дт	16511	- Бинолар ва бошқа иморатларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)	Миллийб анк	100 000
П	Кт	30908	"Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси";	Миллийб анк	

б) қайта баҳолаш натижасида аниқланган актив ҳаққоний қийматининг камайиши суммасига:

Мисол: "Миллийбанк" банк биносини 2015 йил 1 январь ҳолатига қайта баҳолади.

Бошланғич қиймати 45 000 000 сўм.

Қайта баҳолагандаги суммаси 500 000 сўмга камайган.

П	Дт	30908	"Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси";	Миллийб анк	500 000
А	Кт	16509	Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа иморатлар	Миллийб анк	

в) 30908-ҳисобварақда акс эттирилган олдинги қайта баҳолаш суммаси етарли бўлмаган тақдирда, арзонлашган сумма ва олдинги қайта баҳолаш суммаси ўртасидаги фарқ харажат сифатида тан олинади ва 55995-"Бошқа фоизсиз харажатлар" ҳисобварағида акс эттирилади. Бунда қуйидаги ўтказма қайд этилади:

А	Дт	55995	"Бошқа фоизсиз харажатлар";	Миллийб анк	100 000
А	Кт	16509	Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа иморатлар	Миллийб анк	

3) қайта баҳолашнинг индекс усулида асосий воситаларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича уларнинг харид қилинган даврларига боғлиқ ҳолда ҳар хил индекс қўлланилади.

*Бевосита қайта баҳолаш усули.* Асосий воситаларнинг тўлиқ тикланиш қиймати алоҳида объектлар қийматини баҳоланаётган айнан ўхшаш бўлган янги объектларнинг қайта баҳолаш санасида шаклланган, ҳужжатлар асосида тасдиқланган бозор нархлари бўйича бевосита қайта ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Бевосита қайта баҳолаш усули қўлланилганда объектларнинг тўлиқ тикланиш қийматини ҳужжатлар асосида тасдиқлаш учун банкнинг хоҳишига кўра қуйидагилардан фойдаланилиши мумкин:

1) тайёрловчи ташкилотлар ва уларнинг расмий дилерлари, товар-ҳом ашё биржалари, кўчмас мулк биржаларидан ёзма шаклда олинган худди шундай активга доир нархлар тўғрисидаги маълумотлар;

2) қайта баҳолашни ўтказиш санасига ва асосий фондларни харид қилиш санасига МБ курсларининг нисбати сифатида белгиланадиган ҳисоб-китоб коэффициентини қўллаган ҳолда харид қилиш санасига ЭАВда асосий фондларнинг қиймати тўғрисидаги (тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида) маълумотлар;

3) тегишли давлат органларида мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

4) қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда эълон қилинган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

5) асосий фондлар қиймати тўғрисида баҳоловчи ташкилотнинг ҳисоботи.

Асосий воситаларни бевосита қайта баҳолаш усули билан қайта баҳолашда тегишли асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олинган жамланган эскириши суммаси қайта баҳолашдан кейинги тикланиш қийматини қайта баҳолашдан олдинги қийматига нисбати тариқасида ҳисоблаб чиқариладиган қайта ҳисоблаш коэффиценти бўйича индексацияланиши лозим.

Қайта баҳолашдан сўнг активларнинг ҳаққоний қиймати уларнинг бошланғич (тикланиш) қиймати ва жамланган эскириши билан таққосланади ва фарқ суммасига мазкур Низомнинг 32-бандига мувофиқ бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади.

Юқорида келтирилган ўтказмалардан сўнг активнинг қайта баҳоланган қиймати унинг қолган ҳисобланган хизмат муддати мобайнида мазкур Йўриқноманинг ВИИ бўлимига мувофиқ амортизация қилинади.

30908-"Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси" ҳисобварағида акс этирилган қайта баҳолашнинг ижобий натижаси ҳар ойда 31203-"Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)" ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади. Бунда қуйида бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Мисол: "Миллийбанк" банк биносини 2015 йил 1 январь ҳолатига қайта баҳолади.

Қолдиқ қиймати-15 000 000 сўм

Қайта баҳолагандаги суммаси 100 000 сўм.

П	Дт	30908	"Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси";	Миллийб анк	100 000
П	Кт	31203	"Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)".	Миллийб анк	

Тегишли активни ҳисобдан чиқаришда 30908-ҳисобварақдаги қайта баҳолаш натижаси тўлиғича 31203-ҳисобвараққа ўтказилади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш ва унинг натижаларини тегишли ҳисобварақларга акс эттириш бўйича мисоллар 1-иловада келтирилади.

Омбордаги асосий воситаларнинг қайта баҳолаш натижалари қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари билан ҳисобга олинади:

1) тегишли активлар бўйича қайта баҳолашнинг ижобий натижаси:

А	Дт	16561	"Омбордаги асосий воситалар" - тегишли актив;	Миллийб анк	200 000
П	Кт	30908	"Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси";	Миллийб анк	

2) қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар қийматининг камайиш суммаси:

П	Дт	30908	"Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси";	Миллийб анк	100 000
А	Дт	55995	"Бошқа фоизсиз харажатлар";	Миллийб анк	100 000
А	Кт	16561	"Омбордаги асосий воситалар" - тегишли актив;	Миллийб анк	200 000

## 12.5. Асосий воситаларнинг амортизацияси (эскириши)

Ердан ташқари барча асосий воситалар чекланган фойдаланиш муддатига эга. Фойдаланиш муддатининг чекланганлиги сабабли ушбу асосий воситаларнинг амортизацияланадиган қиймати бутун фойдали хизмат муддати мобайнида амортизация ажратмалари кўринишида банк харажатларига тақсимланиши лозим. Асосий воситаларнинг хизмат муддати икки асосий сабаб: жисмонан эскириш (активларни ишлатиш, улардан фойдаланиш натижаси, шунингдек табиий омиллар таъсири); маънан эскириши (активлар замон талабларига жавоб бермайди) билан чекланади. Асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари улар фойдаланишга топширилган ойдан кейинги ойдан бошлаб ҳисобланади ҳамда мазкур Йўриқноманинг ВИИИ бўлимига мувофиқ ҳисобдан чиқарилиш вақтига қадар давом эттирилади. Амортизация харажатлари активнинг фойдали хизмат муддати мобайнида муттасил ҳар ойда акс эттирилади.

Активнинг фойдали хизмат муддати банк учун ушбу активдан олиниши тахмин қилинаётган фойдани баҳолаш йўли билан белгиланади.

Фойдали хизмат муддати унинг ичида актив ишлатиладиган йилларда, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар ҳажмларида, йўл юришда (агар гап автомашиналар ҳақида борса) ўлчаниши мумкин. Активнинг фойдали хизмат муддатини белгилашда қуйидаги барча омиллар ҳисобга олиниши лозим:

- 1) банк томонидан активни ишлатишнинг кутилаётган ҳажми, активнинг тахмин қилинаётган қуввати ёки физик унумдорлиги бўйича баҳоланади;
- 2) тахмин қилинаётган жисмонан эскириши;
- 3) активнинг маънан эскириши ушбу тур активнинг ишлаб чиқариш жараёнининг ўзгаришлари ёки такомиллашуви натижасида маълум бўлади;
- 4) активдан фойдаланишдаги юридик ёки айнан шунга ўхшаш чекловлар, бу фойдаланиш муддатини чеклаш ёки ижара.

Асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддати амалга оширилган активнинг фойдали хизмат муддатини узайтирувчи кейинги харажатларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек ушбу муддатни қисқартирувчи технологик ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда банк томонидан қайта кўриб чиқиши мумкин. Банклар асосий воситаларнинг тугатиш қиймати ва фойдали хизмат муддатини ҳеч бўлмаганда ҳар йилнинг охирида қайта кўриб чиқадилар.

Активнинг тугатиш қиймати аҳамиятли бўлганда, у харид санасида ёки активларнинг ҳар қандай аввалги баҳоланиш санасида белгиланади. Тугатиш қиймати активнинг фойдали хизмат муддати охирида тугатиш бўйича кутилаётган харажатлар суммасига камайтирилиши лозим.

Қуйидаги омиллар амортизация (эскириш) суммасини аниқлашда ўз таъсирини кўрсатади:

- 1) бошланғич қиймат;
- 2) тугатиш қиймати;
- 3) тахмин қилинаётган фойдали хизмат муддати;
- 4) амортизация (эскириш)ни ҳисоблаш усули.

#### 1-§. Амортизация ҳисоблаш усуллари

Амортизация қуйидаги усулларни қўллаш йўли билан ҳисобланади:

- 1) тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усули;
- 2) бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда эскиришни ҳисоблаш усули;
- 3) жадаллаштирилган усуллар:
  - а) йиллар суммаси усули (кумулятив усул);
  - б) камайиб боровчи қолдиқ усули.

Эскириш ҳисоблашнинг танланган усули ҳисоб сиёсатида белгиланиши ва бир ҳисобот давридан бошқасига изчиллик билан қўлланиши ва йил давомида ўзгартирилимаслиги лозим. Амортизация усулини танлашда фойдаланилаётган объектнинг вазифаси ва мазкур усулни ушбу объектга нисбатан қўллашнинг мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиш керак.

*Тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усули ўзгармас эскириш (амортизация) суммасини тенг маромда, асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддати мобайнида уларнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда тенг улушларда ҳисоблашга асосланади.*

Асосий воситаларга нисбатан қўлланиладиган амортизация усули вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилиши лозим, агарда ушбу активлардан иқтисодий фойда олишнинг тахмин қилинаётган чизмасида сезиларли ўзгаришлар бўлган ҳолда, усул ушбу ўзгаришларни акс эттириш учун ўзгартирилиши ва бухгалтерия баҳоларида ўзгаришлар сифатида акс эттирилиши лозим, жорий ва келгуси даврлар учун амортизацияга эса ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия баҳоларидаги ўзгаришлар бўйича МҲХС талабларига мувофиқ тузатиш киритилиши лозим.

Даврдаги амортизация қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан банк харажатларига киритилади:


Микрокредит банкнинг 100 000 000 сўмлик биносига 5% миқдорда эскириш ҳисобланди.  $100\,000\,000 \cdot 5 / 100 = 5\,000\,000$  сўм йиллик, ойлик эса 416 666 сўм.

А	Дт	56602	- Банк биноси ва бошқа иморатларнинг эскириш суммаси	Миллийбанк	5 000 000
П	Кт	16511	Бино	Миллийбанк	

## 12.6. Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши ва сотилиши

Асосий воситалар баланسدан қуйидагилар натижасида ҳисобдан чиқарилади:

50-расм



Асосий воситалар объектларининг чиқиб кетиши ёки сотилишидан юзага келадиган фойда ёки зарарлар активнинг чиқиб кетиши ёки сотилишидан олинган соф тушум билан унинг соф баланс қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Чиқиб кетиш ёки сотишдан олинган фойда ёки зарарлар актив ҳисобдан чиқарилган пайтда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади.

Фойдаланилиши тўхтатилган ва чиқиб кетиш учун мўлжалланган асосий воситалар активни фаол фойдаланишдан чиқариш санасида уларнинг баланс қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати уларнинг чиқиб кетишида қуйидаги тарзда аниқланади:

Мисол: Миллийбанк 4 та компьютерлари маънан эскирганлиги учун ҳисобдан чиқарилди.

-Бошланғич қиймати 1 тасини нархи 1 000 000 сўм жами 4 000 000 сўм

-эскириш қиймати 1 тасини 500 000 сўм жами 2 000 000 сўм

-қайта баҳоланган қиймати жами 1 000 000 сўм

Эскириши ҳисобдан чиқарилади:

П	Дт	16539	Мебель, мослама ва жиҳозлар эскириши	Миллийбанк	2 000 000
А	Кт	16535	Мебель, мослама ва жиҳозлар	Миллийбанк	

Мазкур асосий воситалар объекти бўйича 30908-ҳисобварақда бор бўлган қолдиқ суммасига:

А	Дт	30908	Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси;	Миллийбанк	1 000 000
П	Кт	31203	"Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)".	Миллийбанк	

Ҳисобдан чиқариладиган асосий воситалар сотилиши, текинга берилиши ёки тугатилиши мумкин.

Ҳисобдан чиқариладиган асосий воситалар сотилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари бажарилади:

- 1) агар тўлов харидорлар томонидан асосий воситалар олингандан сўнг амалга оширилган ҳолда:

Миллий банк А.Вни Асакабанк мижозига сотди.

А	Дт	19909	"Олинадиган ҳисобварақлар - Товар-моддий қимматликлар учун";	Миллийбанк	2 000 000
А	Кт	16535	Мебель, мослама ва жиҳозлар	Миллийбанк	

- 2) Мижоздан тўлов келиб тушгандан кейинги бухгалтерия ёзувлари:

- а) активни сотиш суммасига:

А	Дт	20208	"Уч ботир" хусусий фирмаси	Асака банк	3 000 000
П	Кт	29802	"Тўланадиган ҳисобварақлар - Товар-моддий қимматликлар ва хизматлар учун";	Миллийбанк	

- б) агар сотиш нархи асосий воситаларнинг қолдиқ қийматидан катта бўлса:

П	Дт	29802	"Тўланадиган ҳисобварақлар - Товар-моддий қимматликлар ва хизматлар учун";	Миллийбанк	3 000 000
А	Кт	19909	"Олинадиган ҳисобварақлар - Товар-моддий қимматликлар учун";	Миллийбанк	2 000 000
П	Кт	45909	"Асосий воситаларни сотиш ёки диспозиция қилишдан фойда" - <i>"соф тушум"</i> ва активнинг <i>"қолдиқ қиймати"</i> ўртасидаги фарқ;	Миллийбанк	1 000 000

в) агар сотиш нархи асосий воситаларнинг баланс қийматидан кичик бўлса:

П	Дт	29802	"Тўланадиган ҳисобварақлар - Товар-моддий қимматликлар ва хизматлар учун";	Миллийбанк	1 000 000
А	Дт	55902	"Банк асосий воситаларини сотиш ва диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар" - <i>"соф тушум"</i> ва активнинг <i>"қолдиқ қиймати"</i> ўртасидаги фарқ;	Миллийбанк	1 000 000
А	Кт	19909	"Олинадиган ҳисобварақлар - Товар-моддий қимматликлар учун";	Миллийбанк	2 000 000

3) олдиндан тўлов амалга оширилган ҳолда:

а) активни сотиш суммасига:

А	Дт	20208	"Уч ботир" хусусий фирмаси	Асака банк	3 000 000
П	Кт	29802	"Тўланадиган ҳисобварақлар - Товар-моддий қимматликлар ва хизматлар учун";	Миллийбанк	

б) агар сотиш баҳоси асосий воситаларнинг қолдиқ қийматидан катта бўлса:

П	Дт	29802	"Тўланадиган ҳисобварақлар - Товар-моддий қимматликлар ва хизматлар учун";	Миллийбанк	3 000 000
А	Кт	16535	Мебель, мослама ва жиҳозлар	Миллийбанк	2 000 000
П	Кт	45909	"Асосий воситаларни сотиш ёки диспозиция қилишдан фойда" - <i>"соф тушум"</i> ва активнинг <i>"қолдиқ қиймати"</i> ўртасидаги фарқ;	Миллийбанк	1 000 000

в) агар сотиш баҳоси асосий воситаларнинг қолдиқ қийматидан кичик бўлса:

П	Дт	29802	"Тўланадиган ҳисобварақлар - Товар-моддий қимматликлар ва хизматлар учун";	Миллийбанк	1 000 000
А	Дт	55902	"Банк асосий воситаларини сотиш ва диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар" - <i>"соф тушум" ва активнинг "қолдиқ қиймати" ўртасидаги фарқ</i>	Миллийбанк	1 000 000
А	Кт	16535	Мебель, мослама ва жиҳозлар	Миллийбанк	2 000 000

Тўлиқ жисмонан ёки маънан эскирганлиги муносабати билан яроқсиз ҳолга келган, камомад ёки талафот аниқланганда (айбдор шахслар аниқланмаган ҳолда), форс-мажор ҳолатларида, текинга берилганда асосий воситаларнинг қиймати белгиланган тартибда зарарга ҳисобдан чиқарилади ва қуйидаги ўтказма билан расмийлаштирилади: қолдиқ қиймати суммасига:

А	Дт	55902	"Банк асосий воситаларини сотиш ва диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар" - <i>"соф тушум" ва активнинг "қолдиқ қиймати" ўртасидаги фарқ;</i>	Миллийбанк	2 000 000
А	Кт	16535	Мебель, мослама ва жиҳозлар	Миллийбанк	2 000 000

Агар асосий воситалар фойдаланишга яроқли бўлса, хизмат муддати тугаганлигига қарамай банк улардан фойдаланишни давом эттириши мумкин. Бунда асосий воситалар асосий воситалар баланسدан ҳисобдан чиқарилмайди ва эскириш ҳисобланмайди.

Асосий воситалар банк томонидан корхонанинг устав капиталига улуш сифатида берилганда уларнинг қиймати тегишли асосий воситалар ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқарилади. Устав капиталига бериладиган асосий воситанинг ҳаққоний (ҳақиқий) қиймати 15800-бўлим - "Қарам хўжалик жамиятларига, кўшма корхоналарга ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар"даги тегишли Инвестициялар ҳисобварағига дебетланади.

## 12.7. Асосий воситаларнинг бош банк ва унинг филиаллари ўртасидаги ҳаракатини ҳисобга олиш

Асосий воситалар бош банкдан филиалга берилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари бажарилади:

1) бош банкда:

ТИФ Миллий банк Андижон вилоят бўлимига жами

-Бошланғич қиймати 1 тасини нархи 1 000 000 сўм жами 4 000 000 сўм

-эскириш қиймати 1 тасини 500 000 сўм жами 2 000 000 сўм

-қайта баҳоланган қиймати жами 1 000 000 сўм компьютерларни сотди.

А	Дт	16104	"Бош банк/филиаллардан олинадиган маблағлар - Товар-моддий қимматликлар ва хизматлар" - <i>"қайта баҳолаш натижаси"</i> айирилган ҳолда қолдиқ қиймати;	Миллийбанк	1 000 000
П	Дт	30908	"Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси" - <i>қайта баҳолаш натижаси;</i>	Миллийбанк	1 000 000
П	Дт	16359	Мебель, мослама ва жиҳозлар-эскириши	Миллийбанк	2 000 000
А	Кт	16535	Мебель, мослама ва жиҳозлар	Миллийбанк	4 000 000

### филиалда (асосий воситалар олинганда):

А	Дт	16535	Мебель, мослама ва жиҳозлар	Миллий банк	4 000 000
П	Кт	16359	Мебель, мослама ва жиҳозлар-эскириши	Миллий банк	2 000 000
П	Кт	30908	"Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси" - <i>қайта баҳолаш натижаси;</i>	Миллий банк	1 000 000
П	Кт	22205	"Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар - Товар-моддий қимматликлар ва хизматлар" - <i>"қайта баҳолаш натижаси"</i> айирилган ҳолда қолдиқ қиймати;	Миллий банк	1 000 000

Асосий воситаларни филиалдан бош банкка берилиши, шунингдек асосий воситаларнинг филиаллар ўртасида ўзаро амалга оширилади.

Ягона баланс ҳисоботида жамлашда ўзаро ҳисобварақлар (16104 ва 22205) чиқариб ташланади ва баланс ҳисоботида акс эттирилмайди.

### 12.8. Асосий воситаларни инвентарлаш

Асосий воситаларнинг ҳақиқатда мавжудлиги ва уларнинг бутлигини назорат қилиш мақсадида банк томонидан вақти-вақти билан, бироқ йилда камида бир марта асосий воситаларни инвентарлаш ўтказилади. Инвентарлашни ўтказиш тартиби банк раҳбарияти томонидан белгиланади.

Инвентарлашда аниқланган ортиқча асосий воситалар балансга баҳоланган қиймати бўйича қуйидаги тарзда кирим қилинади:

Асака банк 2014 йил 1 январь ҳолатига қайта асосий воситаларни инвентаризация қилганда 1 та ортиқча компьютер топилди.

А	Дт	16535	Мебель, мослама ва жиҳозлар	Асака банк	1 000 000
П	Кт	45994	"Бошқа фоизсиз даромадлар"	Асака банк	1 000 000

Банк ходимининг айбига кўра яроқсиз ҳолга келган асосий воситаларнинг қиймати ёки камомад аниқланганда ушбу асосий воситаларнинг қиймати қонунчиликда белгиланган тартибда айбдор ва моддий-жавобгар шахслардан ундирилади. Зарар миқдори, банк мулкига етказилган зарар учун ходимнинг моддий жавобгарлиги чегаралари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига мувофиқ белгиланади. Бунда қуйидаги ёзув расмийлаштирилади:

Асака банк 2014 йил 1 январь ҳолатига қайта асосий воситаларни инвентаризация қилганда 1 та компьютер топилмади.

-бошланғич қиймати 1 000 000 сўм

-эскириш қиймати 500 000 сўм

жамланган эскириш суммасига:

П	Дт	16539	Мебель, мослама ва жиҳозлар-эскириши	Асака банк	500 000
А	Кт	16535	Мебель, мослама ва жиҳозлар	Асака банк	500 000

агар ундирилиши лозим бўлган сумма активнинг қолдиқ қийматидан катта бўлса:

А	Дт	19908	"Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги олиними лозим бўлган маблағлар" - айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган қийматга;	Асака банк	1 000 000
А	Кт	16535	Мебель, мослама ва жиҳозлар	Асака банк	500 000
П	Кт	45994	"Бошқа фоизсиз даромадлар" - активнинг ундирилиши лозим бўлган ва қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ суммасига;	Асака банк	500 000

агар ундирилиши лозим бўлган сумма активнинг қолдиқ қийматидан кичик бўлса:

А	Дт	19908	"Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги олиними лозим бўлган маблағлар" - айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган қийматга;	Асака банк	250 000
А	Дт	55995	"Бошқа фоизсиз харажатлар" - активнинг қолдиқ қиймати ва ундирилиши лозим бўлган сумма ўртасидаги фарқ;	Асака банк	250 000
А	Кт	16535	Мебель, мослама ва жиҳозлар	Асака банк	500 000

маблағлар ундирилганда:

А	Дт	10101	"Айланма кассадаги нақд пуллар" ва/ёки	Асака банк	500 000
П	Дт	29803	"Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар " (ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолиши);	Асака банк	500 000
А	Кт	19908	"Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги олиними лозим бўлган маблағлар" - айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган қийматга;	Асака банк	1 000 000

## **ХШ-БОБ-БАНКЛАРИДА КАМ БАҲОЛИ ВА ТЕЗ ЭСКИРУВЧИ - БУЮМЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ**

### **13.1. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни сотиб олиш ҳисоби**

Тижорат банкларида кам баҳоли тез эскирувчи буюмларни ҳисоби Адлия вазирлигида 2005 йил 15 июлда 1496-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида»ги йўриқномага асосан амалга оширилади.

**Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар (КБТЭБ)** - бу банк фаолиятида фойдаланиладиган ва қуйидаги мезонлардан бирортасига жавоб бера оладиган моддий активлардир:

а) хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган;

б) хизмат муддатидан қатъий назар, бир донаси (комплекти) нархи Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган (сотиб олиш вақтидаги) энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача қийматга эга бўлган буюмлардир.

Банк раҳбари буюмларнинг КБТЭБ таркибидаги ҳисобини олиб бориш учун ҳисобот йилига буюмлар қийматининг қуйи чегарасини ўрнатиши мумкин.

#### **Хизмат қилиш муддати ва қийматидан қатъий назар КБТЭБ таркибига қуйидагилар киритилади:**

а) махсус асбоблар ва мосламалар (айрим буюмларни туркум ва ялпи ишлаб чиқариш ёки яқка тартибдаги буюртмаларни тайёрлаш учун мўлжалланган мақсадли асбоблар ва мосламалар);

б) махсус ва санитар кийимлар, махсус пойафзаллар;

в) ётоқ жиҳозлари;

г) канцелярия жиҳозлари (калькуляторлар, стол жиҳозлари ва бошқалар);

д) ошхона ва овқатланиш хонаси инвентарлари, шунингдек овқатланиш хонаси чойшаблари;

е) қурилиш-таъмирлаш ишлари таннархига олиб бориладиган вақтинчалик қурилма ва мосламалар (титулсиз иншоотлар);

ж) фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмашиш асбоб-ускуналари ва бошқа буюмлар;

**Ҳақиқатдаги қиймат** - КБТЭБ ни сотиб олиш, қайта ишлаш ва уни ҳозирги жойи ҳамда ҳолатига келтириш учун амалга оширилган бошқа жами харажатлар суммасидир.

**Ҳаққоний қиймат** - ўзаро алоқадор бўлмаган ва умумий шартларда битимни амалга оширишни хоҳловчи бохабар томонлар ўртасида активни алмаштириш ёки мажбуриятни қоплаш учун келишилган сумма;

**Соф сотиш қиймати** - оддий иш фаолияти давомидаги битим тузиш ва сотишни амалга ошириш учун зарур бўлган ва ҳисобланган харажатлар чегириб ташланган сотиш баҳосидир. Соф сотиш қиймати банк томонидан оддий ҳолларда КБТЭБ ни сотишдан олиши кутилаётган соф суммани англатади. КБТЭБ нинг соф сотиш қиймати ҳаққоний қийматдан сотиш харажатлари айириб ташланган қийматидан фарқ қилиши мумкин.

## **КАМ БАҲОЛИ ВА ТЕЗ ЭСКИРУВЧИ БУЮМЛАРНИ СОТИБ ОЛИШ ҲИСОБИ**

**КБТЭБ қийматини олдиндан тўлаб бериш билан сотиб олиш:**  
Мисол: Асакабанк 2015 йил 10 январь куни 1 000 000 сўмлик қоғозни “Камалак” фирмасидан (фирмани смети миллий банкда) сотиб олиди:

А	Дт	19909	"Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар"	Асака банк	1 000 000
П	Кт	20208	"Камалак" фирмаси	Миллийбанк	1 000 000

2) КБТЭБ омборхонага сотиб олинганлигини тасдиқловчи бирламчи хужжатлар асосида кирим қилиниб, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:

А	Дт	19921	Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"	Асака банк	1 000 000
А	Кт	19909	"Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар"	Асака банк	1 000 000

Агар тўлов КБТЭБ келиб тушгандан кейин амалга оширилса, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

1) КБТЭБ келиб тушганда;

А	Дт	19921	Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"	Асака банк	1 000 000
П	Кт	29802	"Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар"	Асака банк	1 000 000

2) КБТЭБ қиймати тўланганда:

П	Дт	29802	"Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар"	Асака банк	1 000 000
П	Кт	20208	"Камалак" фирмаси	Миллийбанк	1 000 000

КБТЭБ Бош банк/филиалдан филиаллар/бош банкка берилганда шу кунги банк хужжатларига моддий жавобгар шахсга тегишли филиал/бош банк томонидан (белгиланган тартибда) берилган талабнома ва ишончнома тикиб қўйилади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Республика Асакабанк 2015 йил 10 январт куни 1 000 000 сўмлик қоғозни Наманган вилоят филиалига сотиб олиди:

## 1.Бош банкда

А	Дт	16104	"Бош банк/филиаллардан олинадиган маблағлар - Товар моддий қимматликлар"	Республика	1 000 000
А	Кт	19921	Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"	Республика	1 000 000

### 13.2.КБТЭБ Бош банкдан филиалга қабул қилинганда бошланғич ҳужжатлар (юк хатлари) асосида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

А	Дт	19921	Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"	вилоят	1 000 000
П	Кт	22205	"Бош банк /филиалларга тўланадиган маблағлар - Товар моддий қимматликлар"	вилоят	1 000 000

Омборга қабул қилинган КБТЭБ да бирор бир номувофиқлик ёки нуқсон топилганда, юкни етказиб берган ташкилот вакиллари иштирокида далолатнома тузилади ва даъво билдирилади. Далолатноманинг учинчи нусхаси билдирилган даъво билан мол етказиб берувчига юборилади.

1) Банк даъвоси мол етказиб берувчи томонидан қабул қилинганда ёки суд томонидан тегишли қарор чиқарилганда омборга кирим қилинган КБТЭБ ни мол етказиб берувчига қайтариш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан амалга оширилади:

А	Дт	19909	"Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар"	Асака банк	1 000 000
А	Кт	19921	Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"	Асака банк	1 000 000

2) Қайтарилган маблағларни қайта ёзув билан вакиллик ҳисобварағига ўтказиш:

П	Дт	20208	“Камалак” фирмаси	Миллийбанк	1 000 000
А	Кт	19909	"Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар"	Асака банк	1 000 000

Банкка келаётган моддий бойликлар уларнинг сақланишига жавобгар бўлган омборхона мудири (омборчи) ёки банк бошлиғининг буйруғига асосан тайинланган бошқа ходим томонидан қабул қилинади. Жавобгар шахс - омборчи ёки бошқа ходим томонидан банкка қабул қилинаётган барча КБТЭБ бўйича рақамланган, тикилган ва бошқарувчи ҳамда бош бухгалтернинг имзоси ва банкнинг думалоқ мухр изи билан тасдиқланган журналда алоҳида махсус тизимдан ташқари ҳисоб юритилади.

## **2. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни тан олиш ва баҳолаш**

КБТЭБ ҳақиқатдаги ёки соф сотиш қийматларидан энг кам миқдори билан баҳоланади.

КБТЭБ нинг ҳақиқатдаги қиймати сотиб олиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар, ҳамда КБТЭБ ни жорий ҳолатига ва жойига келтириш мақсадида амалга оширилган бошқа харажатлардан иборатдир.

КБТЭБ ни сотиб олиш харажатлари харид нархи, импорт божлари ва бошқа тўловлар (кейинчалик банкка қайтариладиганларидан ташқари) ташиш, қайта ишлаш ва сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлардан иборат бўлади. Савдо чегирмалари, қоплаб беришлар ва бошқа шунга ўхшаш харажатлар сотиб олиш харажатларини аниқлаётганда чиқариб ташланади. (1-илова)

Бошқа харажатлар КБТЭБ нинг ҳақиқатдаги қийматига уларни жорий ҳолат ва жойига келтириш билан боғлиқ бўлган қисмигина қўшилади.

КБТЭБ нинг қийматига қўшилмасдан давр харажатлари сифатида харажат қилинган вақтда тан олинувчи харажатларга қуйидагилар мисол бўлади:

а) сақлаш харажатлари;

б) КБТЭБ ни жорий ҳолатига ва жойига келтириш билан боғлиқ бўлмаган маъмурий харажатлар;

в) сотиш харажатлари

Агар КБТЭБ ни сотиб олиш бўйича шартномада молиялаштириш элементи ишлатилган бўлса, масалан, оддий ҳолдаги сотиб олиш шартларидаги тўланадиган баҳо билан тўланган баҳо ўртасидаги фарқ бутун харидни молиялаштириш давомида фоизли харажатлар сифатида тан олинади.

### **Қийматни аниқлаш формуласи**

Бир хил бўлмаган ва махсус мақсадлар учун ажратилган (масалан, янги дастурий воситани жорий этиш учун олинган ускуналар) КБТЭБ нинг ҳақиқатдаги қиймати аниқ харажатларнинг алоҳида қийматларини махсус аниқлаш орқали ўрнатилади.

Қийматларни махсус аниқлаш - бу маълум турдаги КБТЭБ қийматига аниқ харажатларни олиб боришдир. Бу усул махсус мақсадлар учун алоҳида ажратилган моддаларга нисбатан талаб этилади. Агарда одатда бир хил нархли КБТЭБ нинг катта миқдори мавжуд бўлса, махсус баҳолаш талаб этилмайди. Бундай ҳолларда олдиндан фойда ёки зарарга таъсирни аниқлаш учун КБТЭБ га тегишли бўлган моддаларни ажратиб олиш усулидан фойдаланиш мумкин.

Мазкур Низомнинг 15-бандида таърифланган КБТЭБ дан бошқаларининг ҳақиқатдаги қиймати "биринчи келиш - биринчи кетиш" принципи (ФИФО) ёки ўртача тортилган қиймат формуласи ёрдамида аниқланади. Банк бир хил тавсифга эга бўлган ва банк томонидан бир хил мақсадда ишлатиладиган КБТЭБ бўйича бир хил қиймат формуласидан фойдаланади. Банк бошқа хил тавсифга эга бўлган ва банк томонидан бошқа

мақсадда ишлатиладиган КБТЭБ бўйича бошқа қийматни аниқлаш формуласидан фойдаланиши ҳам мумкин.

ФИФО усулида биринчи бўлиб сотиб олинган КБТЭБ биринчи бўлиб ишлатилади ва ўз навбатида давр охирида товар моддий захираларда қолган КБТЭБ қолдиғи кейинги харид нархи билан ҳисобга олинади. (2-илова) Ўртача тортилган қиймат формуласидан фойдаланилганда ҳар бир объектнинг қиймати худди шундай объектларнинг давр бошидаги ва давр мобайнида сотиб олинган ўртача тортилган қийматига тенг. Ўртача қиймат банкдаги шароитдан келиб чиқиб даврий равишда ёки ҳар бир қўшимча КБТЭБ лар сотиб олинганда ҳисобланиши мумкин.

### **Соф сотиш қиймати**

КБТЭБ нинг ҳақиқатдаги қиймати агар улар шикастланган ёки уларнинг сотиш нархи пасайганда қопланмаслиги мумкин. Банклар бундай зарарлар миқдорини КБТЭБ ни соф сотиш қийматини баҳолаш орқали аниқлайдилар.

КБТЭБ нинг баҳоланган соф сотиш қиймати мазкур баҳолашни амалга ошириш давридаги энг ишончли фактларга ва сотилиши кутилаётган КБТЭБ ни тасдиқланган қийматига асосланган бўлади. Бу баҳолаш бевосита ҳисобот санасидан кейин рўй берган воқеалар билан боғлиқ нарх ўзгаришларини, ҳисобот санасига мавжуд бўлган шартлар тасдиқланган даражада ҳисобга олади.

Банклар бухгалтерия ҳисобида ҳар қандай зарар ёки КБТЭБ ни қийматини соф сотиш қийматигача камайтириш бўйича харажатларни, зарар ёки қиймат камайиши рўй бераётган ҳар бир ҳисобот даврида акс эттиришлари шарт. Банклар ҳар бир КБТЭБ ни соф сотиш қийматигача ҳисобдан чиқариш бўйича тизимдан ташқари ҳисоб юритишлари шарт. Тизимдан ташқари ҳисоб юритишда соф сотиш қийматигача ҳисобдан чиқариш ҳар бир КБТЭБ бўйича алоҳида юритилади. Баъзи ҳолатларда агар ҳисобга олинаётган КБТЭБ оғирлиги ёки бошқа шу каби кўрсаткичлари

бўйича бир хил бўлса, уларнинг ҳисоби шу кўрсаткичлар бўйича гуруҳлаштириш орқали алоҳида карточкаларда юритилиши мумкин.

Ҳар бир кейинги даврда соф сотиш қийматини янгидан баҳолаш амалга оширилади ва зарур бўлса қўшимча ҳисобдан чиқаришлар амалга оширилади. Шундай қилиб, янги баланс қиймати ҳақиқатдаги қиймат ва қайта кўриб чиқилган соф сотиш қийматининг энг кичигига тенгдир.

Банклар КБТЭБ соф сотиш қийматигача ҳисобдан чиқаришни қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан амалга оширадilar:

А	Дт	56895	"Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш"	Асака банк	1 000 000
А	Кт	19921	Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"	Асака банк	1 000 000

КБТЭБ омбордан ишлатиш учун берилганда шу сана учун харажат сифатида тан олинади. Агар КБТЭБ чиқиб кетаётган бўлса, унга мос даромад тан олинган санада тегишли харажат ҳам тан олинади. КБТЭБ ни соф сотиш қийматигача ҳисоб дан чиқариш ва КБТЭБ бўйича кўрилган зарарлар, ҳисобдан чиқариш амалга оширилган ёки зарар кўрилган даврда давр харажати сифатида тан олинади.

Баъзи бир КБТЭБ, масалан, банк ҳисобидан куриллаётган асосий восита ҳисобига қўшиладиган КБТЭБ бошқа активлар ҳисобига ўтказилиши мумкин. Бошқа актив таркибига бундай йўл билан қўшилган КБТЭБ активнинг фойдали ишлатилиш даври мобайнида харажат сифатида тан олиб борилади.

### 13.3.КБТЭБ ни ҳисобдан чиқариш ҳисобини юритиш тартиби

Омбордан КБТЭБ қуйидаги ҳолларда ҳисобдан чиқарилади:

- 1) фойдаланишга берилганда;
- 2) сотилганда;
- 3) бепул (текинга) берилганда;
- 4) камомад аниқланганда ва фойдаланиш учун яроқсиз бўлганда;
- 5) форс-мажор ҳолатларда.

**КБТЭБ ни фойдаланишга бериш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:**

А	Дт	56406	"Девонхона, офис ва бошқа буюмлар харажатлари"	Асака банк	1 000 000
А	Кт	19921	Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"	Асака банк	1 000 000

Бунда фойдаланиш (эксплуатация)даги ва омбордаги КБТЭБ нинг сақланиши устидан назорат ва уларнинг ҳисоби тизимдан ташқари журналларда (журналлар номерланган, тикилган ва банкнинг раҳбари, бош бухгалтери имзоси ва думалоқ муҳрининг изи билан тасдиқланган бўлиши шарт) амалга оширилади. Тизимдан ташқари ҳисоб кунлик равишда олиб борилади ва КБТЭБ ни мос бандлари қолдиғини кўрсатган ҳолда ҳар бир ҳисобот санасига тузилади.

Банк ортиқча КБТЭБ ни сотганда (КБТЭБ шартномада келишилган нархларда сотилади) қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

- 1) КБТЭБ ни сотиш суммасига:

Мисол: Агробанк 2014 йил 1 август куни 10 000 000 сўмлик КБТЭБ сотиб олган эди. Шундан 2 000 000 сўмлик ортиқча сотиб олган КБТЭБ сотди.

П	Дт	20208	Мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи-“Халим” фирмасига	Асака банк	1 000 000
П	Кт	29802	"Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар"	Агробанк	1 000 000

2) КБТЭБ банк бериб юборди:

П	Дт	29802	“Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар"	Агробанк	2 000 000
А	Кт	19921	"Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"	Агробанк	2 000 000

3) КБТЭБни нархини устига фойда қўйиб сотди:

П	Дт	29802	"Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар"	Агробанк	3 000 000
А	Кт	19921	"Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"	Агробанк	2 000 000
П	Кт	45913	"Банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда" - "соф тушум" ва баланс қиймати ўртасидаги фарқ суммасига	Агробанк	1 000 000

4) КБТЭБ зарар билан сотилганда:

П	Дт	29802	"Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар"	Агробанк	1 000 000
А	Дт	55906	"Банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар"	Агробанк	1 000 000
А	Кт	19921	"Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"	Агробанк	2 000 000

Камомад чиққан, яроқсиз ҳолга келган (айбдор шахслар аниқланмаган ҳолда), текинга берилган, шунингдек, форс-мажор ҳолатларда КБТЭБ нинг қиймати, банк томонидан белгиланган тартибда, зарарга чиқарилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади: Ортиқча олинган КБТЭБ камомади чиққан

А	Дт	56795	"Бошқа операцион харажатлари"	Агробанк	2 000 000
А	Кт	19921	"Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"	Агробанк	2 000 000

### 13.4.КБТЭБни инвентаризация қилиш

Фойдаланилаётган ва омбордаги КБТЭБ бўйича, уларнинг сақланиши ва ҳақиқатда мавжудлиги устидан назоратни таъминлаш учун йилда камида бир марта инвентаризация ўтказилади. Инвентаризация ўтказиш тартиби банк раҳбарияти томонидан белгиланади.

Моддий бойликлар камомати аниқланган ҳолда, уларнинг қиймати айбдор ва моддий-жавобгар шахслардан қонунчиликда ўрнатилган тартибда ундириб олинади. Етказилган зарарлар миқдорини банк ходимининг етказган зарари учун унинг моддий жавобгарлиги доираси ва тартибини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

КБТЭБ нинг камомати, шунингдек, айбдор шахс айби билан яроқсиз ҳолга келган (айбдор шахс аниқланганда) КБТЭБ нинг қиймати инвентаризация комиссиясининг бошлиғи ва аъзолари, моддий жавобгар шахс (омбор мудури) томонидан имзоланган акт билан расмийлаштирилади ва моддий-жавобгар шахслардан белгиланган тартибда ундириб олинади ҳамда қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали расмийлаштирилади:

Агробанк томонидан сотиб олган 2 000 000 сўмлик КБТЭБ инвентаризация натижасида айбдори топилганда.

А	Дт	19908	"Банк ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китобларда ундириб олинмиши лозим бўлган маблағлар"	Агробанк	2 000 000
А	Кт	19921	"Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"	Агробанк	2 000 000

Айбдор ходимларнинг иш ҳақидан ундириб олинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

П	Дт	29803-	"Банк ходимлари билан ҳисоб-	Агробанк	2 000 000
---	----	--------	------------------------------	----------	-----------

		6710	китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар"		
А	Кт	19908	"Банк ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китобларда ундириб олинмиши лозим бўлган маблағлар"	Агробанк	2 000 000

Белгиланган тартибда банк ходимидан касса орқали ундириб олинганда:

А	Дт	10101	"Амалиёт (операцион) кассадаги нақд пуллар"	Агробанк	2 000 000
А	Кт	19908	"Банк ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китобларда ундириб олинмиши лозим бўлган маблағлар"	Агробанк	2 000 000

Агар инвентаризация пайтида омборда ҳисобда бўлмаган буюмлар аниқланса, улар инвентаризация комиссияси томонидан бозор нархида баҳоланиб, белгиланган тартибда омборга кирим қилинади. Бунда қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

А	Дт	19921	"Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"	Агробанк	2 000 000
П	Кт	45994	"Бошқа фоизсиз даромадлар"	Агробанк	2 000 000

Омбор мудури (омборчи) ишдан бўшаши, бошқа ишга ўтказилиши, меҳнат таътилига кетиши ёки беморлиги туфайли алмаштирилган тақдирда, банк раҳбарининг буйруғи билан ходимлар таркибидаги ҳайъат томонидан топширувчи ва қабул қилувчи ходимлар иштирокида омборда тўлиқ инвентаризация ўтказилади ҳамда мажбурий равишда қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилади.

Банк Б 200 канцелярия папкаларини 2.500 сўмдан жами 500.000 сўмга сотиб олди. Транспорт харажатлари 5.000 сўмга тенг бўлган. Бундан ташқари, сотувчи умумий суммадан 3% чегирма берган.

Қиймат  $200 \times 2.500 \text{ сўм} = 500.000 \text{ сўм}$

Чегирма  $500.000 \times 3\% = 15.000 \text{ сўм}$

Траспорт харажатлари 5.000 сўм

$500.000 \text{ сўм} - 15.000 \text{ сўм} + 5.000 \text{ сўм} = 490.000 \text{ сўм}$

Натижада, банк 200 папкани ўзида 490.000 сўмга акс эттиради.

### **КБТЭБ ни сотиб олиш ва ҳисобдан чиқариш ҳисоби**

КБТЭБ ни ҳисобини юритишда банк ФИФО усулидан фойдаланади.

Масалан, Банк А 2002 йил 1 октябрда 5 кг қоғозни килограммини 1500 сўмдан сотиб олди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2017 йил январ.
2. Омонов А.А., Каралиев Т.М. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Т., МОЛИЯ – ИҚТИСОД 2014 й.
3. Наврузова К.Н., Каримов Н.Ғ.,Ортиқов У.Д. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ВИП ПОЛИГРАФ.Т., 2013 й.
4. Наврузова К.Н.,Ортиқов О.А. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Чўлпон. 2014й.
5. Наврузова К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника Т., МОЛИЯ – ИҚТИСОД 2010 й.
6. Темиров А.А. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника Т., ТДИУ 2010 й.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Каримов Н.Ғ., Костина Л.М. Бухгалтерский учёт и операционная техника в коммерческих банках: Учебник. – Т.:ТГЕУ, 2011.
2. Муругова И.А. Операционная техника и учет в банках. - Т.: 2010. МОЛИЯ – ИҚТИСОД
3. Наврузова К.Н., Қуллиев И. Марказий банкда бухгалтерия ҳисоби Т.: МОЛИЯ – ИҚТИСОД 2007 й.
4. Наврузова К.Н.,Ортиқов О.А. Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими - ТМИ 2005
5. Парфенов К.Г “Банковский учет и операционная техника в коммерческих банках” Изд-3-е переработка. –М.: 2009 г.
6. К.М.Совская «Банковский-финансовый учет и аудит» Учеб.пос. М «Форум»-2012 г.

## Интернет сайтлари

1. [www.сбу.уз](http://www.сбу.уз).
2. [www.бфа.уз](http://www.бфа.уз)
3. [www.уба.уз](http://www.уба.уз)
4. [www.банкслуп.ру](http://www.банкслуп.ру)
5. [www.банкдело.ру](http://www.банкдело.ру)
6. [www.ипосредит.ру](http://www.ипосредит.ру)
7. [www.банкрефератов.ру](http://www.банкрефератов.ру)
8. [www.банкир.ру](http://www.банкир.ру)

## Қонунлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 21.12.1995 й. Н 154-И «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 25.04.1996 й. Н 216-И «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»

## Бошқа меъёрий ҳужжатлар:

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 21 январда 1301-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банкларида молиявий ҳисоботларидаги хатоларни тузатиш тартиби тўғрисида» низом
4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 24 июлда 1602-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари»
5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 30 ноябрда 1528-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида» низом
6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 30 ноябрда 1528-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банкларида

- молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида» низом
7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 17 декабрда 1431-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банкларида қимматбаҳо металллар, тошлар ва тангаларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида» низом
  8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 27 декабрда 1648-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида» низом
  9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 30 январда 1306-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида» низом
  10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 17 декабрда 1434-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» йўриқнома
  11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 14 январда 1199-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси банкларида номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» йўриқнома
  12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 15 июлда 1496-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида» йўриқнома
  13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 19 январда 1885-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» йўриқнома
  14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 11 июлда

- 1834-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида» йўриқнома
- 15.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 21 январда 1300-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банкларида грантларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» низом
- 16.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 13 августда 773-17-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси»
- 17.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 3 сентябрда 1270-сон билан рўйхатга олинган «Банкларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботи тўғрисида» низом
- 18.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 24 июлда 1839-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида» низом
- 19.Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 17.08.2000 й. Н 957 «Нақд чет эл валютасига оид операцияларни амалга ошириш қоидалари»
- 20.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 15 мартда 2342-сон билан рўйхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги» йўриқнома
- 21.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2014 йил 4 апрелда 2570-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоб-китоблар клиринг тизими тўғрисида» низом
- 22.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 14 февралда 1545-сон билан рўйхатга олинган «Марказий банкнинг

- банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида» низом
23. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 19 октябрда 2021-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги» низом
24. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 9 сентябрда 2004-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги» низом
25. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2013 йил 3 июнда 2465-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги» низом
26. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 27 апрелда 1948-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида» йўриқнома
27. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 11.02.1999 й. Н 632 «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби»
28. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 25.07.2000 й. Н 949 «Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида низом».

## МУНДАРИЖА

### **БАНКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ.**

6

Банкларда бухгалтерия ҳисобининг мазмуни ва уни ташкил этишнинг аҳамияти.....	6
Банк ҳисоб-операцион аппаратининг тузилиши.....	19
Бухгалтерия ходимининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	32
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақалар режалари ва уларнинг тавсифи.....	35
Банк баланси ва унинг тузилиши.....	41

### **БАНК ҲУЖЖАТЛАРИ, ҲУЖЖАТЛАР АЙЛАНИШИ ВА БАНК НАЗОРАТИ**

48

Банк ҳужжатларининг мазмуни, аҳамияти, турлари ва уларнинг тавсифи.....	48
Электрон ҳужжатлар ва уларни шакллантириш.....	53
Банкларда ҳужжатлар айланишини ташкил қилиш.....	59
Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш тартиби.....	65
Ички банк назорати, унинг турлари ва аҳамияти.....	80

### **БАНКЛАРДА СИНТЕТИК ВА АНАЛИТИК ҲИСОБ.**

86

Синтетик ва аналитик ҳисобларининг мазмуни.....	86
Синтетик ҳисоб (бош китоб) ва унинг тавсифи.....	99
Бош ва ердамчи китобларни текшириш.....	100
Бухгалтерия ёзувларидаги хатоларни тузатиш тартиби.....	105

### **МИЖОЗЛАРГА ҲИСОБВАРАҚ ОЧИШ ТАРТИБИ.**

107

Банкларда очил адиган банк ҳисобварақлари.....	107
Банк ҳисобварақларини юритиш бўйича шартнома ва унинг мазмуни.....	123
Ҳисобварақларни очиш ва юритиш тартиби.....	126

### **НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ – КИТОБЛАР ҲИСОБИ.**

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва уларни ташкил этиш асослари.....	135
--	-----

Тўлов топширикномалари бўйича ҳисоб-китоблар.....	144
Тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар.....	148
Инкассо топширикномаси билан ҳисоб-китоблар.....	157
Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар.....	165
Мемореал ордерлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби, уларни расмийлаштирилиши ва ҳисобини юритиш.....	170
Тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеки билан ҳисоб-китоблар	172
Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар.....	177
<b>БАНКЛАРАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ ҲИСОБИ</b>	<b>183</b>
Банклараро ҳисоб-китобларнинг мазмуни ва уларнинг ташкил этилиши.....	183
Банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари, очилиши ва юритилиши.....	201
Электрон тўловлар тизими.....	204
Банклараро ҳисоб-китобларнинг электрон тўлов тизими орқали ташкил этилиши ва ҳисобга олиниши.....	206
Ҳисоб марказлари ишининг ташкил этилиши.....	210
Ягона вакилик ҳисобварағининг моҳияти, аҳамияти ва юритилиши.....	215
<b>БАНКЛАРДА КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ</b>	<b>225</b>
Банкларда касса операцияларини ташкил қилиш.....	225
Кирим касса операциялари бўйича ҳужжатлар айланиши, ҳисоби ва назорати.....	231
Чиқим касса операциялари бўйича ҳужжатлар айланиши, ҳисоби ва назорати.....	234
Кечки кассаларнинг фаолияти, пул тушумларини инкассация қилиш тартиби ва ҳисоби.....	237
Йўлдаги пулларни ҳисобга олиш.....	247
Заҳирадаги нақд пулларни ҳисобган олиш.....	250
<b>КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ</b>	<b>254</b>
Қиска ва узоқ муддатли кредитлаш операциялари ҳисобининг.....	254

Ссуда ҳисоб варақаларини очиш тартиби.....	268
Кредит линияларини очиб ва очмасдан алоҳида ссуда ҳисобварақларидан кредит бериш ва қайтариш операцияларининг ҳисоби.....	271
<b>БАНКЛАРДА ФАКТОРИНГ ВА ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ</b>	290
Факторинг операциялари моҳияти ва уларнинг ҳисобини ташкил этилиши.....	290
Факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби, факторинг операциялари ҳисобини юритишнинг хусусиятлари, факторинг операцияларининг ҳисоби.....	292
Лизинг операциялари ҳисобининг ташкил этилиши; лизинг операциялари турлари ва уларни амалга ошириш тартиби.....	297
Лизинг операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши.....	307
<b>БАНКЛАРДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БИЛАН ОПЕРАЦИЯЛАР ҲИСОБИ</b>	320
Қимматли қоғозлар таърифи ва уларнинг турлари.....	320
Тижорат банклари томонидан чиқариладиган қимматли қоғозлар ҳисоби.....	324
Банк томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар ҳисоби.....	331
Тижорат банклари капиталини ташкил қилиш билан боғлиқ қимматли қоғозлар операциялари ҳисоби.....	333
<b>БАНКЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ</b>	334
Валюта операциялари моҳияти ва турлари.....	334
Банк операцияларини чет эл валютасида ҳисобга олинишининг ўзига хос хусусиятлари.....	337
Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисобида. Акс эттирилиши.....	343
<b>«БАНКЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ»</b>	346
12.1 Асосий воситаларни бирламчи акс эттириш ва ҳисобга олиш.....	346
12.2.Асосий воситаларни сотиб олишни ҳисобга олиш.....	350
Гаровга эгалик ҳуқуқини кўллаш (гаровга қўйилган мол-мулкни	355

ундириш) йўли билан олинган асосий воситаларни ҳисобга олиш.....	
Асосий воситаларни қайта баҳолаш.....	356
Асосий воситаларнинг амортизацияси (эскириши).....	363
Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши ва сотилиши.....	366
Асосий воситаларнинг бош банк ва унинг филиаллари ўртасидаги ҳаракатини ҳисобга олиш.....	370
Асосий воситаларни инвентарлаш.....	371
<b>БАНКЛАРИДА КАМ БАҲОЛИ ВА ТЕЗ ЭСКИРУВЧИ - БУЮМЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ</b>	373
Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни сотиб олиш ҳисоби.....	373
КБТЭБ Бош банкдан филиалга қабул қилинганда бошланғич ҳужжатлар (юк хатлари) асосида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.....	376
КБТЭБ ни ҳисобдан чиқариш ҳисобини юритиш тартиби.....	381
КБТЭБни инвентаризация қилиш.....	384
Адабиётлар рўйхати.....	387

